

**АЛ ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ**

**ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ**

# **ОШИҚНОМА**

**3 - КИТОБ**

**МАСЬУЛ МУҲАРРИР:**  
**ПРОФЕССОР С.Р.РЎЗИМБОЕВ**

**УРГАНЧ -2008**

«Ошиқнома» рукни остида 3-китоб бўлиб чиқаётган ушбу мажмуага «Юсуф ва Аҳмад», «Лайли ва Мажнун», «Гул ва Санобар» достонларининг қўлёзма нусхалари ҳамда «Хурилиқо ва Ҳамро» достонининг оғзаки варианти киритилди. Мазкур достонлар ҳам китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлади деган умиддамиз.

**Таҳрир ҳайъати:** Абдулла Аҳмедов, Иқром Давлетов, Матназар Абдулҳаким, Сотим Аваз, Баҳодир Бобоҷонов, Муяссар Раҳимова, Сафарбой Рўзимбоев, Рўзимбой Эшчонов, Рўзимбой Йўлдошев, Жумабой Юсупов

**Нашрга тайёрловчилар:** С.Р.Рўзимбоев, А.Аҳмедов, С.С.Рўзимбоев, И.Деванова

Тақризчи: проф.Ж.Юсупов

**«ХОРАЗМ» НАШРИЁТИ – 2008.  
С.Р.РЎЗИМБОЕВ, А.АҲМЕДОВ, С.С.РЎЗИМБОЕВ, И.ДЕВАНОВА**

**«ОШИҚНОМА»**

## ВАТАНПАРVARЛИК, СОФ СЕВГИ, ЮКСАК ИЙМОН ВА ЭЪТИҚОДНИ УЛУҒЛОВЧИ АСАРЛАР

Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида қўлёзма ва оғзаки тарзда кенг оммалашган достонлардан бири «Юсуф ва Аҳмад»дир. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар ушбу достон ҳақида «... тадқиқотчи учун ҳам, кенг ўқувчилар оммаси учун ҳам катта қизиқиши туғдирадиган «Юсуф ва Аҳмад», «Юнус пари» каби қатор асарлар ҳалигача қўлёзма ҳолида турибди»<sup>1</sup>, деб ёзадилар. Дарҳақиқат, ушбу достон ҳақида айrim манбаларда йўл – йўлакай муайян фикрлар айтилса-да<sup>2</sup>, мазкур асар ҳақида анча вақтгача бирор маҳсус иш юзага келмади. Нихоят, 1991 йилда достоннинг Хоразм вариантига бағишиланган маҳсус тадқиқот яратилди.<sup>3</sup>

Достон қаҳрамонлик, ватанпарварлик, соф севги, юксак иймон ва эътиқодни улуғловчи асардир. Хоразмда кўплаб тошбосма ва қўлёзма нусхалар мавжуд бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам нашр этилмаган. Фақат достоннинг Пўлкан ва Фозил шоирдан Ҳоди Зариф ёзиб олган варианти 1978 йилда босмадан чиқди. Асарнинг туркман, қорақалпок, уйғур версиялари ҳам турли даврларда чоп этилган<sup>4</sup>.

Хоразмда достоннинг оғзаки варианти фақат мархум бахши Жумабой Худойберганов репертуаридагина бўлганлиги ҳақида аниқ далиллар мавжуд. Бироқ бу вариант ёзиб олинган бўлса-да, ҳозиргача уни топиш имкони бўлмади.

В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар ушбу достонни XYI-XYII асрларда Хоразмда шаклланганлигини таъкидлайдилар<sup>5</sup>. Ушбу фикрни достон ҳақида маҳсус тадқиқот олиб борган ёш олим Р.Жуманиёзов ҳам тасдиқлайди ва ўзининг номзодлик ишида бу масалада кўпгина далилларга, тарихий шахслар билан боғлиқ қатор ёзма манбаларга мурожаат этади<sup>6</sup>. Ҳақиқатан ҳам Хоразмда тарқалган кўплаб тошбосма ва қўлёзма нусхаларни кўздан кечириш, асарнинг Хоразмда шаклланганлигини тасдиқлайди.

Қўлимизда достоннинг шовотлиқ Ниёзжон халфага тегишли нусхаси бор бўлиб, у 192 сахифани ташкил этади. Унинг таркибида 3300 мисра шеърий парча

- 
1. Жирмунский В.М. Зарифов Ҳ.Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947, с.490.
  2. Саидов М. Ўзбек достончилигига бадиий маҳорат, Т., 1969; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари Т., 1979; Мирзаев Т, Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти, «Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари», Т., 1981; Рўзимбоев С. «Хоразм достонлари», Т., 1985 ва бошқалар.
  3. Джуманиязов Р.М. Народный дастан «Юсуфбек и Ахмадбек и его исторические основы. АКД, Т., 1991.
  4. Магрупи Г.А. Юсуп – Ахмет, Ашгабат, 1943; «Қарақалпақ фольклоры» XYI том, Нокис, 1986, 116-253-бетлар; Дастанлар. Йусуф ва Ахма. Алмута, 1982, 101-253-бетлар.
  5. Жирмунский В.М. Зарифов Ҳ.Т. Кўрсатилган асар, 449-бет.
  6. Джуманиязов Р.М. АКД, Т., 1991, 14-бет.
  7. Вамбери Ҳ. Чигатой тили дарслиги, Лейпциг, 1867, 94-114-бетлар.

жамланган. Мазкур қўлёзмада асарнинг Хоразм билан узвий алоқадорлигини тасдиқловчи мисралар кўплаб учрайди:

Кўзинг очғил Аҳмаджоним,  
Дин Хоразм шахрим қолди...(Қўлёзма, 6-бет)

Аслимдур Урганч юртидин,  
Ўзбекдур элларим менинг...(Қўлёзма, 61-бет)

Юсуфбек дер: мусулмонам,  
Ғаниматдур бу зинданам,  
Хоразмда ман сultonам,  
Урганчдур жойларим манинг. (Қўлёзма, 42-бет)

Ҳ.Вамберининг «Хрестоматия»сида берилган парчалар ҳам Хоразмдан олиб кетилган қўлёзма нусхадан олинган.<sup>7</sup> Ниёзжон халфа варианти мажмууда берилаётган матнга асос қилиб олинди.

Мажмууда тақдим этилаётган «Лайли ва Мажнун» достонининг қўлёзма нусхалари ҳам жуда кўп. Албатта уларнинг барчасида битта масала – Лайли ва Мажнунларнинг илоҳий севгисини мадҳ этиш асосий ўринни эгаллайди. Бироқ бу сюжетни ҳар бир ижодкор ўз тасаввури доирасида талқин қилган.

Биз китобхонларга тақдим қилаётган матн таркибида учта мухаммас, бешта ғазал, битта маснавий иккита байт бор. Қолган барча шеърий парчалар мураббаъ жанрига тегишлидир.

Мазкур достоннинг араб ёзувидағи нусхаси Хонқа тумани Сарапоён қишлоғида яшовчи Шукур халфага тегишлидир. Хоразмда тарқалган қўлёзма достонлар одатда туркманлар орасида тарқалган қўлёзма нусхаларга жуда мос келади. Бироқ, «Лайли ва Мажнун»нинг ушбу нусхаси алоҳида бир оригиналликка эга бўлиб, бошқа туркий нусхалардан, жумладан Андалиб достони сюжетидан ҳам жиддий фарқ қилади. Бу нусха номаълум хоразмлик ижодкор қаламига тегишли бўлса керак.

Достон мазмуни кўп жиҳатлари билан Фузулий қаламига мансуб бўлган «Лайли ва Мажнун» достонига ўхшаш келади. Айниқса бу хусусият унинг дебоча қисмида кўпроқ кўринади.

Достон сюжети бошқа нусха ва варианtlар билан умумийлик касб этса-да, унда маълум бир алоҳидаликлар ҳам мавжуд. Ушбу нусхадаги матнда шеърий қисмга кўпроқ эътибор қаратилган. Улар анча мукаммал ва ўқимишлидир.

Достонни кўчирган котиб А.Навоийнинг «Хамса»сидан ҳам воқиф бўлса керакки, матнга ундан «Хамсадин бир байт» рукни остида қуидаги мисраларни олган:

Бир наъшға солдилар иковни,  
Жонсиз келину ўлик куёвни.

Мазкур омиллар достоннинг Хоразм нусхасини индивидуал ижодкорга тегишли бўлса керак, деган фикрга олиб келади.

«Ошиқнома»да берилаётган «Гул Санобар», баъзан «Санобар» номи билан юритиладиган достон Марказий Осиё халқлари орасида анча кенг тарқалган.

Айрим манбаларда таъкидланишича, достон XVIII асрда яшаган туркман шоири Шайдоий томонидан ижод қилинган<sup>8</sup>. Гул ва Санобар ҳақида ривоят, ҳикоят, эртак ва достонлар араб, форс ва ҳинд фольклорида ҳам учрайди. Унинг бир манбаси «Минг бир кеча» эртакларига бориб боғланади<sup>9</sup>.

Бу достон Мұхаммад Зокир Мусоқори ўғли томонидан 1326 ҳижрий, 1908 милодий йилда Тошкентдаги Ғуломия тошбосмасида чоп этилган.

Хоразмда унинг кўплаб кўлёзма нусхалари халфалар ва қиссаҳонлар репертуарида ўқилиб келинган. Бироқ баҳшиларнинг оғзаки репертуарида достоннинг куйланганлиги ҳақида маълумот йўқ.

XIX аср ўрталарида Хоразмга келган Ҳ.Вамбери «Санобар» достонининг «Бахши китоби» мажмуасининг ичига киритилган бир нусхасини олиб кетган ва ундан айрим парчаларни «Чигатой тили дарслиги»да чоп этган<sup>10</sup>. Жумладан, унда қуидаги парчалар мавжуд:

Таърифнинг айлайин ақли мастона,  
Қозондин қародур кўзларинг санинг.  
Шаъннингга айтайин бир турфа достон,  
Шишадин сарадур юзларинг санинг.

Эйнинга кийибсан қора либоси,  
Билмам киминг учун турибсан ёси,  
Узатма кўлингни кўпдур изоси,  
Таёқдан қаттидур алларинг санинг.

Ушбу мисраларни бизнинг нашр қилаётган нусхамиздаги матнга солиширганда унчалик катта фарқлар сезилмади.

Достонда мифологик мотивлар жуда кучли тарзда намоён бўлади. Ушбу мотивлар эртак варианлари орқали достонга кўчиб, асар ёзма нусхалар орқали оммалашганлиги учун барқарор сақланиб келган. Унда диний мотивлар ҳам анча кучли. Бироқ Шайдоий мифологик ва диний мотивларни усталик билан дунёвий тасвирга ўтказа олган. Ундаги севги – муҳаббат мотиви ҳаёт ҳақиқатига анча яқинлашади. Эркин севгини қадрлаш, унга эришиш учун дадил курашиш асарнинг асосий ғояларидан биридир.

Достон кўп нусхаларда котиблар томонидан кўчирилганлиги учун ўзаро вариант берадиган кўлёзмалар ҳам мавжуд.

Достоннинг тили халқ тилига яқин, шеърлари жозибадор, ўйноқи ва гўзал ташбеҳларга бойдир. Кўпгина халфалар уни оғзаки ижро этишади. Шеърларининг аксарияти хонандалар репертуаридан жой олишга ултурган.

Мажмуада китобхонга тақдим қилинаётган «Ҳурилиқо ва Ҳамро» достони Марказий Осиё халқлари ижодида кенг тарқалган.

8. Абдуллаев В.Ўзбек адабиёти тарихи, II китоб, -Т.: «Ўқитувчи», 1967, 126-бет.

9. Мередов А., Ахаллы С. Туркмен классык эдебиятынын созлуги, Ашгабат, «Туркменистан», 1988, 94-бет.

10. Чигатой тили дарслиги, Лейпциг, 1867, 132-133-бетлар.

Бу достон ҳақида тадқиқот ишлари олиб борган Г.Веселков, А.Мирбадалова каби олимлар мазкур асарнинг шаклланиш тарихини XVI – XVIII асрларга тегишли деб ҳисоблайдилар<sup>11</sup>. Достон ҳақидаги илк қайдлар академик Радловнинг ишларида кўзга ташланади. Талантли олим асарнинг уйғур ва қозоқ вариантидан айрим парчаларни 1870 йилларда ёқ эълон қилган эди.

«Ҳурилиқо ва Ҳамро» достони туркман фольклоршунослари томонидан бир неча марта нашр этилди. Унинг саккизта варианти асосида тайёрланган мукаммал нашри 1978 йилда чоп этилди<sup>12</sup>.

«Ҳурилиқо ва Ҳамро» достонининг икки нусхасини 1863 йилда Хивага келган Ҳ.Вамбери олиб кетган. Бу ҳакда у шундай ёзади:

«Ҳамро татар Адонисидир. Унга опа – сингил Ҳурилиқо ва Ҳуризаъфаронлар ошиқ бўлиб қолишади.

Менинг қўлимда Хива лаҳжасида ёзилган икки нусха қўлёзма бор. Уларнинг иккаласида ҳам севги азоблари ва қаҳрамонлар тасвири бир хил. Шу сабабли уларнинг биринчисини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди<sup>13</sup>.

Ҳ.Вамберининг Ҳамрони Адонисга қиёслаши достондаги бош қаҳрамоннинг севги тимсолида намоён бўлишидир. Маълумки, Адонис юонон афсоналаридаги эпик ошиқ образи бўлиб, деярлик бутун Европага машҳурдир<sup>14</sup>.

Ҳ.Вамбери қўлидаги нусхалар мазмуни биз чоп қилаётган нусхадаги мазмунга кўп жиҳатлари билан мос келмайди. Унинг олиб кетган қўлёзмалари афтидан тўла кўчирилмаган чала нусхалар бўлса керак.

Мазкур тўпламда берилаётган матн манғитлик Турсун баҳши Жуманиёзовдан ёзиб олинган вариант асосида берилаёттир. Шу нарсани таъкидлаш керакки, достонда тўғрилик ва одилликнинг қабоҳат ва разолат устидан, раҳмдиллик ва инсонийликнинг ғайри инсоний хислатлар устидан ғалаба қилишининг тасвирланиши, севгидаги садоқат ва эркинликнинг тараннум этилиши унинг халқ орасида янада кенг оммалашishi ва ардоқланиб ўқилишини асрлар бўйи таъминлаб кела олган.

Бинобарин, «Ошиқнома» мажмуасининг учинчи китобига киритилган барча достонлар ўзининг оригиналлик хусусиятига эга бўлиб, китобхонларда эзгу таассуротлар қолдира олади.

Ушбу достонларни табдил қилишда яқиндан ёрдам берган матншунос олим Султон Мирзога алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

**Профессор: С.Рўзимбоев  
Доцент: Х.С.Рўзимбоев**

11. Қаранг: Туркмен эдебиятинин, очерклери ,Ашгабад – 1945; Хуйрлугка – Хемра. Ашгабат, ТДН, 1963 й.

12. Хуйрлугка – Хемра. «ЫЛЫМ», Ашгабат, 1978 йил.

14. Чигатой тили дарслиги, 35-бет.

15. Фрезер Дж. Золотая ветвь – М.: ИПЛ., 1986, С.306-326.

## **ЮСУФ ВА АҲМАД**

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоғ ривоят қилурлар ким Исфаҳон шаҳринда Бўзўғлон деган бир подшоҳ бор эрди. Анинг Оғабек ва Бобобек деган икки саркардаси бор эрди. Булар анинг яқин қариндошлари, уруғдошлари эрди. Бўзўғлон буларга икки синглисини бериб ўзига қуёв қилди.

Орадан бир йил ўткандин сўнг бу иккисининг хар қайсисидин бир ўғил дўради.

Бир куни Оғабек ўғлига от қўймоқчи бўлуб Бўзўғлонни чақирди шунда Бўзўғлон ўғлонни илгини олиб бир сўз айди:

Шукур айлагил зиёд этди давлатинг,  
Сенинг ўғлинг оти Юсуфбек бўлсин.  
Дунёда муродинг кучинг, қувватинг,  
Сенинг ўғлинг оти Юсуфбек бўлсин.

Кўнглунг ҳолис эркан топди муроди,  
Кун-кундин кўп бўлур албатта шоди.  
Таълим берсин эр пирларнинг устоди,  
Сенинг ўғлинг оти Юсуфбек бўлсин.

Давлати кенг бўлсун, умри зиёда,  
Оти чиқиб кезсин сайри-саҳрова.  
Хўб барно кўрунсин яқина, ёта,  
Сенинг ўғлинг оти Юсуфбек бўлсин.

Ҳамиша кўрунсин дўст кўза тўли,  
Шикора чиққанда очилсин йўли.  
Муҳаммад ҳадиси, мушдаҳид қўли.  
Сенинг ўғлинг оти Юсуфбек бўлсин.

Бўзўғлон арзини айтар сўз билан,  
Ҳисоб этиб эллик билан юз билан.  
Ов овласин тепа билан дуз билан,  
Сенинг ўғлинг оти Юсуфбек бўлсин.

Алқисса, андин сўнг Бобобек ҳам ўғлига от қўяр бўлди. Бўзўғлон унинг ўғлининг юзини очиб зиёрат қилиб бир газал айди:

Бобо вазир, сенинг ўғлинг ,  
Оти Аҳмад Мирзо бўлсин,  
Тўкилсин дол гарданига,  
Кокиллари барно бўлсин.

Кўнгли ҳолис, кулар юзли,

Камон қошли, оху күзли,  
Юзи ўн тўрт қунлик ойли,  
Яноқлари хумор бўлсун.

Тахти айвондин ўрунли,  
Узун бўйли, кенг яғринли,  
Мушки заъфарон бурунли,  
Қоматлари раъно бўлсин.

Юз минг алвон хосиятли,  
Майдонда Рустам сифатли,  
Ҳамиша яхши ниятли,  
Яхшилиқда танҳо бўлсун.

Йўлиқсин севар ёриға,  
Тўти каби гулнориға,  
Бўзўғлондек сўз бобиға,  
Ақли етсин, доно бўлсун.

Алқисса, андин сўнг бир неча вақт орадин ўтди. Бу ўғлонлар йигит еттилар, шикорга чиқиб ов овладилар, буларнинг иккиси ҳам зиёда соҳиб тамиз, йўлбарс сифатли, бўри юракли ботир бўлдилар.

Буларнинг ҳар бирининг беш минг уйлидан ўн минг уйлигача элати бор эрди. Алқисса, булар Исфаҳон юртининг йигитларини уруш саваш ва ботирликка ўргатиш билан машғул бўлдилар. Булар ўз ёнига келган йигитларга от яроқ ва бошқа асбобларни қизғанмасдан тақдим этдилар.

Бўзўғлонхоннинг эшигида бир киши қолмай ҳаммаси Юсуфбекнинг теварагига уюшиб анинг хизматинда бўлдилар.

Бир куни Бўзўғлон саркардаларидан бири Юсуф бирлан Аҳмаднинг шуҳратини кўра билмай подшохнинг ёнига келиб арз етди.

- Эй подшоҳи олам, Юсуф бирла Аҳмаднинг дабдабаси овозаси бутун оламга ёйилди. Эл элатнинг ҳаммаси аларнинг тарафиға ўтди, овозаларға қараганда алар сизнинг тахtingизга эга бўлар эрмишлар. Подшоҳ бу сўзга ишониб мирзасини чақириб буорди: Бу йигитлар элдин чиқиб кетсинлар, деб бир ғазал айтиб, нома битиб, Юсуфбекка юборди:

Ғазал бу туур:

Бир шаҳарда икки сulton не қилар,  
Фитначилик этиб душман бўлармиш,  
Қарчигай йўқ жойда қанот қоқишиб,  
Қарға, кузғунлар ҳам шаҳбоз бўлармиш.

Не даҳли бор мунда бу икки ўғлон,  
Исфаҳондин кўчиб кетсин шул замон,  
Бизлар бирлан душман бўлур бегумон,

Тулки, шағоллар арслон бўлармиш.

Ўгри каззоб борур эрмиш қошига,  
Ҳолин билиб, тавба қилсин ишига,  
Қўп савдолар тушар анинг бошига,  
Ҳар бир оҳанг тифи паррон бўлармиш.

Салтанату тахти айвон мендадур,  
Хишти заррин кўшки айвон мендадир,  
Исфаҳонда Юсуфи жаҳон мендадур,  
Келбатлари турууб қоплон бўлармиш.

Бўзўғлон дер Юсуфбекка паёмин,  
Элчидин юбордин тўғри каломин,  
Кўрсун буни тутсин йўлнинг анжомин,  
Юсуф , Ахмад юртга султон бўлармиш.

Алқисса, андин сўнг номани ўқиб кўриб йигитларнинг ранги ўчди.

- Эрнинг душмани оёқ остида пайдо бўлар эркан, бизнинг душманимиз Бўзўғлонхон эркан, -деб жавоб қайтармоқчи бўлдилар. Аммо Юсуфбек йигитларнинг раъйини қайтариб аларга бир неча насиҳатлар айтиб, бул ғазални ўқиди:

Нокас бирлан сухбат қурманг ҳар ерда,  
Хар кимсага сири ҳолин билдирап,  
Кўнглингдаги сирни айтма номарда,  
Душманларга соғу сўлин билдирап.

Мұхаббатсиз гулдин яхшидур япроқ,  
Бебаҳра кимҳобдин аълодур тупроқ,  
Беақл йўлдошдин яхшидир таёқ,  
Нодонларга юрган йўлин билдирап.

Нодонларни қўйиб бўлмас райина,  
Ўзин билмай солар ғамнинг чоҳина,  
Муханнаснинг меҳмон борса уйина,  
Итдек хуруб қопар, феълин билдирап.

Қурбон ўлама мард йигитнинг дастина,  
Отин боқар ғазот этмак қастина,  
Ёмон бирлан борманг душман устина,  
Фасод айлаб ёмон дилин билдирап.

Юсуфбек дер, шундай бўлди замонлар,  
Энди бизга бу юрт ҳаром ёронлар,

Ўз ҳолини ҳар гиз билмас нодонлар,  
Бир иш бошлаб ҳар на ҳолин билдирап.

Алқисса, андин сўнг Юсуф, бирла Аҳмад ўн минг уйли элатини йифиб Исфаҳондин кўчиб кетдилар. Неча вақтлар йўл юриб қирқ беш кун деганда Сабзавор отли чашманинг устидин чиқдилар, бу чашманинг тевараги зиёда хуш ҳаво, сафоли жой эрди. Алар бу ерда макон тутдилар.

Юсуфбек қирқ йигитни ёнина сайлаб олиб, аларга Ашурбек деган йигитни бош этиб, душман бирлан ғазот қилур эрдилар. Бир неча газик Исфаҳон йўлларида чоповул этдилар. Кунлардин бир кун Юсуфбек, Аҳмадбек ва Ашурбеклар сардорлар қирқ йигит бирлан чоповул қилиб юриб эрдилар, ногаҳонда бир қабрнинг устидин чиқиб Юсуфбекнинг Моргир оти анинг устидин ўтмади. Юсуфбек отни қистаса ҳам юрмади, анда Юсуфбекнинг ҳоли паришон бўлуб бир сўз аиди:

Моргирим нечун ўтмассан,  
Кунда кечган йўлдин бугун,  
Не сўздин сўзим тутмассан,  
Хабар бергил ҳолдин букун.

Моргирим, дулдул падарсан,  
Кўнглумни маълул этарсан,  
Охири қаён кетарсан,  
Хабар бергил ҳолдин букун.

Бу ерда бошлаб турубсан,  
Нечук балони кўрубсан,  
Ажойиб дил мустариб сан,  
Айрил бу хаёлдин бугун.

Не савдо тушди бошинга,  
Қаарсан дегра-дошинга,  
Кофири бирлан савашинга,  
Кўз тушидими элдин букун.

Юсуфбек айтар отина,  
Қарамас ўз рағбатина,  
Хоразмнинг бир четина,  
Элтиб қўйгил йўлдин букун.

Алғараз, андин сўнг Моргир жонивор кишинади, Юсуфбек чор атрофга назар солди. Ногоҳ қибла тарафдин бир яшил түғ, икки қизил алам порлаб кўрунди. Юсуфбек авлиё бор эркан зиёрат этайлик, деб отдин тушиб юрдилар. Эрса олдидин илон, аждархолар оғизларини очиб анга ташландилар. Юсуфбек шул ерда бир абёт аиди:

Сахрода пинхон ётибсан,  
Магар аслинг афғонмудур?  
Аждарҳони уйготибсан,  
Магар аслинг афғонмудур?

Келдим сени авлиё деб,  
Йўл бошловчи раҳнома деб,  
Буюрдинг босиб ея деб,  
Магар аслинг афғонмудур?

Келдим зиёрат этмака,  
Мурод - мақсада етмака,  
Илонлар келди емака,  
Магар аслинг афғонмудур?

Билмам нечук пирзодасан?  
Мени келтирдинг дода сан,  
Ё бир марди озодасан,  
Магар аслинг афғонмудур?

Юсуфбек кўрди пирини,  
Аждарҳо, арслон, шерини,  
Кел айт, дардим таъбирини,  
Магар аслинг афғонмудур?

Алқисса, Юсуфбек бу сўзни айтгандин сўнг кўзини юмди ўзини бир хонақоҳнинг ичиди кўрди. Бу бир шаҳидий мозор эрди. Чилтанлар, Ғовсул-Ғиёс, Хизр Илёс, Али бош бўлуб шароб ичиб ўлтуруб эрдилар.

Али Юсуфбекни ўнг илгидин тутиб, бир коса шароб бериб насиҳат этиб бир сўз айди:

Кўнглинг баланд тутма, юз урма бода,  
Зинҳор, болам, такаббурлик айлама,  
Албатта етарсан мақсад-мурода,  
Зинҳор, болам, такаббурлик айлама.

Ҳаққа қул бўлсанг гар сени ҳоҳлармиз,  
Ёд айласанг ҳар ерларда қўллармиз,  
Такаббур айласанг сендин безормиз,  
Зинҳор, болам, такаббурлик айлама.

Такаббур кишининг куйдур жонини,  
Зулуксифат бўлуб сўрар қонингни.  
Ўт ичига солар устихонингни,

Зинҳор, болам, такаббурлик айлама.

Ёмон сўз кишини мудом хор этар,  
Ҳар этар-етмасга мудом зор этар,  
Такаббур йигитнинг ризқин тор этар,  
Зинҳор, болам, такаббурлик айлама.

Рўзи шаб ҳамиша худони ёд эт,  
Албатта пирларнинг руҳини шод эт,  
Ғарибларни кўрсанг мушкул кушод эт,  
Зинҳор, болам, такаббурлик айлама.

Алқисса, андин сўнг соғ илги бирла Юсуфбекнинг соғ илгидин тутуб, сўл илги бирла Аҳмадбекнинг сўл илгидин тутуб фотиҳа берди.

Андин сўнг Юсуфбек, Аҳмадбек, Ашурбек сардор кирқ йигитлари бирлан отланиб, Сабзавор чашмасининг бошиға келиб тушдилар.

Кунлардин бир кун ногоҳ Юсуфбекнинг от-овозаси Урганч элига етди. Аммо Урганч шаҳрида беш шаҳар эрди. Ул шаҳарларнинг ҳар бирида бир хон бор эрди. Алардин энг улуғини Эралихон дер эдилар. Ул Хиванинг ҳокими эрди. Яна бирини Нодир султон дер эдилар ул Манғишлоқнинг ҳокими эрди. Яна бирига Оролхон дер эдилар ул Шовотнинг ҳокими эрди. Яна бирига Ойхон дер эдилар ул Ғазовотнинг ҳокими эрди. Яна бирига Элбарс хон дер эдилар ул Хонқанинг ҳокими эрди.

Алғараз, булар маслаҳат этиб тўққиз ароба, ўн бедов от зар, кумуш бирлан, тўққиз канизак тилло юзиги бирлан, тўққуз дўғма кокилдор хунарманди бирлан, тўққиз хачирга шоҳона сарпойлар юклаб Ойхонни элчи этиб Юсуфбекнинг ёнига юбордилар.

Ойхон неча муддатлар йўл юриб, Сабзавор чашмасининг бошиға бориб тушди.

Ойхон Юсуфбек ва Аҳмадбек бирлан кўрушуб, аларнинг шаънига дуо қилиб ўлтурди. Андин сўнг Ойхон совға-саломлар ва номасини чиқариб берди. Юсуфбек номани ўқуб кўрди, номанинг мазмуни бул турур:

Ҳар қадам босғани дийдам устина,  
Исфаҳондин келан беклар келсинлар,  
Жоним фидо бўлсин қадди бастина,  
Емрелидин келан беклар келсинлар.

Навозишлар бирлан таъзим қилайин,  
Кеча-кундуз хизматинда бўлайин,  
Юртумнинг ярмини бўлуб берайин,  
Зоти улуғ бекзодалар келсинлар.

Алар бирлан хуш ўтказай вақтимни,  
Бирга кўрай фарзанд қилиб раҳтимни,  
Керак бўлса мен берайин тахтимни,

Шер андомли озодалар келсунлар.

Этагим хўл бўлуб кўзим селина,  
Хижрон ўти бирлан бағрим тилина,  
Илтифот айлайиб Урганч элина,  
Овозали дилдодалар келсинлар.

Эралихон айтар, арзим шул эуур,  
Қадам қўйсанг, менинг сийнам йўл эрур,  
Ўзим бошлиқ элу халқим қул эрур,  
Исфаҳоний бекзодалар келсинлар.

Алғараз, андин сўнг Юсуфбекнинг вақти зиёда хўш бўлуб, Аҳмадбекнинг олдига келиб беклар беги бизга нома юбормиш деб бир ғазал аиди:

Қулоқ солиб эшит Аҳмадим жоним,  
Беклар беги бизга салом юбормиш,  
Хоразмнинг адолатли султони,  
Яхши сўзлар айтиб нома юбормиш.

Оти Ойхон, Эралихон қардоши,  
Кунхоннинг иниси ҳам эмақдоши,  
Иккимизга келтирубдур пешгashi,  
Мехрибонлик этиб салом юбормиш.

Тўққуз кўлук бирла ўн бедов оти,  
Беш муҳр босилган ёзилмиш хати,  
Олмос қилич бирлан заррин халати,  
Иккимизга бирга нома юбормиш.

Ҳар бандаға худо бўлса меҳрибон,  
Қайга борса хор бўлмасдур бегумон,  
Урганчнинг элидин бизга беш султон,  
Сифоришлар этиб салом юбормиш.

Юсуфбек дер бу давронлар ғанимат,  
Яна келди бизга айёми давлат,  
Аҳмадбеким бизга беринг маслаҳат,  
Келсинлар деб бизга паём юбормиш.

Алқисса, андин сўнг Аҳмадбек аиди: Элатингиз бирла маслаҳат этинг кегашли тўй тарқамас, деб неча тимсоллар келтириб Юсуфбекка қараб бир абёт аиди:

Умри зиёд бўлар фоний дунёда,

Оғасини ота билган йигитнинг,  
Насибаси зиёд бўлар дунёда,  
Улуғларнинг пандин олған йигитнинг.

Оти Эралихон, ўзи валидир,  
Агар билсанг чилтланларнинг биридир,  
Авлоди аждоди зоти валийдир,  
Аларнинг аслини билган йигитнинг.

Маслаҳатли ишнинг камоли бордир,  
Адо бўлмас яхши иқболи бордир,  
Тез келан давлатнинг заволи бордир,  
Бехуда манманлик қилган йигитнинг.

Алар каби султон йўқдур дунёда,  
Назар солса етишармиш мурода,  
Кун-бакун давлати бўлгой зиёда,  
Султонлардин дуо олған йигитнинг.

Маслаҳатсиз бўлмас дунёнинг кори,  
Йигдиринг бир ерга элатнинг бори,  
Иймон ҳамроҳ бўлар тонглар маҳшари,  
Элатнинг қадрини билган йигитнинг.

Эътибор этмаса ушбу дунёни,  
Бир кун ўтар йўқдур анинг гумони,  
Аҳмадбек дер, ҳеч бир бўлмас зиёни,  
Ишин яхши билиб қилган йигитнинг.

Алгараз, андин сўнг Юсуфбек жар чекдириб ўн минг уйли элатини бир ерга  
жамлаб, Эралихоннинг юборган совғаларини кўргазиб номанинг мазмунини  
баён этди:

Аввало, ул бир худойим меҳрибон бўлмиш манго,  
Урганчнинг ул хонлариндин номалар келмиш манго,  
Тўққуз турли тортиқ олиб Ойхон келмуш манго,  
Тамоми заррин кумуш тожи гавҳар келмуш манго,  
Дин Хоразмнинг шаҳридин мундок хабар келмуш манго.

Бир рақам қилмиш ки бизларни сифориш айлабон,  
Меҳрибонликлар дилини ҳам сифойиш айлабон,  
Бахти иқболим менинг бул кун күшойиш айлабон,  
Номайи иншо юбормиш кўб навозиш айлабон,  
Банди румий бўтаи заррин камар келмуш манго.

Бизнинг бирла ҳамнишин бўлсин деюб, эй дўстлар,  
Бу хизматини бизларга қилсин деюб, эй дўстлар,  
Бу сифориш номани кўрсин деюб, эй дўстлар,  
Шахримизга азм этуб келсун деюб, эй дўстлар,  
Ўн бедов тилло эгарли ўн хачир келмиш манго.

Ҳақ таолло ҳар кишига берса анча қурбият,  
Яхшиларнинг суҳбатида бўлса ким ул тарбият,  
Гандаларга ҳамнишин бўлмоқ яна ҳам аросат.  
Катта-кичик жам бўлуб бизга беринглар маслаҳат,  
Дин Хоразмнинг шаҳридин шундок ҳабар келмуш манго.

Қодир олло бек Юсуфга ўзи қилса давлати,  
Бизга совға етти яхши оти заррин хилқати,  
Ҳар кишига етмас эрмиш подишолар ҳизмати,  
Мақсади аълоға элтар яхшиларнинг суҳбати,  
Дин Хоразмнинг шаҳридин шундок ҳабар келмуш манго.

Алғараз, андин сўнг элу ҳалқ сарафroz ва хушвақт бўлуб айдилар:  
Борганингиз яхши бўлур, сизнинг давлатингиздан тамому элатингиз роҳатда  
бўлур, - дедилар  
Андин сўнг Юсуфбек Ойхонга кўб совғалар яхши саруполар бериб:  
- Сиз ҳозир қайта беринг, биз бир ҳафтадин кейин борурмиз,-деб ваъда  
бериб, элчини узатиб бир сўз аиди:

Ойхон султон қилинг мунда иродат,  
Менинг мунда бир ҳафталик ишим бор,  
Хабар бермай кетсам қилур шикоят,  
Кенгаш қилай қардошим бор, хешим бор.

Элатимнинг барчасини келтирай,  
Талабгорга яхши отлар миндирай,  
Катта-кичик ҳаммасига билдирай,  
Борадиган тенгим билан тушим бор.

Шикоят этмасин яна бириси,  
Ҳамма билсин ёши бирла қариси,  
Исфаҳонли элатимнинг бариси,  
Кўчиб келган ўн минг уйли кишим бор.

Элатимга мен қилайин маслаҳат,  
Бизлардин қолмасун кўнглинда иллат,  
Ўзум бирла бирга борар хон Аҳмад,  
Хизмат қилай якка ёлгиз бошим бор.

Юсуфбек дер, каъбам отам кўрайин,  
Ғаниматдур дуосини олайин,  
Ҳафтадин сўнг орқангиздин борайин,  
Бандадур мен ижозатда хушим бор.

Алғараз, Ойхон неча муддатлар йўл юриб Эралихоннинг хизматига борди.  
Эралихон:

- Юсуф, Аҳмаднинг йигитлари нечук эрканлар?- деб сўради. Ойхон  
Юсуфбекнинг йигитларини таъриф этиб бир сўз айди:

Юсуф - Аҳмад эрур икки шаҳзода,  
Саҳоват бобинда Хотамча бордур,  
Марду майдон аҳлининг балки устоди,  
Шиҷоат бобинда Рустамча бордур.

Бир шаҳаншоҳ эрур шоҳи Кишфар дек,  
Ашурбек сардори дев, ҳафти сардек,  
Сиёсат бобинда Руми Қайсардек,  
Адолат бобинда Умарча бордир.

Камситиб ҳеч бўлмас беклик бобинда,  
Ҳеч камлик кўрмадим ҳар асбобинда,  
Минган оти айни чопар тобинда,  
Қуёндек чирпинар, жайронча бордир.

Кунда неча хазинаси очилар,  
Газот бирла доим умри кечилар,  
Маърифат айласа дурлар сочилар,  
Суҳанвар бобинда Аббосча бордир.

Йигитлари бари заррин ҳилқатли,  
Уруш майдонинда Рустам сифатли,  
Фақир, мискинларга меҳр - шафқатли,  
Кимни яхши десанг ул шунча бордир.

Юзи нурли, дили зикри саноли,  
Хуш қилиқли, муруватли, вафоли,  
Ҳар сўзи шакардин балки мазали,  
Ривояти сулук Эшонча бордур.

Икки султон бир-бирига мувофиқ,  
Худойим етмишдир давлата лойик,  
Ойхон айтар кўруб келдим халойик,  
Бири шердир, бири қоплонча бордур.

Алқисса, андин сўнг Эралихон икки зарнигор мөхмонхона тайёрлатиб қуиди. Бир хафта ўткандин сўнг Юсуфбек, Аҳмадбек, Ашурбек сардор ва қирқ йигит отларини ўйнатиб Эралихон ҳузурида пайдо бўлдилар. Эралихон тамоми беклари бирлан аларнинг олдиға пешвоз чиқиб иззат-икром бирла зиёратлашиб Юсуфбекнинг қўлтиғидин тутиб, анинг тахтга чиқишини ишорат этиб бир сўз айди:

Ҳуш келибсан, бош устина, азизим,  
Тожи-тахтим санго бўлсин, Юсуфжон!  
Саринға дўнайин соҳиб тамизим,  
Молу-мулким санго бўлсин, Юсуфжон!

Берай санго давлатимнинг барини,  
Танҳо қиласай дин Хоразм шаҳрини.  
Қилгил болам, доим Урганч баҳрини,  
Санго жоним фидо бўлсин, Юсуфжон!

Эргаштириб неча яхши бекларни,  
Оғзи ғунча, ҳусни тоза гулларни.  
Сайрон этиб мурғузорли кўлларни,  
Шунқор баҳрин тутиб овла, Юсуфжон!

Сўзларинга фидо бўлсун бу жоним,  
Санго берай бугун тахти равоним.  
Севар қўзим, сенсан менинг жононим,  
Худо санго фано бўлсин, Юсуфжон!

Эрали дер, азми роҳинг ўзим ман,  
Қадам қуйсанг ҳоки пойинг ўзим ман.  
Кеча-кундуз дуогўйинг ўзим ман,  
Сенинг ёшинг узоқ бўлсин, Юсуфжон!

Алқисса, андин сўнг Юсуфбек адаб сақлаб тахтга чиқмай ошоққа тушиб тахтга орқа ўгириб, дуо ўқуб ўтириди. Аммо Эралихоннинг сипоҳийлари Хоразмнинг беклари иззатга лойик эрмас эрканлар деб шикоят қилдилар. Шунда Юсуфбек аларга қараб бир неча ерлардан тимсол келтуруб бир сўз айди:

Эй ёронлар, акобирлар!  
Ҳолини билган яхшидир.  
Подишоларнинг йўли улуғ,  
Иззатин қилган яхшидир.

Ҳар ким юрса йўлин билиб,  
Кетмас оёғи тайрилиб.

Подишоларга хизмат қилиб,  
Тортиғин олған яхшидур.

Подишоларнинг қўли балли,  
Сафар қилса йўли балли.  
Тар очилған гули балли,  
Сайрона қилған яхшидир.

Йигит деган жавҳар бўлар,  
Хизмат қилса навкар бўлар.  
Подшо ҳалқи гавҳар бўлар,  
Итоат қилған яхшидир.

Шаҳаншоҳлар бир шаҳарда,  
Чорвадорлар кезар чўлда.  
Подшо бўлган назар карда,  
Дуосин олған яхшидир.

Беадабнинг жойи пардир,  
Адаб билмаган бекордир.  
Подишоларга чилтан ёрдир,  
Хизматин қилған яхшидир.

Юсуфбек дер, эй ёронлар,  
Мени айб айламанг жонлар.  
Эшитинг, бегу султонлар,  
Ҳолини билған яхшидур.

Алғараз, андин сўнг Юсуфбекнинг бу сўзига тамоми беклар қойил бўлдилар. Эралихоннинг бир қизи бор эрди, ул қиз хушсуврат, нозик бадан, ёноқларига дона-дона хол қўйилған нозанин эрди. Онинг отига Гуласал пари дер эдилар, Эралихон Ани Юсуфбекка никоҳ қилиб берди.

Юсуфбек Ашурбек сардорға боқиб тўй учун керак бўлган зотларни баён қилиб, бир абёт айди:

Ашурбек сардорим, чун барқарорим,  
Юзминг олтин тўйлик асбоб керақдур.  
Чалпақдан юклансин олти юз нарим,  
Никоҳ қатламаси қирқ қоп керақдур.

Тўққуз кун сочинглар тилла, зарини,  
Сайланг маҳбубларнинг тоза тарини,  
Келтирсангиз Гуласалжон парини,  
Юзига сепмака ғулоб керақдур.

Халойиқ маст бўлуб шароблар ичсин,  
Йигитлар олдиндан таомлар кечсин.  
Паризодлар атлас, кимҳоблар бичсин,  
Ҳангомалар бирлан кабоб керакдур.

Созандалар тўққуз турли соз этсин,  
Ўйун бирла қиш кунларни ёз этсин.  
Паризодлар кўз учудин ноз этсин,  
Ҳар сўзига юз минг жавоб керакдур.

Юсуфбек дер, сўз бобини очмоқа,  
Нозли ёрнинг белларидин қучмоқа,  
Гуласалжон бирла шароб ичмака,  
Олтин коса бирла шароб керакдур.

Алқисса, Ашурбек сардор Юсуфбекнинг бу айтган зотларини бир соатда тайин этди. Андин сўнг ел оёқли оқмоянинг устига олтин кажава қуриб Ашурбек сардор бирла Аҳмадбекни бош этиб Эралихоннинг ҳузурига юбордилар.

Ашурбек сардор, Аҳмадбек қирқ йигити бирлан оқ мояни олиб бордилар.

Эралихон буларни тўққуз қават тўшалган кимхобнинг устига ўтурғузиб, бир соатда икки тўққуз таом тортириди.

Андин сўнг Эралихон Ашурбек сардорбек бирла Аҳмадбек ва аларнинг йигитларига яхши тўн, саруполар беринг деб буюрди. Мулозимлар дархол Эралихоннинг буйругини бажо келтирдилар.

Андин сўнг эллик нар, олтмиш хачирга Гуласалнинг жиҳозларини юклаб яна олтмиш отга тилло юклаб, ёнига уч юз олтмиш канизакни қўшиб жўнатиб юбордилар.

Андин сўнг Аҳмадбек оғасининг келинини тушуриб, вақти зиёда хуш бўлиб бир абёт аиди:

Шукур ҳақнинг даргохина,  
Бекларга даврон келандур.  
Кезар кўнгил хушгохина,  
Сози сухбат кон келандур.

Қирқ йигит tengу тушин,  
Ўрганаар майдон савашин.  
Номард ғанимларнинг лошин,  
Чошириб майдон келандур.

Тутинг тўю томошани,  
Чақиринг беклару хони.  
Сонсиз сухбату даврони,  
Этмак учун кон келандур.

От чопиб майдон устинда,  
Юринг ганимнинг қастинда.  
Паризодлар пайвастинда,  
Лали-жавҳар кон келандур.

Шароб ичинг қона-қона,  
Ишқ ўтиға ёна-ёна.  
Ёр юзинда дона-дона,  
Зулфи паришон келандур.

Арслон овуни қопмоқа,  
Асл муродин топмоқа.  
Беклар қўпкари чопмоқа,  
Бир ажаб майдон келандур.

Кезарлар доғи дошини,  
Савдоға солиб бошини.  
Бек Аҳмаднинг савашини,  
Кўрмака эл кон келандур.

Алқисса, андин сўнг Аҳмадбек бош бўлуб, бориб оқ моянинг устидин кажавани туширдилар. Ўқларинг бошиға нуқра қопланган боғичлари сим бирлан бандланган, олтиндин бўсаға, кумищдин калит, арганаги арчадан, занжирбанди кумушдан бўлган олтмиш тўрт бошли олти қанотли оқ уйнинг ичинда тўшалган тўққуз қат ғолининг устиға канизаклар Гуласал парини қўтариб киргиздилар. Гуласал мисоли чаянинг устиға танга ташлагандай тахтга кўмилиб кетди

Юсуфбек тўққуз лаганга қанду-асал тўлдуруб, тўққуз лаганга шахду-шакар тўлдуруб, уларни ҳар бирини тўққуз канизакка қўтартуруб, Гуласалжоннинг хузурига кирди. Андин сўнг Юсуфбек Гуласалжон бирла маству беихтиёр бўлуб, анинг жамолига қойил бўлуб бир абёт айди:

Юришинг зебодур кўлда сўнадин,  
Поёндозли юрар йўлларинг санинг.  
Қадр кечасинда бўлдим онадин,  
Шундин гўё бўлди тилларинг санинг.

Санго топса бўлмас асли баҳона,  
Ҳинжи тишларинга ғунча даҳана.  
Кулса шуъла берар қулли жаҳона,  
Ёногинда жавҳар холларинг санинг.

Ўн тўрт ёшар қиз йигитнинг муроди,  
Вақтининг хушлиги, кўнглининг шоди.  
Бўйинг сарви десам қадинг шамшоди,  
Ҳай-ҳай ўзинг нозик қўлларинг санинг.

Лабинг лаъли майгун, сўзинг сарбаста,  
Отингни эшитган юз минг ҳаваста.  
Оғзинг ғунча эрур гўёки писта,  
Инжадан ясалмиш белларинг санинг.

Юсуфбек дер, парим, кессанг ноз бирлан,  
Даврон бирлан, сұхбат бирлан, соз бирлан.  
Қошларинга ўсма бирлан, қоз бирлан,  
Ранг барсанг ярашар гулларинг санинг.

Алқисса, андин сўнг Юсуфбек Гуласалжон пари бирла тура турсин, эндиғи сўзни Эралихондин эшитинг. Эралихон Юсуфбекни Хоразм элига бек қилди. Аҳмадбекни Ҳазорасп шаҳрига бек қилди. Андин сўнг Нодир сultonнинг Гулхадича деган бир қизи бор эрди ани Аҳмадбекка одоғли қилдилар. Юсуфбек Алижўжа Эшонга, Аҳмадбек Шайх Шароф эшонга қўл берди.

Юсуфбек бирла Аҳмадбекнинг овозаси олам жаҳона, Машриқдин Магрибга ёйилди. Бу сўз бу ерда турсин, хабарни кимдан ол, Миср подишосидин ол.

Миср деган бир шаҳар бор эрди. Бул ерга ҳам Юсуф бирла Аҳмаднинг овозаси тушди. Бу шаҳарнинг Гўзалшоҳ деган шоҳи бор эрди. Анинг ёнинда уч юз олтмиш саркардаси бор эрди.

Бир кечаси Гўзалшоҳ туш кўрди. Тушида ул хазинасига кириб бир лаган тиллони бошига қўтариб чиқиб борур эрди. Бирдан қўчанинг икки тарафидин икки йўлбарс пайдо бўлди. Алар подшоҳга ташландилар. Подшоҳнинг қўлидин лаган ерга тушиб тиллолар сочилиб кетди. Боши айланиб, оғзи очилиб оғзидин бир қора қуш учиб чиқиб кетди. Шунда подшоҳ бир оҳ тортди, ўз оҳига ўзи уйғонди. Андин сўнг ўз элининг ёши улуғларини, амалдорларини йиғиб тушини баён этди. Аммо ҳеч ким анинг тушини таъбир қила билмади. Шу пайтда бир саройбон туриб подшоҳга арз этди:

- Эй султоним, Чинмочин шаҳриндин бир киши элимизга келиб тушди. Уч тuya китоби бор турур. Илми ҳикматдин хабардор эрур. Отига Бобо Қамбар дерлар сизнинг тушингизни шул киши таъбир қилур Гўзалшоҳ мулозимларга Бобо Қамбарни келтиришни буюрди дарҳол ани келтирдилар. Шунда Гўзалшоҳ, Бобо Қамбарга ғазал бирла тушуни баён қилди:

Ётиб эрдим тахт устинда шул кеча,  
Икки ёндин икки йўлбарс келдилар.  
Жонима қасд етиб менинг бир неча,  
Ваҳшат бирла дегра-дошим олдилар.

Наъра тортиб манго қараб тўпилди,  
Зарбасидин қоматларим букулди.  
Бошимда лаганим ерга тўкилди,  
Кўл қўтариб манго чангл солдилар.

Ани кўруб, сичраб турдим еримдин,  
Сен хабар ол, эмди менинг ҳолимдин.  
Бир қаро қуш учиб кетди саримдин  
Парвоз этиб кўб айланиб турдилар.

Ул шери калонлар бир ҳола тушуб,  
Юрагим ҳар соат қайнаб ҳам жўшиб.  
Софу-сўлдин лашкар келди етишиб,  
Элатим ўзима душман бўлдилар.

Гўзалшоҳ дер, менда тоқат қолмади,  
Кўриб ани танда роҳат қолмади.  
Сўзим улуғ кичик ҳеч ким билмади,  
Хуш таъбир деб сиз хабар бердилар.

Алқисса, Бобо Қамбар тасбеҳини қўлига олиб, Гўзалшоҳнинг туш таъбирини баён этиб бир сўз аиди:

Гўзалшоҳим , тушинг баён айласам,  
Юсуф турур тушда кўрган аҳволинг.  
Фаҳм айлайиб тўғрисидин сўйласам,  
Юсуф турур тушда кўрган аҳволинг.

Икки йўлбарс- Юсуф-Аҳмад боламдур,  
Шоҳ язид, эшигинг ушбу каломдур.  
Бу тушинг ўзинга дарду аламдур,  
Юсуф турур тушда кўрган аҳволинг.

Кўтарган лаганинг хону монингдур,  
Ерларга сочилган қизил қонингдур.  
Бошингдин қўзғалган руҳи-жонингдур,  
Юсуф турур тушда кўрган аҳволинг.

Этган иши доим фарзу суннатдур,  
Ҳар бир айтган сўзи жонга миннатдур.  
Мусулмондур он ҳазрата умматдур,  
Юсуф турур тушда кўрган аҳволинг.

Хоразмда бордур бек Юсуф отли,  
Соз бирлан сухбатли, айшу ишратли.  
Тушинда бўлгандур йўлбарс сифатли,  
Юсуф турур тушда кўрган аҳволинг.

Кўп азаблар қилар сенинг ўзингга,  
Қўрошинлар қуяр икки кўзинга.  
Кунда уриб кишан солар тизинга,  
Юсуф туур тушда кўрган аҳволинг.

Ҳону-монинг олов ичра куйдуруб,  
Кўчаларинг ўлик бирла тўлдириб.

Бурнинг кесиб ўзингизга едириб,  
Юсуф туур тушда кўрган аҳволинг.  
Не сабабдин шоҳим рангинг оқарди,  
Осмондин тўрт китоб тангри юборди.  
Алининг шогирди Бобо Қамбарди,  
Юсуф туур тушда кўрган аҳволинг.

Алғараз, андин сўнг Гўзалшоҳ дарғазаб бўлуб, Бобо Қамбарни зинданға солишига буюрди. Ясовуллар Бобо Қамбарни соқолидин тутиб, елкасига саккиз мушт уруб Ҳамза қизилбошнинг манзилига етдилар.

Ҳамза қизил бош чошгоҳ вақтинда ўн тўрт қозоқи қўйни сўйдуруб, ёғини ялаб, этини еб, шўрвасини тўрт қултум этиб ичиб, кекириб наҳор еб ўлтуур эрди. Ясавуллар зинданбонни чақирдилар. Аларнинг сасини эшитиб Ҳамза сачраб еридин туруб томоқ қирди мисли тоғ йиқилгандай бўлди. Анинг олтмиш тўрт қўй терисидин бўлғон бир пўстини бор эрди, йигирма қўйнинг терисидин бўлғон бир телпаки бор эрди, икки юз йигирма бир газ бел боғи бор эрди яна ўттиз икки газ ҳассаси бор эрди. Ҳамза аларни кийиб, белбоғини боғлаб ҳассасини қўлиға олиб Бобо Қамбарни ёнига борди., Ани бир қўли бирла кўтариб зинданға ташлади.

Андин сўнг Гўзалшоҳ элатига жар чекдириб: - Юсуф бирла Аҳмадни кимки асир қилиб келтирса шахримнинг ярмини, ўн бир хазинамнинг барин ва қизимни берайин деб бир сўз айди:

Етти иқлим шахрим ярмин берайин,  
Ким келтирса Юсуф бирла Аҳмадни.  
Ўн бир хазинамнинг барин берайин,  
Ким келтирса Юсуф бирла Аҳмадни.

Кезсин бу дунёда кўнгил ҳушина,  
Баланд парвоз бўлсин тенгу тушуна.  
Тилло жига кийдирайн бошина,  
Ким келтирса Юсуф бирла Аҳмадни.

Маракада курон сўзин берайин,  
Ҳамда олтин кумуш созин берайин.  
Тўрт юз каниз бирла қизим берайин,  
Ким келтирса Юсуф бирла Аҳмадни.

Тўққуз гул берайин кумуш қалпоқли,  
Ҳамма зарин кокилдорли, гулпоқли,  
Тўққуз бедов берайин тилло жабдуқли,  
Ким келтирса Юсуф бирла Аҳмадни.

Гўзалшоҳ дер, мен бир асбоб тутайин,  
Мурод бирла мақсадима етайн.  
Ўлгунча ўзима маҳрам этайн,  
Ким келтирса Юсуф бирла Аҳмадни.

Аммо бу сўздин сўнг ҳеч кимдин садо чиқмади, бу ишни бажараман деган одам топилмади.

Шул вақт бир сўхтаси совуқ, кўзи кўк, юзи –захил бир бадрак ўрнидин туриб подшоҳга қуллуқ қилди. Анинг отига Мирзо Мамад дер эрдилар Ани бир совунпаз совун бозоридин икки ёрим шойига сотиб олғон эрди. Шул бадрак мен бу ҳизматни битирайин деб бир сўз айди:

Агар шоҳим ваъдангизда турсангиз,  
Хизмат мендин битар, гумон ўлмасун.  
Пинҳон хазинанинг ганжин берсангиз,  
Кўнгилда хаёлинг ёмон ўлмасун.

Насиб ўлса борсам Урганч юртина,  
Пора, ришват беринг чоҳар гардина.  
Бовар этмам ҳаргиз аҳди сардина,  
Кўнглунг ғубор бирла гумон ўлмасун.

Гўзалшоҳим ҳизматингни битирай,  
Сани мурод-мақсадингга етирай,  
Гар мұяссар этса боғлаб келтирай,  
Суннийнинг зурёди омон ўлмасун.

Тутдинг тўрт юз канизакинг отини,  
Топдинг ҳизматкоринг кўнгил шодини.  
Юсуфнинг, Аҳмаднинг асли зотини,  
Биларман подишоҳим гумон бўлмасин.

Мирзо Мамад борсам керак йўл бирла,  
Боғласам Юсуфнинг илгин ол бирлан.  
Банд этиб келтирсан забун ҳол бирла,  
Шундин ўзга охир замон ўлмасун.

Алқисса, андин сўнг Мирзо Мамад юраги булкилдаб Гўзалшоҳга қараб:

- Шоҳим мен сиздин ўпкалаган бўлуб бекларнинг ёнига борайин хизматин этиб мақсадларин билайнин. Ҳақ мұяссар этса аларни боғлаб келтурайин деди. Гўзалшоҳ бунинг ҳийласига тушуниб:

- Ўз билганингни қил, деди. Гўзалшоҳнинг саройида бир ойлик йўлни уч кунда олдиган Ботипон деган бир бедов от бор эрди. Подишио ул отни Мирзо Мамадга берди.

Мирзо Мамад шул отни миниб, эгнига совут, бошига қалқон тутиб чиқиб кета берди.

Миср бирлан Урганч ораси етти ойлик йўл эрди. Бу икки орада еттита тоғ бор эрди. Мирзо Мамад етти ойлик йўлни йигирма бир кунда олди. Урганч вилоятига етишиб, Юсуф бирла Аҳмадбекни кўриб аларни дуо қилиб ўлтурди.

Юсуфбек анга қараб:

- Қайдин келиб, қайга борурсан, деб бир сўз айди:

Олис ердин йўллар юруб,  
Бек йигит, қайдин келурсан?  
Ел оёқли отга миниб,  
Бек йигит, қайдин келурсан?

Соғдин ўтуб, сўлдин ошиб,  
Ўттиз икки кўлдин ошиб.  
Етти ойлик йўлдин ошиб,  
Бек йигит, қайдин келурсан?

Араб отга олтин ортиб,  
Етти тоғнинг багрин йиртиб.  
Кеча юруб, шабгир тортиб,  
Бек йигит, қайдин келурсан?

Кезарсан кўнгил шодина,  
Илм ўргатиб устодина.  
Ким дерлар сенинг отинга,  
Бек йигит, қайдин келурсан?

Йифлаганни кулган дема,  
Сўз жойига солған дема.  
Бек Юсуфа ёлғон дема,  
Бек йигит, қайдин келурсан?

Алқисса, андин сўнг Мирзо Мамад ҳам Юсуфбекка қараб жавоб айди:

Бегларим отинг эшитиб,  
Келарам Миср шахриндин.  
Санго муносиб иш этиб,  
Келарам Миср шахриндин.

Шоҳимизга Гўзал дейди,  
Неча давронларни сурди,  
Бир кечаси тушлар кўрди,  
Келарам Миср шаҳриндин.

Таъбирин ҳеч ким билмади,  
Муроди ҳосил бўлмади.,  
Ҳеч кимга қулоқ солмади,  
Келарам Миср шаҳриндин.

Лашкариға ғазаб этди,  
Ҳар қайси бир ёна кетди,  
Насибам шу ерга тортди,  
Келарам Миср шаҳриндин.

Тушди бошимга қиёмат,  
Қутулдим соғу-саломат,  
Отим эрур Мирзо Мамад,  
Келарам Миср шаҳриндин.

Алғараз, Мирзо Мамад айди, Миср шаҳаридин келурман, Гўзалшоҳнинг хазиначиси эрдим. Бир кеча Гўзалшоҳ туш кўрди. Тушнинг табиини сўрди. Ҳеч ким тополмади. Уч юз олтмиш саркардаси бор эрди. Ғазаб қилди тушимнинг тополмасангизлар ўлтуурман, теди. Баъзилари қўлга тушиб қолди. Ман сизга бош қўйиб келдим, мусулмон бўлдим деди. Юсуфбек ҳам хушвақт бўлиб, бир сўз айди:

Азизим бизнинг жойлара,  
Хуш келиб, сафо келибсиз!  
Кўз тутинг қоши ёйлара,  
Хуш келиб, сафо келибсиз!

Кўринг менинг оч гуртларим,  
Сайронлар этинг юртларим,  
Олғир лочин, бургутларим,  
Хуш келиб, сафо келибсиз!

Тар очилган гуллар бирла,  
Сайраган булбулар бирла,  
Сужу-сужу тиллар бирла,  
Хуш келиб, сафо келибсиз!

Келибсиз вақти хуш бўлуб,  
Сонсиз даврона дуч бўлуб,

Қирқминг қўшина бош бўлуб,  
Хуш келиб, сафо келибсиз!

Юсуфбек дер, худосина,  
Бошда тилло жигасина,  
Кучли пирнинг дуосина,  
Хуш келиб, сафо келибсиз!

Алғараз, андин сўнг, Мирзо Мамадга от, сарпой бериб навкар қилди. Ул кул бадрак хизматини хўп қилиб иноқ бўлди. Бир йил орадин ўтди. Андин сунг Исфаҳон юртига Юсуфбек, Аҳмадбекнинг овозаси етушди. Бўзўғлонхон буни эшитиб, орзу қилиб шердек жиянларимни кўриб келмасам бўлмас деб Исфаҳон юртини давлат ҳавосига топшуриб икки минг маҳрамлари бирлан жўнай бердилар. Бир неча муддат йул юриб Урганч шаҳрига келиб, Юсуфбек Аҳмадбекни кўриб зиёда вақти ҳуш бўлди. Кунлардин бир қун кўп йигитлар Бўзўғлонхонга саломга келдилар. Баногоҳ аларнинг орасинда Мирзо Мамадга кўзи тушиб, Юсуфбекга қараб бу жавобни айди:

Бир насиҳат санго баён айлайнин,  
Кўзлари оладур ўлдур, шу қулни.  
Жонимни жонинга қурбон айлайнин,  
Кўзлари чиродур ўлдур, шу қулни.

Неча вақтлар юриб сирингни олар,  
Ҳийла билан сани қўлингни боғлар.  
Жудолиг ўтига багрингни доғлар,  
Бошинга балодур ўлдур, шу қулни.

Кўзлари оладур юзлари қонсиз,  
Шоҳидин келгандур сизларга жонсиз.  
Қўлинг боғлаганда шуни танурсиз,  
Кўзлари оладур ўлдур, шу қулни.

Ҳийла бирлан ихтиёринг олғандур,  
Кеча-кундуз ҳизматингда бўлғондур.  
Гўзалшоҳға ваъда бериб келгандур,  
Кўзлари чиродур ўлдур, шу қулни.

Коғир қулдур ямон золиму шиддат,  
Бошин кесгил ҳаргиз қилма мурувват.  
Бўзўғлондин шудир сенга насиҳат,  
Кўзлари оладур ўлдур, шу қулни.

Алқисса, Бўзўғлоннинг бу сўзи Юсуфбекни кўнглига келиб дойисининг сўзини қайтариб бир афсона ўқиди:

Овозам тутубдур кулли оламни,  
Манингдек дунёда арслон бўлурми.  
Масхара айларам етти оламни,  
Олурман барини гумон бўлурми.

Дўсту душман келур марднинг ёнина,  
Ўлтурманам зомин бўлиб қонина.  
Бу сўзларинг номард одам шаънина,  
Бир қулдин кишига душман бўлурми.

Мани деб келгана тега билманам,  
Бу сўзингни ҳаргиз бовар килманам.  
Бу қулни ўлдириб номард бўлманам,  
Манинг каби соҳибқирон бўлурми.

Даф этурман ердин келган балони,  
Қуш бутага қўнса топар панони.  
Кўргансан дунёда яхши ёмонни,  
Бизлардек дунёда паҳлавон бўлурми.

Етти ёшдин бери ғазот қилурман,  
Қизил бошга қора кунлар солурман.  
Қасд этганда Исфаҳонни олурман,  
Юсуф-Аҳмад каби султон бўлурми.

Алқисса, бу сўз Бўзўғлоннинг қўнглига қатти келиб, манманлик қилдинг, армон билан бандада бўлғонингда кофирга гирифтор бўлиб, дойимнинг сўзин қабул қилмадим дерсан, суд қилмас. Оҳ уриб Исфаҳонга кетдилар. Бир неча муддат ородин ўтди. Мирзо Мамад кунлардин бир кун вақтини топиб, Юсуфбекка қараб арз этди. Айди: «Эй султоним, манга жавоб берсангиз, Гўзалшоҳнинг хазинасини келтуриб берур эрдим», деди. Юсуфбек айди: «нечук қилиб келтуурсан», деди. Мирзо Мамад айди: «Дойим ман хазинадор эрдим, Яна йиғлаб бориб, тавба қилдим десам, боз ишониб яна топшуур»-деди. Ва яна бир вақтни топиб «Кеча бирлан қальасини тешиб кўп хачирларга юклаб қочиб чиқурман»- деди. Юсуфбек, Аҳмадбекни айёр қул ақлинни олиб, қирқ йигити бирлан Исфар тоғининг этагида Арпа булогига сийно суриб, дамбадам отларга қамчи уриб неча муддатлар йўл юриб, Гўзалшоҳнинг ҳузурига етиб келдилар. Гўзалшоҳ Юсуфбек, Аҳмаднинг шавкатини сўради. Анда Мирзо Мамад таърифини айтиб бул жавобни айди:

Гўзалшоҳим бориб кўриб келмишам,  
Замона Рустамдек паҳлавона мангзар.  
Неча вақтлар ҳизматини қилмишам,

Юсуфбек деганинг арслона мангзар.

Бу хизматни хеч ким сиза қилолмас,  
Дев ҳам бўлса анга дучор бўлолмас.  
Юсуфбекни кўриб ҳеч ким келолмас,  
Бири шердур, бири қоплона мангзар.

Камситиб бўлмасдур беклик бобинда,  
Ҳеч камлик кўрмадим ҳар асбобинда.  
Минган оти айни чопар чогинда,  
Кийикдек чирпаниб, қуёна мангзар.

Қирқ йигити бордур гурзи дастинда,  
Қўл қовуштириб ҳизмат қилур қошинда.  
Ўн саккизда, бири ўн тўрт ёшинда,  
Бири сунбул, бири райхона мангзар.

Мирзо Мамад айтур, икки аждардек,  
Ҳар билаги анинг девсифат сардек.  
Сиёsat бобинда Рум Қайсаридек,  
Жамшиид каби шоҳижхаона мангзар.

Алқисса, Гўзалшоҳ аиди: «Бориб келтуурмусан»-деди, Мирзо Мамад аиди: «Қирқ минг лашкар бедов сувори қўшиб юбор, орқамдин бир лак лашкар тўфтўф хонаси бирлан юборсанг лот манот муддат берса боғлаб келтуурман»-деди. Мирзо Мамадга Гўзалшоҳ қирқ минг лашкар мушдатни қўшиб узотиб юборди. Мирзо Мамад қирқ минг тўфхонани олиб бир неча муддат йўл юриб Исфаҳонга бориб, бир дараси бор эрди ҳар нечоқли лашкар измини солиб қўйса ҳеч ким билмас эрди. Мирзо Мамад қирқ минг отлиғ коғирни ул кумага солиб, «Сизлар ҳозир бўлиб туринглар. Ман алдаб шул кумага киргизурман. Сизлар олдин олиб қамаб, ушлаб боғланглар», деб ўзи юраберди. Худой таоло Юсуфбекни олиф яратиб эрди. Агар бир ухлар бўлса, уч кеча-кундуз ухлар эрди. Агар ухламаса уч-кеча кундуз уйқуламас эрди. Бу кунлар ухлайтурғон кунлар эрди. Мирзо Мамад вақтини ғанимат билиб Юсуфбекнинг чодириға кириб ходимлик қилиб уйготди. Юсуфбек аиди: «Эй Мирзо Мамад олиб келган тиллоларинг қани», деди. Мирзо Мамад аиди: «Эй сultonим қирқ ҳачир тилло эрди. Шабгири тортуб келур эрдим. Саксон кундин бери етмай Исфаҳонга келганимда уйқулаб қолибман. Ўниси қолиб, ўзгалари дараларга кетиб турур. Аларни танҳо ўзим анжом қила олмадим. Ул ўнисига нафсим қабул этмади. Юринг жам этиб олиб келали», деди. Юсуфбек йигитларини уйготиб бормоқчи бўлди. Анда Мирзо Мамад аиди: «Кўп одам даркори йўқ турур. Ўзларимиз бўлурмиз- деди. Ўзингиз юраберинг теди. Анда Юсуфбек Аҳмадбекни уйготиб, отларни бостурқи бирлан миниб йўнай берди. Мирзо Мамад алдаб кумага борди, эрса қирқ минг коғир довлаб бекларни тутиб боғлади қўлларинда қиличлари йўқ эрди, урушсалар. Шул вақтда Мирзо Мамад Юсуфбекни қўлини боғлармон бўлди. Ул вақтда

Юсуфбек кўз олартириб қаради. Қул бадракни қахри келиб, бурни катта бадрак сўкатурғон кунларинг ўткантур деб, қирқ элли қамчи уриб қизил қонига ботуруб, йўнай бердилар. Ул вақтда Юсуфбек доғлара қараб, манманлик килиб, банда бўлғонимни кўрдингму деб Исфар тогига қараб бу жавобни айди;

Усти қорли ола тоғлар,  
Бўлғонимни қўрдингизму,  
Язидалрга банда бўлиб,  
Кетганимни қўрдингизму.

Икки қўлим боғли бўлди,  
Юракларим доғли бўлди,  
Қирқ йигитим ғофил бўлди,  
Кетганимни қўрдингизму.

Қолиб юз турлик балода,  
Банда бўлдим шу даргоҳда,  
Коғир отли, ман пиёда,  
Кетганимни қўрдингизму.

Қонлар тўлиб кўз ёшима,  
Фалак титрар нолишима,  
Қамчилар ёғиб бошима,  
Қолғанимни қўрдингизму.

Қирқ йигитим ғофил қолиб,  
Ўз-ўзимни ғамга солиб,  
Аҳмаджонни бирга олиб,  
Тушганимни қўрдингизму.

Бек Юсуфдер сийнам доғли,  
Армоним кўбдур нечоғли,  
От олдидা қўлим боғли,  
Юрганимни қўрдингизму.

Алқисса, Исфара тогининг дарасидин ўткариб юрий бердилар. Анда Аҳмадбек ароқ ичиб маст эрди. Ҳиёл бирлан беногоҳ кўзини очиб Юсуфбекка қараб айтадурким: «Эй Юсуф оға, бизлар на гуноҳ қилдик. Ашурбек сардор бизларни боғлаб келадур», деди. Анда Юсуфбек Аҳмадбекка қараб хушёр бўлсун деб, Ашурбек сардорнинг қолғонин баён қилиб бу жавобни айди:

Кўзинг очғил, Аҳмаджоним,  
Дин Хоразм шахрим қолди.  
Қўлим боғли, банде бўлдим,  
Найлайин йўлларим қолди.

Исафхондин бирга келган,  
Сидқ бирлан хизмат қилган.  
Йигитларга сардор бўлган,  
Ашурбек шерларим қолди.

Ҳажр ўтиға бағрин доғлаб,  
Ҳар кимсадин мансур оғлаб.  
Манинг учун қонлар йиғлаб,  
Мехрибоним онам қолди.

Боғладилар билакларим,  
Қабул қилмай тилакларим.  
Кўтариб оғир юкларим,  
Хатарда нарларим қолди.

Ман кетурман доғдин ўтиб,  
Банда бўлдим феълим кетиб.  
Кечакундуз мотам тутиб,  
Қонлар йиғлаб синглим қолди.

Адо бўлмас менинг куним,  
Сарғайидур рангу рўйим.  
Фарийликда рангу-рўйим,  
Қиблагоҳим отам қолди.

Ўн бешининг қўли созли,  
Йигирмаси баҳри, бозли.  
Йигирма бешли, ўттизли,  
Шундоғ ғўччоғларим қолди.

Эл кўзидин бўлдим гойиб,  
Ўлигим бўлди бесоҳиб.  
Акам деб сочини ёйиб,  
Қонлар йиғлаб синглим қолди.

Бек Юсуф дер йўқ ҳабибим,  
Шундоғ бўлубдур насибим.  
Ҳамдамим ҳам масоҳибим,  
Гуласалжон ёрим қолди.

Алқисса, Юсуфбекнинг бу сўзини Аҳмадбек эшитиб хушёр бўлуб, ўз-ўзини уриб йиғтай берди. Анда Юсуфбек айди: «Эй иним, сабр қил, бу ишлар худодиндур. Балоға, қазоға рози бўлмоқ керак. Худонинг ўзи ўлдурмаса бу кофирларнинг ҳадди бўлмас ўлдурмакка», деди: Ва яна айди: «Бугун кеч тонгла

күрмагандек бўлурмиз», деб, мардоналик бериб юрий берди. Қирқ минг кофири мушдат олдига солиб, Орфа бўлдиги деган бир булог бор эрди. Зиёда бинафшазор эрди. Юсуфбек ҳар вақт овга чиқса ул ерга тушиб қуш-қушлаб ўтар эрди. Бул ердан ўткариб юрий бердилар. Анда Юсуфбекнинг ота-онаси ёдига тушиб айролиг ўтига куюб, кофирларга банда бўлиб Орфа булогига қараб бу жавобни аиди. Ғазали Юсуфбек:

Ман борурман мундин Миср юртига,  
Мехрибон отамга салом дегайсан.  
Армон бирлан банда бўлдим язидга,  
Шикаста онамга салом дегайсан.

Айролик дардидин багри пораман,  
Бу дардимга чора топмай бораман.  
Кўп кофирга банда бўлиб бораман,  
Эрали султонга салом дегайсан.

Бизлар қолдиқ қайғу-ғамнинг остинда,  
Бу кофирлар ширин жоннинг қастинда.  
Ухлаб қолған паризоднинг устинда,  
Ашурбек сардорга салом дегайсан.

Жайхун дарё бўлиб оқар кўз ёшим,  
Ёлгизликда Аҳмад бўлди йўлдошим.  
Бир онадин сут эмишган қардошим,  
Бир ночор синглимга салом дегайсан.

Юсуфбек дер кўзда ёшим қон бўлди,  
Адо бўлмас дарду меҳнат кон бўлди.  
Юракимда сонсиз армонлар қолди.  
Хоразм шаҳрига салом дегайсан.

Алқисса, бу сўзни айтуб борур эрдилар. Боломон тоғи элас-элас бўлуб кўрина берди. Юсуфбек аларни кўргач, армон бирлан Бўзўғлон дойимнинг сўзини, кўрган тушимни бовар этмай, манманлик этиб, балоға гирифтор бўлдим деб, Боломон тоғифа қараб бу жавобни аиди:

Боломон тоғи дер одинга санинг,  
Язидлар боғлади қўлимни манинг.  
Бу борищдин сира қўрқмагил таним,  
Армоним кўп қолди дўсту ёронлар.

Қирқ минг лашкар шоҳдин келибдур бизга,  
Қолқоним тутмадим бир-бирда юзга.  
Отимни чопмадим майдондин тузга,  
Армоним кўп қолди дўсту ёронлар.

Ман Аҳмаддин улуғ, Аҳмад мандин ёш,  
Ғаним бирлан буқун бўлибмиз йўлдош.  
Киши қўлга тушарму то кесилмай бош,  
Армоним кўп қолди дўсту ёронлар.

Вайрон бўлди дин Хоразм шаҳрим,  
Хазон бўлди манинг фасли баҳорим.  
Орқамдин етмади ул қирқ аждарим,  
Армоним кўп қолди дўсту ёронлар.

Дойим берган васиятни олмадим,  
Кофир қулни зинданларга солмадим.  
Қиличлашиб майдонларда ўлмадим,  
Армоним кўп қолди дўсту ёронлар.

Фалак бузди беклигимни, шонимни,  
Бошим узра солди маҳшар кунини.  
Майдонда тўкмадим кофир қонини,  
Армоним кўп қолди дўсту ёронлар.

Бек Юсуф дер, хато қилдим ишимни,  
Эътибор этмадим кўрган тушимни.  
Манманлиқдин банда қилдим бошимни,  
Армоним кўп қолди дўсту ёронлар.

Алқисса, булар бу ерда турсин. Эмди Ашурбек Сардордин гап эшитинг.  
Йигитлари бирлан ароқ ичиб, маст бўлиб ётиб эрди, багогоҳ Ашурбек Сардор  
кўзини очиб қаради. Юсуфбек била Аҳмадбек йўқ. Отларига қараса, отлари ҳам  
йўқ турур. Анда Ашурбек Сардор Юсуфбек била Аҳмадбекнинг изини кўруб  
изини олиб юрий берди. Анда кўп кофирнинг изини кўриб қайтиб келиб, ухлаб  
ётғон йигитларни уйготмоқ бўлиб йигитларга қараб бу жавобни аиди. Ғазали  
Ашурбек Сардор:

Бугун менга охир замон бўлубдур,  
Турунг беклар фидо қилай жонимни,  
Воллоҳи алам беклар банди бўлубтур,  
Турунг беклар, олиб қайтай хонимни.

Бизни йўқлаб кўздин ёшин тўкмасун,  
Банди бўлуб марднинг қўнгли чўкмасун.  
Йигитларга ҳайф ноним демасун,  
Туринг беклар олиб қайтай хонимни.

Язидлардин огири лашкар келубдур,  
Икки бекка огири савдо солибдур.  
Воллоҳи алам беклар қўлга тушубдур,  
Туринг беклар, фидо қилай жонимни.

Мундин борсақ биздин тиларлар совға,  
Бесоат қун экан чиқибмиз овға.  
Ҳамманг туринг, менинг тезроқ бедовға,  
Туринг беклар, фидо қиласай жонимни.

Ашурбек дер охир замон бўлдиму,  
Мирзо Мамад бадрак қайтиб келдиму.  
Ҳийла билан банди қилиб олдиму,  
Туринг беклар, фидо қиласай жонимни.

Алқисса, беклар уйғониб, Юсуфбек, Аҳмадбек фироқинда ўртаниб, отларни эгарлаб, яроғланиб, қиличларни ҳамойил қилиб, белларига боғлаб, сағдоқларини ва найзаларини қўлларига олиб, коғирларнинг изини олиб, равона бўлдилар. Бора-бора йигитларнинг ёдиға Юсуфбек тушуб айдилар: Эй Ашурбек сардорларимизни кўриб ўлсак армон қолмас эрди-дедилар. Шул вақт Ашурбек Сардор йигитларга қараб бу жавобни айди:

Шайтон лайнин иймонинга қасд этар,  
Ўшул рўзи жасад жондин айрилса.  
Фалак менинг иқболимни паст этар,  
Армон бирлан беклар мандин айрилса.

Йўллар кўхна бўлур карвон бўлмаса,  
Мулклар вайрон бўлур султон бўлмаса.  
Боғлар хароб бўлур боғбон бўлмаса,  
Тахтлар вайрон бўлур хондин айрилса.

Юсуф, Аҳмад менинг жоним эрдилар,  
Жондин ортиқ меҳрибоним эрдилар,  
Жасадимда ширин жоним эрдилар,  
На ҳасратдур руҳим тандин айрилса.

Юракимда кўпдур дарду доғларим,  
Хазон урур, мева солмас боғларим.  
Хоразмдин келган оға бекларим,  
Йигитларин кўрмай андин айрилса.

Ашурбекда кўпдур доғу армонлар,  
Хеч банда кўрмасун шундай ҳижронлар.  
На ҳасратдур, на кулфатдур ёронлар,  
Банда бўлиб беклар мандин айрилса.

Алқисса йигитлар изини олиб юрий бердилар. Эмди сўзни Юсуфбек била Аҳмадбекдин эшигининг. Алар йўл юриб борур эрдилар. Анда коғирлар олдиға

солиб, оёқларини боғлаб, отга бостуруб олуб борур эрдилар. Ногоҳ орқасидин Гўзалшоҳнинг буюргон бир лак кофирлари пайдо бўлдилар. Чинглашиб, ловуллашиб карнойларин бўкуртуруб ҳукурчакли кофирлар чиқдилар. Шул вақт Юсуфбек бу аломатларни қўруб бу жавобни айди:

На ёздиғ енгилдим қодир худойим,  
Банда бўлиб тушдум кофир қуллара,  
Кўхи қофдин кўпдур этган гуноҳим,  
Фалак солди мани мундоғ йўллара.

Айрилиқ тиғидин бағри пораман,  
Не сабабдин билмам баҳти қораман.  
Язидларга banda бўлиб бораман,  
Ақлимни чошуруб тоғу чўлларда.

Очилмайин ҳазон урди гулзорим,  
Агар ўлсам ғариб бўлур мозорим.  
Қирқ йигитим қани Ашур Сардорим,  
Мани истаб кирмадилар йўллара.

Қизил бошнинг буқун қўли булашди,  
Изимиздин сонсиз лашкар улашди.  
Ясов тортиб соғу-сўлдин етушди,  
Ўз бошимни солдим ёмон кунлара.

Лашкарбошим, теградошим думондур,  
Бугун бизга гўё охир замондур.  
Бек Юсуф дер, қутулмоғим гумондур,  
Армон билан banda бўлдим қуллара.

Алқисса Аҳмадбек, Юсуфбек бу ҳолда турсун. Эмди Ашурбек Сардордин сўз эшигининг Ашурбек Сардор жадал қилиб келур эрди. Кўб кофирни қўруб, бекларга марданалик бериб, айдиким, қизил бошга қилич урғон қирқ –элли тоати бериёдин афзал туур деб, Пирларга сигиниб, бу габётни айди:

Қирқ йигитим, азamatim,  
Иш кўрсатур кундур буқун.  
Юсуф, Аҳмадбек, устинда,  
Бир нотавон кундур буқун.

Худойимдин кўпдур умид,  
Қон йифласун аҳли язид.  
Хоҳ ғози бўлинг, хоҳ шаҳид,  
Охир замон кундур буқун.

Ман билмасам нечук бало,  
Қонга түлсун кўлу дарё.  
Қиличлашиб майдон аро,  
Кўл силташар кундур букун.

Дуртунг пирларга юз тутиб,  
Язидларни қон йифлатуб.  
Шоҳимардонни ёд этуб,  
Кофир қирор кундун букун.

От қўйинг кофир устиға ,  
Қон тўкулсун тоғ устиға .  
Юсуф, Ахмадбек устинда,  
Бош кесулур кундур букун.

Бекларимиз бўлди banda,  
Бизлар қолдуқ доғ армонда.  
Саваш этуб шул майдонда,  
Жондим кечур кундур букун.

Ашурбекнинг шулдур зори,  
Курулсун маҳшар бозори.  
Юсуфбекнинг ғўчchoқлари,  
Жондим кечур кундур букун.

Алқисса тўп-тўп бўлиб ҳамма бирдан от қуидилар, кофирларнинг чодирларига оролаб бориб қўя оч бўри етгандек самизини саралаб олиб ўлтуруб, ёмонини яралаб баъзиларин чопуб, кафтидин тушуруб, баъзиларин қўлтуқидин чопуб, жонларин малак дўзахга юбордилар. Анда кофирларнинг онглари учиб саркардаларин қочурууб, ўртага олиб, найзалааб, милтуқлаб турур эрдилар. Шул вақтда Юсуфбек кофирларнинг қўлинда сархол бўлиб бу жавобни айди:

Юсуфбек

Ашурбегим қойтунг эмди,  
Фалак бузғонди фолимни.  
Манинг учун ҳалок бўлманг,  
Даф этолмассиз золимни.

Ашурбек;

Юсуфбегим сизнинг учун,  
Жонни фидо қилмоқ биздин.  
Ажал етиб шул майдонда,  
Шаҳид бўлуб ўлмак биздин.

## Юсуфбек

Неча баланд тоғдин оштим,  
Манманлиқдин құлга туштим.  
Хонумондин тугал кечдим,  
Сүрманг беклар бу холимни.

Ашурбек;

Олай коғирнинг исини,  
Кирғин қилиб борисини.  
Шум язидлар калласини,  
Сечадайин узмак биздин.

## Юсуфбек

Бадрак сўзина инондим,  
Жонима қилдим зулмин.  
Бўлди манго охир замон,  
Олдингда ўлсам на армон.

Ашурбек;

Тиззадан кечадурман қон,  
Қўлимда қиличу қалқон  
Ҳиммат берса Шоҳимардон,  
Дин қиличин чопмоқ биздин.

## Юсуфбек

Қаро қилди фалак баҳтим,  
Сабил қолди тожу тахтим.  
Хонумоним ўтга ёқдим,  
Билмасман соғу-сўлимни.

Ашурбек;

Язидларни барбод этиб,  
Ғамли кўнглимни шод этиб.  
Шоҳимардонни ёд этиб,  
Язидларни қирмоқ биздин.

## Юсуфбек

Бек Юсуф дер банда бўлдим,  
Бисмилдек қона бўялдим.

Айролиқдин күйдим, ёндим,  
Ғофил боғлатдим қўлимни.

Ашурбек;  
Ашурбек йиглар бу фурсат,  
Қайтдиму бизлардин давлат.  
Алихўжа берса, ҳиммат,  
Қиличлашиб ўлмак биздин.

Алқисса Ашурбек сардор йигитлариға тасалли барид, мардана бўлинглар деб бу жавобни айди:

Дин Хоразмнинг беклари,  
Юринг саллона-саллона.  
Қамиш қулоқ бедовлари,  
Чопинг саллона-саллона.

Кофиirlар ақлин чошуруб,  
Баланд қирлардин ошуруб.  
Ҳасрат тоғиндин ўткариб,  
Қиринг саллона-саллона.

Бўлсун Рустамнинг саваши,  
Қонга тўлсин теградоши,  
Лолувлоғон қизил бошни,  
Қиринг саллона-саллона.

Эрдек бўлғон бизга ўхшаб,  
Қонлар оқсин селга ўхшаб.  
Ҳар қайсингиз шерга ўхшаб,  
Дўнунг саллона-саллона.

Ашурбекка бўлинг ҳамдам,  
Язиднинг жойи жаҳаннам.  
Наъра тортинг мисли Рустам,  
Чопинг саллона-саллона.

Алқисса уч кеча-кундуз тинмай, отдин ерга тушмай, бир соат ором олмай, уруш қилдилар. Шул ҳолда кофиirlар Аҳмадбекни бир қирнинг устиға чиқариб ўн минг бурни қилли, оғзи қопқоқли кофиirlар ўртага олиб, қўлларинда ой болтаси, сиёsat бирла, туруб турур, шул вақтда Юсуфбек тогу тошдин илтифот тилаб, тоғларга қараб бу жавобни айди;

Аввал баҳор келиб кечдим,  
Бизнинг доғлар беша доғлар.  
Сабзалари сиёsatли,

Баланд-баланд, қўша доғлар.

Қизилгулдек юзум сўлиб,  
Ўз-ўзимни ғамга солиб.  
Айролиқдин бағрим куюб,  
Кўзим тўлди ёша доғлар.

Сансан бекларнинг сайргоҳи,  
Ўзинг тоғларнинг подшоҳи.  
Бузрукларнинг қадамгоҳи,  
Йўл устидин оша доғлар.

Кўхна замондин қолғон сан,  
Пайғамбар борин кўргансан.  
Армонсиз даврон сурғонсан,  
Шунча узок ёша доғлар.

Мусо қадаҳ тўлдурғонда,  
Гўҳар турга етурганда.  
Илгидин қадаҳ тўкилганда,  
Сан киурсан жўша доғлар.

Шеру фаланглар юрмоға,  
Чилтанлар суҳбат қурмоға.  
Йўлбарслар даврон сурмакка,  
Ер бергувчи гўша доғлар.

Йигитлар саваш этганда,  
Сойлар ўлукка тўлғонда.  
Кофиirlар зўрлик қилғонда,  
Сан тутагўр доша доғлар.

Бўлубдур шундоғ замона,  
Доғлар кўринмас думона.  
Дараларинг тўлди қона,  
Санчишиб йиқиша доғлар.

Беша доғларнинг бошиға,  
Туруб қочар бош - бошиға.  
Ашурбекнинг савашига,  
Сан қилгин тамоша доғлар.

Қизил бошлар йўлим тўсиб,  
Теградошим лашкар босиб.  
Ўз ҳолига йиғлар Юсуф,

Беринг муддат Беша доғлар.

Алқисса шул урушда ўттиз кеча-кундуз урушдилар. Тоғнинг даралари коғирларнинг ўлиги билан боғланди. Қон ҳар тарафга жүш уриб оқаверди ва яна тоғнинг тошлари коғирларнинг қонлари билан ранг-баранг бўлди. Анда Ашурбек сардор коғирларнинг ўртасинда қолиб икки кам ўттиз ярони қўтариб найзаси қўлидин тушиб қолди. Шул ҳолда Ашурбек сардор ўз ҳолини қўруб, йигитларни йўқлаб бу жавобни айди: Фазали Ашурбек.

Йигитларим келинг манинг ёнима,  
Бўз отим ранг-баранг бўлди қонима.  
Ўттизимда раҳмат етти жонима,  
Оға беклар мани суяб юринглар.

Ҳақдин келмай турур манго маҳосил,  
Маҳосил келганда қўймас бир фасл.  
Майдонда бўлмади мақсадлар ҳосил,  
Ғўчкоқларим мани суяб юринглар.

Олисдин кўрганман ман ул қарони,  
Даф эта билмадим келган балони,  
Ман қўтардим икки кам ўттиз ярони,  
Оғабеклар мани суяб юринглар.

Ман билмадим недин баҳтим қародур,  
Бисмил каби барча ерим яродур,  
Кўзим дунуб, эсим оғиб борадур,  
Ғўчкоқларим мани суяб юринглар.

Бўз отга ярошур Ашурбек қони,  
Сизларга хайф экан Юсуфбек нони.  
Нон еган йигитнинг сабилдур жони,  
Оғабеклар мани суяб юринглар.

Алқисса Ашурбекнинг бу сўзини эшлишгач йигитлари туш-тушидин келиб, ўттага олиб суяб, отнинг жиловидин ушлаб олиб юрий бердилар. Баногоҳ Юсуфбек Ашурбек сардорим деб, йўқлаб кўнгли бузулиб, йиглаб бу жавобни айди:

Нечук бўлди, билолмадим ҳолингни,  
Ман айланай ўзинг бирла отингдин.  
Худойим саклосун сенинг жонингни,  
Айланурман отинг бирла ўзингдин.

Кўлим боғли бора билмам ёнинга,

Эғам раҳм айласун гулдек жонинга.  
Бўз отинг лола ранг бўлмиш қонига,  
Садақа бўлам отинг бирла ўзингдин.

Кофиrlара солиб найза яросин,  
Сайлаб санчдинг кофиrlарнинг сарасин.  
Ўлукка тўлдирдинг доғлар дарасин,  
Ман айланай отинг бирла ўзингдин.

Эмди манинг якка бўлди мадорим,  
Ҳазон бўлди буқун фасли баҳорим.  
Севиклик ҳамдамим, Ашур Сардорим,  
Айланурман отинг бирла ўзингдин.

Бек Юсуфдер фалак бузди шонимни,  
Бисмилдайин ерга тўқди қонимни.  
Санинг учун олса берай жонимни,  
Курбон бўлам отинг бирла ўзингдин.

Алқисса Юсуфбек бу жавобни айтғондин сўнг Ашурбек сардор аиди, Эй йигитлар отнинг жиловин сақлаб қўлтиқимдин суяб туринглар деди. Анда йигитлар отнинг жиловин сақлаб, суяб турдилар. Шул вақтинда Ашурбек сардор Юсуфбекка мардоналиқ бериб бу жавобни аиди:

Манинг учун мотам тутуб йиғлама,  
Ўлсам яхши то қолгунча Султоним.  
Нола қилиб юрагимни куйдурма,  
Ман кетманам то ўлгунча Султоним.

Тушди бизга жудоликнинг доғлари,  
Тила на тушубдур умрим чаҳор боғи,  
Жон жасаддин чиқиб лаҳад туфроқи,  
Кўзларимга то тўлгунча Султоним.

Бўйнимга солибман тифи қазони,  
Бир ҳақ эди Муҳамаднинг озони.  
Ногоҳондин етса ажал ҳазони,  
Умрим гули то сўлгунча Султоним.

Подшо эдинг шахри Урганч юртинда,  
Ёринг куяр жудоликнинг ўтинда.  
Бугун бу майдонда санинг олдингда,  
Ўлсам яхши то турғонча Султоним.

Эмди ҳаргиз ватан ёдин тутманам,  
Жудолиқнинг захробасин ютманам.  
Сани қўюб эмди мундин кетманам,  
Ашурбек дер то ўлгунча Султоним.

Алқисса Ашурбек сардорни суюб яқоға чиқориб тушурдилар. Анда Ашурбек сардор ялонғоч бўлиб, икки кам ўттиз яросини дастори бирлан маҳкам боғлаб, либосларини икки эгнига ташлаб устундин совутини босиб, қиличини белига боғлаб, қалқонини кафтига ташлаб, найзага суюниб эгарни ушлаб ох-воҳ деб отига миниб, йигитларига бош бўлуб коғирларнинг лашкарига юзланиб Ҳазрат Али Шоҳимардонни ёд этиб бу жавобни айди:

Икки дунёда раҳбарим,  
Мард-майдоним ё Али,  
Рўзи жазода дастгиrim,  
Эй соябоним ё Али.

Истарам сиздин ҳимоят,  
Тушди бошимга қиёмат,  
Мушкулим айланг кушоят,  
Сардори таним ё Али.

Қолмади сабру қарорим,  
Қани манинг шоҳсуворим,  
Бўлдинг эмди хонадоним,  
Шери Яздоним ё Али.

Ғарибларнинг паноҳисиз,  
Кулли эранлар шоҳисиз,  
Чилтанларнинг подшоҳисиз,  
Рухи равоним ё Али

Бўлубдур шундай аломат,  
Қолмасам мундин саломат,  
Муродим айланг кифоят,  
Шифоатҳоҳим ё Али.

Дармонталаб дастгирисиз,  
Сайёҳиларнинг пирисиз,  
Қодир Оллонинг шерисиз,  
Чобуксуворим ё Али,

Бу коғирда йўқдур адад,  
Шерим деди сизни Аҳад,

Ашурбекка беринг мадад,  
Пушти панохим ё Али.

Алқисса беклар урушга мақид бўлдилар. Ҳар қайсиси шердек бўлуб, Олло деб от қўюб бўлаклаб олдига солиб қирор эрдилар. Анда кофирларнинг ўлуклари буғдой хирмондек бўлуб қолур ерди. Гоҳ қилич осиб чиқар эрдилар. Дучор бўлғон кофир қазосин топар эрди. Қутурғон итдек бўлуб ерни кучоқлаб қопар эрди. Гоҳ садоқларин боғлаб пўлат пайкон ўқин жаллаб қалғон кофирларнинг сийнасиға отар эрди. Ҳар отғонда эллик, олтмиши суллойиб ётар эрди. Шул сузишнинг устинда Миср юртидин чиқиб кўп қизил бош кофир келиб лоловлаб карной бирлан майдоннинг соғу-сўлини ола бердилар. Анда Ашурбек сардор бу келган лашкарни кўруб шул ерда бу ғазални айди:

Мушкул ишлар тушди манинг бошима,  
Эранлардин бир имтиҳон бўлмаса.  
Рахм айлаюб кўздин оққан ёshima,  
Соябоним фахри жаҳон бўлмаса.

На ёздум енгилдим фони дунёда,  
Бу майдонда етолмадим мурода.  
Кучли ғаним билан қолдим балода,  
Бу мушкулим яна осон бўлмаса

Ёмон бўлди манинг соат замоним,  
Парвоз этар буқун рухи равоним.  
Бошумдин айрилмас қайғу думоним,  
Етмиш икки соҳиб қирон бўлмаса.

Бошимда қолмади сабру қарорим,  
Банда бўлиб манинг чобук суворим.  
Ҳазрат Али, сансан манинг мадорим,  
Абу Бакр, Умар, Усмон бўлмаса.

Саваш этиб Беша тоғнинг ёнида,  
Совутлари пора бўлуб эгнинда,  
Ашурбек дер қолдим маҳшар кунинда,  
Мадад бергил Шоҳимардон бўлмаса.

Алғараз урушдилар, анда кофирларнинг қони жўш уруб сойлар ўлукка тўлуб оқа берди. Тўққиз кеча-кундуз тинмай, отдин ерга тушмай урушиб кофирлар бирлан сурушиб яқоға чиқиб отлариға дам бериб ўзлари ҳам наҳори этиб, яна отларига миниб юзланиб, шул вақт Ашурбек йигитларин қиздуруб бу жавобни айди:

Ғүччоқларим, от қўйинглар,  
Кўб бир ёндин, оз бир ёндин.  
Язиднинг қўзун ўюнглар,  
Қирқ бир ёндин, юз бир ёндин.

Тоғлар бошин олсун думон,  
Кофириларга берманг омон,  
Бугун бўлсун охир замон,  
От қўйинглар боз бир ёндин.

Бу ширин жондин кечинглар,  
Кафан тўнини бичинглар,  
Ҳар қайсинг ўнни сончинглар,  
Ўн бир ёндин, юз бир ёндин.

Қиринг юз минг қизил бошни,  
Бўялсун тоғларнинг тоши,  
Томоша қилсун саваши,  
Тоғ бир ёндин, туз бир ёндин.

Ашурбекнинг шулдир зори,  
Бошинда маҳшар бозори,  
Дини Хоразмнинг беклари,  
Сиз бир ёндин, биз бир ёндин.

Алқисса Ашурбек сардор от қўюб кофириларни ясовларини бузуб сейсхонасига бориб Юсуфбек бирла Аҳмадбекнинг отларини ойириб олиб, икки қўлига ушлаб еталаб юрибердилар. Шул ҳолда ўттиз минг кофир кўриб лолувлаб от қўйуб соғу-сўлини олаберди. Анда Ашурбек сардорнинг икки қули отнинг жиловинда эрди. Кофириларнинг кўришидан отдин тушуб қолди. Анда кофирилар Ашурбекни ўртага олиб сонқулай бердилар. Ногоҳ йигитлари кўруб Ашурбекни майдалаб турғонда олло деб от қўйдилар. Инмиқдор уруш бўлди. Сув ўрнига қонлар оқди. Кофириларнинг ўлигининг сонин ҳеч ким билмади. Гўёки қўйга бир оч бўри киргандек қилиб, Ашурбек сардорни, Юсуфбек била Аҳмадбекнинг отларини айириб олиб чиқдилар. Анда Ашурбекнинг отларини ойириб олуб чиқдилар. Анда Ашурбекни кўрсалар боҳуш бўлуб эси кетиб қолиб туур. Анда йигитларининг бели бўшаб шул ҳолда Юсуфбек бирлан Аҳмадбекнинг отларига сирича қилиб йиғлаб Ашурбекни кўтариб сиричага солиб юклаб қайтмочи бўлдилар.

Анда Юсуфбек йигитларини бу ҳолда кўриб ота-онаси, синглиси, Гуласал ойим ёри ёдига тушуб ўлум яқосидин тутғондек бўлуб йигитлари бирлан дардлашиб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бу жавобни айди:

Севгилик ҳамдамлар, бизнинг ғўччоқлар,  
Салом денглар зинҳор бизнинг эллара.

Үйнаб ўсган бирга юрган ғүччоқлар,  
Салом денглар зинхор бизнинг эллара.

Қайнотамга етқузинглар арзимни,  
Ғойибона чеккан охи сардимни,  
Ашурбекка топшурсунлар юртимни,  
Салом денглар зинхор бизнинг юртлара.

Манманлиқдин қолдим бало-қазоға,  
Шум язидлар солди мани озора.  
Манинг учун қон йиғлағон худоға,  
Салом денглар зинхор бизнинг эллара.

Лолагун бўлубдур кўзимда ёшим,  
Ғариблиқда Аҳмад бўлди йўлдошим,  
Бир онадин сут эмишган қардошим,  
Салом денглар зинхор ночор синглимга.

Манинг фироқимда ўртаниб куйган,  
Юзларини йиртиб, сочини ёйғон,  
Умид бирла бир ёстиққа бош қўйган,  
Салом денглар зинхор бизнинг эллара.

Олар кезар анда айшу ишратда,  
Банда бўлиб мунда қолдим ҳасратда,  
Бу ҳолимни такрор айтиб албатта,  
Салом денглар зинхор ёру-дўстимга.

Ёри жўрам сўрса Юсуф ўлди дeng,  
Ўлуклари аро чўлда қолди дeng,  
Танасини қарға , қузғун еди дeng,  
Салом денглар зинхор жами беклара.

Алқисса, йигитлар Урганч вилоятиға қараб кетдилар. Анда кофирлар ҳам балодин кутулғондек бўлуб чодирларини бузуб фил, теваларга юклаб Юсуфбек ва Аҳмадбекнинг бўйинларига ғул солиб атрофини олиб, кўчиб бекларини олдиға солиб Миср юртига равона бўлдилар. Эмди Юсуфбекнинг ёри Гуласал ойимдин сўз эшигининг - Бекларнинг келур муддати бўлди деб, олдига пешвоз чиқиб, бош - оёқ сарпой тикиб болаззат таомлар пишируб ўлтуур эрдилар. Андин сўнг неча муддатлар ўтди. Ногоҳ уйқу мағолиба қилди, ухлади. Уйқусида туш кўрди. Оқ ўтовдин йиқилиб кетди. Ох тортиб ўзининг охи бирла уйғонди. Шул вақт Гуласал ойим Юсуфбекни йўқлаб бу ғазални айди:

Хаборин сүройин кимдин,  
Келмади ёrim, найлайин.  
Айрилмас бошим бу ғамдин,  
Келмади ёrim, найлайин.

Беклар билан овга кетди,  
Келур муддатидин ўтди.  
Магар биздан давлат кетди,  
Келмади ёrim, найлайин.

Манинг ишим зора дүнди,  
Гулистоним хора түлди.  
Ёхти жаҳон дора дүнди,  
Келмади ёrim, найлайин.

Худоё ман налар этдим,  
Бекларимдин жудо қолдим.  
Фироқинда адо бўлдим,  
Келмади ёrim, найлайин.

Жудолиқдин замон ўлди,  
Тақдирда ёзилғон ўлди,  
На ҳабар, на нишон ўлди,  
Келмади ёrim, найлайин.

Ўзимни йўлга чорларман,  
Ҳар кимсадин сўроқларман.  
Гуласал дер қон йиғларман,  
Бошимда қайғу думонлар.

Алқисса неча кунлар ўтиб эрди бир жуфт отлиқ пайдо бўлди. Анда Гуласал ойим уч юз олтмиш канизаклари бирлан мастиона-мастиона ўтовдин чиқиб юрий бердилар. Бу тўрт отлиқ Ашурбек сардорни йигитлари ўртоға олиб, Юсуфбек Аҳмадбекнинг отларига сирича қилиб келур эрдилар ногоҳ Гуласал ойим йигитларни бу ҳолда кўриб ва яна Ашурбек сардорни кулфатда кўриб, багри куйуб, ичи ўйнаб, мийнаси қайнаб бу жавобни айди:

Қиёмат бўлғон ўхшайди,  
Қизил гул сўлғон ўхшайди.  
Соч ёзиб йиғланг, канизлар,  
Бекларим қолғон ўхшайди.

Бу бало нечук балодур,  
Жонима ўтлар соладур,

Минган оти бўш келадур,  
Бекларим қолғон ўхшайдур.

Қутулмадим ғамдин қочиб,  
Кимга йиғлай сийнам очиб,  
Отлар келар енгил қўчиб,  
Бекларим қолғон ўхшайди.

Тоқатим йўқ соат замон,  
Айролик ўлимдин ёмон,  
Бугун бўлди охир замон,  
Бекларим қолғон ўхшайди.

Ҳар кимсага етса ажал,  
Дам олурга қўймас маҳал,  
Қон йиғлагил, эй Гуласал,  
Юсуфбек ўлган ўхшайди.

Алқисса Гуласал ойим бу сўзни айтғондин сўнг тўп-тўп бўлиб йиғлашиб турабердилар. Анда йигитлар Ашурбек сардорни сиричасини ўртага олиб йиғинлашиб ўта бердилар. Анда Гуласал ойим сочини ёзиб, юзини йиртиб бекларга қараб Юсуфбекни сўраб бу жавобни аиди:

Кеча - кундуз қон йиғладим йўлинда,  
Жилов сақланг, беклар, дилдорим қани.  
Бирга даврон сурган соғу-сўлинда,  
Жилов сақланг, беклар, дилдорим қани.

Омонлиқда ман ҳам ботир деганлар,  
Сайлаб яхши инъомларни олғонлар,  
Ўзун қуйиб отин етиб келганлар,  
Жилов сақланг, беклар, дилдорим қани.

Буқун бўлди манго охир замона,  
Бекларим қўрмаким эмди гумона,  
Моли мулки мунда қолди толона,  
Жилов сақланг, беклар, дилдорим қани.

Қулоқ солинг Гуласалнинг додина,  
Хабар бериб ўтинг кўнгил шодина,  
Тириклийин куйдирманглар ўтина,  
Жилов сақланг беклар дилдорим қани.

Алқисса Гуласал ойим бу сўзни айтғоч Ашурбек Сардорнинг кўнгли бузулуб бошиға тушган кунларин бир-бир баён қилиб бу жавобни аиди:

Эмди аҳволим на бўлғай бу оҳшом жондин жудо,  
Элу халқнинг раҳбари ул икки султондин жудо,  
Қўтариб сонсиз ярони келмушам хондин жудо,  
Ҳаста жисмим ўртанибдур найлайнин ондин жудо,  
Чун сафардек қолмишам лаъли гўвҳар кондин жудо.

Учрашиб қон йиглашуб бордум язиднинг устиға ,  
Чун язид аҳли билан қолдим қиличнинг остиға,  
Ул Ҳусаиндек жанг этибон Карболонинг устиға .  
Юсуф-Аҳмад қолдилар йиглаб қазонинг дастига,  
Ўлганим яхшийди қолгунча султондин жудо.

Беклардин айрилиб ҳасратда қолдим найлайнин,  
Жисмим ичра ўт тушиб меҳнатда қолдим найлайнин,  
Куйдиму, қул бўлдуму дарда қолдим найлайнин,  
Ман бу кун икки тўрамдин айра келдим найлайнин,  
Қўтариб сонсиз ярони бўлдим ондин жудо.

Ҳеч иложим етмади синди қанотим қайрилиб,  
Найлайнин ғам чоҳига кетди оёғим тойрилиб,  
Салтанатлиғ шоҳ эдим бечора бўлдим майрилиб,  
Юсуф-Аҳмад деган икки тўрамдин айрилиб,  
Тож-тахтим бузмишам хонадонимдин жудо.

Ул чамандин айрилиб, қолгунча сўлган яхширок,  
Ушбу дунёдин кечиб, беғона бўлғон яхшироқ,  
Ман ғарип афтодани ҳолини билган яхшироқ,  
Бу тириклиқдин манга албатта ўлган яхшироқ,  
Бул Ашурбек ўртаниб қолгунча султондин жудо.

Алқисса Ашурбек сардорнинг бу сўзини эшитгач Гуласал ойим бекларга  
қараб зор-зор йиглаб бу сўзни айди:

Отнинг ёлини ўрганлар,  
Бекимга ҳизмат қилганлар,  
Афтода бўлар манманлар,  
Тўрамни қўриб келганлар.

Эмди кимдин сўроқларман,  
Юраким ўтга доғларман,  
Мотам тутиб қон йигларман,  
Бошимда қайғу, гумонлар.

Худонинг ҳиммати чўқди,

Жудолиқдин баттар йўқди,  
Бағр қоним кўздин оқди,  
Боша тушди қазо кунлар.

Ҳеч ким сўрмас манинг ҳолим,  
Йиглаб ўтса моҳи солим,  
Жудолик қаттиқдур золим,  
Кўзларимдин оқиб қонлар.

Гуласал зордур изингга,  
Қонлар тўлубдур кўзима,  
Розимон берган тузима,  
Жавоб бердим, ўтинг беклар.

Алқисса беклар ўтиб юрий бердилар. Анда Юсуфбекнинг Қалдирғоч ойим деган синглиси бор эрди. Ногох кўшкнинг панжарасидин қараб туриб эрди. Бир тўп отлиқни кўриб оғамнинг олдиға чиқиб совғат олурмиз деб қизларга қараб бир Ғазал айди:

Нозанинлар бирга юринг олдиға,  
Совғат олинг, қизлар, оғам келадур.  
От чопушуб Хоразмнинг беклари,  
Совғат олинг, қизлар, оғам келадур.

Ҳамроҳ этиб неча яхши бекларни,  
Қадди шамшод, хусни тоза гуллари,  
Шикор этиб мурғзорли чўлларни,  
Совғат олинг, қизлар, оғам келадур.

Худой қилса ҳар бандани сарафroz,  
Иzzат топар ҳеч ўлмасдур қишу ёз,  
Юринг эмди чиқинг олдига пешвоз,  
Совғат олинг, қизлар, оғам келадур.

Манинг оғам йигитларнинг оғаси,  
Онга етти Шоҳимардан дуоси,  
Жилва бериб кўрунадур қароси,  
Совғат олинг, қизлар, оғам келадур.

Қалдирғоч дер сиз эрурсиз йўлдошим,  
Кечалар ҳамдамим, кундуз қўлдошим,  
Юсуфбек, Аҳмадбек икки қардошим,  
Совғат олинг, қизлар, оғам келадур.

Алқисса Қалдирғоч ойим қизлардин олдига чиқдилар, кўрсалар йўлдоғи Ашурбек сардор эрди. Яқинлашиб келди. Они Қалдирғоч ойим кўриб таниб, сочини ёзиб, юзини йиртиб зор-зор йиғлаб, қизларга қараб бу жавобни айди:

Дод-фарёд шум фалакнинг жабриндин,  
Соч ёзиб йиғланглар қолғон ўхшайдур.  
Қон йиғларман оғаларим дардиндин,  
Ёш тўкиб йиғланглар қолғон ўхшайдур.

Ҳижрон ўти устихоним ёқибдур,  
Боди ажал иморатим йиқибдур,  
Азиз тандин ширин жоним чиқибдур,  
Дод этиб йиғланглар қолғон ўхшайдур.

Фалак солди манго маҳшар қунини,  
Зулум бирлан жудо қилмиш жонини,  
Отинда кўринглар бўғзин қонини,  
Соч ёзиб йиғланглар қолғон ўхшайдур.

Қалдирғоч дер нетай бағрим эзилди,  
Шум қисматлар рўзи азал ёзилди,  
Вақтим етиб жон жасаддин узулди,  
Ёш тўкиб йиғланглар қолғон ўхшайдур.

Алқисса йигитлар ҳам яқинлашиб ўтабердилар. Анда Қалдирғоч ойим олдига чиқиб йигитларга қараб оғаларини сўраб зор-зор йиғлаб бу жавобни айди:

Бирга кетган навжувонлар,  
Бек оғамни найладингиз.  
Юрт сўроғон беку хонлар,  
Бек Юсуфни найладингиз.

Хазон урди гулистоним,  
Фалак ёқди устихоним,  
Кўзим устунда мужғоним,  
Бек Юсуфни найладингиз.

Ҳолима йиғлаб бир неча,  
Қирилғондур гули ғунча,  
Аҳмад бизга амакибачча,  
Хон оғамни найладингиз.

От қўюб ўнгини солмай,  
Язидларнинг қонин олмай,

Нечук келдингиз уялмай,  
Бек оғамни найладингиз.

Үзини эрман деганлар,  
Югурук бедов минганлар.  
Сайлаб инъомин олғанлар,  
Хон оғамни найладингиз.

Изларини қилди тавоғ,  
Фалак қилди бағрим кабоб,  
Қалдирғоч дер беринг жавоб,  
Хон Юсуфни найладингиз.

Алқисса йигитлар жавоб бермай ўтиб кета бердилар. Анда Қалдирғоч ойим  
йиғлаб Лъялихон ойим онасининг ёнига бориб зор-зор йиғлаб Юсуфбек,  
Аҳмадбекни йўқлаб кўрганларин баён қилиб бу жавобни аиди:

Ғазали Қалдирғоч:

Бугун манго охир замон бўлубдур,  
Йиғла, онам, гулузорингдин айрилдинг.  
Боқий умринг бугун талон бўлубдур,  
Йиғла, онам, гулузорингдин айрилдинг.

Хазон бўлди Хоразмнинг гулзори,  
Қурулубдур бугун Махшар бозори,  
Жондин ўтди айрилиқнинг озори,  
Йиғла, онам, гулузорингдин айрилдинг.

Кўзингнинг равшани, жонда роҳатинг,  
Севар қўзинг, худо берган давлатинг,  
Орттургон матоинг, боғи жаннатинг,  
Йиғла, онам, гулузорингдин айрилдинг.

Исфихондин эл бошиға бош бўлғон,  
Азиз боши ёт ерларда лош бўлғон,  
Эл-халқига афсонаси чош бўлғон,  
Йиғла, онам, гулузорингдин айрилдинг.

Қалдирғоч дер, буқун қолди бу жоним,  
Бир оҳ урсам қўкка етар авғоним,  
Юсуф, Аҳмад қани икки сultonим,  
Ман оғамдин, сан болангдин айрилдинг.

Алқисса Лаълихон ойим қизига мардоналиқ бериб, йиғлама болам, душманлар маломат қилур, иншоолло тангри таоло хохласа оғанг эсон - омон келур деб, бу жавобни аиди:

Нола қилиб юракимиз куйдирма,  
Кўп йиғлама, оғанг эсон - омондур.  
Қон йиғлаюб ранги-рўйинг сўлдирма,  
Кўп йиғлама, оғанг эсон-омондур.

На сабабдин қилдинг оҳу надомат,  
Кимдин тушди санго ваҳм қиёмат,  
Йиғласанг душманлар қилур маломат,  
Кўп йиғлама, оғанг эсон-омондур.

Санинг оғанг эрур манинг ўғлоним,  
Бу дунёда билки ному нишоним,  
Юракимни қути, жиссимда жоним,  
Кўп йиғлама, оғанг эсон-омондур.

Оғанг кетди шикор учун чўллара,  
Гашт айлаюб мурғзорли кўллара,  
Мани солма, болам, ёвуз ҳоллара,  
Кўп йиғлама, оғанг эсон-омондур.

Лаълихон дер кўп йиғлама шу замон,  
Оғанг келар санинг ўлмай бегумон,  
Сипоҳининг пири ул Шоҳимардон,  
Йиғлама, жон болам, оғанг эсон-омондур.

Алқисса Қалдирғоч ойим аиди: омонлиқ ҳам ёмонлиқ ҳам номаълум деб-ўлтуриб эрди ногоҳ Гуласал ойим қаро қийиб, сочини ёзиб, юзини йиртиб, йиғлаб келди, Анда Лаълихон ойим келинин бу ҳолда кўруб учовлари бу жавобни айтишдилар.

Лаълихон :  
Кўзимга кўринмас доғларнинг сусти,  
Қора кийиб келдинг боламни дўсти,  
Сандин келурмикан қўзимнинг ийси,  
Ҳама келди манинг болам келмади.

Қалдирғоч:

Оғам арзу ҳолин айтдиму санго,  
Овга кетди кенгаш қилмайин манго,  
Нечук савдо бўлди бизларга яна,  
Ҳама келди манинг оғам келмади.

Гуласал:

Ғунчалиқда хазон урган лоламан,  
Хеч билманам недин бахти қароман,  
Жудолиқ тиғидан багри ёроман,  
Ҳама келди манинг ёрим келмади.

Лаълихон:

Мундин кетуб паймонаси тўлдуму,  
Ҳориб, чошиб оро чўлда қолдуму,  
Оқибат қисмати шундоғ бўлдуму,  
Ҳама келди манинг болам келмади.

Қалдирғоч;

Йигитларни бари ҳама келдилар,  
Қаро куним бошим узра солдилар,  
Сўрдим, манго-«Банди бўлди»-дедилар,  
Ҳама келди манинг оғам келмади.

Гуласал:

Алифдек қоматим ёйдек букилмиш,  
Охир замон бўлуб, кунлар тутилмиш,  
Бўғуз қони от ёлиға тўкулмиш,  
Ҳама келди манинг ёрим келмади.

Лаълихон :

Лаълихон дер, солди қайғу ўлумни,  
Кимга бориб кўрсатайин сийнамни,  
Яна кўрмак бўлурмикан боламни,  
Ҳама келди манинг болам келмади.

Қалдирғоч:

Қалдирғочни қўпдур дарди пинҳони,  
Оғам эрди Хоразмнинг Султони,  
Юрагимда қолди доғи армони,  
Ҳама келди манинг оғам келмади.

Гуласал:

Гуласал дер бўлди аҳволим баттар,  
Айрилиқнинг тиғи бағримни йиртар,  
Бир оҳ урсам фалак жонидин ўтар,  
Ҳама келди манинг тўрам келмади.

Алқисса, булар бунда турсун эмди Юсуфбек бирла Аҳмадбекдин сўз эшигинг. Кўп кофирларнинг олдига тушиб борур эрдилар. Ўттиз кундин сўнг Аҳмадбекнинг оёқлари ёрамади. Анда кофирлар айтур эрдилар «юргин бўлмаса бошингни олиб кетармиз» - деб ўртага олиб айдилар. Ул вақтда Аҳмадбек Юсуфбекка қараб ёлбориб, бу жавобни айди: Ғазали Аҳмадбек:

Юсуфбек оға, хабар олғил ҳолимдин,  
Қўлим боғли, зулм бирлан ўлдум ман.  
Қиёматда дод этарман золимдин,  
Қўлим боғли, зулм бирлан ўлдум ман.

Бу тоғлардин ошиб, икки букулиб,  
Борадурман тоғу-тошга оҳ уруб,  
Кофирлар қўлинда армонли бўлуб,  
Қўлим боғли, зулм бирлан ўлдум ман.

Оёқимга тегса эди бир тикан,  
Қилур эрди мушфиқ онам минг авғон,  
Нолишимдин титрар замину осмон,  
Қўлум боғли, зулм бирлан ўлдум ман.

Банди бўлуб зори саргардонманам,  
Бу кўнглилда юзминг армону, алам.  
Қани манинг парво қилғон жон анам,  
Қўлум боғли, зулм бирлан ўлдим ман.

Рухим парвоз этиб учар саримдин,  
Кунданинг ягочи ўтди қўлимдин,  
Оёқ босиб тура билмам ярамдин,  
Қўлим боғли, зулм бирлан ўлдим ман.

Аҳмадбек дер ҳеч ким келмас қошима,  
Раҳм айламас кўздин оққан ёshima,  
Ёмғурдайин қамчи ёғиб бошима,  
Қўлим боғли, зулм бирлан ўлдим ман.

Алқисса Юсуфбек Аҳмадбекдин бу сўзни эшитиб, кофирларға қараб Аҳмадбекни миндууринг деб сиёsat қилиб бу жавобни айди:

Бизнинг бирлан ҳамроҳ бўлғон язидлар,  
Қўлин ечиб Аҳмадбекни миндуринг.  
Бурнунгиз кесилсун кофир язидлар,  
Қўлин ечиб Аҳмаджонни миндуринг.

Кун-кундин койишим бўлди зиёда,  
Во ҳасрато етолмадим мурода,  
Ўзим юрсам жаҳаннамга пиёда,  
Қўлин ечиб Аҳмаджонни миндуринг.

Қаролди, қаролди доғлар қаролди,  
Ёш ўғлоннинг ранги-рўйи саролди,  
Доғлар ошиб оёқлари қоборди,  
Қўлин ечиб Аҳмаджонни миндуринг.

Ёш ўғлондур билмаганин билдурдинг,  
Урманг, сўқманг шодиёна кулдуринг,  
Кўзларим кўрмасун мани ўлдуринг,  
Қўлин ечиб Аҳмаджонни миндуринг.

Хазон бўлди боғи умрим гулшани,  
Арзимни эшитинг, кофирлар, мени.  
Аҳмадни озод этиб, ўлдиргил мани,  
Қўлин ечиб Аҳмаджонни миндуринг.

Юсуфбек дер, ҳеч ким мендек бўлмасун,  
Юракинда доғу армон қолмасун,  
Отасининг ёлғузидир ўлмасун,  
Қўлин ечиб Аҳмаджонни миндуринг.

Алқисса кофирларнинг қаҳри келиб, Юсуфбекни қамчиға тутдилар. Анда Аҳмадбек Юсуфбекни бу ҳолда кўруб қошиға келиб кофирларға таволло қилиб ҳарчанд айланди ҳам қўймадилар. Шул вақтда Аҳмадбек мардоналиқ бериб Юсуфбекка қараб бир жавобни айди:

Бизни мундин элтар шоҳнинг қошиға,  
Кўп совдалар тушар марднинг бошиға,  
Рози бўлғил худо қилғон ишиға,  
Эланма кофира, юргил, Султоним.

Манманликдин кўриб буйла жафони,  
Ёд этиб йигладим қодир худони,  
Бе ажал чиқмасдур пашшанинг жони,  
Эланмайин юргил, Юсуф Султоним.

Булбул яхши билур гул роҳатини,  
Худо очғай ҳар банданинг баҳтини,  
Иншо олло олармиз Миср таҳтини,  
Эланмайин юргил, Юсуф Султоним.

Дамимни рост қилиб ўзум чоқладим,  
Бу ситамга билки ўзим чоқладим,  
Етти йил юриша ҳиммат боғладим,  
Эланма коғирға, юргил Султоним.

Гашт этиб кезарман тоғу тузини,  
Қироллар айларман кўбу озини.  
Иншо олло олурмиз шоҳнинг қизини,  
Эланма коғирға, юргил Султоним.

Бандасидин умид, худодин раҳмат,  
Манманликдин тушди биза бу тухмат,  
Бу сўзларни айтғон уканг бек Аҳмад,  
Эланмайин юргил, Юсуф Султоним.

Алқисса коғирлар айтдилар: улуғдин киччисининг бўйни йўғун эркан. Буларнинг кўзларини Гўзалшоҳ ўйсун деб олиб юрий бердилар. Беш ой деганда Боли Ҳисор тоғига чиқдилар. Шул вақтда Юсуфбек уч юз олтмиш авлиёни ёд этиб, бу жавобни айди:

Сайргоҳим хисор тоғи,  
Бек эрур йўлларинг санинг.  
Очилганда гулшан боғинг,  
Сайрап булбулларинг санинг.

Эрлар йўлимиз босғонда,  
Қибладин шамол эсганда,  
Кучли ғанимлар босғонда,  
Талпинур сувларинг санинг.

Манманликдин кўрдим бало,  
Сабаб бўлдим туштим қўла.  
Баландингда санинг қалъа,  
Ичинда бекларинг санинг.

Қиёмат тонги отганда,  
Дунёни қони тутғонда.  
Асрофил Сурин тортғонда,  
Тебранмас сангларинг санинг.

Бир тоғинг боради саланг,  
Гулларин эрур ранг-баранг,  
Сайрон этар йўлбарс, паланг,  
Ичинда шерларинг санинг.

Бир чашманг бор кўҳи пастда,  
Кўрган одамлар ҳавасда,  
Сувин ичган бўлмас ҳаста,  
Шифодур сувларинг санинг.

Сансан тоғларнинг Султони,  
Билурсан одам атони,  
Уч юз олтмиш пир макони,  
Хозирдур пирларинг сани.

Сандин мадад Сайдота,  
Этган ишим бўлди хато,  
Юсуфбек йиглар кўз тuto,  
Кучлидур пирларинг санинг.

Алқисса кофирлар Юсуфбек ила Аҳмадбекни мундин ўтказиб юрий бердилар. Боз икки ой йўл юриб, аввал охири етти ой деганда Миср юртиға еткурдилар. Анда Миср юрти Юсуфбекнинг кўзиға жилва бериб кўрина берди.

Андин сўнг Юсуфбек Аҳмадбекка қараб кўнглу бузулиб бу жавобни айди:

Кўзинг очғил Аҳмадхоним,  
Мисрнинг юртига келдик.  
Сансан манинг жигарбандим,  
Язиднинг шахриға келдик.

Кўрунди Миср минори,  
Сенсан жонимнинг дармони.  
Қурилди Маҳшар бозори,  
Кофирнинг шахрига келдик.

Бошинда ҳижрон балоси,  
Танимда қулфат яроси.  
Кўрунди Миср қальаси,  
Язиднинг шахрига келдик.

Хабар бермай йигитларга,  
Эгарсиз миниб отларга.  
Банди бўлуб язидларга,  
Мисрнинг шахрига келдик.

Зулум бирла бағрим доғлаб,  
Язидлар қўлумни боғлаб.  
Бек Юсуф дер қонлар йиглаб,  
Кофириңг шахрига келдик.

Алқисса Юсуфбек бу сўзни айтғондин сўнг кофиirlар суюнчига киши юбордилар. Эрса шоҳға бориб арз қилдилар. Гўзалшоҳим Юсуфбек, Аҳмадбекни лот манот муддат қилдик, боғлаб келтурдик дедилар. Анда Гўзалшоҳнинг чунон вақти хуш бўлиб, кўп инъом бериб андин сўнг жиловларини келтируб айди. Юсуфбек, Аҳмадбекни регистонға келтуриб сангзорға тутуб ўлтурунг деди. Эрса тушурган кофиirlар Юсуфбек била Аҳмадбекни жаллодларға бериб юбордилар. Анда одамнинг қулоқ бирлан бурниндин ҳайкал қилиб осғон бадбаҳт кофиirlар олиб юрий бердилар. Олиб бориб Мисрнинг шахрига киргиздилар. Анда беклар бу аломатларни кўриб тамом пайғамбардин мадад сўраб жами авлиёларни ёд этиб бу жавобни айди: Фазал:

Дунёни яратғон қодир худойим,  
Аҳмад бирла иккимизга на бўлди.  
Бу балодин омон сақла худойим,  
Аҳмад бирла иккимизга на бўлди.

Арш устинда ўн икки минг мукаррар,  
Юз йигирма тўрт минг ўлган пайғамбар.  
Магрибда, Машриқда ётғон эранлар,  
Аҳмад бирла иккимизга на бўлди.

Қурбонинг бўлойин эй фахри жаҳон,  
Абу Бакр, Умар, Сиддиқи Усмон.  
Камарбаста пиrim ё Шоҳимардон,  
Аҳмад бирла иккимизга на бўлди.

Бугун бўлди худо ҳақнинг маҳшари,  
Ёқиб торож этиб кўнглум кишвари,  
Ҳасан, Ҳусайн шаҳидларнинг сарвари,  
Аҳмад бирла иккимизга на бўлди.

Баҳоваддин Бухородур манзили,  
Занги бобо Султон Вайис Эрвали.  
Маҳмуд полвон пиrim, Султон Эрхубби,  
Аҳмад бирла иккимизга на бўлди.

Кофиirlар зулмидин бағрим порадур,  
Бисмил каби барча ерим яродур.  
Армон бирлан умрим ўтиб борадур,  
Аҳмад бирла иккимизга на бўлди.

Бек Юсуф дер ҳеч қолмади нишоним,  
Шул сабабдин манинг оху ағғоним.  
Абу хўжа шайх Шариф эшоним,  
Аҳмад бирла иккимизга на бўлди.

Алқисса коғирлар сангзорға тутар бўлдилар. Эрса пирлардин мадад бўлди. Юсуфбек, Аҳмадбекка ҳеч зарап бўлмади. Анда коғирларнинг отғон тош-кесаклари ўзи-ўзига тегиб бир-бирин қирор эрдилар. Анда Гўзалшоҳга хабар еттиким, Юсуф сунни сеҳргўйми, жодўгўйми тош-кесак тегмас. Одамлар тош отса ҳам ўзига тегар деб айдилар. Анда Гўзалшоҳни ваҳм босди. Андин сўнг Регистонға Юсуфбек, Аҳмадбекнинг устиға Миср шахрининг тамом халқлари тамошага чиқиб марди занон хурдикалон жамъ бўлиб, неча одамлар оёқ остинда ўлиб, паст кўча, рост кўча одамға туриш билан шул шўриши ғавғо билан Юсуфбек Аҳмадбекни жаллодлар олдиға солиб Гўзалшоҳнинг ёниға бордилар. Анда Юсуфбек Гўзалшоҳни муңтазур қилмай ўлтурди. Анда Гўзалшоҳ аиди. «Эй Юсуфбек сани билурман. Ўз юртингда ёр жўра ҳам улфатларинг борму канtingдин чиқиб келатурғон» -деди ва яна юртунг нечук-деди. Шул вақтда Юсуфбек Гўзалшоҳға қараб, ўз юртини таъриф этиб бу жавобни аиди. Ғазали Юсуфбек бу туурур:

Эй шоҳим, бизнинг элларнинг,  
Хуш ўтар ёзу қишлиари.  
Боғларини боғбон бокар,  
Мевалидур ёғочлари.

Қарилари уйда ётар,  
Йигитлари сайғоқ отар,  
Қиз, жувони чиқиб тутар,  
Завқи сафодир ишлари.

Хабар борур бир кун мундин.  
Лашкар келур бешак андин,  
Олти ботмон қаро симдин,  
Ўқ ёйларнинг киришлари.,

Бедовлари жева чолур,  
Чопғонда пайкондек келур,  
Табл қоқсанг ўрдак учур,  
Баландпарвоздур қушлари.

Подшолари одил сўрар,  
Барчани бир кўзда кўрар.  
Юсуф пайғамбарим йўрар,

Зинданда кўрган тушлари.

Санга қайтиб қилсам сафар,  
Қулоқ солғил, Гўзал кофир.  
Силтасам юзингни чопур,  
Исфаҳоннинг қиличлари.

Расул барҳақ, худо бирдур,  
Худонинг дўсти Расулдур,  
Лаъли-маржон, ёқут, дурдур,  
Ўлкамнинг тоғу тошлари.

Ўзиндин олсам ойимни,  
Хуйи -хулқи мулойимни,  
Қуллуқ қилса худойимни,  
Тайёр саккиз беҳиштлари.

Чўллари бор мурғзорли,  
Шаҳарлари хуш бозорли,  
Товушқонли, кийикзорли,  
Ёзи ёбоним дошлари.

Сахийлари Хотамча бор,  
Сардорлари Баҳромча бор,  
Майдон ичра Рустамча бор,  
Баландпарвоздур қушлари.

Ҳеч ким менинг ҳолим билмас,  
Бу кофирлар кўза илмас,  
Ажал етмай киши ўлмас,  
Оқма, дийдамнинг ёшлари.

Олдимда Аскар тоғидур,  
Қирқ йигитнинг овлоғидир,  
Бўз отларнинг яйлоғидур,  
Қўлинда яшил бошлари.

Бек Юсуфбек шулдир ишим,  
Етгай худоға нолишим,  
Озод бўлғай банда бошим,  
Дуо қилса дарвешлари.

Алқисса, андин сўнг, Гўзалшоҳ дарғазаб бўлиб:

- Боринг, Юсуф бирлан Аҳмадни Ҳамза миршабга топшуруб, зинданға солинг. Ҳар ким буларга бир парча нон ёки бир қултум сув берса ўқчасидин бошиғача терисини сўйинг, деб ҳукм этди.

Энди хабарни Ҳамза қизил бошдин олинг, ул Гулжаҳон деган хотини бирла ўтуруб эрди, дарвозани қоқилғонини эшитиб сичраб ўрнидин турди. Ясовулларни кўриб ўрнидин турди. Ясовуллар ани дарҳол Гўзалшоҳнинг даргохига олиб келдилар. Ҳамза миршаб аҳволни тушуниб, Юсуф бирла Аҳмадни кўруб, аларнинг жамолиға боқиб, хуши бошидин учди. Шунда ул Юсуфбекка қараб:

- Эй Юсуфжон, суннийликдин кечиб, бизнинг маҳзабга сажда қилсанг не бўлғай, зиндандин қутулур эрдинг, деди. Анда Юсуфбек:

- Сенинг маҳзабингга сажда қилғонимдин зинданда ётғоним афзал деб бир сўз айди:

Қулоқ солиб эшиит, Ҳамза қизилбош,  
Сенинг бекларингдин бизнинг қул яхши.  
Ўрда хонасидин келса нону ош,  
Ичмам ҳаргиз шул неъматни бил яхши.

Гул баргин очмасин ҳазон бўландан,  
Фойда яхши бўлар, зиён бўландан.  
Санинг элларингда султон бўландан,  
Зинданда тинч ётсам, манго шул яхши.

Кулли язидларнинг олсам ҳирожин,  
Бир-бир хисоб этсам закотин, божин,  
Тухмин қурутурман, топсам иложин,  
Отдин тушуб манго яқин кел яхши.

Шоҳимардон пирим бўлса мададкор,  
Кофиirlарни динга солсам баякбор,  
Бурнун кесиб, этсам юзуни ҳам ғор,  
Бийрон-бийрон сўзламакка тил яхши.

Юсуфбек дер, келгин ёнима, миршаб,  
Биздин хўб ўргангин, илм ҳам адаб,  
Кўнглинг, хаёлингда қайсиdir матлаб,  
Калима ўғир, бир мусулмон бўл яхши.

Алқисса, Юсуфбекдин бу сўзни эшитиб, Гўзалшоҳ дарғазаб бўлуб:

- Зинданға сол, деб Ҳамза қизилбошга ҳукм этди. Ҳамза қизилбош дарҳол бир қўли бирла Аҳмадбекни, бир қўли бирла Юсуфбекни судраб зинданнинг бошиға борди. Шунда Аҳмадбек бетоқат бўлиб бир абёт айди:

Манманлиқдин Юсуф оға,  
Мани банди зиндан этдинг.  
Юрагимни солиб доға,  
Бағримни тұла қон этдинг.

Билмам, соҳда нелар бордур,  
Ғарібнинг ҳоли душвордур,  
Қўзим равшансиз ғубордир,  
Қайта бошдин гирён этдинг.

Айрилиқ тушар ёдима,  
Қўймаслар кўнгил шодима,  
Шайхи Шароф устодима,  
Етмам умрим хазон этдинг.

Аламлар кечди саримдин,  
Айрилдим қирқ лашкаримдин,  
Қон тўкулур қўзларимдин,  
Бетоқатлик замон этдинг.

Аҳмад айтар англа сўздин,  
Арзи ҳолим эшит биздин,  
Айро тушуб азиз элдин,  
Мени бехонумон этдинг.

Алғараз, андин сўнг Ҳамза миршаб бекларни зинданға солиб устидин қулғурди. Юсуфбек зинданда бошқа бир киши борму эркан деб уёқ-буёққа қаради. Кўрса зинданнинг соғ тарафинда бир оқ соқол киши ўлтурубдур. Юсуфбек анга салом берди. Бобо анинг саломин олди. Бободин Юсуфбек савол сўрди, бобо ҳам анга жавоб берди:

Юсуф:  
Чоҳ ичинда ётғон бобо,  
Қайсибур жойларинг санинг.  
Банда бўлғон эй бенаво,  
На ерда жойларинг санинг.

Бобо Қамбар:

Қайнаб, дошиб, жўшғон беклар.  
Бўл бўлур жойларим манинг,  
Армон бирлан тушган беклар,  
Шулдур жавобларим манинг.

Юсуф:  
Туринг, бобо, кўришали,

Бандаликда сўрашали,  
Неча вактдур сиз тушгали,  
На бўлди ҳолларинг санинг.

Борму санинг мунда кўрган,  
Кўруб санго ҳамдам бўлғон.  
Нечук зотсан фалак урғон,  
На бўлди гуноҳинг санинг.

Бобо Қамбар:  
Ўз юртимда Султон эдим,  
Элни кезган карвон эдим.  
Гўзалшоҳнинг тушин йўрдим,  
Шул бўлди гуноҳим манинг.

Юсуф:  
Шул сабабдин азоб тортдинг,  
Устихонингни оқартдинг.  
Шоҳ тушин нечук йўрдинг,  
На бўлди таъбириңг санинг.

Бобо Қамбар:  
Юсуф Аҳмад келур дедим,  
Сани чоҳга солур дедим,  
Келиб шахринг олур дедим,  
Шул бўлди таъбириңг манинг.

Юсуф:  
Қайси юртнинг фарзандисан,  
Сан кимсанинг миллатисан.  
Қайси шоҳнинг умматисан,  
Қайсидур жойларинг санинг.

Бобо Қамбар:  
Тушса манго жабру жафо,  
Ман тиларман андин шифо,  
Диним Муҳаммад Мустафо,  
Аъзамдур мазҳабим манинг.

Юсуф:  
Юсуфбек дер мусулмонам,  
Ғаниматдур бу зинданам.  
Хоразмда ман Султонам.  
Урганчдур жойларим манинг.

Бобо Қамбар:  
Арзим эшит мохи Анвар,  
Юклар эрдим мушку анбар.  
Манинг отим бобо Қамбар,  
Чини мочин жойим манинг.

Алқисса беклар бирлан бобо Қамбар ҳамроҳ бўлуб зинданда ётдилар. Неча муддатлар орадин ўтди. Баногоҳ Ҳамза Миршабнинг Қарокўз деган бир қизи бор эрди. Келиб зинданға қараб Юсуфбек, Аҳмадбекни кўруб таъзим қилиб ва яна бекларнинг ҳолини сўраб бир муҳаммас ўқиди:

На ерлардин келиб тушдинг жаҳоннинг аҳли даврони,  
Қаддинг сарви ниҳол каби киминг жисмингдаги жони.  
Муқаддар хотиринг, ҳайрон қўнгилнинг малак Султони,  
Кўзунг сийпаб бир хун ашк этарсан машол имони,  
Сабаб недур бўлубсан сўзла сабаб банди зиндани.

Фалак кажравлик этдиким сани солди бу риҳлатга,  
Кўриб аҳволинг қолдим туганмас дарду меҳнатга,  
На қилмишдин қолубдурсан мунингдек шами зулматга,  
Бошинг қўйуб ётиб зинданда ҳоки музлатга,  
Уқуб тасбех таҳлил дард этарсан ёд муллони.

Бу дунёning ишин кўрсанг ҳамиша оҳ биланвойдур,  
Ҳама фарзанди одам охири қаъри замин чохдур.  
Азалда қисматинг ёзган ул субҳони оллодур,  
Ажойиб борсолар манзил этган бул ажиб жойдур,  
Мунингдек маскан этди чоҳ ичинда моҳ канъони.

Сабаб недур нигорим банди зиндани бўлуб қолдинг,  
Мисоли булбули шўридадек нолон бўлиб қолдинг.  
Фалак кажравлигидин гардуни даврон бўлуб қолдинг.  
На ердин мунда тушдинг сан пир нишони,  
Қаро кўзга жавоб бергил аё эй банди зиндани.

Алқисса Қарокўз бу жавобни айтғондин сўнг беклар Қарокўзга айдилар. Бизлар созанда эрдик банда бўлиб хафа ва пирнишони бўлубмиз сан уюнгга бориб бизларга бир чарҳнинг парраги бирла бир теша, бир арра, бир буров ва яна тут ёғоч келтириб берсанг, деди. Анда Қарокўз ажаб бўлур деб уйига бориб бир чарҳни уриб синдириб паррагини олиб ва яна тут яғоч бирлан бир арра теша, бир буровни Юсуфбекнинг олдиға минг алвон бирла ташлаб келди. Анда бобо Қамбар йўнуб, Аҳмадбек доғлаб Юсуф пардасини жойли жойидан боғлаб тортақиб бир дутор қилиб бир-икки нағма соз чертиб Қарокўзни маҳтаб бу жавобни айди. Фазали Юсуф:

Үғрин үғрин сўзлашили,  
Ман сани севдим Қарокўз,  
Кесиб бағрим тузлашили ,  
Олдинг жонимни Қарокўз.

Қарокўз кимнинг гўзали,  
Сўзлаган сўзи мазали,  
Бизга қисматдур азали,  
Ман сани севдим, Қарокўз.

Қошинг мисли қаҳрабодур,  
Кўрганнинг ҳоли харобдур,  
Бандани кўрган савобдур,  
Тўқдинг қонимни, Қарокўз.

Сани кўрганни ақли қочар,  
Бўса берсанг хўп ярошар,  
Тошлама тобонинг тушар,  
Бир замон эглан, Қарокўз.

Қарокўз кўзинг сузулур,  
Устунда жонлар узулур,  
Сан кетсанг мажлис бузулур,  
Бир замон турғил, Қарокўз.

Қарокўз кимнинг моҳисан,  
Гўзалларнинг подшоҳисан,  
Ғамли кўнглум хушгоҳисан,  
Мехмонам санго Қарокўз.

Қарокўзниң ўтоғаси,  
Олтундандур бўсағаси,  
Гўзал коғир садоғаси,  
Орзу армоним Қарокўз.

Чархингнинг парраги созим,  
Санго ёқарму овозим,  
Сансан манинг сарвинозим,  
Дилда армоним Қарокўз.

Қаро сочингдур тизингдин,  
Ҳеч ким келмасун изингдин,  
Айланай қаро кўзингдин,  
Сансан жононим, Қарокўз.

Мисли пари одам ўзи,  
Ақлим олди жоду кўзи.  
Эй кофир Ҳамзанинг қизи,  
Чашми жиловим, Қарокўз.

Юсуфбек йўқлар пирини,  
Чақиур нозли парини.  
Насиб этса ўз юртимни,  
Ман сани олдим, Қарокўз.

Алқисса андин сўнг бир неча кунлар ўтди. Буларнинг ризқиға худой таоло Қарокўзни сабаб қилиб эрди ва яна Ҳазрати Шоҳимардондин бир кеча башорат топиб мусулмон бўлуб эрди. Андин сўнг бир куни Аҳмадбек таёқнинг зарбидин бетоб бўлуб эрди. Анда Юсуфбек чоҳ ичинда Аҳмадбекни қучоқлаб зор-зор йиғлаб бу жавобни айди: Ғазали Юсуфбек:

Бир ёвуз кун тушди манинг бошима,  
Кеча-кундуз кўзда селдек хуним бор.  
Эғам раҳм этмаса кўзза ёshima,  
Бир жонима кунда юзминг зулм бор.

Авволо онадин бўлмағай эрдим,  
Бу ҳасратлар бирлан қолмағай эрдим,  
Мунингдек бўлғоним кўрмагай эрдим,  
Фироқидин шўйла қаттиғ куним бор.

Бу зинданда адо бўлдим найлайнин,  
Подшо эдим гадо бўлдим найлайнин,  
Аҳмаджондин жудо бўлдим найлайнин,  
Кеча-кундуз кўзда селдек хуним бор.

Аҳмад эрди кеча-кундуз ҳамдамим,  
Ҳолин кўруб баттар бўлди мотамим,  
Зиёд бўлур кунда юз минг аламим,  
На ором бор мунда на бир таниш бор.

Юсуфбек дер, бўлдим зори саргардон,  
Аҳмадбек ҳамроҳим, маконим зиндан.  
Мушқулим осон эт ўзинг ё раҳмон,  
Ман кўрқаман айролиг бор, ўлум бор.

Андин сўнг бобо Қамбар Аҳмадбекнинг ҳолин кўруб раҳми келиб тамом пайғамбарларни шафе келтуруб муножот қилиб бир муҳаммас ўқуди:

Қодирликда ўзингсан беноваға раҳм қил,  
Чоҳ зулмат ичра қолғон мубталоға раҳм қил,  
Минг аламларға улашғон бир жафоға раҳм қил,  
Булбули дил ҳастадек соҳиб ғизоға раҳм қил,  
Ранги зард бўлғон яна мотамсароға раҳм қил.

Аввало ул Ҳазрати одам отоминг ҳурмати,  
Зулфиқор ул ҳайдари шеру худонинг ҳурмати,  
Рухи поки ҳазрати ул Мустафонинг ҳурмати,  
Дин чироғини ёққан Азим имомнинг ҳурмати,  
Юсуф-Аҳмад деган икки кўзимға раҳм қил.

Орзусига етмаган бе койи пирларнинг ҳаққи,  
Йўлда қолғон интизори ул жиғарларнинг ҳаққи,  
Ҳам Абу Бакри Умар Усмон, Ҳидирнинг ҳаққи,  
Ҳам Ҳасан бирла Ҳусайн ул икки гўҳарнинг ҳаққи,  
Банда бўлуб чоҳға тушган бегуноҳға раҳм қил.

Раҳм қилғил ҳолима эй карамлик гирдилар,  
Раҳматингни жўшдур, айла жаҳонни лолазор,  
Лаҳзада чўлни қилурсан бўстоне мурғзор,  
Барча қудрат сандадурким манда йўқдур ихтиёр,  
Бир ғариб бечораман афтодаларға раҳм қил.

Чоҳ зулматда қолибман Аҳмад эрди ҳамдамим,  
Ҳасратингда шул замон пурхун эрди чашми таним,  
Ушбу ҳолатда қолибман бир назар қилғл карим,  
Ҳурмати оёт Бисмилло раҳмонул раҳим,  
Юсуфи Аҳмад деган ҳам Қамбаринға раҳм қил.

Алқисса Бобо Қамбар муножотларин тамом этди. Худой таоло Бобо Қамбарнинг дуосининг баракатидин Аҳмадбекка хоб раҳмат келди. Бир соатдин сўнг икки юзи қизариб ўрниндин туриб бобо Қамбар бирлан Юсуфбекка қарабу жавобни айди:

Бобо ётурдим бир аҳвол кўрдум,  
Эранлар келдилар қошима манинг.  
Шукур этиб жойимдин сачрайиб турдим,  
Қўш жига санчдилар бошима манинг.

Эранлар олдима келиб турдилар,  
Манго неча меҳрибонлик қилдилар,  
Бири орқамизға панжа урдилар,  
Шидда боғладилар белима манинг.

Муножот этдилар осмона боқиб,  
Манинг учун қўзларидин ёш оқиб,  
Зиндоннинг ичинда машъаллар ёқиб,  
Жуф(т) чироқ бардила(р) қўлима манинг.

Муродимни худо қилди кифоят,  
Эранлар дуосин этди ижобат,  
Сахар вақти шуъла кўрдим каромат,  
Раҳм этдилар кўзда ёshima манинг.

Аҳмадбек зиндонда жафо чеккантур,  
Кўзларидин қонли ёшин тўккантур.  
Баён айланг бобо кимлар экандур,  
Жам бўлуб кирдилар душима манинг.

Андин сўнг Бобо Қамбар бир-бир баён қилиб, Эранларни ёд этиб бир-бир одларини айтиб бу жавобни аиди:

Аввал келган сеҳр санинг қошинга,  
Султон Вайс пирлар эди, жон болам.  
Кўш жига санчғонлар келиб бошинга,  
Шоҳимардан шер эдилар, жон болам.

Шидда боғланган белинга санинг,  
Раҳм айлаюб букун ҳолинга санинг,  
Жуфт чироғ берганлар қўлинга санинг,  
Баҳоваддин пирлар эди, жон болам.

Муножотлар қилиб осмона боқғон,  
Санинг учун қўзларидин ёш оқғон,  
Зиндоннинг ичинда машъаллар ёқғон,  
Паҳлавон ота пирлар эди, жон болам.

Сенга ёр бўлубдур Ҳазрати Али,  
Дорғон бобо бирлан Сулаймон, Вали,  
Исфар Маҳмуд билан Султон Эрхубби,  
Чилтанларнинг бири эрди, жон болам.

Мушқулларинг болам бўлди кушоят,  
Эр пирлар бўлубдур санго ҳимоят,  
Чоҳ ичинда кўрсатибдур каромат,  
Ўлгани йўқ тирикдурлар, жон болам.

Қайта бошдин тар очулур гулларинг,  
Унут бўлур буйла кўрган кунларинг.  
Абу Хўжа шайҳ Шароф пирларинг,  
Бандиларга дастгирдурлар, жон болам.

Санинг учун юрак бағрини доғлаб,  
Эстиғонат Эранлардин сўроғлаб.  
Қамбар бобонг, Юсуф оғанг қон йиғлаб,  
Жамолинга зор эдилар, жон болам.

Алқисса учовларининг ҳолидин хабар олғон Қарокўз бўлди. Эмди Бобо Қамбардин сўз эшигининг. Бир кун Юсуфбек бирлан Аҳмадбекка айди: Сизлар кўп ямон эркансиз. Қарокўз менга кўб қарошур эрди ва яна ҳам манго ошиқ эрди. Сизлар келгандин бери манго камроқ қарошур-деди. Анда Юсуфбек айди: - Бобо ғалат эрурсиз. Қарокўз манго ошиқ – деди. Анда Аҳмадбек айди. - Иккингиз ҳам ғалат эрурсизлар. Қарокўз якка, танҳо ўзимга ошиқ – деди. Анда Бобо Қамбар айди: Андоғ сизлар бир ерда ёшурунуб турунглар. Агар Қарокўз келиб сизларни йўқласа сизларга - деди, йўқ эрса, менга ошиқ - деди. Шул вақт Қарокўз бир кўза қатиқ бирлан бир тўққуз нон олиб келиб, зинданнинг тифасидин узотди. Анда Юсуфбек Аҳмадбек зинданнинг бир тарафинда ёшурунуб туруб эрдилар. Анда бобо Қамбар ирғиб қатиқ бирлан нонни олдинда қўюб емоқға машғул бўлаберди. Анда Қарокўз ул ён - бул ён қароди. Бекларни кўрмай Бобо Қамбарга қараб сиёsat бирла бу жавобни айди:

Банда бўлғон оқ соқолли жон бобо,  
Юсуф бирлан Аҳмадбекни найладинг.  
Неча йилдин бери очсан бенаво,  
Юсуф бирлан Аҳмадхонни найладинг.

Одам ютғон аждарҳодин баттарсан,  
Қатиқ бирлан нонни адо этарсан,  
Очиғлансанг кўзани ҳам ютарсан,  
Юсуф бирлан Аҳмадхонни найладинг.

Қатиқни ичарсан соқолинг ботиб,  
Зинданнинг ичинда пойинг узатиб,  
Илоҳи ўлгайсан имонсиз қотиб,  
Юсуф бирлан Аҳмадхонни найладинг.

Жавоб бергил эшитайин сўзларинг,  
Ноинсофсан, қаро бўлсун юзларинг,  
Ўзинг тўйсанг, асло тўймас кўзларинг,  
Юсуф бирлан Аҳмадбекни найладинг.

Хеч қилмассан, бобо, билиб ишингни,

Сан қарибсан шунча яшаб ёшиңгни,  
Жавоб бер, емакдин кўтар бошиңгни,  
Юсуф бирлан Аҳмадбекни найладинг.

Мани кўруб оёқингни узотдинг,  
Саҳонангни бир зинданда тузатдинг,  
Оларни мен билмам нечун йўқотдинг,  
Юсуф бирлан Аҳмадхонни найладинг.

Қарокўз дер санго будур саволим,  
Шум кўрунур билки санинг сақолинг,  
Жавоб бергил манго, эй қари золим,  
Юсуф бирлан Аҳмадхонни найладинг.

Алқисса андин сўнг Бобо Қамбар оёғини маҳкам ерга тираб Қарокўзга қараб  
бу жавобни аиди:

Қоним тўқди жаллод каби кўзларинг,  
Бобонгнинг ҳолини сўрғил, Қарокўз.  
Жоним олди ширин-шакар сўзларинг,  
Бобонгдин бошқани севма, Қарокўз.

Ман бўлубман бисмил юзинг муштоқи,  
Бўйнингда қолмасин давронлар боқи,  
Кўксимга ярошур соқолим оқи,  
Ёлғон билма, ростин билгил, Қарокўз.

Алларим ўткариб, соғу- сўлингдин,  
Тишласам лабингдин, сўрсам тилингдин,  
Қўчоқласам сани инжа белингдин,  
Бўюн кўюб қароб турғил, Қарокўз.

Соқий бўлуб санго шароблар сунсам,  
Қисмат бўлуб сани устинга минсам,  
Чусти чобук бориб бошиңга дўнсам,  
Қойим бўлуб дўғри турғил, Қарокўз.

Қамбар айтар, бошқа қўнгил овлама,  
Қадрдондин букун бўюн товлама,  
Бизни қўюб сан аларни сўрама,  
Манинг бирлан сургил даврон, Қарокўз.

Алқисса андин сўнг Қарокўз Бобо Қамбардин бу сўзни эшитгач, лабини  
буруб, қошини сузуб қoramай кетаберди. Анда Бобо Қамбар аиди. - Эмди ман  
қойил бўлдим. Қарокўз сизларга ошиқ эркан. Қаҳрланиб кетиб борур. Эмди

қайтиб келмас. Ўзларингизни кўрсатинг - деди. Зиндоннинг тепасида панжараси бор эрди. Анда Юсуфбек Аҳмадбек келиб панжаридин ўзларин кўрсатдилар.

Анда Қарокўз бекларни кўруб, вақти хўш бўлуб қайтиб уйига борди. Бир тўққуз ёғли патир этиб келтуруб зиндонға ташлади.

Буларнинг ризқига худои таоло Қарокўзни сабаб қилиб эрди. Эмди бу сўз бул ерда турсун. Эмди Урганч тарафдин сўз эшигинг. Урганч юртига овоза бўлдиким Юсуфбекни Гўзалшоҳ минорадин ташлаб, Аҳмадбекни дорға осғон эмиш - деб душманлариндин овоза бўлди. Мисрдин савдоғарлар кўруб келубдур деб, ёлғондин овоза этиб Хоразм юрти фаторат топди. Анда Юсуфбекнинг Лаълихон ойим онаси бу сўзларни эшитиб шаҳардин чиқиб Юсуфбек чаҳорбоғига ожизалар йиғилиб Гуласал ойим Гулининг бўйнидин қучоқлаб Юсуф, Аҳмадни йўқлаб бу жавобни аиди:

Гуласал ойим сўзи:

Жонимни ўтға доғланглар,  
Юсуф қани, Аҳмад қани.  
Эмди йўқлаб қон йиғланглар,  
Юсуф қани, Аҳмад қани.

Ўлди дебдур келган киши,  
Учди биздин давлат қуши,  
Тушди жонимға койиши,  
Юсуф қани, Аҳмад қани.

Юсуфни ташлаб минора,  
Аҳмадни осғонмиш дора,  
Бағрим бўлди пора-пора,  
Юсуф қани, Аҳмад қани.

Кўхна дардим бўлди тоза,  
Етушмадим фасли ёза,  
Ўлдуруб бўлмиш овоза,  
Юсуф қани, Аҳмад қани.

Кўздин оқар қонли ёшим,  
Фалакка етар нолишим,  
Кетти манинг кўнгил хушим  
Юсуф қани, Аҳмад қани.

Эмди найласун Лаълихон,  
Букун бўлди охир замон.  
Қон йиғлағил, Гуласалхон,  
Тўранг қани, болам қани.

Алқисса, Лаълихон ойимдин бу сўзни эшитгач, Гуласал ойимнинг тобтоқати қолмай эси кетиб бир соатдин сўнг ҳушиға келиб қўзларини очиб, ёшларини сочиб, чаҳор тарафга боқиб бек Юсуфни ёд этиб бир муҳаммас ўқуди.

Найлайн афтодаман ул ёрдин ойрилмишам,  
Ҳам латофат гулшани дилдордин ойрилмишам.  
Ҳолима раҳм этгучи ғамхўрдин ойрилмишам,  
Якка қолдим воқифи асрордин ойрилмишам,  
Ҳавзи кавсар соқийси муҳтордин ойрилмишам.

Дўстларим ман ғам ўтиға мубтало бўлдим буқун,  
Охум умрим етмай баҳтим қаро бўлдим буқун.  
Ҳасратингдин ўртаниб ёниб куюб ўлдим буқун,  
Дўст душманлар аро соҳиб ғизо бўлдим буқун,  
Кўзларимнинг равшани гулёрдин ойрилмишам.

Айрилиб қолдим тўрамдин ман ғариби мажаро,  
Тиги фурқат солди кўксумга манинг юзминг яро,  
Ҳажр аро ман бўлмишам кўб хор-зор мубтало,  
Етти йил банди бўлуб чун охири зиндан аро,  
Чун ўлумнинг зулмидин дилдордин ойрилмишам.

Гуласалдек хеч кишиким хонавайрон бўлмасун,  
Дилбаридин айрилиб ҳам дийда гирён бўлмасун,  
Доимо шому сахар бағри тўла қон бўлмасун,  
Хеч кишининг ёри бориб банди зиндан бўлмасун,  
Найлайн афтодаман ул ёрдин ойрилмушам.

Алқисса, бу сўздин сўнг Юсуфбекнинг чаҳор боғида беш турнаси бор эрди. Жўжаликдин бери парвоз қилиб улуғ бўлуб чаҳор боғда юрур эрди. Анда турналар Гуласал ойимнинг нолишини эшитиб бетоқат бўлиб келиб бошидин айланадар бердилар. Анда Гуласал ойим айди. Эй жониворларим, Юсуфбекнинг қардоши эрдингизлар, на бўлур қанотларингиз бор учид Миср юритиға борсангизлар. Бориб бори-йўқини билиб келсангизлар дегач, Анда улуғи бу сўзни эшитгач, қанотини Гуласал ойимнинг олдиға келтурууб ёзди. Анда Гуласал ойим қанотиға хат ёзиб, ихдиёр этиб турналарини учуриб юбориб олло таолоға муножот қилиб, бу муножотни айтурс эрди:

Қодир олло, даргоҳинга бош урдим,  
Учид кетган турналарға пано бер.  
Турналарни доим санго топшурдим,  
Муштипарман бекасларга пано бер.

Жониворлар борур Миср шахрина,  
Ман қолмишам айрилиқнинг жабрина,  
Тоқатим йўқ Юсуфбекнинг ҳажрина,  
Учуб кетган турналарга пано бер.

Тушди манго юз минг турлук аломат,  
Манго бўлди букун гўё қиёмат,  
Яротғон зулжалол қодир каромат,  
Афтодаман мискинларга пано бер.

Арши курси, лавҳи қалам яротдинг,  
Кофириларга етти дўзоҳ халқ этдинг,  
Йўқдин ўзинг ҳар кимсани бор этдинг,  
Бечораман ғарибларга пано бер.

Гуласал дер бўлди аламим тоза,  
Фасли зимистоним дўнмади ёза.  
Ўлди деюб юрта бўлмиш овоза,  
Банда бўлғон бекларимға пано бер.

Алқисса, ондин сўнг турналар Урганч юртидин Миср юртиға қараб учуб кетдилар. Неча тоғдин ошибб, етти ойлиқ йўлни уч қунда олиб Миср юртиға бориб, зинданни ахтариб, излаб топиб, пешин чоқинда жуфт-жуфт бўлуб давр уруб зиндан устидин айлана бердилар. Ҳеч ёққа юзланиб кетмадилар. Бобо Қамбар, Юсуфбек, Аҳмадбек намоз ўкуб бўлуб боногоҳ осмонға қарадилар. Беш турна, давр уриб айланиб юрур. Анда Юсуфбек айди манинг ҳам чаҳор боғимда беш турнам бор эрди. Жўжалиқдин бери парвоз этиб, чаҳор боғимда боқиб қўюб эрдим.

... Ул жониворлар бормукан деб, онасини, Гуласал ёрини ёд этиб ва яна ёр дўйстларини қариндош-дўғонларини ёд этиб, турналарга қараб бу жавобни аиди:

Ман айтайин бугун арзу ҳолимни,  
Турнам, салом еткур бизнинг эллара,  
Йигладим ўткариб моҳу солимни,  
Турнам, салом еткур бизнинг эллара.

Бир туш кўрдим отим бурни қонади,  
Айролиқдин жони жисмим ёнади,  
От экандур мард йигитнинг қаноти,  
Турнам, салом еткур бизнинг эллара.

Турна кўкда дузоф ерда қурулур,  
Ол ҳавода қанотларинг бурулур,  
Зиндан ичра дардим боға тузулур,  
Турнам, салом еткур қиблагоҳима.

Ҳисрат тоғда баланд-баланд арчалар,  
Киярлар Урганчда тўпгул парчалар,  
Очилмайин ҳазон бўлди ғунчалар,  
Турнам, салом еткур бизнинг эллара.

Дин Хоразм эрди манинг маконим,  
Анда қолди ўйнаб ўсган гул ёrim,  
Эмакдошим манинг ул меҳрибоним,  
Турнам, салом еткур ночор синглима.

Ҳеч кетмадинг бошимиздин айландинг,  
Булут каби бошимизда давр олдинг,  
Хоразмдин булатларға юзландинг,  
Турнам, салом еткур ёр-дўстлара.

Ман қолмишан қиёматнинг кунина,  
Жаҳд айлаюб бора билмам ёнина,  
Арзи ҳолим ғўч йигитнинг шонина,  
Турнам, еткур салом жоми беклара.

Саҳарлардин туриб мани ёдлоғон,  
Сочин ёзиб, аза тутуб йиглағон.  
Ҳажр ўтиға юрак-бағрин доғлаған,  
Турнам, салом еткур Гуласалхонға.

Буқун мундин Хоразмга кетарсан,  
Етти баланд қорли тоғдин ўтарсан.  
Бек йигитнинг саломини элтарсан,  
Турнам, салом еткур бизнинг эллара.

Алқисса, андин сўнг Юсуфбекдин бу сўзни эшитгач алар ерга эниб зинданнинг лабига тушуб Юсуфбекни бу ҳолда кўруб ва яна ғалт уруб зинданнинг ичига тушдилар. Юсуфбек, Аҳмадбекнинг бошидин айлана бердилар. Шул ҳолда аларнинг кўзи тушуб ул турнанинг қанотидағи хатни кўрдилар. Гуласал ойимнинг ёзиб юборган хати тууро они ўқуб кўрдилар. Мазмуни бу тариқа айтилғон эркан:

Юсуфбекнинг беш турнаси,  
Шахри Миср бориб келгил.  
Файрат қилиб кўкка боқиб,  
Юсуфбекни кўруб келгил.

Қанотинга етур кучинг,

Чўлларда кўрмасун лочин,  
Муштипарман, кўнглум учун,  
Бори йўқин билиб келгил.

Ман қолибман ақлим кетиб,  
Неча йиллар қонлар ютуб,  
Миср сари парвоз этиб,  
Ҳақиқатни билиб келгил.

Ман эрдим жаҳоннинг гули,  
Учди боғимнинг булбули,  
Юсуфбегим бўлса дири,  
Қанот қоқиб ўйнаб келгил.

Қизил гулим сўлғон бўлса,  
Паймонаси тўлғон бўлса,  
Юсуфбегим ўлган бўлса,  
Қаро боғлаб йиғлаб келгил.

Ман қолдим ғамға дўлониб,  
Кеча-кундуз қонлар ютуб,  
Ихлос бирлан парвоз этиб,  
Бошидин айланиб келгил.

Олло деюоб қанот қоқиб,  
Ҳиммат тилаб кўкка боқиб.  
Шахри Урганчдин улоқиб,  
Шахри Миср бориб келгил.

Эшит Гуласал зорини,  
Кўруб йўлнинг озорини.  
Тавоф қилиб мозорини,  
Туфроқиндан олиб келган.

Алқисса, Юсуфбек Гуласал ойимнинг юборган хатини ўқуб кўргач, кўнгли бузулуб Юсуфбек, Аҳмадбек ойдилар «Эй жоноворлар, бизлардин айрилиб бечораларнинг давлати қайтғон эркан, дедилар. Эй жониворлар бизлардин хабар элтсангизлар қайта батар аламлари тоза бўлур, қўлларидин ҳеч иш келмас. Алар ночор туурлар. Бўзўғлонжон дойимнинг сўзини қабул қилмай Мирзо Мамад бадракни ўлтурмадим. Шул балоға гирифторм бўлдум. Мендан хабарни Исфаҳоннинг подшоҳи Бўзўғлонхон дойимға еткуинглар, эшитиб келиб мени зиндондин халос этсун» - деб тиши бирлан қўлининг қонин чикариб хат ёзиб дойисини таъриф этиб, ҳам турналарга васият этиб бир неча ерлардин тимсол келтуруб бу жавобни айди:

Арзимни эшитинг турналар шохи,  
Бор эймир элидин Бўзўғлон келсун.  
Рафиқим, мунисим кўнглум хушгоҳи,  
Бор эймир элидин Бўзўғлон келсун.

Кўзлаб чиқғил учиб кетар ерингни,  
Қизил бошлар кесмасунлар парингни.  
Қарқара қилмасун гизла парингни,  
Бор эймир элидин Бўзўғлон келсун.

Хабар бергил менинг бундоғ ҳолимдин,  
Бандадурман бир иш келмас қўлимдин.  
Қутқарсунлар келиб мени золимдин,  
Бор эймир элидин Бўзўғлон келсун.

Ҳаял етмай еткур соат замони,  
Даф айласун бошимиздин балони.  
Исфаҳоннингadolатли Султони,  
Бор эймир элидин Бўзўғлон келсун.

Бек Юсуфдер, қолдим доғи армонда,  
Қиличлашиб қон тўқмадим майдонда.  
Манманлиқдин қолдим банди зинданда,  
Бор эймир элидин Бўзўғлон келсун.

Алқисса, бу сўзларни эшитгач турналар Юсуфбек бирлан замон ҳолу дуолашиб учуб зиндандин чиқиб Исфаҳон шахрига юзланиб юрий бердилар. Эмди бу сўз бул ерда турсун. Эмди ўзга ердин сўз эшитинг.

Бибиниёз деган бир аёл асир бўлуб Урганч ютидин Миср ютиға фалакнинг гардиши бирлан тушуб эрди. Кунлардин бир кун Юсуфбек бирлан Аҳмад зинданда деб эшитиб тоб-тоқати қолмай қариндошимни бориб кўриб келайин деб юрий берди, дараклаб топиб зинданга қаради. Юсуфбек бирлан Аҳмадбекни бу ҳолда кўруб, кўнгли бузулуб йиғломоқ бирла бўлди. Юсуфбек ҳам кўриб халқи муҳаббат этиб Бибиниёзга қараб ҳол-аҳвол сўруб бир муҳаммас ўқуди:

Не сабабдин йиғлаюрсан кўзлари маstonасан,  
Олди ақлим сўзларинг эй тишлари дурданасан,  
Ё мусофур бўлубон ўз ютидин беғонасан,  
Бул манинг ҳолимни ўртабсан киму парвонасан,  
Асли зотинг қайсиidor билмам нечук жононасан.

Билманам мўминмусан, ё кофири муртадмисан,  
Шум фалакнинг гардишидин ё суман соқиймусан,  
Бир худоға бандасан ё кофири осиймусан,

Мазҳаби сунний билан пайғамбара умматмуссан,  
Асли зотинг қайсиidor билмам нечук жононасан.

Сан нечук афтода бўлдинг қаҳрабодек сарғайиб,  
Отанг-онанг йиғлашуб бўлдиму сандин бенасиб,  
Бу фироқ дарди билан бўдинг музтариб,  
Қайси юртни қуйдурууб тушдинг бу ерга эй ғариб,  
Асли зотинг қайсиidor билмам нечук жононасан.

Юсуфбек дер найлайн ҳам хонумоним бор эди,  
Ўз қўлдимда ихтиёр ила иноним бор эди,  
Бирга юрган ёру жўра меҳрибоним бор эди,  
Гуласалдек дилбари жону жаҳоним бор эди,  
Асли зотинг қайсиidor билмам нечук жононасан.

Алқисса, андин сўнг Юсуфбекдин бу сўзни эшитгач, Бибиниёз бечора кўзи  
ёшини равон қилиб ман сизларга қариндош бўлурман деб бу жавобни аиди:  
Арзим эшит Юсуф оға,  
Доғлидур дилларим манинг.  
Қизил бошға банда бўлуб,  
Боғлидир йўлларим манинг.

Куюб фалакнинг жабридин,  
Ўлдим айролик дардидан,  
Аслимдур Урганч ютидин,  
Ўзбекдур элларим манинг.

Бир коғирға чўри бўлдим,  
Бандаликнинг хўри бўлдим,  
Етолмайин зори бўлдим,  
Шул эрур кунларим манинг.

Йиглаб қолди отам-онам,  
Ҳажр ўтиға қуиди танам,  
Муҳаммадга уммат манам,  
Мусулмон динларим манинг.

Ман сизлардин олай хабар,  
Дуо қилай шому сахар,  
Олиб кетинг чиқсанг агар,  
Қайғудур кунларим манинг.

Эшитдим сизни мунда деб,  
Қайғу бирлан ҳижронда деб,  
Арзимни айтсам сизга деб,

Шул эрур келганим манинг.

Отим Ниёз, ўзим хаста,  
Тўтиман банди қафасда,  
Ман аёли но шикаста,  
Урганчдур жойларим манинг.

Алқисса, Бибиниёздин бу сўзни эшитгач, Юсуфбек айди. «Иншо олло зиндандин ҳар қачон чиқсақ қариндошим сани ҳам бирга олиб кетурмиз» - деди. Анда Бибиниёзнинг вақти хўш бўлуб таъзим этиб уйина бориб чархи кулоба қилиб сотиб уч кўрпа, уч тўн, уч иштон қилиб келтуруб кетди. Алқисса, бобо Қамбар бирлан Юсуфбек, Аҳмадбек ризқиға худои таоло буларни сабаб қилди. Ҳеч нимарсага тақчиллик кўрмадилар. Алқисса, Аҳмадбек, Юсуфбек банди бўлғондин бери икки қалдирғоч зинданда уй қуруб ўзга ёққа кетмас эрди. Қунлардин бир кун қалдирғочға қаради. Қараса уясинда сайраб ўлтуруб турур. Анда Юсуфбек Бўзўғлонхон дойисини ёд қилиб қалдирғочға қараб бу жавобни айди:

Бу зинданда манзил тутғон Қалдирғоч,  
Исфаҳон шаҳридин Бўзўғлон келсун,  
Бандадурман йўқтур манда ҳеч илож,  
Хабар бер жонивор Бўзўғлон келсун.

Йигитлари бордур тилло қолқонли,  
Майдона гирганда рустам нишонли,  
Аслин сўрсанг ўқ - ёйлари Болқонли,  
Исфаҳон шаҳридин Бўзўғлон келсун.

Йигитлари бордур гулдор нигоҳли,  
Қўлунда найзаси ужи сочоқли.  
Лашкарининг сони йўқдур нечоқли,  
Исфаҳон шаҳридин Бўзўғлон келсун.

Йигитлари бордур арслон юракли,  
Уруш майдонида бори керакли.  
Темурдин совутли, сўвсан телпакли,  
Исфаҳон шаҳридин Бўзўғлон келсун.

Таърифини эшит манинг каломим,  
Бек Юсуф дер еткур ушбу баёним,  
Ёр дўстума еткур манинг саломим,  
Исфаҳон шаҳридин Бўзўғлон келсун.

Алқисса, андин сўнг қалдирғочлар Юсуфбекдин бу сўзни эшитгач, зиндандан учуб кетдилар. Аммо турналар ҳам қайтиб Урганч шаҳрига бориб

Юсуфбекнинг ота-онасига омон-эсонлигини еткурууб турсин. Алғараз, Юсуфбек Бобо Қамбарни имом қилиб намози жамоат ўқуб етти йил, етти соат ётдилар.

Аҳмадбек, Юсуфбек бирлан бир кеча саҳар чоғинда қуръон тиловат қилиб, ўлтурууб эрдилар. Анда Юсуфбек кўнглу бузулуб айди. Бизларнинг зиндандин чиқатурғон кунларимиз бормикан деб бир-бирларидин мадад истионат тилаб тамоми пайғамбарларни шафия келтуриб бу жавобни айди:

Барчани яротғон қодир худойим,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.  
Ким яхши, ким ёмон ўзинг билурсан,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Кўзларимдин оқарлар кун-кун шабнам,  
Етти йилдур бўлдик ғамларга ҳамдам,  
Баҳақки ҳурмати Ҳазрати Одам,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Кўзума кўрунмас ер бирла осмон,  
Абубакр, Сиддиқ ҳам Умар, Усмон,  
Етти йил маконим қаронғу зиндан,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Ойрилдим элимдин бўлдум саргардон,  
Кеча-кундуз бўлди кўзларим гирён.  
Сипоҳининг пири ё Шоҳимардон,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин,

Дин чироғи бўлон ё имом Азам,  
Буchoҳнинг ичинда қўлум тут бу дам,  
Баҳақки ҳурмати Макка Мукаррам,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Каъбанинг ичинда диёнат, иймон,  
Таврот бирлан Инжил, Забуру фурқон,  
Баҳақки ҳурмати ё фахри замон,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Бу балодин бизни айлангиз ҳалос,  
Ҳизр бобом бирлан ё Favсul Fiёс,  
Баҳақки ҳурмати ҳазрати Аббос,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Ҳақ айламас қабул айласам тўвба,  
Зиёрат айласам йилда бир каъба.  
Сайд Зоҳид ота, Эрсари бобо,

Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Зиндон ичра ман бўлубман муассар,  
Арш устунда ўн икки минг муқаррар,  
Баҳақи хурмати чилтан, эранлар,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Худойим солғондур биза кулфати,  
Ҳеч кимса кўрмасун бўйла зулмати,  
Ҳасан, Ҳусайн Мухаммаднинг уммати,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Бек Юсуфдер ҳеч қолмади нишоним,  
Юракимда кўпдур доғу армоним,  
Алавхўжа шайхи Шароф эшоним,  
Хабар олғил ғарибларнинг ҳолидин.

Алғараз, андин сўнг бу муножот худой таолонинг даргоҳида қабул бўлди. Андин сўнг Бобо Қамбар қаро тани тер босиб ўшул вақт ухлаб қолди. Баногоҳ зиндонда яхтилиқ пайдо бўлди. Анда Юсуфбек Аҳмадбекнинг вақти хўш бўлиб қаради. Зиндоннинг ичига машъал ёқиб ҳолқа уруб сұхбат қуруб чилтанлар бирлан Эр-қизларининг руҳопатлари ҳозир бўлуб, зиндон ичра пиёда сувори бузрукларга тўлуб Юсуфбекнинг қўйнига уч қизил гул бериб, орқасига уч панжа уриб Аловхўжа бирлан Шайх Шароф хўжа жиловинда юрий бердилар. Бу сирни кўруб Юсуфбек Бобо Қамбарға қаради. Кўрса Бобо Қамбар ухлаб ётиб турур. Дарҳол Юсуфбек сачраб туруб Бобо Қамбарни тортғулаб қўймой уйғотди. Анда бобо Қамбар кўзини очиб қаради. Анда пирлар каромат бирлан келиб фойиб бўлдилар. Кўрмай қолдилар. Анда Бобо Қамбар айди ман тушумда Ҳазрати Шоҳимардан пиримни қўриб оёқлариға бош уриб тўвба қилиб ётиб эрдим. Сан уйғотмасанг мақсудим хосил бўлур эрди - деди. Шул вақт Юсуфбек айди: Бобо Қамбар ман ҳам бир туш кўруб сизни уйғотиб эрдим, - деди. Анда Бобо Қамбар айди: Сан тушунгда кўрганингни ман ўнгимда кўрдим деб, Қамбар бобо савол сўраб, Юсуфбек жавоб бергани бу турур:

Саҳар вақти уйғонганда,  
Тур деганлар кимлар эрди.  
Тутиб дасти домонингдин,  
Юр деганлар кимлар эрди.

Жоним бобо саҳар чоғи,  
Пирлар йиғилиб келдилар.  
Тутуб манинг қўлларимни,  
Туруб йўлға юр дедилар.

Ўзи элларнинг бир дасти,  
Тоғни йиқар садди басти,

Ғазот қилмоқ доим қасди,  
Үнг ёндоғи кимлар эрди.

Мингани ҳақнинг дулдули,  
Эранлар ичра белгили,  
Зулфиқорли, қаро тўнли,  
Шоҳимардан пирлар эрди.

Ул бошлаб чоҳ ичра кирган,  
Ўнг кафтига панжа солғон,  
Уч гул бериб ҳолинг сўрғон,  
Кулоҳ кийган кимлар эрди.

Валийлар ичра сийлонғон,  
Ҳақнинг йўлига шайлонғон,  
Дунёни уч юз айланғон,  
Бехад олдин пирлар эрди.

Саҳарлар чекдинг нолиши,  
Худо солди кушойиши,  
Узун бўйли қаро киши,  
Айтғил болам кимлар эрди.

Мустафони дўстим деган,  
Жону дили бирлан севган,  
Расулнинг хирқасин кийган,  
Султон Вайис пирлар эрди.

Зулумлар кўриб дунёда,  
Меҳнатлар тортиб зиёда,  
Икки ғўчchoқ подшоҳзода,  
Хабар бергил кимлар эди.

Язидлардан зиён кўрган,  
Карбалода шаҳид ўлғон,  
Фотимага доғлар қўйғон,  
Ҳасан, Ҳусайн гуллар эрди.

Қамбар айтур бўлдим кабоб,  
Қила олмадим изин тавоб,  
Бергил болам менга жавоб,  
Мадад берган кимлар эрди.

Бек Юсуф дер кўрдим ажаб,  
Ўргатдилар илму адаб,  
Аловхўжа шайхи Шароф,  
Паҳлавон ота пирлар эрди.

Алқисса, андин сўнг бобо Қамбар айди кўрган тушинг рост эркан уч гул берганлари, уч кундин сўнг иншо олло таоло зиндондин чиқиб озод бўлиб кетарсан. Эл-халқини бориб кўрарсан ва яна орқангага уч панжа ургонлари яна қойтиб келиб Гўзалшоҳнинг тахтини олиб кетиб андин сўнг соҳиб қирон бўлуб муродингга етарсан - деди.

Анда Юсуфбек Бобо Қамбардин бу сўзларни эшитиб, чунон вақти хуш бўлуб, дарҳол ериндин ирғиб туриб Бобо Қамбарға қараб уч мартаба қуллуқ қилди. Алқисса, уч кун орадин ўтуб анда Гўзалшоҳ Ҳамза Миршабдин сўрди. Айди: Эй Ҳамза Миршаб зиндонда Юсуфбек, Аҳмадбек борму ё етти йилдин бери асир ҳол бўлуб кеттиму - деди. Анда Ҳамза Миршаб айди: Эй подшоҳи олам Юсуфбек, Аҳмадбек зиёда созанда эркан, яна ҳам сухангар эркан. Кеча кундуз дутор чертиб айтар, анинг нолишиға бизлару ҳама зиндонбонлар тия олмай туурурлар ва яна ҳам осмондин ҳар нечук қушлар ўтса хабар олмай кетмаслар. Бизлар билмасмиз сеҳргарму, жодугарму ва яна турна, қалдирғочдин юртина хабар юбориб ётиб туур - деди. Анда Гўзалшоҳ бу сўзни эшитгач, дарғазаб бўлуб тўрт юз маҳосилларни буюрдилар. Мирғазабларни, жаллодларни қўшуб зиндоннинг устига чиқариб, эшикни маҳкам қилиб кун чиқғондин сўнг Бобо Қамбарни қўюб Юсуфбек бирлан Аҳмадбекни чиқариб эҳтиёт қилиб олиб келинглар, агар лотманотға сажда қилса меҳрибонлик қилиб сийларман ва агар ўз динидан қайтмаса Юсуфбекни минордин ташлаб, Аҳмадбекни дордин оstuурман - деб юборди. Анда тўрт юз маҳосил бориб зиндоннинг эшигини беркитиб, қалъаларнинг дарвозасига қулф солдириб, зиндоннинг устига чиқиб туйнугини очиб аргамчини ташлаб юз маҳосил қўлларида ойболталари зиндонға қараб турдилар. Шул вақтда Юсуфбек, Аҳмадбек бу бадбаҳт коғирларни кўруб кўнгли бузулуб Бобо Қамбар билан видолашиб дунёдин умид узуб бу жавобни айди:

Шоҳдин бизга хабар етди,  
Бобо Қамбар, хўш қол эмди.  
Ажал илки яқом тутди,  
Каъбам Қамбар, хўш қол эмди.

Худо қўшғон бош ҳамроҳим,  
Ҳамдамим пушти паноҳим,  
Сенсан менинг қиблагоҳим,  
Отам Қамбар, хўш қол эмди.

Банда бўлиб Миср келдим,  
Бу қисматни ҳақдин кўрдим,

Армон бирлан ўлар бўлдим,  
Каъбам Қамбар хўш қол эмди

Бино қилғон қодир ҳақдур,  
Ажал бизга муаллақдур,  
Қайтиб сизни кўрмак йўқдур,  
Бобо Қамбар хўш қол эмди.

Ҳеч кимсага етмас зорим,  
Қолмади сабру қарорим,  
Қўлдин кетди ихтиёrim,  
Отам Қамбар хўш қол эмди.

Кўздин оқар қонли ёшим,  
Фалакка етгай нолишим,  
Худо қўшғон бош йўлдошим,  
Гуласалжон хўш қол эмди.

Чиқар бўлди Аҳмад-Юсуф,  
Ўлдуурлар бошим кесиб,  
Шундай бўлди бизга насиб,  
Отам Қамбар хўш қол эмди.

Алқисса, Бобо Қамбар Юсуфбекдин бу сўзни эшигч сийнасида тоб -  
тоқат қолмай кофирларнинг қиличлари бирлан ҳанжарларини кўруб кўнгли  
бузулуб Юсуфбекни қучоқлаб бу жавобни айди:

Келинг йиғлашали шакар-қандларим,  
Букун менга охир замон бўлубдур,  
Юсуф, Аҳмад сансан манинг фарзандим,  
Букун манго охир замон бўлубдур.

Жисми жоним санго фидо қилмасам,  
Сизлар учун бу жонимни бермасам,  
На ҳасратдур ман сизларни кўрмасам,  
Букун манго охир замон бўлубдур.

Чиқаруб зиндондин сизни олсалар,  
Чаҳор тарафдин зулм ҳанжар солсалар,  
Жон жасаддин пора-пора қилсалар,  
Букун манго охир замон бўлубдур.

Бўлур сизга етиб ушбу аломат,  
Худойим сақлағай сизни саломат,  
На кулфатдур, на меҳнатдур, на зулмат,

Букун манго охир замон бўлубдур.

Қамбар айтур изингизда зор ўлсам,  
Армон билан қанотимни қайирсам,  
Қонлар йиглаб ман сизлардан айрулсам,  
Букун менго охир замон бўлубдур.

Алқисса, ондин сўнг Бобо Қамбар бирлан видолашиб ҳар нечук бўлса ҳам худонинг тақдириға бўюн қўюб балоға, сабр, қазоға рози бўлуб, Юсуфбек юкорига қараб солған аргумчани билагига боғлади. Анда кофирлар тортиб олиб эҳтиёт бирла қўлини орқасиға боғлаб. Аҳмадбекни ҳам чиқариб қўлини ортиға боғлаб одамнинг қулоқ-бурнидин ҳайкал қилиб осғон жаллодлар келиб атрофини олиб юрий бердилар. Анда Юсуфбек айди: Эй кофирлар, не килурсизлар. Анда жаллодлар айдилар: - Бизларга шоҳнинг фармони сени минордин тошлаб, Аҳмадни дорға осармиз - дедилар. Анда Юсуфбек бу сўзни эшитиб ҳуши бошидин учди. Айди: Во дариға, отам, онам, синглим, Гуласал ёрим ва яна қариндош-дўғон, ёр-дўстларимни юзини кўра билмай ўлар бўлдим деб ғойибона видолашиб бу жавобни айди:

Қиёматдур бугун манинг бошима,  
То кўргунча элим-халқим хўш эмди,  
Жаллодлар йигилишар тегра дошима,  
То кўргунча ғўччоқларим хўш эмди.

Зулм бирла жиғар бағри пораман,  
Иқболи кеч нетай баҳти қароман,  
Банда бўлуб армон бирлан бораман,  
Қирқ йигитим то кўргунча хўш эмди.

Мушқул бўлди Аҳмадбекни жонина,  
Бандадурман бора билмам ёнина,  
Бу жисмим бўялур қизил қонима,  
То кўргунча қиблагоҳим хўш эмди.

Фалакнинг кажлиги манго айланғон,  
Ғазот бўлса от яроғи шайлонған,  
Қўлда найза, олмос қилич бойлонғон,  
Ашурбеким меҳрибоним хўш эмди.

Ҳеч banda бизлардек ғарид бўлмасун,  
Биздек бўлса бу дунёга келмасун,  
Армон бирлан банди бўлуб қолмасун,  
То кўргунча ночор синглим хўш эмди.

Чоҳдин чиқиб завқу-сафо сурмадим,

Хоразм юртимга қайтиб бормадим,  
Армон бирлан гул юзингни кўрмадим,  
То кўргунча севар ёrim хўш эмди.

Ўз-ўзимга ўзим қилдим зулмни,  
Армон бирлан боғлатибман қўлимни,  
Кимга айтай сийнамдаги дардимни,  
Ашурбеким қирқ сардорим хўш эмди.

Мани элтиб ташлар эмиш минора,  
Аҳмадбекни осар эмишлар дора,  
Бек Юсуфдер бағрим бўлди минг пора,  
То кўргунча Бобом Қамбар хўш эмди.

Алқисса, андин сўнг жаллодлар мирғазаблар сиёsat бирла турдилар ва яна тўрт юз маҳосил коғир атрофини олиб эҳтиёт бирла Юсуфбекни, Аҳмадбекни олиб юрий бердилар. Анда Миср юртиға овоза бўлдиким Юсуфбекни минордин ташлаб, Аҳмадбекни дорға осар эрмишлар деб тамоми коғирлар аёли, эркаги қолмай, ким йиглаб, ким тиқилиб, ким илгари борайин деб бир нечалари оёқ остинда қолиб, кўб коғирлар ўлди. Баъзилари маъюб мубтало бўлди ва баъзилари тамоша қилиб Юсуфбек бирлан Аҳмадбекни шул суратда қўллари боғлонғон шоҳнинг ёнига олиб бориб соғ-сўлини олиб сиёsat бирла турдилар. Анда Гўзалшоҳ Юсуфбекни кўргач, қўлин ешинглар-деди. Анда Гўзалшоҳ айди: Эй Юсуфбек сан кўб яхши йигит эркансан. Рустам сифатлик-деди. Анда жаллодлар қўлин ешиб уч юз олтмиш муҳрдорлари ва саркардалари бу тарафға марварид тақилғон ва яна заррин курсиларнинг устинда ўлтурғон Юсуфбек бирлан Аҳмадбекни кўруб шул сифатида тамоша этиб ер-кўкни ларза босиб турубтур. Алқисса, Гўзалшоҳ айди: - Эй Юсуфбек сан лот манотга сажда қил, динингни бизга бергил, ман санго яхши қиз олиб бериб уйлантуруб соҳиб ҳукмат қилиб беклар беки амал бериб, тилло жига берайин-деди. Шул вақтда Юсуфбекнинг қахри келиб кўрқунчи кўнглидин кетиб Гўзалшоҳға қараб бу жавобни айди:

Йўлим тушди қизил бошнинг элина,  
Элларинг бор бизнинг эла мангзамас.  
Лолавларсан киши тушмас тилинггга,  
Тилларинг бор бизнинг тила мангзамас.

Саҳроларинг бордур ёзу ёбонли,  
Хотунларинг бари ясси тобонли,  
Минганинг чўчқадур қашқа қабонли,  
Молларинг бор бизнинг мола мангзамас.

Махрамларим бордур сиймин соқоқли,

Ошпазларим бордур тилло тобоқли,  
Бурунларинг қилдур, оғзинг қопкоқли,  
Бекларинг бордур бизнинг қула мангзамас.

Гўзаллари бир-биридан сўвмали,  
Қизил бошга асло кўнгил қўймали,  
Боғларингнинг таърифини демали,  
Боғларинг бор бизнинг чўла мангзамас.

Бек Юсуф ёд этар Шери худони,  
Сан кофурсан бизга келтур имони,  
Дўзах эрур язидларнинг макони,  
Динларинг бор бизнинг дина мангзамас.

Алғараз андин сўнг Гўзалшоҳ дарғазаб бўлуб айди: Эй бўйну йўғон Ўзбек, ҳали ҳам бўлса, динимға кирмай манго саркашлиқ қилурсан ва яна бўйин йўғинлик қилурсан. Манго сўзингдин шикаст берурсан - деди. Анда Юсуфбек ҳоло банда бўлуб етти йилдин бери зиндонда ётиб бўйнум ингичка бўлуб мунингдек ойтиб турубман. Агар қадимдағи вақтим бўлса, эрди ўз бурнингни кесиб ўзингга едуур эрдим - деди. Шул вақтда Гўзалшоҳнинг ҳар бир кўзлари пиёладек бўлуб, Эй Юсуф санинг нечоқли ҳолинг бор бир Мирзо Мамад иккингизни боғлаб келтурди - деди. Сан ўлум қўрқунчидин ҳар нечук сўзларни айтурсан .қайтиб келганинг бирлан қўлингдин ҳеч иш келмас - деди. Шул вақтда Юсуфбек Гўзалшоҳга қараб бу жавобни айди:

Насиб бўлса Миср шоҳим,  
Келурман лашкарлар тортиб,  
Уч юз олтмиш туғ кўтариб,  
Етти минг тўпни судратиб.

Шабгирада ёқиб чироғи,  
Яқин қилмоқға йироғи,  
Орамизда етти тоғи,  
Ман ўтарман гумбирлатиб.

Чошгоҳгача арз этарлар,  
Пешин саломдин қайтарлар,  
Ҳар кўчганда тўп отарлар,  
Тоғи тошинг гумбурлатиб.

Турнадин юбордим хати,  
Сандин олмоққа бул канти,  
Лашкаримнинг сиёсати,  
Элу юрting қамал этиб.

Йиқарлар жами бандангни,  
Чекарлар охи сардангни,  
Санинг бул оғир ўрдангни,  
Олурлар шахринг бўшатиб.

Оғир хазина ортарлар,  
Элтиб Хоразима сотарлар.  
Етти ой карнай тортарлар,  
Элу халқингни йиғлатиб.

Санинг қизинг эрур нозли,  
Никоҳ айлаб берур қози,  
Қўлларингда тилло сози,  
Ўнг ёнимда турар айтиб.

Шоҳ банди айладинг мани,  
Васиятим эшиит қани,  
Қирқ йигитим келиб сани,  
Олар кетар банда этиб.

Тонгла худо бўлур қози,  
Бандасидин бўлур рози,  
Қирқ йигитим бўлар ғози,  
Арвот қизинг жабрлатиб.

Етти йил солдинг жафоға,  
Етушдим завқи сафоға,  
Қизларинг тилло маофага,  
Тўлғанур қўйнумда ётуб.

Юсуфбек ростини айтар,  
Отидин тушмайин қайтар,  
Улуғ-уруғларинг сотар,  
Катта-кичигинг йиғлатиб.

Алқисса, андин сўнг Юсуфбекдин бу сўзни эшигач, Гўзалшоҳ аиди: Сан шоирликдин ҳар сўзни айтарсан - деди. Шоир эрканингни билурмиз. Кўкча бирлан айтушғон вақтда маълум бўлур – деди. Андин сўнг Гўзалшоҳ аиди: бориб Кўкча шоирни келтуринглар. Иккисини айтуштуurmиз. Қайси баланд айтса, меҳрибонлик қилиб сийларман – деди. Қайсиси паст айтса, ани ўлтуурмуз - деди. Анда Кўкча шоир зиёда шоир эрди, юз эллик шогирди бор эрди. Анда ясовуллар бориб аиди: Юргил, сани Юсуфбек бирлан айтуштуurmиз - деди. Агар Юсуфбекни енгсанг инъомлар бериб вақtingни хуш қилур - деди.

Анда Кўкча бу сўзни эшитгач, шогирдлариға дуторини кўтартиб юрий берди. Анда ясовуллар бирлан шоҳнинг хизматига бордилар. Анда Гўзалшоҳ айди: Эй ҳазиначи, очиб тилло дуторни чиқариб Юсуфбекка бергил, икковини айтишувини томоша қиласи - деди. Анда ҳазиначи бориб ҳазинадин тилло дутор чиқариб келтуруб Юсуфбекка берди. Анда Юсуфбек айди: Санинг дуторинг қўлумға муносиб эрмас - деди. Зинданда Қамбар бобомда ўзимнинг дуторим бор туур, они бориб келтуриб беринглар - деди. Анда ясовул бориб зиндандин келтуруб бердилар. Анда Юсуфбек қўлиға дуторни олиб зайлибош қилиб, Кўкча шоирға айди: Айт - деди, Анда Кўкча шоир айди: Аввал сан айт - деди. Анда Юсуфбек айди: Ман қулф бўлсам, сан оча билмассан - деди ва агар сан қулф бўлсанг, ман шароқлатиб очарман - деди. Алқисса, охир бўлмади. Кўкча шоир Юсуфбекдин савол сўраб, Юсуфбек саволига жавоб бериб, бу жавобни айтур эрдилар:

Саваш бўлса майдон йўлин очарлар,  
Қиличидин қизил қонлар сочарлар,  
Бир коғирдин юз ўзбекинг қочарлар,  
Шоҳ устинга дўёнданда кўргил тамошо.

Юсуфбек:

Сардорларим аждарҳодай қўзғолиб,  
Йигитларим ғози бўлмоққа талаб,  
Ўзбек беклар чаҳор тарафдин от солиб,  
Суриб тахтинг оланда кўр тамошо.

Кўкча:

Бошинга етарлар язиднинг кўпи,  
Пешонага тегар шул дорнинг чўпи,  
Кўрмадингму ётғон ўттиз газ тўпи,  
Бир тўп солиб айтғонда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Йигитларим сандин олур харжини,  
Йиқитурлар қалъаларнинг буржини,  
Келиб сандин улар олур божини,  
Босиб сандин олонда кўр тамошо.

Кўкча:

Аё ўзбек, ғунча белинг букулсун,  
Устихонинг қоқшар бўлуб тўкулсун,

Тўққуз карной, ўттуз сурнай чолунсун,  
Осмон-у замин кўчанда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Бизга тегди шоҳимардон назари,  
Озори йўқ ҳаргиз йўқдур безори,  
Чехоршанба кун булур Урганч бозори,  
Суруб, элтиб сотонда кўр тамошо.

Кўкча:

Аё ўзбек, қутулмоғинг гумондур,  
Тоғларингнинг усти қорли думондур,  
Бугун билсанг санго охир замондур,  
Ора чўлда қиронда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Қилич урсам қирғин топар лашкаринг,  
Сеисларим олур санинг духтаринг,  
Банда қилиб уч юз олтмиш меҳтаринг,  
Кўкон солиб қиронда кўр тамошо.

Кўкча:

Аё ўзбек, чоқла аввал ҳолингни,  
Шоҳга айтуб кестурман тилингни,  
Теградошинг олиб соғу-сўлингни,  
Қаро кунлар солонда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Қизил бошинг эллисини, юзини,  
Зинданда чекарман шоҳнинг ўзини,  
Уч юз олтмиш амалдорнинг қизини,  
Суруб олиб сотонда кўр тамошо.

Кўкча:

Аё ўзбек, билиб сўзла сўзингни,  
Вақтинг хўшдур бўш кўрубсан кўлингни,  
Сан кўзлагил эмди кетар йўлингни,  
Бизнинг шоҳлар боронда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Насиб бўлса дол бедовга минали,  
Урганч бориб яна қайтиб келали,  
Ўн бармоқи бўғум-бўғум хиноли,  
Қизларингни олонда кўр тамошо.

Кўкча:

Аё ўзбек, хомдур қилган хаёлинг,  
Асир бўлуб қолур ахли аёлинг,  
Етан ўхшар букун санинг заволинг,  
Ўзбек учма бўлонда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Аё кофир чиқолмассан қалъадин,  
Ўзбек беклар қистаб келса дарадин,  
Аждодларинг никоҳ қилиб зўримдин,  
Хизматкорга берганда кўр тамошо.

Кўкча:

Аё ўзбек, етолмассан эллинга,  
Ўлимнинг шароби тегар қўлингга,  
Тилки, шағол йиғлар санинг ҳолинга,  
Бўлуб, бўлуб қиронда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Кўкча шоир, на ҳаддингдин ошарсан,  
Вах деганда доғдин доға қочарсан,  
Биз келганда бўлакланиб қочарсан,  
Босиб янчиб қиронда кўр тамошо.

Кўкча:

Аё ўзбек, ҳеч иш келмас қўлингдин,  
Мирзо Мамад боғлаб келди элингдин,  
Аждарходек ҳар сўз чиқар тилингдин,  
Ўзбек ўлжа бўлонда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Аё кофир ўйсам санинг кўзингни,  
Ўзбекларга сарғайтириб юзингни,  
Асир қилиб арватларинг, қизингни,  
Ўчли-ўчин олонда кўр тамошо.

Кўкча:

Аё ўзбек кетмаклигинг гумондур,  
Бориб тушсанг билгил санго зиндондур,  
Элингнинг бошиға охир замондур,  
Қовлаб бориб тутонда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Сани қўйсам икки қўлинг боғлатиб,  
Бурнинг кесиб шоҳинг қонлар йиглатиб,  
Минг ўкузга катта тўпни судратиб,  
Эралихон келонда кўр тамошо.

Кўкча:

Аё ўзбек, тил жағозинг кесилсун,  
Дугма калланг дарвозадин осилсун.  
Санинг шоҳинг бизинг шоҳдин босилсун,  
Кўкча шоир етонда кўр тамошо.

Юсуфбек:

Юсуфбек дер отдин тушмай келмишам,  
Қалъаларинг бирин-бирин олмишам.  
Ўзим тушган чоҳга шоҳинг солмишам,  
Тамом ўзбек келонда кўр тамошо.

Алқисса, андин сўнг Гўзалшоҳ аиди: Қайсиси баланд келди - деди. Анда ясовуллар Кўкчанинг юзини кўруб тақсир шоҳим Кўкча шоир баланд келди - деди. Анда Гўзалшоҳнинг ўзи инсоғ келтуруб аиди: - Эй ҳой-ҳой Кўкча шоир хўб баланд айтғон эркан хотунлардек қарғанубдур - деди. Юсуфбек мард эркан мардона айттур - деди. Мард шоир Юсуфбек эркан, ҳар сўзиндин қайтмас ва яна хўш-омад қилиб ҳеч ҳам бир сўзни оймас – деди. Андин сўнг Гўзалшоҳ Кўкча шоирни ялонғоч этиб етмиш бир таёқ уриб ўлтуринг деб буюрди. Анда жаллодлар Гўзалшоҳнинг ёнидин судраб олиб кеттилар, олиб бориб бир ерда ёшуруб бир гуржини сўюб куйлагин қон қилиб ўлтурдик деб келтурдилар. Андин сўнг Кўкча шоирнинг тилло жиғосини олиб Юсуфбекка берди ва яна иккисига икки қилич икки номдор от берди. Бирининг одини Миргаздали дер эрдилар ва яна бирининг одини Мажнундали дер эрдилар. Анда Юсуфбек билан

Аҳмадбекнинг вақтлари чунон хўш бўлуб икки отфа иккилари миниб ва яна зарларини ҳачирларға юклаб қирқ ҳачирни олдига солиб йўнаб қайтмоқчи бўлдилар. Анда Гўзалшоҳ Юсуфбекка қараб айди: Эй Юсуфбек ўз юртинга борғондин сўнг яна бизнинг юртға қайтиб келмакни ихтиёр қила кўрма ва агар ҳар вақт нокомлик тортсанг бир ҳизматкоринга арза қилиб юборгайсан. Биз мунда меҳрибонлик қилиб яна сизга зар юборурмиз ва лекин зинҳор қайтиб кела кўрма - деди. Шул вақт Юсуфбек Гўзалшоҳга қараб бу жавобни айди:

Эшишиб қол, кофирларнинг Султони,  
Эмди навбат сандин ўтанди кофир,  
Сандин ўтди замонанинг даврони,  
Эмди навбат бизга етанди кофир.

На сабабдин қўл, оёғим боғладинг,  
Ўлар дебон бу зинданда сақладинг,  
Чоҳ ичинда мани ўлума чоғладинг,  
Сандин манго зулм ўтанди кофир.

Яксон этиб шул айвонли тахtingни,  
Бўлуштуруб берай молу раҳtingни,  
Қайтиб келиб олай санинг юрtingни,  
Банда қилиб сани тутарман кофир.

Уч юз олтмиш кальаларинг йиктуруб,  
Кулли кофир оёғимға йиктуруб,  
Қирқ кунгача шодиёна қоқтуруб,  
Ховлилардин босиб ўтарман кофир.

Ялонғочлаб банда қилиб ўзингни,  
Тилингни суғурууб ўйсам кўзингни,  
Ўзбекларга инъом этиб қизингни,  
Ёмонингни тутуб сотарман кофир.

Лотиманот бутларингни куйдирсам,  
Жаллодларға териларинг сўйдурсам,  
Бурнинг кесиб ўзларинга едурсам,  
Сандин манго зулм ўтгонди кофир.

Бекларингга нармояни боқтуруб,  
Санинг бўйнинг ўқузларга тақтуруб,  
Сақолинг оқини бир-бир юлдуруб,  
Қирқбеш деб ўттузға сотарман кофир.

Хазинангни юклаб нар бирлан лўкка,  
Қизларингни бўлуб бериб черикка,

Баланд - пастни тенг этайин ўлукка,  
Ўлук бирлан тўлсун майдонинг кофир.

Юсуфбек дер талон солиб элинга,  
Банда қилиб ғуллар солиб бўйнинга,  
Қоравуллар қўюб соғу-сўлинга,  
Шахринг санго зиндан этарман кофир.

Алқисса, андин сўнг Гўзалшоҳ Юсуфбекдин бу сўзни эшигч, дарғазаб бўлуб аиди: Эй Юсуфбек мунча лоф урасан, бир Мирзо Мамад иккингизни банда этиб боғлаб келтургандур. Санинг нечоғлиғ ҳолинг бор, санинг юртинг Урганч, бу гапларни манго айтма, эй ғурмисоқ ўзбек - деди. Анда Юсуфбек тўқсон икки ургуғ Ўзбекистон қариндошларини ёд этиб сиёsat бирлан Гўзалшоҳға қараб бу жавобни аиди:

Андижону Марғилондин,  
Қирқ минг уйли Қўқон келур,  
Бир-бирига аҳд этгандин,  
Жонни жонға суқғон келур.

Илгорлар тортиб узоқдин,  
Насибин тилаб раззоқдин,  
Сандин нари чет қозоқдин,  
Телпаклари улкан келур.

Яхши бедовлар сақлоғон,  
Ғазотға ўзин чоқлоғон,  
Бизларни доим йўқлоғон,  
Оға-ини тўғғон келур.

Қирғиз келур Намангандин,  
Қашқар Қайсар деган ердин,  
Карной тортиб Исфаҳондин,  
Бўзўғлонхон дойим келур.

Соғу-сўлинг лашкар олур,  
Юртларинг ўртада қолур,  
Юз минг уйли така, солур,  
Олло деюб туркман келур.

Балх шаҳрига борур хабар,  
Ҳазор халқи қилур сафар,  
Боғлар бўлур зеру-забар,  
Ўттиз бир лак ўғлон келур.

Хабар борур Ҳиндустона,  
Черик тушар Кўҳистона,  
Ҳеч ким қолмай Туркистона,  
Тамом ўзбек бари келур.

Манинг пириш Шоҳимардон,  
Ҳасан-Ҳусайн марди майдон.  
Баҳоваддин балоғардон,  
Дини ислом Бухор келур.

Устодлардин таълим олғон,  
Ғазот бўлса ўзин солғон.  
Гўрӯғлини кўриб қолғон ,  
Сафо ўғри чақон келур.

Қирқ минг йигит нар бедовли,  
Майдонда оғзи олавли.  
Найзаси гулгун яловли,  
Эралихон Султон келур.

Юсуфбек дер қишлиамоға,  
Ўлукунгни чошлиамоға.  
Банда этиб ушлиамоға,  
Ашурбекдек арслон келур.

Алқисса, андинг сўнг Юсуфбекдин Гўзалшоҳ бу сўзни эшигчач, паришонҳол бўлиб озод этганига пушаймонлар этиб қолди. Анда Юсуфбек бирлан Аҳмадбек ҳачирларни олдиға солиб ҳайдаб йўлға равона бўлдилар. Баногоҳ бу сўзларни Мирзо Мамад эшигдику. Юсуфбекни Гўзалшоҳ озод этиб узотиб юборган эмиш деб. Андин сўнг Мирзо Мамадни ваҳм босиб Юсуфбек, Аҳмадбек кинасини кўнглидин чиқариб қолайин, агар жойи келса ўлтурайин деб тўққуз ҳачир зарни олдиға солиб ҳайдаб Юсуфбекнинг олдиға чиқиб таъзим этиб тураберди. Анда Аҳмадбек Мирзо Мамадни таниди. Шул алдаб келган бадрак туур деб қиличини суғуриб югурди. Анда Мирзо Мамад кул тарсо туруб қочаберди. Анда Аҳмадбек ина-мина дегунча бир қилич солди. Бир ён қўлин тушуруб қолди. Анда коғирлар бу шиддатни кўруб бош-бошиға бўлуб, қўрқуб қочиб Гўзалшоҳнинг олдиға бориб айдилар. Эй подшоҳим, Юсуфбек, Аҳмадбек шаҳардин чиқмай туруб одамларни қийраётубдур -деди. Анда Гўзалшоҳ ҳаммалари қўрқуб, онглари учуб зиндандин чиқарғониға пушаймонлар этиб қолдилар. Аммо Юсуфбек бирлан Аҳмадбек ҳачирларни ҳайдаб Миср юртидин чиқиб Урганч юртига кета берсунлар. Эмди Бобо Қамбардин сўз эшигинг. Андо Бобо Қамбарнинг қулоқиға етдиким Юсуфбек бирлан Аҳмадбекнинг озод бўлуб кетганини эшигди. Алғараз, Бобо Қамбарнинг бир хўстори йўқ эрдиким бориб Юсуфбек бирлан Аҳмадбекка хабар берса алҳосил Бобо Қамбар зинданнинг ичинда зор-зор йиғлаб бу муножотни айди:

Барча қулнинг сирини,  
Олло ўзинг билурсан,  
Зиндон ичра дардимни,  
Олло ўзинг билурсан.

Ҳой-ҳой манинг бу бошим,  
Зиндонда қолди лошим,  
Юсуф, Аҳмад йўлдошим,  
Худо ўзинг билурсан.

Юсуф, Аҳмад чиқдилар,  
Озод бўлуб кетдилар,  
Бизни ёддин чиқардилар,  
Карим ўзинг билурсан.

Юсуф, Аҳмад бир эдук,  
Бирга таъом ер эдук,  
Уч киши бари бир эдук,  
Раҳим ўзинг билурсан.

Бизга ваъда этдилар,  
Тенг чиқармиз дедилар.  
Эмди ташлаб кетдилар,  
Ёраб ўзинг билурсан.

Эй яратғон худойим,  
Сансан манинг паноҳим.  
Тез етуштур алҳолим,  
Жаббор ўзинг билурсан.

Бизни қўйдинг зиндонда,  
Адо бўлмас ҳижронда.  
Қолдим юз минг армонда,  
Faффор ўзинг билурсан.

Қутқар мени зиндондин,  
Айролиқнинг доғидин.  
Жудо бўлдум беклардин,  
Саттор ўзинг билурсан.

Қамбар йиғлар санго зор,  
Зиндон ичра бўлдим хор.  
Эй яратғон биру бор,  
Ғамхор ўзинг билурсан.

Алқисса, бу сүздин сўнг Бобо Қамбарға худой таолло ўз нуридин бир вақти хушлиқ бердиким ҳеч бир нимарса аниңг ёдиға тушмади. Ва яна қайғу-кулфат, аламдин ҳеч нимарса қолмади. Эмди беклардин эшитинг. Беклар бир неча муддат йўл юруб борур эрдилар. Баногоҳ кўб қизил бошнинг ўбасининг устидин йўллари тушди. Баногоҳ кўрсалар бир булоқдин бир хушрўй келинчак бирла бир қиз кўзасин сувга тўлдурууб суфрасига кўтариб кетиб борур эрди. Анда Юсуфбек Аҳмадбекка айди сан тўғри бўлғон келинчак қошиға борғил. Булар бирлан шу ерда бир шўхлик қилиб ўтали - деди. Анда Аҳмадбек келинчакнинг тарафиға равона бўлди. Юсуфбек ҳам қизнинг тарафиға равона бўлди. Бул қиз ҳам Юсуфбекни кўруб қапоғини уюб буқинини ушлаб лабини тишлаб кўзасини ерда қўюб эси кетиб ангариб турди. Анда Юсуфбек қиздин йўлнинг солиғин сўраб қиз ҳам жавоб бериб иккиси бул жавоб-саволни айтушур эрдилар:

Юсуфбек:

Сув бўюнда турғон гўзал,  
Бизнинг жойлар қайда бўлур?  
Шаънингга айтай бир ғазал,  
Бизнинг жойлар қайда бўлур?

Қиз:

Билманам нечук одамсан,  
Билмам жойинг қайда бўлур,  
Ўзинг манго номаҳрамсан,  
Билмам йўлинг қайда бўлур.

Юсуфбек:

Эниб келмушам устингга,  
Қурбонам қадди бастинга,  
Отимиз чопиб қасдинга,  
Бизнинг эллар қайда бўлур?

Қиз:

Қайдин етушдинг мунда сан,  
Ҳуснумга бўлдинг бандада сан,  
Отабезор газанда сан,  
Билмам элинг қайда бўлур?

Юсуфбек:

Қизил бошға бўлуб бандада,

Оёқимға тушуб кунда,  
Озод бўлуб келдим мунда,  
Бизнинг гуллар қайда бўлур?

Қиз:

Қўюнг, кетай эмди мани,  
Сўрсанг топарсан бошқани,  
Кўрса ураг отам сани,  
Билмам гулинг қайда бўлур.

Юсуфбек:

Ўзинг ким манго сахалдур,  
Танишсанг айни маҳалдур,  
Ёрим оди Гуласалдур,  
Бизнинг ёрлар қайда бўлур?

Қиз:

Букун муродинг топарман,  
Босған изингдин ўпарман,  
Ман аёли муштипарман,  
Билмам ёринг қайда бўлур.

Юсуфбек:

Хуснунг эрур гул хирмани,  
Аслинг қизил бош армани.  
Бек Юсуфдер билсанг мани,  
Бизнинг жойлар қайда бўлур?

Қиз:

Манго лозим қўшки тилло,  
Кўзим жоду хуснум раъно.  
Сўрсанг одим Бибизахро,  
Билмам жойинг қайда бўлур.

Алқисса, андин сўнг галин бечора бу сўзни эшитгач, рашки келиб ул қизнинг олдинда ман хушрўйман, мани қўюб анго бориб ҳазил қилиб турур. Бирорга қўшулмаганимда манинг олдимда онинг не тафовути бор деб бурулиб қарай-қарай борур эрди. Бир тошға оёқи тегиб юз тубан бўлуб сурунуб кетди. Эси тиниб кўзаси синиб болдоғидин тиклаб турди. Аҳмадбекдин хабари йўқ чўккалаб туруб қўли суфрасинда эрди. Аҳмадбек йироқдин келиб айди - Ойим

сиз бизга түгри эмишсиз деб оёқини зангуға тираб сўраб қиз ҳам жавоб бериб бу сўзни айди:

Аҳмадбек:

Кўзасин синдургон галин,  
Хабар бергил элларингдин,  
Нозлим бир сув бар ичали,  
Тар хиноли қўлларингдин.

Келин:

Савол сўрғон барно йигит,  
Айланурман бўйларингдин,  
Савол сўраб жавоб эшишт,  
Бахра олай тилларингдин.

Аҳмадбек:

Галинларнинг сансан хўби,  
Қизил бошнинг тоза гули,  
Билмам кимсанинг маҳбуби,  
Сўзла ширин тилларингдин.

Келин:

Ҳазил қилма бизнинг бела,  
Сан борурсан олис йўла,  
Ёрим бордир сандин ойра,  
Кечгил бу хиёлларингдин.

Аҳмадбек:

Эмди сандин ман дўнманам,  
Отиmdим ерга тушманам,  
Чашманг сувидин қонманам,  
Қондур лабда болларингдин.

Келин:

Сув тиларсан келгин бери,  
Ҳазил қилиб кетма ори,  
Тўрам бўлай санга чўри,  
Тўйиб ичсанг болларимдин.

Аҳмадбек:

Ҳама қиздин ҳуснинг ғолиб,  
Ман бўлубман санго толиб,  
Отнинг суфрасига олиб,  
Ошсам тоғу чўлларингдин.

Келин:

Худо берди тилагимни,  
Узотойин билагимни,  
Ҳеч ким билмас дарагимни,  
Ушлот нозик қўлларингдин.

Аҳмадбек:

Қизнинг ёнинда бек Юсуф,  
Ман қилдим анго таасуф,  
Аҳмадбекка сан муносиб,  
Узиб бергил ҳолларингдин.

Келин:

Ина ҳол деб тут қўлимдин,  
Кир боғимдин уз гулимдин,  
Қуч белимдин, сўр тилимдин,  
Магар келса қўлларингдин.

Алқисса, андин сўнг Аҳмадбекнинг бул сўзларин рост хиёл қилиб айди: Тез бўлунг, бизни отға миндуринг, отам-онам элим, халқим туймасун - деди. Анда Аҳмадбек айди. Бизлар мусулмонлармиз пирга қўл берганмиз. Бизлардин бу бидъат ишларни таъма тилма - деди. Алқисса, келинчак бирлан, қиз Юсуфбек бирлан кетмакчи бўлди. Анда Юсуфбек айди: Бизлар санго бир неча сўзларни ҳазил қилиб айтиб эрдик - деди. Манинг Гуласал ойим деган бир ёrim бор туурур сани олиб борсам бўлмас, сани чўриларнинг қаторинда ҳам кўрмас - деди. Анда келинчак бечоранинг кўнгли бузулуб қўзасин болдоқидин тутуб кетаберди. Қиз бечора умид уза билмай изларидин қараб борур эрди. Анда қиз бечоранинг оёқи қабориб юрмақдин ожиз келиб бекларга қараб бу жавобни айди:

Юсуфбеким, мандин салом,  
Номи Гуласал ойима,  
Ҳанжар тишли, қалам қошли,  
Ҳусни хулқи мулойимға.

Ёр чиқмади теградошдин,

Дийдамиз қон қизил бошдин,  
Яна салом қайта бошдин,  
Жоду кўз ҳуснимоҳима.

Ҳачирга юклаб чодиринг,  
Юзингдин кетмас хотирим,  
Олдингда бўлай шотиринг,  
Қамчинг тегса сочбоғимға.

Манинг каби гўзал бўлмас,  
Ҳавас қилғон ола билмас,  
Кўнглингда армонинг қолмас,  
Кириб кетсанг қучоғимға.

Билманам қайдин келурсан,  
Бу жонимға ўт солурсан,  
Сўруб кетсанг маст бўлурсан,  
Лабинг тегса дўдоғимға.

Қулоқ солиб арзим эшит,  
Шаҳаншоҳсан додимға ет,  
Булбул бўлуб ғўчкоқ йигит,  
Қўнуб кетгил чор боғимға.

Захроҳон дер ёна-ёна,  
Холларим бор дона-дона.  
Хоҳ ошно бўл, хоҳ бегона,  
Бор топшурдум худойимға.

Алқисса, андин сўнг бул қиз ҳам қолди. Анда Юсуфбек бирлан Аҳмадбек ҳачирларни ҳайдаб юрий бердилар. Бир неча йўлларни юриб қизил бошнинг ютидин чиқиб бодиз чўлларига тушуб баланд доғлардин ошиб ўн кун деганда Поломон тоғифа чиқдилар. Мундин ҳам ҳачирларни ҳайдаб юрий бердилар. Бориб бир чашманинг бўйига тушуб ҳачирларни ўтга қўюб ўзлари осойишта бўлуб дам олиб, таом еб ўлтурууб эрдилар. Ногоҳ орқаларидин милтиқларнинг овози гумбурлаб келаберди. Анда бекларни ваҳм босиб отлариға миниб бир қирнинг устиға чиқиб қарадилар кўрсалар кўб коғир чанглаб, лоловлаб келаётиб туурлар. Шул келган Кўкча шоир эрди. Даштли кучли қариндошларидин етти юз минг йигит олиб отига анжом бериб Юсуфбек, Аҳмадбекнинг кейнидин етиб ҳачирларини олиб сизларга бермасам деб шабгиরтиб келур эрди. Анда Аҳмадбек бу коғирларни кўруб ғайрати келиб ёлғуз ўзи от қўяр бўлди. Эмди оғасидин жавоб тилаб, иккиси жавоб-савол айтушғонлари:

Аҳмад:

Орқамиздин етиб келди кофирлар,  
Жавоб бергил манго Юсуф Султоним.  
Дараға, сойларға түлди кофирлар,  
Рұхсат беринг манго, Юсуф Султоним.

Юсуф;

Ёш ўғлоннинг иши қараб турмоқдур,  
Аввал мендин ўргана күр, укажон.  
Санго лозим тамошони кўрмакдур,  
Савашмоқни мендин ўрган, укажон.

Аҳмадбек;

Етти йилдир чоҳ ичинда қолибман,  
Назар тортиб бу ерларга келибман,  
Неча вақтлар ажаб дилгир бўлибман,  
Оқ фотиха бергил, Юсуф Султоним.

Юсуф;

Қилич чопай бу кофирнинг қасдинда,  
Ўлуклари қолсун тоғнинг остинда,  
Ҳозир бўлуб ҳачирларнинг устинда,  
Тамошони мендин кўргил, укажон.

Аҳмадбек;

Ўлжа қилсанг шунинг бори зар эрур,  
Яқин шунда Кўкча шоир бор эрур,  
Мард йигитга Шоҳимардон ёр эрур,  
Бир фотиха бергил, Юсуф Султоним.

Юсуф;

Қурбон бўлай қоматинга, бастинга,  
Ғайрат бирлан қилич тутғон дастинга,  
Қараб турғил ҳачирларнинг устига,  
Тамошони биздин кўргил, укажон.

Аҳмадбек;

Күюнг мани чиқай кофир ёнина,  
Қиличим ранглайн душман қонина,  
Қараб турмоқ номардларни шаънина,  
Оқ фотиха беринг, Юсуф Султоним.

Юсуф;

Тамошо қила кўр оғанг ишини,  
Сечадайин узайнин тандин бошини,  
Майдонларда сулайтириб лошини,  
Савашмоқни мендан ўрган, укажон.

Аҳмадбек;

Бирини қўшмайин эмди бирига,  
Кўндаланг бўлайин қочар йўлига,  
Жавоб бергил борай душман устига,  
Рухсат бергил манго, Юсуф Султоним.

Юсуф;

Аҳмаджон, сан турғил борайин якка,  
Жавобни берайин Кўкча бадракка,  
Дараларни тўлдурайин ўлукка,  
Тамошони биздин кўргил, укажон.

Аҳмадбек;

Аҳмаджон дер манго жавоб бермадинг,  
Ботирлиқда қаторингда кўрмадинг,  
Ўзинг билдинг мани кўзга илмадинг,  
Синаб кўргил эмди, Юсуф Султоним.

Юсуф;

Юсуфбек дер билдим арслон экансан,  
Жаҳонни титратган паҳлавон экансан,  
Буйни йўғун золим ўғлон экансан,  
Борабер юр йўқса дўнгил укажон.

Алқисса, андин сўнг иккови ҳам отининг жиловини баробар қилиб от юбордилар. Анда Аҳмадбек кофирларнинг изидин етиб қамчи босиб олдиға чиқиб тўрт кофирни буклаб ташлади. Анда Юсуфбек ҳам кофирларни оролаб бориб кўб қўйға оч бўри етгандек бўлуб олдинга солиб қувлаб юрий бердилар.

Шул вақтда эр пирларидин мадад истионат тилаб Ҳазрат Али Шоҳимардонни ёд этиб бу жавобни айди:

Бир осийман қўлим тутғил,  
Ё Мустафо сандин мадад,  
Набиларнинг сардафтари,  
Сали Али сиздин мадад.

Абу Бакр, Умар, Усмон,  
Фидо бўлсин жону жаҳон,  
Етмиш икки соҳиб қирон,  
Ё Мустафо, сиздин мадад.

Етти ёшда эр отонғон,  
Йигирмада Шер отонғон,  
Кофирга зарбин ўтурган,  
Ё Муртазо, сиздин мадад.

Чехор ёрнинг биридурсиз,  
Худойимнинг шеридурсиз.  
Мухаммаднинг ёридурсиз,  
Шерихудо, сиздин мадад.

Бединларни қирон этган,  
Шаҳарларни яксон этган,  
Хайбар юртин вайрон этган,  
Ё Муртазо сиздин мадад.

Қойил эрур жумла жаҳон,  
Ман бўйайин сизга қурбон,  
Етмиш икки соҳибқирон,  
Ё Муртазо, сиздин мадад.

Худойимнинг севар дўсти,  
Набиларнинг сардафтари,  
Кулли Эранлар сардори,  
Ё Мустафо, сиздин мадад.

Алқисса, андин сўнг Юсуфбекнинг дуоси худой таоллонинг даргоҳинда қабул бўлди. Жаме эру пирларнинг руҳонатлари ҳозир бўлуб ва яна Ҳазрат Али Шоҳимардоннинг руҳлари ҳозир бўлди. Ва яна етмиш икки соҳибқироннинг руҳлари ҳам ҳозир бўлди. Анда Юсуфбек, Аҳмадбек Ҳазрати Али соҳиб қиронға сигиниб кофиirlар бирлан андоғ уруш қилдиларким анда кофиirlар бош-бошиға бўлуб ақли чошиб отидин йиқилиб ўзларини жарларға уруб ҳамасини арвоҳ уруб

туруб қоча бошладилар. Анда Юсуфбек биһлан Аҳмадбек коғирларнинг жазосини бериб ҳамасини қириб қочғонини ҳам тутуб ўлтуруб, сув ўрниға қонлар оқузуб дараларни ўлукка тўлдуруб, сойлар мавж урди. Анда Аҳмадбек Кўкча шоирни тутуб бўйниға йип солиб, қўлинин орқасиға боғлаб, эшакдек судраб, юз минг азоб-уқубатлар бирла қилиб уруб тишларини синдуруб Юсуфбекнинг олдиға келтурди. Анда Юсуфбек Кўкча шоирнинг қулоқ бирла бурнини кесиб оғзиға тутди, Кўкча емади. Анда Аҳмадбек келиб сан нега емайсан деб, иягиға келиб бир тапди. Кўкча лукқа ютди. Анда Аҳмадбек Кўкчанинг юзига қаро чолиб эшакка терскари миндуруб оёқини қорнининг тегидин боғлаб бор кўрганларингни айта бер деб шул тарзда қилиб юборди. Андин сўнг Юсуфбек Аҳмадбек ҳачирларни хайдаб кета бердилар. Бир неча манзил йўлларни олиб бир ой деганда Болли Ҳисар тоғининг қароси элас-элас бўлуб кўруна берди. Боз уч ой деганда Парран биёбонни гашт қилиб кунлардин бир кун Беша тоғиға бордилар. Анда Юсуфбекнинг йигитлари орқасидин келиб коғирлар бирлан урушуб шахид бўлуб қолиб эрди. Анда Ашурбек сардор қайтиб келиб шахидларга саҳона кўтариб кетиб эрди. Анда Юсуфбек аларни кўруб алами тоза бўлуб йигитларға фотиха ўкуб бир сўз аиди:

Коғирларға бизлар банда бўлғонда,  
Иstab келган навжувионлар хўш эмди.  
Қирқ бир кеча-кундуз тинмай урушуб,  
Шахид бўлғон бек жувонлар хўш эмди.

Орқамиздин қистаб бизни ахтариб,  
Бизлар учун бўлуб ғамға музтариб,  
Бошлариға қизил алам кўтариб,  
Банда бўлғон ғўччоқларим хўш эмди.

Бошимиздин даф этолмай балони,  
Ўлукка тўлдуруб неча дарани,  
Язиддин кўтариб сонсиз ярони,  
Армон бирлан ўлган беклар хўш эмди.

Бизлар учун зулм кўруб жонинга,  
Яролар кўтариб нозик танинга,  
Гулгун бўлуб бу майдонда қонинга,  
Хазон ургон ғунча гуллар хўш эмди.

Бек Юсуф дер келдик бизлар еломат,  
Дийдорингиз қолди бизга қиёмат,  
Худо қилсун сизга беҳишт каромат,  
Шахид бўлғон ғўччоқларим хўш эмди.

Алқисса, андин сўнг мундин ҳам ўтуб кета бердилар. Бир неча манзил йўл юруб Урганч ютиға қараб юзландилар. Бир неча муддатлар тинмай, ҳеч бир

манзилга энмай, отдин ерга тушмай олисларға тушуб денгизланган чүлларга тушуб неча ойлар қатыи манозил қилиб бир биёбоннни икки арслон гашт қилиб етти доғдин ўтиб Исқа доғиға еттилар. Анда Юсуфбекнинг вақти хўш бўлуб бир табл урди. Доғлар гумбурдаб садо бериб кетди. Анда Юсуфбек тоғларға қараб бу жавобни айди:

Эниб келдим боз устинга,  
Баланд доғлар гумбур-гумбур.  
Гуллар кўкармиш устинга,  
Қорли доғлар гумбур-гумбур.

Банди бўлуб кетганимда,  
Қўлларима тушуб кунда.  
Томошибин бўлдинг анда,  
Номард доғлар гумбур-гумбур.

Тушдим қизил бош золима,  
Кўрган йиғлар аҳволима,  
Раҳм этмадинг сан ҳолима,  
Баланд доғлар гумбур-гумбур.

Кофирилар қўлумни боғлаб,  
Юракимни ўтга доғлаб,  
Зор инградим санго йифлаб,  
Номард доғлар гумбур-гумбур.

Кириб душманнинг сўзина,  
Туштум зинданнинг остина,

Боз келдим санинг устинга,  
Баланд доғлар гумбур-гумбур.

Юсуфбек дер қилсан иза,  
Мадад бергай имом ризо,  
Пиримдур Али Муртазо,  
Асқар доғлар гумбур-гумбур.

Алқисса, бу сўзни эшитиб борур эрдилар. Баногоҳ Мирзо Мамад олиб кетган кумага қўзлари тушди. Анда Аҳмадбек бу кумани кўруб алами тоза бўлуб, қизил бошлар қўлларини боғлаб, бошиға қамчи бирлан ургонлари ёдиға тушуб, оёқларини от босиб, тирноқларини тошлар тўкуб хор-зор бўлуб кофириларнинг олдинда пиёда юрганлари, етти йил банда бўлуб зинданда ётғони ёдиға тушуб худой таолонинг даргоҳиға шукур қилиб бу жавобни айди:

Шукур ҳақнинг даргоҳиға,

Ёмон кунлар ўтуб кетди.  
Кофиirlарға banda бўлуб,  
Тушган кунлар ўтиб кетди.

Кимга айтай бу дардимни,  
Ҳеч ким билмай сўроғимни,  
Тошлар тўкуб тирноғимни,  
Юрган кунлар ўтуб кетди.

Банда бўлуб шул дарада,  
Коҳишлиар кўруб зиёда,  
Коғир отли, ман пиёда,  
Юрган кунлар ўтуб кетди.

Етти йилдур сийнам доғли,  
Азоб кўрганим нечоқли,  
От олдинда қўлум боғли,  
Бўлғон кунлар ўтуб кетди.

Чиқибмиз зиндан остидин,  
Қутулдиқ коғир дастидин,  
Тоғу-тошларнинг устидин,  
Ошғон кунлар ўтуб кетди.

Орқамда бир лак маҳосил,  
Дам олдирмайин бир фасл,  
Армон бирлан шаҳри Миср,  
Борғон кунлар ўтуб кетди.

Аҳмадбек дер ё биру бор,  
Неча йил бўлдим интизор,  
Зиндан ичинда хору-зор,  
Ётғон кунлар ўтуб кетди.

Алқисса, андин сўнг Юсуфбек бу сўзни эшигач, кўнгли бузулуб бул ҳам бошиға тушган кунлари ёдиға тушуб худой таолонинг даргоҳиға шукур қилиб бир-бирларига мардоналик бериб Асқар тоғидин ўтиб юрий бердилар. Анда Исфа тоғининг тўрт юз дараси бор эрди. Ҳар дарасининг бир булоғи бор эрди. Ҳамасининг этаги жам бўлуб қўшулур Гургон деган дарё бўлуб кетар эрди. Анда Юсуфбек бирлан Аҳмадбек ҳачирларни ҳайдаб Гургон дарёга бордилар. Анда сел келиб, тошиб баланд пастларни босиб мавж уруб кетар эрди. Суви зиёда кўб эрди. Анда Юсуфбек Гургон дарёсига қараб сиёsat қилиб бу жавобни айди:

Келди Хоразм беклари,

Йўл бергин, Гургон йўл бергин.  
Устунгдадур кўпуклари,  
Йўл бергин, Гургон йўл бергин.

Келурсан Исфа тоғиндин,  
Ўтурсан Эрам боғиндин.  
Келма отим туёғиндин,  
Йўл бергин, Гургон йўл бергин.

Устингдин от ирғотурман,  
Дараларинг беркитурман.  
Сувларингни қурутурман,  
Йўл бергин, Гургон йўл бергин.

Кўмарман санинг бошиングни,  
Беркитурман туш-тушиングни,  
Кўрсат тубингдин тошиングни,  
Йўл бергин, Гургон йўл бергин.

Қайтар ўзингдин дамингни,  
Тайёр қилғайсан гумингни,  
Тубингдин кўрсат қулингни,  
Йўл бергин, Гургон йўл бергин.

Банди эдик бўлдуқ озод,  
Гузар бергил бизга кушод.  
Борғон еринг бўлур обод,  
Йўл бергин, Гургон йўл бергин.

Юз бўлунуб окғон Гургон,  
Мавж уурсан Миср томон,  
Пиримиздур Шоҳимардон,  
Йўл бергин, Гургон йўл бергин.

Бу ҳачирлар Урганч кетар,  
Бу гузарни қилма хатар,  
Юсуф, Аҳмад сендин ўтар,  
Йўл бергин Гургон йўл бергин.

Алқисса, Гургон дарёдин ўтуб, ҳачирларни дарёдин ўтуруб ва яна бир неча муддат йўл юруб Сабзавор деган бир чашма бор эрди. Анинг бўйига тушдилар. Шул кеча шу ерда ётиб эрдилар. Анда Аҳмадбекнинг тушиға шул кеча Бобо Қамбар кирди. Анда Аҳмадбекка айди: «Сизлар озод бўлуб кетдингизлар манго қарамай» - деди. Ман зинданда якка-ёлғуз қолдум - деди. Шул вақтда Аҳмадбек

сесканиб уйқудин уйғониб, ох тортиб Юсуфбекка қараб, Бобо Қамбарни йўқлаб бу жавобни айди:

Санго дерман Юсуф оға,  
Мехрибоним Қамбар қолди.  
Зиндон ичра мотам тутуб,  
Ғамғусорим бобом қолди.

Бизлар келдик эсон-омон,  
Бошимиздин кетди думон,  
Букун манго охир замон,  
Қиблағоҳим бобом қолди.

Ҳар дам чекиб оху дилсўз,  
Қонлар йиғлаб кеча-қундуз,  
Бизлардин айрулуб ёлгуз,  
Мехрибоним отам қолди.

Арзимни айтайнин санго,  
Рұҳсат бергил, қайтай, манго  
Бир номардлик қилдинг анга  
Қиблағоҳим бобом қолди.

Үлтурғонда тизим деган,  
Эгилганда белим деган,  
Ҳар сўзинда қўзум деган,  
Отам, жоним, бобом қолди.

Шул сахар кирди душима,  
Рухи келгандур қошима,  
Соябон бўлғон бошима,  
Мехрибоним каъбам қолди.

Аҳмадбек йиғлар ўртаниб,  
Қойтиб боролиқ қистаниб,  
Миср зиндонин ёстониб,  
Дуогуйим бобом қолди.

Алқисса, андин сўнг Юсуфбек Аҳмадбекка мардоналиқ бериб айди:  
«Иншоолло таоло эр пирлардин мадад истеъонат бўлса қайтиб бориб шахри  
Мисрни олурмиз» - деб, Аҳмадбекка қараб бу жавобни айди:

Олмас қилич чопиб коғир қасдина,  
Ғам ема олурмиз бобонг Қамбарни.  
Мундин қайтиб бориб Миср юртина,

Иншоолло олурмиз бобонг Қамбарни.

Худойим сақласа йўқдур ҳеч бало,  
Агар ул қарғаса топилмас паноҳ.  
Бу сўзима ука бўлғил сан гувоҳ,  
Ғам ема олурмиз Қамбар бобонгни.

Кўзум суртсам бобом ҳоки пойиға,  
То ўлгунча борман онинг куйиға,  
Подшоҳ қилиб Гўзалшоҳнинг жойиға,  
Ғам ема олурмиз Қамбар бобонгни.

Ўйсам керак бориб коғир кўзини,  
Асири қилиб арбобларин, қизини,  
Чоҳфа солсам Гўзалшоҳнинг ўзини,  
Иншоолло олурмиз бобо Қамбарни.

Юсуфбек дер, қолма доғи армонда,  
Укажоним бўлай бобонга banda.  
Бир ҳикматдин қолди нетай зинданда,  
Иншоолло олурмиз Қамбар бобонгни.

Алқисса, андин сўнг Юсуфбек бирла Аҳмад ҳачирларни ҳайдаб олдилариға солиб Гургон дарёдин ҳайдадилар. Анда дарё бекларға йўл берди. Тегининг қуми кўрунди. Анда беклар ҳачирларини ҳайдаб ўтуб кета бердилар. Бир неча манзиллиқ йўл юруб етти ой, етти кун деганда кўзлариға жилва бериб элас-элас тумон босиб Урганч юртининг боғлари кўруна берди. Анда Аҳмадбек ўзининг юртининг боғ дарахтларини кўруб оға-ини қариндошимизни, ота-онамизни ва ёру дўстумизни кўрар ўхшармиз деб Аҳмадбекнинг вақти хўш бўлуб бу жавобни айди:

Юсуфбек оға армон қолмас кўнгилда,  
Буқун бизни қардошларға еткурса,  
Элас-элас кўринади қораси,  
Оға-ини teng-тушлара еткурса.

Жилва берур шахри Урганч боғлари,  
Булбуллари учар-қўнтар зоғлари,  
Юракимдан кетар дарду доғлари,  
Бирга ўсган сирдошларға еткурса.

Бизлар қилдуқ коғирларға ғазони,  
Орқамиздин келиб топди сазони,  
Манинг учун йиғлаб тутғон азони,

Гул Ҳадича севар ёрға еткурса.

Етти йилдур зиндан бўлди маконим  
Ҳеч кимса билмади ному нишоним,  
Ов овлошғон ҳама ёру-ёроним,  
Била кезан тенг-тушлара еткурса.

Севар қўзим фироқимдин дод этар,  
Аҳмадбекни элу ҳалқи шод этар,  
Мени ота-онам тинмай ёд этар,  
Жон-омон қариндошларга еткурса.

Алқисса, андин сўнг Аҳмадбекдин бу сўзни эшитгач, Юсуфбекни кўнгли бузулуб айди: Бизлар етти йил банди бўлуб, саккиз йилға қадам қўйғонда худойи таоло бу балолардин, оғатлардин омон соқлади. Дуомиз қабул бўлуб, муродимиз ҳосил бўлуб, шул давлатларға восил бўлуб боз кўрмагандек бўлуб, одам сонига қўшулдуқ. Худойи таолло сақласа ҳеч бало йўқ эркан. Эмди қариндошларимиз, ёру-жўраларимиз бор бўлса, яхшидур, агар ўлган бўлса, анда ямон бўлур деб, боғларининг дараҳтларини кўруб ғойибона вақти хўшлиқ қиласиқ деб ота-онасинми ёр-дўстларини ёд этиб бир муҳаммас ўқуди:

Етти йилдур айра тушган дилраболар бормукан,  
Данғдущим ҳам, ёру-дўст акробалар бормукан,  
Бизни йўқлаб йифлоғон соҳиб ғизолар бормукан,  
Парваришлар айлаган ота-оналар бормукан,  
Ёр-дўстим, ҳамдамим, қоши қаролар бормикан.

Маърифат майдони доши гулистон айлаган,  
Кеча-кундуз тинмайнин зикри субҳон айлаган,  
Қори қуръон бўлуб чун хатми қуръон айлаган,  
Ҳақ йўлиға зор йифлаб бағрини қон айлаган,  
Ўйнаб ўсган улфатим, қоши қаролар бормукан.

Билманам борму йигитлар ҳам Ашурбек шаҳсувор.  
Бизнинг учун йифлағон ота-онамиз интизор,  
Ўлмайнин тирик топиб кўрмак бўлурму дийдор,  
Тоқатим йўқдур оларни кўрмагунча беқарор,  
Бизни бирлан юрган, ул оға-инилар бормукан.

Етти йил зинданда қолдим, Аҳмадо мен найлайин,  
Кулфати ҳижронда қолдим Аҳмадо мен найлайин,  
Доғи ила армонда қолдим Аҳмадо мен найлайин,  
Саккиз йил деганда келдим Аҳмадо мен найлайин,  
Ўйнаб ўсган нозанинлар, меҳрибонлар бормукан.

Бек Юсуф дер, найлайин армонда қолдим ман букун,  
Қайта бошдин зулмати ҳижронда қолдим ман букун,  
Кунда юз ҳасрат билан армонда қолдим ман букун,  
Найлайин армон билан зиндонда қолдим ман букун,  
Гул Ҳадича, Гуласал, Зулфи сиёлар бормукан.

Алқисса, Юсуфбекдин Аҳмадбек бу сўзни эшитиб йиглаб йўнай бердилар. Алғараз, Юсуфбек бирлан Аҳмадбек ҳачирларни икки ёқини олдиға солиб ҳайдаб Урганч юртига яқинлашиб бордилар. Кўрсалар зиёда обод бўлубдур. Ногоҳ кўрдиларким, беш-олти минг киши отланиб кўпкари чопар эрдилар. Улар ҳам кўпкарини кўриб суйиниб ўта бердилар. Анда кўк бўрибозлар буларнинг олдиндағи ҳачирларни кўруб бир-бирларига айдурларким. Булар Асқар тоғининг қулчорларининг арбобзодалариға ўхшайдур. Надир Султоннинг тўйиға янғок бирлан писта келтургандур - дедилар. Алқисса, Юсуфбек бирлан Аҳмадбекни ҳеч ким танимади. Анда бошиға кўк салло боғлоғон бир йигитнинг кўзига беклар иссиғ кўрунуб от чопиб олдиға чиқиб, отдин тушиб, таъзим қилиб турди, салом берди. Анда беклар ҳам жавоб саломини бериб, Юсуфбек аиди: Бу катта тўй кимнинг тўйи туур. Йигитлар кўпкари чопар - деди. Анди ул йигит аиди: Эй яхши йигитлар, сизлар сўроманглар. Манинг дардимни қўзғомонглар. Анда Юсуфбек аиди. Эй қариндошим сўроғоннинг айби бўлмас, ҳар нечук бўлса ҳам айтғил - деди. Анда ул йигит аиди: Манинг отим Вафобек туур. Юсуфбек, Аҳмадбек деган икки бекзодамиз бор эрди. Етти йил бўлуб саккиз йилга қадам қўйди. Қизил бошға банда бўлуб кетгали - деди. Ҳола бул бўлуб туур. Гўзалшоҳ Юсуфбекни минордин ташлаб, Аҳмадбекни дорға осғон эмиш деб, Юсуфбекни отоси бул хабарни эшитиб дарди фироқ бирлан дунёдин ўтди. Аҳмадбекни онаси ҳам ўғлининг фироқинда ул ҳам дунёдин риҳлат қилди – деди ва Юсуфбекнинг Гуласал ойим деган ёри бор эрди, ўлтуруб туур. Эмди Аҳмадбекнинг баҳшидаси Гул Ҳадича деган Надирбек Султоннинг қизини Ойхон Султон деган туркманнинг бекзодасиға бериб қирқ кундин бери ҳалқларға тўй бериб кўпкари чоптируб бул кеча никоҳ қилиб берур - деди. Ман ҳам бекларни ўлди эшитиб аза тутуб кўк салла боғлаб юурман - деди. Алғараз, Аҳмадбек Вафобекдин бу сўзни эшитиб тоби-тоқати қолмай Вафобекка қараб тўйхонаға бошла деб, бу жавобни аиди:

Базирғонман келдим тоғларни оша,  
Тоза бўлди дардим мунда яноша,  
Ёримнинг тўйини айлаб томоша,  
Юр бизларни тўйга бошла, қардошим.

Нечук бўлди манинг тақдир озорим,  
Овозимдин танурмикан гўзалим,  
Ёримнинг тўйинда айтай ғазалим,  
Юр бизларни бирга элтинг, қардошим.

Сани кўруб дардим бўлди зиёда,  
Во ҳасрато, етолмадим мурода,  
На юз бирлан ман кезарман дунёда,  
Юр бизларни бирга бошла, қардошим.

Қайта бошдин қолдим эмди бу дарда,  
Кимса тоқат қилур бул оҳи сарда,  
Эмди манинг турмоқим йўқ бу ерда,  
Юр бизларни бирга бошла, қардошим.

Айролиқдин оқар дийдамнинг ёши,  
Бошима ёғилган маломат тоши,  
Отим Аҳмад Юсуфбекни қардоши,  
Юр бизларни бирга бошла, қардошим.

Алқисса, андин сўнг Аҳмадбекдин Вафобек бу сўзларни эшитгач, сийнасинда тоқати қолмай отдин кўзини ёшлаб жиловлардин маҳкам ушлаб кўзларини зангуга суртуб бекларға қараб бу жавобни аиди:

Банда бўлуб Беша тоғда айрулғон,  
Ўшал тўти бир хушхона мангзатдим.  
Армон бирлан шоҳасиндан қайрилғон,  
Тар очилғон гулистона мангзатдим.

Кўнглимнинг мақсуди, орзу армони,  
Юраким қуввати дардим дармони,  
Хоразмнинг адолатли султони,  
Банда бўлғон шу жонона мангзатдим.

Ёвуз кунлар тушди манинг бошима,  
Эғам раҳм айлагай кўзда ёshima,  
Намоз вақти кирдинг тўрам душима,  
Қон йиглағон шул Султона мангзатдим.

Жоним олди ёш тўкилган кўзларинг,  
Кўзларимга дору босғон изларинг,  
Қулоқимға ёқар ҳар бир сўзларинг,  
Юсуф бирлан Аҳмадхона мангзатдим.

Вафобек дер юракимни доғлатғон,  
Беша доғда қўлларини боғлатғон.  
Қирқ йигитин фироқинда йиғлатғон,  
Банда бўлуб кетган хона мангзатдим.

Алқисса, андин сўнг Вафобекдин бу сўзни эшитгач Юсуфбек айди: Қизил бошга банда бўлуб тушуб зиндонда етти йил ётиб эрдим. Сизларнинг бекларингни оти Юсуфбек эркан. Зиндонда ётиб созандачиликни сухандонликни Юсуфбекдин ўргандик. Бизлар шогирди бўлурмиз - деди. Худой таолло меҳрибон бўлуб бизларни зиндондин чиқариб озод қилиб юборди. Ҳафтадин сўнг оларни ҳам озод қилмоқчи эрди. Озод қилиб юборгандур. Бизларни бошлаб Нодиршоҳ султоннинг тўйига олиб борғил. Бир дарагини билгунча бир ҳафта ўтар, беклар келиб Надирбекнинг уйини куйдурур - деди. Вафобек Юсуфбекни эшитгач, олдиға тушиб бошлаб, йўнай берди. Юсуфбек Аҳмадбек Хиванинг дарвозасидан кириб кўчасига оралаб борур эрдилар. Масжиднинг сахнинда бир эшон намоз ўқуб тасбех айлантуруб ўлтурубдур. Юсуфбек салом берди. Эшон ҳам жавоб саломини бериб, турғил болам - деди савол сўроғони Юсуфбек жавоб бергани бу туур:

Абу хўжа:

Бандалиқдан озод бўлғон бек йигит,  
Хабар бер ўғлоним қайда борурсан?  
Васиятим қулоқ солиб сан эшит,  
Хабар бер, ўғлоним қайда борурсан?

Юсуфбек:

Арзимни эшитинг азиз эшоним,  
Кўя беринг мани, тўйғо борурман.  
Бу ўлқадим йитиб кетди нишоним,  
Кўя беринг мани, тўйғо борурман.

- Майдона кирганда оғзи оловли,  
Қароғой найзали, гулгун яловли,  
Исфаҳон қиличли, маргиз бедовли,  
Хабар бер ўғлоним қайда борурсан?

- Надирбекнинг вайрон қиласай тўйини,  
Кўрсатайин кўрсатганга жойини,  
Тилка-тилка қиласай бориб уйини,  
Кўя беринг мани, тўйғо борурман.

- Чоҳдин чиқдинг болам соғу-саломат,  
Эр пирлар қилғондур санго каромат,  
Муродингни худой қилди кифоят,  
Сўросам ўғлоним қайда борурсан?

- Чоҳ ичинда неча йиллар хор ўлдим,  
Бир кўргали жамолиға зор ўлдим,

Банда бўлуб ман ёримдин айрилдим,  
Қўя беринг мани, тўйго борурман.

- Саҳар чоғи Шоҳимардон бордилар,  
Қўлларинга уч қизил гул бардилар,  
Уч панжа орқанг яна урдилар,  
Хабар бергил болам қайда борурсан?

- Зиндан ичра чекдим жабру жафони,  
Етти йил кўрмадим еру-осмонни,  
Аслим манинг Хоразмнинг Султони,  
Қўя беринг мани, тўйғо борурман.

- Айтай болам ман ҳам санго валийман,  
Балогардон қирқ чилтаннинг бириман.  
Отим Аби Хўжа санинг пириңман,  
Хабар бер ўғлоним қайда борурсан?

- Бўйла бўлди бизга тақдири азал,  
Айролик шаънига айтдим бир ғазал,  
Отим Юсуфбекдур, ёрим Гуласал,  
Қўя беринг мани, тўйғо борурман.

Алқисса, андин сўнг Абу Хўжа эшон бирлан отдин тушуб кўрушуб сўрошилар.

Абу Хўжа эшон айди: Ҳар ким ёмонлик қилса, сизлар яхшилиқ қилинг - дедилар, кина коғирлиққа тортар. Иншо олло сохибқирон бўлуб подшоҳи азим бўлурсизлар деб, насиҳат қилиб юбордилар. Эшоннинг хизматларидин чиқиб Юсуфбек Аҳмадбек йўнай бердилар. Боногоҳ Хива регистониға бордилар. Надирбек Султон регистонни ковлатиб учоқ ўйдуруб, қазон қўйдуруб, катта ўкузларни сўйдуруб сурнай бирла шодиёна қоқтируб, қирқ чодир бирлан ўттуз ўтов тиктуруб халқларга тўй берур эрди. Юсуфбек бирла Аҳмадбек ҳам чодирига суйканиб ўта бердилар. Боногоҳ Надирбек кўрди. Айди: Булар зиёда яхши йигитлар эркан созанда ё гўёндадур. Буларни қўндурунглар деб, одам буюрди. Алқисса, ясовуллар айдилар: Тўй худонинг хазинаси тууротдин тушуб еб кетинглар - деди. Юсуфбек бирлан Аҳмадбек отдин тушуб чодирға кириб ўлтурдилар. Тамом туркман беклари, оқсоқоллари буларнинг фотиҳасини олғоли келдилар. Надирбек бирлан Юсуфбек фотиҳа ўқудилар. Шул вақт ўзини тўқтата билмай бу жавобни айди:

Пинҳон сирим санго эмди айтайнин,  
Тўйинг қутли бўлсун Надир султоним.  
Пирим амри, зарар қилмай қайтайин,  
Тўйинг қутли бўлсун Надир султоним.

Банда бўлуб тушдим кофир дастинা,  
Етти йиллаб қолдим зиндан остина,  
Озод бўлуб келдим тўйинг устина,  
Тўйинг қутли бўлсун Надир султоним.

Биз кетгали сен ҳам бир зўр бўлубсан,  
Тириклиайн бизга талон солибсан,  
Бизнинг тўйға ажаб тўйлар қилибсан,  
Тўйинг қутли бўлсун Надир султоним.

Кичиклиқдин бино қўйдим қизинга,  
Сўвчи бирлан моллар тўқдим ўзинга,  
Қўрғошинлар қўйдуурман қўзинга,  
Тўйинг қутли бўлсун Надир султоним.

Алқисса, андин сўнг шул сўзнинг устинда эрдилар ногоҳ бир чўнтиқ эшак минган келиб аиди: Эй Надирбек Султон тўйингга Гуласал ойим қутламоқға келатур, йўлларини қадағон қил деб кампир эшакни йўрғалатиб кетаберди. Надирбек Султон ясавуллариға буюруб, йўлларни қатағон қилдириб қўйди. Юсуфбек ёрининг отини эшишиб кўнгли бузулуб отланиб йўнай бердилар. Баногоҳ борур эрдилар кўк маҳофа уч юз олтмиш каниз ҳаммалари кўк кийган шул тариқа келур эрдилар. Баногоҳ Юсуфбек аиди: Эй Аҳмадбек мани минордин, сани дорғо осибдур деганлари рост эркан деб фалакдин шикоят қилиб бу жавобни аиди:

Чархи фалак бу жонимға ўт солди,  
Қиёматлар бўлғон жоя етушдим.  
Қайта бошдин кўхна дардим қўзголди,  
Гуласалжон юрган жоя етушдим.

Барбод этиб умрин бори йўқини,  
Жонидин ўткурууб ҳижрон ўқини,  
Тириклиайн ёри кийиб кўкини,  
Ёрим аза тутғон жоя етушдим.

Ҳеч бир одам бу дунёға тўярму,  
Ёр ҳажридин икки кўзин ўёрму,  
Ман ўлмайин тирик кўкин киярму,  
Қонлар йиғлаб юрган жоя етушдум.

Фироқимдин кеча-кндуз зор этиб,  
Рақиблар шод ўлуб дўстум йиғлатуб,  
Маҳофасин ёrim кўкка бўятиб,  
Ёрум жафо чеккан жоя етушдум.

Бек Юсуф дер куюб ҳижрон ўтиға,  
Ҳеч бир кимса етмай қилган додима,  
Манинг учун миниб ажал отина,  
Жанозамни қилғон жоя етушдум.

Алқисса, андин сўнг Гуласал ойимнинг маҳофаси яқин келди. Андин сўнг Юсуфбек Аҳмадбекка қараб бу ғазални айди:

Билурмисан Аҳмаджоним,  
Охир замон кундур букун.  
Ёрим келур аза тутиб,  
Қон йиғлашар кундур букун.

Бизлар учун юзин йиртуб,  
Чодир бирлан бошин ўртуб,  
Қонлар йиғлар қўл узатуб,  
Ёр топишар кундур букун.

Йўқлаб мискин ёринг сани,  
Ҳажр ўтиға қўйди букун.  
Парвоз этиб руҳим мани,  
Ховор-хатар кундур букун.

Дардим бўлди букун баттар,  
Ҳар кимсадин навбат ўтар,  
Кўрушгунча хавфу хатар,  
Хобу хаёл кундур букун.

Аза тутиб зулфи суман,  
Канизлари кўп анжуман,  
Бек Юсуф дер ёрим билан,  
Қон йиғлашар кундур букун.

Алқисса, бекларни танимай Гуласал ойим бир варсақи айди:

Ўлмасун дўстлар, ўлмасун,  
Рақиблар ҳаргиз қолмасун,  
Ҳамаларинг бирдан қаранг,  
Бизнинг Юсуфбек бўлмасун.

Йиғламоқдур манинг ишим,  
Кўздин оқар қонли ёшим,  
Худо кўшғон бош йўлдошим,  
Бизнинг Юсуфбек бўлмасун.

Овози ёқар ўзима,  
Иссиғ күрунур кўзима,  
Қулоқин солур сўзима,  
Бизнинг Юсуфбек бўлмасун.

Гуласал дер куйди жоним,  
Эшитинг ёру-ёроним.  
Муродим икки жаҳоним,  
Бизнинг Юсуфбек бўлмасун.

Алқисса, Гуласал ойим бу сўзни айтғоч канизлар югурушуб Юсуфбекнинг олдиға чиқдилар. Юсуфбек қадди хиромон Урганч паризодлариға қараб бу жавобни айди:

Сизлар Урганч паризоди,  
Келинг жонлар кўрушали,  
Ман юз ўғлоннинг улуси,  
Келинг жонлар кўрушали.

Кўрдим ажаб маҳбублари,  
Жоду кўз қирмиз лаблари,  
Дик Хоразмнинг хўблари,  
Келинг жонлар кўрушали.

Тўй излаган қиз келинлар,  
Паричехра зулфи чинлар,  
Ман тонурман нозанинлар,  
Келинг жонлар кўрушали.

Эшитинглар фарёдимни,  
Худо берғай муродимни,  
Бек Юсуф дерлар одими,  
Келинг жонлар кўрушали.

Алқисса, андин сўнг канизлар Юсуфбек бирла Аҳмадбекнинг зангусини кўзлариға суртуб олдиға тушуб олиб Гуласал ойимнинг маҳофаси қошиға бордилар. Юсуфбек, Аҳмадбек қиз, келинлар бирлан кўрушуб Гуласал ойим етти йилдин бери Юсуфбекнинг фироқинда йиглаб кўзлари ожиз бўлуб эрди. Анда Юсуфбек Гуласал ойимға қараб бу жавобни айди:

Юсуфбек:

Танурмисан севар ёrim,  
Келинг ойим кўрушали.

Сансан манинг вафодорим,  
Келинг ойим кўрушали.

Гуласал:

Етти йилдур зорингдурман,  
Отдин тушинг кўрушали.  
Қиёматлиқ чўрингдурман,  
Отдин тушинг кўришали.

- Қизил гулингни сотдингму,  
Бошқа ҳаридор топдингму,  
Билмам бизни унутдингму,  
Келинг ойим кўрушали.

- Етти йилдур қон йигладим,  
Бағримни ўтга доғладим,  
Мақсадимға етар ўхшадим,  
Отдин тушинг кўрушали.

- Кофирларға бўлуб банда,  
Етти йил ётдим зинданда,  
Шунда келдим бул замонда,  
Келинг ойим кўрушали.

- Айрилиғ қаттиғ аломат,  
Бошимға тушди қиёмат,  
Душманлар қилур маломат,  
Отдин тушинг кўришали.

- Чиқибмиз зиндан остидин,  
Қутилдик кофир дастидин,  
Ваъда шулдир от устидин,  
Келинг ойим кўришали.

- Гуласал санго зор ўлди,  
Изингда интизор ўлди,  
Икки кўзим ғубор ўлди,  
Отдин тушинг кўришали.

Алқисса, андин сўнг Гуласал ойим маҳофадин чиқиб Юсуфбекнинг олдиға бордилар. Юсуфбек ёрини бу ахволда кўруб эси кетиб қолди. Аҳмадбек ҳам ёрини йўқлаб бу жавобни айди:

Ман келдим Миср шахриндин,

Қайда булур ёрим манинг,  
Қон йиғларам ёр ҳажриндин,  
Етмас оху зорим манинг.

Булбул каби нолондаман,  
Доги ҳасрат армондаман,  
Азалдан куйган бандаман,  
Кетти номус-орим манинг.

Фалак паст этди иқболимни,  
Торож бўлди мулку-молим,  
Айролиф қаттиғдур золим,  
Жудо бўлди ёрим манинг.

Йиғламоқдур манинг ишим,  
Ёримға етмас нолишим,  
Кўздун оқиб қонли ёшим,  
Етмас оху зорим манинг.

Аҳмадбек йиғлар оҳ уруб,  
Синди қанотим қайрилиб,  
Ҳасратда қолдим оҳ уруб,  
Гул Ҳадича ёрим манинг.

Алқисса, Аҳмадбек ҳам отдин йиқулуб қолди. Булар мунда турсин. Эмди ўзга ердин сўз эшитинг. Юсуфбекнинг Лаълихон ойим деган онаси бор эрди. Қалдирғоч деган синглиси бор эрди. Қалдирғон ойим тўйға келур эрди. Баногоҳ кўрсалар чўрилар тўда бўлуб турур. Ёниға келсалар уч одамнинг эси кетиб ётиб турур. Буларнинг бири Гуласал ойим ва яна Аҳмадбек ва яна бири Юсуфбек эрди. Аммо Юсуфбекнинг ўнг қапоғинда наҳундек холи бор эрди. кўруб таниб, бошидин айлониб юрий берди. Эмди Лаълихон ойимнинг кўзлари кўр бўлуб туфроқ ёстониб эрди. Қалдирғоч ойим бориб онасиға сўвинчилаб бу жавобни айди:

Шукур қилғил бир худоға,  
Орзули армонинг келди.  
Банда бўлиб Миср кетғон,  
Хатарли карвонинг келди.

Юзлари жаннат гулшани,  
Хаста жонингнинг жўшани,  
Икки кўзингни равшани.  
Бул жисминга жонинг келди.

Етти йилдурchoхда ётғон,

Кўзда ёшингни қон этган,  
Яъқуб каби қон йиғлоғон,  
Юсуфи Канъонинг келди.

Худойим бўлди меҳрибон,  
Яна келди бизга даврон,  
Кўнглунгда қолмади армон,  
Дардинга дармонинг келди.

Онажон кетди коҳишинг,  
Бехуда тўқма кўз ёшинг,  
Қалдирғоч дер кўтар бошинг,  
Юсуф Аҳмад билан келди.

Алқисса, Лаълихон ойим ҳам бу сўзларга инонмай йиғлай берди. Шул вақт Ашурбек сардор ҳам кўр бўлуб душманларға ҳор бўлуб туфроқ ёстониб ётиб эрди. Шул вақтда Лаълихон ойим оҳ тортиб бир афсона ўқуди:

Юзинг кўрмакка зор ўлдум,  
Топарманму болам сани.  
Куйингда хору зор бўлдим,  
Топарманму болам сани.

Ҳасратда қолдим оҳ уриб,  
Синди қанотим қайрилиб,  
Юрсам жаҳонни ахтариб,  
Топарманму болам сани.

Булбулдек нолон айласам,  
Мансурдек дорда ўйнасанам,  
Жиржисдайин қон йиғласам,  
Топарманму болам сани.

Тарк айласам мосувони,  
Дардимга топсан давони,  
Ахтарсан ушбу дунёни,  
Топарманму болам сани.

Лаълихон дер тинмай газсам,  
Шарҳиҳолим кимга ёzsам,  
Оҳ уриб маҳшарни бузсам,  
Топарманму болам сани.

Алқисса, Лаълихон ойимнинг бу нолишини Ашурбек сардор эшишиб келди айди: Эй Лаълихон не учун мунча оҳу фифон тортурсан - деди. Анда Лаълихон

оим аиди: Калдирғоч боланг келди, күхна дардларимни қўзғойдур -деди. Анда Ашурбек сардор келган бўлса келгандур - деди. Манинг ҳам шул оқшом душима бир қарчиғой қуш келуб бошима соя солди деб уччовлари йўлға равона бўлдилар. Юсуфбек ҳушёр бўлуб бошига тушган кунларини баён қилиб ўлтуур эрди. Бул учуси келдилар шул вақт Юсуфбек онасининг ахволини кўруб фалакдин шикоят қилиб бу жавобни аиди:

Бағрим бўлди пора-пора,  
Золим айролиғ-айролиғ,  
Иқболи каж бағри қора,  
Золим айролиғ-айролиғ.

Ҳасрат бирлан умрим кетди,  
Кўрган кунларим койишти,  
Ўлим баробар олишди,  
Золим айролиғ-айролиғ.

Чекканимдур дарду фироқ,  
Юракимга тушди юз доғ,  
Ер тумандур, осмон йироқ,  
Золим айролиғ-айролиғ.

Юрса тополмас йўлини,  
Англамас соғу-сўлинини,  
Кўринг Ашурбек ҳолини,  
Золим айролиғ-айролиғ.

Юсуфбек йиғлар бу замон,  
Онам бўлубдур натован,  
Айролиғ ўлимдин ёмон,  
Золим айролиғ-айролиғ.

Алқисса, онаси хушвақт Юсуфбекнинг соғ-саломат келганин билиб бу жавобни аиди:

Етти йилдир жудо тушган,  
Дардимга дармониммусан.  
Дарду меҳнатда сотошғон,  
Хатарли карвониммусан.

Чиқди баҳтимнинг ахтари,  
Ёзилди шоҳлик дафтари,  
Элу ҳалқимнинг сардори,  
Рустами достониммусан.

Ҳажрингда чекдим нолиши,  
Худо солди күшойиши,  
Банда жоним осойиши,  
Жаннатда ризвониммусан.

Үғлини топди Лаълихон,  
Муяссар айлади раҳмон,  
Кўнглумда қолмади армон,  
Юсуф-Аҳмад боламмусан.

Алқисса, Юсуфбек етти йил зинданда хор-зор бўлуб охир чоғинда чилтанлардин башорат топиб бўлғонларини оналариға, хешу ахраболариға баён қилиб бу жавобни аиди:

Арзим эшит каъбам онам,  
Манманликдин завол топдим.  
Банда бўлуб қонлар йиглаб,  
Бу камлиқдин камол топдим.

Армон бирлан банда бўлуб,  
Айрилиқдин рангим сўлуб,  
Етти йиллар чоҳда қолуб,  
Бу жонимга асар топдим.

Қўлум боғли бўлуб банда,  
Чоҳ ичинда ётдим анда,  
Оёқимға тушуб кунда,  
Кунда юз минг хатар топдим.

Юз минг балоға дўлондим,  
Бисмилдек қона булондим,  
Бадрак сўзина инондим,  
Мурза Мамаддан заар топдим.

Билмадим соғу-сўлларни,  
Кўрмушам доғу чўлларни,  
Етти йил ўтган кунларни,  
Батарлардин батар топдим.

Учродим ногоҳ золима,  
Ҳар ким йиглар аҳволима,  
Эгам раҳм айлаб ҳолима,  
Эранлардин хабар топдим.

Бек Юсуф дер, тушдим банда,

Етти йилда келдум мунда,  
Чилтанлардин чоҳ ичинда,  
Қайта бошдин назар топдим.

Алқисса, Лаълихон ойим бошига тушган қунларни баён қилиб бул ҳам бул жавобни айди:

Эл ичинда ғарип бўлдум,  
Болам сандин айрилғали,  
Дўстлар бўлди манго душман,  
Болам сандин айрилғали.

Қолмади ҳаргиз мадорим,  
Сансан манинг ғамгузорим,  
Қўлдин кетти ихтиёrim,  
Болам сандин айрилғали.

Яхши қунлар бўлди ёмон,  
Душман солди бизга толон,  
Кўрган куним охир замон,  
Болам сандин айрилғали.

Душманлар бизга қасд қилди,  
Баланд боғларим паст бўлди,  
Кўрар кўзим кўрмас бўлди,  
Кўзим сандин айрилғали.

Лаълихон дер, бўлдим ҳароб,  
Изларингни қилсам тавоб,  
Бугун бўлди бағрим кабоб,  
Болам сандин айрилғали.

Алқисса, Юсуфбек Ҳазрати Шоҳимардоннинг дулдулларининг туфроғиндин бор эрди. Бобо Қамбар зинданда бериб эрди. Юсуфбекнинг ёдига тушуб киссасидин чиқаруб берди. Лаълихон ойим олиб тавоб қилиб кўзлариға сурди. Икки кўзи ҳам очилди. Алқисса, тамомиси олиб кўзлариға сурдилар. Кўзлари шифо топди ва муродлари ҳосил бўлди. Шул вақт Аҳмадбек бечора зорзор йиғлаб чун абри навбаҳор йиғлаб бир муҳаммасни ўкуди:

Шум фалакнинг зулмидин зинданда гирён ўлмишам,  
Авволо ёшлиқ чоғимда банди зиндан ўлмишам,  
Етти чоҳнинг ичинда зори ҳайрон ўлмушам,  
Гўёки бир тоғ эдим ер бирлан яксон ўлмишам,  
Шул сабабдин найлайин ман хонавайрон ўлмишам.

Ушбу савдолар билан мотамсаро қилди фалак,  
Ҳаста жонимға мингу юз минг жафо қилди фалак,  
Ҳасрату армон билан ёрдин жудо қилди фалак,  
Эл ичинда найлайин соҳиб ғизо қилди фалак,  
Манки бахти қароман, хонавайрон ўлмишам.

Айрилибман дилбаримдин ким яна ман можаро,  
Тифи ҳижрон солди кўксумга юз минг яро,  
Бул жаҳон айвонинда бўлдим яна мотамсаро,  
Ҳеч мусулмон бўлмасун мандин балоға мубтало,  
Манки бахтиқароман, хонавайрон ўлмишам.

Аввало ман чун онадин бўлмағойдим кошки,  
Ушбу ҳасратдин жаҳонга келмагайдим кошки,  
Банди зиндан бўлубман қолғой эрдим кошки,  
Гулхадича ёрдин айрилмағайдим кошки,  
Манки бахтиқароман, хонавайрон ўлмушам.

Аҳмадбек дер, найлайин мубтало бўлдим буқун,  
Дилбаримдин айрилиб соҳиб ғизо бўлдим буқун,  
Ақли хушим, ихтиёrimдин жудо бўлдим буқун,  
Шум фалакнинг зулмидин мотам саро бўлдим буқун,  
Гул Ҳадиҷаҳон йўлинда хонавайрон ўлмишам.

Алқисса, Ашурбек сардор айди: «Эй тўрам юринг» деб бошлаб Надирбекнинг тўйига олиб борди. Надирбек Султон тўйни тархатиб Гулхадичани қози келтуруб хутба ўқутуб туруб эркан Гулхадича вакиллик бермади, туркман қизлари ўртоғо олиб алдар эрдилар. Шул вақтда орадин бир қиз туруб айди: Эй барибир Аҳмадбек келиб Ҳозораспнинг тахтига чиқмас, ўлук арслондин тирик сичқон яхшироқ - деди. Шул вақтда Гулхадича пардаи ҳижобни юзидин кўтариб зор-зор йиғлаб бу жавобни айди:

Эй ёронлар, мотам тутуб йиғларман,  
Армон билан ман ёримдин айрилдим.  
Бу жонимни ҳажр ўтиға доғларман,  
Раҳм этгувчи ғамхўримдин айрилдим.

Эмди манинг ширин жоним керакмас,  
Молу мулкум хону моним керакмас,  
Фасли баҳор гулистоним керакмас,  
Юрак ёғи мадоримдин айрилдим.

Саккиз йилдур чекдим доғи ҳижронлар,  
Ёш ўрниға оқар кўзимдин қонлар,

Фироқидин адо бўлдим ёронлар,  
Юрт эгаси жононимдин айрилдим.

Кўз очиб кўрганим эрди Аҳмаджон,  
Ул кетгали бўлди юрак бағрим қон,  
Кўзларим йўлинда хун ила гирён,  
Боғи боқча баҳоримдин айрилдим.

Гулҳадича эмди найлар дод этиб,  
Кеча-кундуз бир худоға зор этиб,  
Дин билмаган Ойхон билан душ этиб,  
Аҳмадбекдек дилдоримдин айрилдим.

Алқисса, Гулҳадичанинг нолишиға Худой таолонинг раҳми келиб Ашурбек сардор от қўюб бориб Надирбек билан Ойхонни банди қилиб келтурди. Юсуфбекнинг ёдиға Абу Хўжа эшоннинг насиҳатлари тушуб буларни ёздуруди. Гулҳадичани Аҳмадбекка никоҳ қилиб берди. Ўзининг Қалдирғоч ойим деган синглисини Ойхонға никоҳ қилиб бердилар. Бул тўй икковининг отига бўлди. Муродиға еттилар ва мақсадиға улошдилар. Андин сўнг Юсуфбек айди: Эрали қойин отамиз қайдадур они ҳам кўрсак - деди. Анда Ашурбек сардор айди: Эй тўрам сизлар банда кетгандин сўнг таркидунё қилди. Хусусан сизларни ўлди деб эшишиб эрди етти йилдин бери Ҳанқоғорида халқларға кўрунмай, кўр бўлуб йиғлаб ётибдур - деди. Юсуфбек айди: Андоғ бўлса бизларни бошлаб борғил, кўрайлик – деди. Ашурбек Сардор буларни бошлаб олиб борди. Юсуфбек отдин тушиб, Ҳанқоғорига кириб, Эралихонга салом берди. Эралихон жавоб саломини олди. бекларни тонимади. Ул вақт Юсуфбек Эралихонга бу жавобни айди:

Қаҳбо фалак солди манго коҳиши,  
Етти йиллаб чоҳ ичинда жоҳ бўлдим.  
Армон бирлан банди бўлуб язидга,  
Кеча-кундуз қайғу бирлан оҳ урдим.

Манманлиқдин қолдим сонсиз балоға,  
Дучор ўлдим балолардин балоға,  
Шому сахар қонлар йиғлаб худоға,  
Зоти покини ман паноҳ тутдим.

Ҳасан бирлан Ҳусайн ўн икки имом,  
Аларнинг йўлинда боғладим эхром,  
Зиндан ичра қуръон ўқуб субҳу шом,  
Аларни ўзума пешво тутдим.

Юз йигирма тўрт минг ўтган Набини,  
Абу, Бакр, Усмон, Умар, Алини.  
Абу Хўжа Шайхи Шараф Залини,

Аларни ўзима пешво тутдим.

Бизлар қолдик балоларға ўғлашиб,  
Йигитларим саваш этди эргашиб,  
Ойримайин қолди қонлар йиғлашиб,  
Банда бўлуб чоҳ ичинда жоҳ тутдим.

Зиндон ичра қон йиғладим ҳар сабо,  
Эранлар қилдилар ҳақимға дуо,  
Иzlаридур кўзларимга тўтиё,  
Бошимни йўлинда ҳокпо тутдим.

Бек Юсуф дер, эмди бўлдим саргардон,  
Аҳмадбек ҳамроҳим, маконим зиндон,  
Манманлиқдин бўлдим эмди пушаймон,  
Юсуфдайн маконимни чоҳ тутдим.

Алқисса, Эралибек танимай Юсуфбекка қараб бир муҳаммас аиди:

Ман ғариб ҳасталарни излаган кимсан болам,  
Илтифот айлаб ёнимда сўзлаган кимсан болам,  
Ушбу аҳволимни кўрубон йиғлоғон кимсан болам,  
Нола бирлан жисму-жоним доғлағон кимсан болам,  
Кўхна бўлғон дардларимни кўзғоғон кимсан болам.

Чун садафдек кам баҳоман айрилиб кондин жудо,  
Булбули шўридадек бўлдим гулистондин жудо,  
Қолмишам ҳасратда найлайн куйи чавкондин жудо,  
Мисли Яқуб дод этарман моҳи канъондин жудо,  
Мехрибонлик бирла йўқлоғон кимсан болам.

Доғи хижрон бирла қолмай ким тоқатим,  
Ҳамдамим ҳам мунисим қайфу, фалокат улфатим,  
Ушбу савдолар бирлан кетди белимдин қувватим,  
Хотирим бўлди паришон кўбдур бошимда кулфатим,  
Ўртаниб қолғон жонимни ўртаган кимсан болам.

Эрали дер шоҳ эдим охир гадо бўлғон ўзим,  
Қариликда ҳижронга мубтало бўлғон ўзим,  
Бул жаҳон айвонида мотамсаро бўлғон ўзим,  
Юсуф, Аҳмад икки хонимдин жудо бўлғон ўзим,  
Ман каби афтодаларни йўқлоғон кимсан болам.

Алқисса, Юсуфбек Эралихондин бу сўзни эшигтгач, тоби-тоқати қолмай, бир сўз аиди:

Кечакундуз дард чекканга,  
Ҳақ ўзудур еткуур.

Кўзларидин ёш тўкканга,  
Барига шифо еткуур.

Юракидин кетар догинг,  
Сабза ўлур чахор боғинг,  
Қурулуб базму давронинг,  
Завқ ила сафо еткуур.

Бехуда тўкма кўз ёшинг,  
Ҳақфа топшурғил сан ишинг,  
Ҳақфа топшурғон кишига,  
Мехр илан вафо еткарур.

Ўғлонингман Юсуф деган,  
Бошинг узра соя солган,  
Банда бўлуб Миср борғон,  
Давлати ҳумой еткуур.

Етти йилда кўрдим сизни,  
Қисматимға бўлдим рози,  
Бек Юсуф дер билсанг мани,  
Мақсадға худо еткуур.

Алқисса, Эралихон кўзи ожиз юзини кўрмай овозини эшишиб парвонадек бошидин айлана берди. Юсуфбек Эралихонни бу ахволда кўриб раҳми келиб, Алининг дулдулларининг туфроғидин чиқариб ихлос бирлан кўзига суртиб зиёрат қилди. кўзи очилди. Эралихоннинг вақти хўш бўлуб, Юсуфбекка душ бўлуб шукур қилиб бу жавобни айди:

Ғазали Эрали:

Шукур Ҳақнинг даргоҳига,  
Адолатли шоҳни кўрдим.  
Фироқиндин қон йиғлатғон,  
Гўё меҳри моҳни кўрдим.

Худодин бўлди иноят,  
Мушқулим бўлди кушоят,  
Қайтадин бўлди иморат,  
Яна олий жоҳни кўрдим.

Етти йил тинмай сўроғлаб,

Саккиз йилдур қонлар йиглаб,  
Яқуб каби бағрим доғлаб,  
Юсуф Зулайхони күрдим.

Топилди қўнглум матлуби,  
Очилди бахтим кавкаби,  
Кўтарилиди ҳижрон шаби,  
Бул ёхти жаҳонни кўрдим.

Ҳаққа етди чеккан оҳим,  
Эранлар бўлди паноҳим,  
Келди букун давлатгоҳим,  
Юсуф, Аҳмад шоҳни кўрдим.

Етти йилдур бўлдум ҳайрон,  
Бағрим бирён, кўзим гирён,  
Иморатлар бўлди вайрон,  
Шавкатли боргоҳни кўрдим.

Эрали дер, ғам барорим,  
Тар очилғон гул узорим,  
Очилди ботил қўзларим,  
Қайтадин дунёни кўрдим.

Алқисса, Эралихоннинг вақти хўш бўлуб, отланиб қўшулуб юрий бердилар. Хиванинг пойтахтиға олиб бориб Юсуфбекни чиқарди, ўзи дуогўйи бўлди. Беш шаҳарнинг хукуматини берди. Тамом туркман беклари оқсоқол тортиқ бирлан Юсуфбекни кўрдилар. Юсуфбек Урганч юртиға бормоқчи бўлуб саркардалариға маслаҳат қилиб бу жавобни айди:

Газали Юсуф:

Умаролар, акобирлар,  
Маслаҳат этмишим бордур.  
Лашкар йигнаб шаҳри Миср,  
Ғазото кетмишим бордур.

Шоҳлик асбобин тузатиб,  
Баланд-пастни хаворотиб,  
Катта тўпларни судратиб,  
Тоғлардин ўтушум бордур.

Қамбар бобомдур интизор,  
Зиндонда ётуб хору-зор,  
Рўзи қилса парвардигор,

Кўлидан тутмишам бордур.

Миср юртин вайрон этиб,  
Язидларни ҳайрон этиб,  
Ўлкасини талон этиб,  
Фатҳ этиб қайтишим бордур.

Ҳиммат тилаб эр пирлардин,  
Ошиб доғу даралардин,  
Ўчим олиб коғирлардин,  
Ғазота кетмишим бордур.

Юсуфбек дер ўзин чоғлаб,  
Душманларнинг бағрин доғлаб,  
Язидларни тўпға боғлаб,  
Ҳар сори отмишим бордур.

Алқисса, умаролар хўп бўлур деб, Урганчдин ўн минг лашкар жам қилиб  
Юсуфбекни олиб, карнай қўйдурууб ва яна Ўзбекистон бекларига хабар юбориб  
бу жавобни айди:

Биздин салом бориб айтинг,  
Адолатли Султон келсун.  
Ясавуллар, бориб айтинг,  
Сиёsatли беклар келсун.

Қариндошдур кўнгил шоди,  
Аслзодадур авлоди.  
Азиз авлиёлар зурёди,  
Юнус султон, Хотам келсун.

Неча оввом саваш билан,  
Устодлардин таълим олғон,  
Гўрўғлини кўруб қолғон ,  
Сафо ўғри чақон келсун.

Сардин еридур макони,  
Эшитса турмас зомони,  
Пўли қозоқнинг султони,  
Бургут Султон хотам келсун.

Бири-бирига душ бўлуб,  
Уруш қилсунлар қўшулуб,  
Беш туркмона бош бўлуб,  
Така беки замон келсун.

Мард бўлмас ҳар бир муханнас,  
Меҳнатларни қилур абас,  
Манғут, чўвдир ҳам канагас,  
Мажлису ҳар туман келсун.

Ҳеч қолмасун кулли Сарой,  
Қўнғирот, Боғот, Бургутбой,  
Баҳнин, Наймон, Қипчоқ, Хитой,  
Қишлоғи беватан келсун.

Хабар берса букун мундин,  
Лашкар келур шахри Дўрман,  
Араб бирла ҳам Ажамдин,  
Ўн минг номдор паҳловон келсун.

Дин йўлини оча-оча,  
Манзил олсин кўча-кўча,  
Ҳеч қолмасун Молоҳўжа,  
Шоми Шариф Ҳаким келсун.

Ёзилди шоҳлик дафтари,  
Бошимда давлат ахтари,  
Дунёни тутиб лашкари,  
Ўттуз бир лак ўғлон келсун.

Руму Боғдот Фарангистон,  
Ҳиндуд Жўвуд, Арабистон,  
Тўқсон икки уруғ Ўзбекистон,  
Пирдин назар топғон келсун.

Найзаси гулгун яловли,  
Олмос қиличи қиловли,  
Майдонда оғзи оловли,  
Бўзўғлонхон дойим келсун.

Бошинда тожи давлати,  
Шоҳликға ярашур шавкати,  
Муҳаммаднинг хос уммати,  
Дини Ислом Бухор келсун.

Юсуфбек дер Шоҳимардон,  
Мадад бергай бизга яздан,  
Саф ушатғон марду майдон,  
Сиёсатли беклар келсун.

Алқисса, Юсуфбек лашкарларини юбориб онасининг хизматиға бориб, онасидин жавоб тилади. Анда Лаълихон ойим айди: Эй болам етти йил бўлуб саккиз йилға қадам қўйғонда одам сонига қўшилдинг, шул давлат санго бўлмайдуму - деди. Анда Юсуфбек айди: ори рост айтурсан ва аммо Бобо Қамбар деган бобом бор эрди. Етти йил бизу бирла зинданда эрдик, ёлғуз қолиб ҳоли нечук бўлур, бормасам бўлмас - деди. Андин сўнг Лаълихон ойим ночор ноилож бўлуб Юсуфбекка қараб бу жавобни айди:

Бошинга дўнайин олғур шунқорим,  
Худонинг сунгидин бўлғон боламсан,  
Юраким қуввати чобук суворим,  
Азалдин туғушли бўлғон боламсан.

Уруш майдонида Рустам сифатли,  
Сахийлик бобинда Хотам ҳимматли,  
Қизил бош элига йўлбарс қувватли,  
Чилтанлар сухбатин кўрган боламсан.

Қилғон ишинг доим ила одоб,  
Худойим етургай қилсанг ҳурталаб,  
Абу Хўжа пиrim ё Шайхи Шараф,  
Аларнинг дуосин олғон боламсан.

Қайда борсанг Шоҳимардон ёр ўлсун,  
Хавондоринг санинг бирубор ўлсун.  
Абухўжа пилинг мададкор ўлсун,  
Лаълихон ҳолини билган боламсан.

Алқисса, Юсуфбек онасининг дуосини олиб лашкарга қўшулуб, нақора қуюб йўнай берди. Етти кун деганда Исфар тоғиға борди. Исфар тоғидин ўтиб, Гургон дарёсининг бўйига етушди. Анда чодир қуриб, шул кеча ўшал манзилда ётдилар. Тонг отди. Таҳорати тоза қилиб йўнай берди. Баногоҳ бир курди аъзим пайдо бўлди. Ашурбек Сардорни юборди. Олдиға чиқиб кўрди. Бу така беки Замон эрди. Етти минг туркман беклари бирлан келиб Юсуфбекни кўрдулар. Буларга меҳрибонлиқ қилиб вақти хўш бўлуб нақора қўйдуруб, отлониб Гургон дарёсиға бориб бу жавобни айди:

Бир худонинг маҳлуқисан,  
Оқмай тур эмди, тур эмди.  
Дарёларнинг хўб шавқисан,  
Оқмай тур эмди, тур эмди.

Юзланурсан ҳар наҳора,  
Барча олур сандин баҳра,  
Сув берурсан ҳар шаҳара,

Оқмай тур эмди, тур эмди.

Гузар бергин бизга күшод,  
Селларингни қилма зиёд,  
Борғон еринг бўлар обод,  
Оқмай тур эмди, тур эмди.

Сафар қилдим шаҳри Миср,  
Бўлуб кофирға маҳосил,  
Сандин пайдо бўлур ҳосил,  
Оқмай тур эмди, тур эмди.

Бек Юсуф дер, қилсам ғазо,  
Оламга еткай овоза,  
Таҳорат қилган бўлар тоза,  
Оқмай тур эмди, тур эмди.

Алқисса, Гургон дарёсидин ўтиб йўнай бердилар. Бир неча муддатлар йўл юриб Кўкча шоирни қирғон дарёға бордилар. Ўлуклари чалкашиб ётибдур, лашкари ислом қўмиб адо қила билмадилар. Анда йигитлар Аҳмадбек бирлан мунинг воқеасини сўрадилар. Шул вақтда бу жавобини айди.

Орқамиздин ғаним етди,  
Бизлар чоптуқ ор устина.  
Дараларни ўлук тутди,  
Сабза бирлан хор устина.

Қолди ғанимлар изғишиб,  
Қирилди бари чалкашиб,  
Қизил қонига булғошиб,  
Жайра бирлан хор устина.

Одам йифиб етти юзча,  
Шабгир уриб тинмай кеча,  
Қирғин топди келиб Кўкча,  
Йўлбарс бирлан шер устина.

Кўруб Кўкча садосин,  
Келгани топди жазосин,  
Қилдуқ язиднинг иззасин,  
Аждар бирлан мор устина.

Олдуқ душманнинг жонини,  
Ичдук язиднинг қонини,  
Сонасанг билмас сонини,

Ҳачир бирлан қор устина.

Аҳмадбек дер, беким султон,  
Дин йўлунда жоним қурбон,  
Ҳиммат берди Шоҳимардон,  
Боз келдук хунхор устина.

Алқисса, Аҳмаджондин бу сўзни эшитгач, ҳаммалари шердек бўлуб олло деб, йўнай бердилар. Олти ой деганда Беша тоғига бордилар. Бул тоғ Кулли тоғларнинг шоҳи эрди. Уч юз олтмиш пирдўс авлиёнинг макони эрди. Шул тоғнинг устига чиқиб, чодир ҳиргоҳлар қуруб, Лашкари Ислом ором олиб ётдилар. Андин сўнг туриб, таҳорати тоза қилиб, тонг намозин ўқидилар. Боногоҳ курдиаъзам пайдо бўлди. Ашурбек сардорни буюрди. Ашурбек олдиға чиқди. Ўттиз бир лак ўғлон эркан. Юсуфбекнинг ёниға келиб кўрушдилар. Лашкари Ислом ўн саккиз фарсаҳ йўлни олиб қўндила. Эмди Юсуфбек Беша тоғига бориб уч юз авлиёни зиёрат қилиб бу жавобни айди:

Рухи поки мустафони кўрганлар,  
Букун манго мадад беринг азизим,  
Беша тоғи узра сухбат қурғонлар,  
Букун манго мадад беринг, азизим.

Сан эрурсан жумла тоғлар Султони,  
Кўруб қолғон ўзинг одом отони,  
Уч юз олтмиш пирдўс, пирнинг макони,  
Букун манго мадад беринг, азизим.

Шоҳимардон чилтанларнинг сардори,  
Ғизо айлаб қирғон умр гузори,  
Сиз эрурсиз подшоҳларнинг сардори,  
Букун манго мадад беринг, азизим.

Кароматли бузрукларнинг манзили,  
Гулшанида сайрап доим булбули,  
Дорғон бобо пирим, Салмонқул вали,  
Букун манго мадад беринг, азизим.

Бек Юсуф дер, истаб келдим ҳимоят,  
Муродимни букун қилинг кифоят,  
Мани қилиб яхши йўлға ҳидоят,  
Букун манго мадад беринг, азизим.

Алқисса, бузрукларни зиёрат қилиб юрий берди. Боногоҳ бир курдиаъзам пайдо бўлди. Бу келган Бўзўғлон эрди. Исфаҳондин эллик минг лашкар бирлан келиб Юсуфбекни кўрдилар. Бўзўғлонхон Юсуфбекнинг манманлик қилиб

Мирзо Мамад қулни ўлдурмай кофирларға банда бўлуб кетганининг шониға неча ердин тимсол келтуруб бу жавобни айди:

Қулоқ солиб эшит Юсуф Султоним,  
Дунёни яротғон қодир маъбуддур.  
Анинг мулки эрур бу жисми жоним,  
Қудратиндин гули ошиён мавжуддур.

Ўзингдин пастларни айлагил манзур,  
Охират уйини қиласкўр маъмур,  
Такаббурлик қилдинг билмам не бовар,  
Шул сабабдин даргоҳиндин марддуур.

Охират кунини қилғил андиша,  
Мусулмонға айла яхшилиқ пеша,  
Худони ёд этиб йигла ҳамиша,  
Кўз ёшингнинг ҳар қатраси ёқубдур.

Бўзўғлоннинг шулдир санго жавоби,  
Ғизо қилмоқ эрур кори савоби,  
Кофирларға чинdur дўзах азоби,  
Мусулмоннинг иши охир беҳбуддур.

Алқисса, Юсуфбек айди: Ихтиёр сизда - деди. Бўзўғлон: Эмди олдиға коровул буюргил - деди. Орада бир отлиқ йўл қолди - деди. Бу сўз Юсуфбекка маъқул бўлди. Ашурбек Сардорни уч юз олтмиш йигитға бош қилиб юбордилар. Ашурбек Сардор ўн беш кеча-кундуз шабгир тортиб пешин вақтда бир қирнинг устига чикиб, қоравуллар ногоҳ ўн беш байроқ бирлан тўққиз туғ ясов тортиб келурлар. Гўзалшоҳ ҳам Урганч ютиға лашкар тортиб келмакчи. Лашкарининг олди Исфар тоғиға йиғилиб турмоқчи эди. Бул келган бир бўлаги эрди. Бул лашкарларни кўриб йигитларни ваҳм босди. Ашурбек Сардор йигитларига кўнгиллик бериб айди: шул кофирға қилич урғон қирқ йил тоати бериёдин афзал деб, бу жавобни айди:

Етиб келдик ғанимларнинг устина,  
Ширин жондин кечмакликдур ёронлар,  
Шоҳимардон мадад берса бизлара,  
Дин йўлинни очмоқликдур, ёронлар.

Овозалар кетсин тахти фалакка,  
Үулгулалар тушсин кўкда Малакка,  
Дараларни тўлдиринглар ўлукка,  
Кофир қонин ичмакликдир, ёронлар.

Ўлжа қилинг байроғ бирлан туғини,

Думон боссун Болли ҳисор тогини,  
Ўткаринг язиддин найза тифини,  
Қонларини сочмоқлиқдур, ёронлар.

Қойил бўлсин бизга асли замона,  
Шум язидлар келсин энди имона,  
Мард йигитлар саваш қилсин майдона,  
Муханнасга қочмоқлиқдур, ёронлар.

Юракимдин кетсин дард бирлан доғлар,  
Буқун кўрунг орин олур ғўччоқлар,  
Олло деюб Хоразмнинг беклари,  
Кофириларни қирмоқлуқдур, ёронлар.

Ашурбек дер, шулдир доим матлубим,  
Шахид бўлмок эрур манинг мақсадим,  
Арзим эшит барча келган ҳамдамим,  
Кафан тўнин бичмаклиқдур, ёронлар.

Алқисса, Ашурбек сардор уч юз олтмиш йигитлари бирлан тўп бўлуб, олло деб, от қўйдилар. Кофириларга аролашиб бирдин-биртадин тутуб банда қилиб, боз яна от қўйдилар. Бир бўлак кофириларни ойириб олиб минг бандада қилиб олиб йўнай бердилар. Тўқиз кун деганда Юсуфбекнинг олдиға олиб бордилар. Банда бўлғон қулларни Юсуфбек ҳам талаш қилиб кимга оёқ, кимга қўл етиб, тилкатилка қилиб юбордилар. Ашурбек Сардорга баҳс қилиб така беки Замон етти минг йигит бирлан талаб қилди. Улуғлардин қанча олиб йўнай берди. Саккиз кун деганда чошгоҳ чофинда кўб лашкари аъзам кўрунди. Туғларини санади. Ўттиз туғ бирлан эллик байроқ келиб туур. Йигитлари айдилар: Эй така беки Замон оға ёмон келдик ҳоли ҳам бўлса аста-аста қайтоли - дедилар. Шул вақт така беки Замон йигитларга қараб неча ердин тимсол келтуруб, номард йигитларнинг шаънига бул жавобни айди:

Мард йигитлар кирап бўлса майдона,  
Номард йигит ёрин бермоқ истамас,  
Ранги ўчиб бошин чақар паноға,  
Ясов тартиб қараб турмоқ истамас.

Муханнаслар асло билмас масканин,  
Боғбон бўлса топо билмас гулшанин,  
Мард йигитлар агар кўрса душманин,  
Саваш этар соат замон истамас.

Номард киши қила билмас ишини,  
Ёмон кунда тўкар кўздин ёшини,  
Гуччоқлар оп учун берар бошини,

Номард киши ҳаргиз майдон истамас.

Авлиёлар машғул бўлур дуоға,  
Қалқон эрур қўқдин энган балоға,  
Кўзи йўлда кўнгли доим худоға,  
Мукмалдур зикри замон истамас.

Ғазот қилмоқ одатлари эрларнинг,  
Инъом бермак доим иши бекларнинг,  
Худонинг ошиқи ориф қулларнинг,  
Парвойи йўқ суду, зиён истамас.

Мард йигитлар савашмакни истаса,  
Муханнасни шайтон қилур васваса,  
Кучли душмон соғу-сўлни қистаса,  
Ташлаб қочар қайтиб макон истамас.

Эшитинглар така беки Замондин,  
Од кўтариб ўтинг ушбу жаҳондин,  
Қўл кўтариб ҳама суду зиёндин,  
Тугалдуур яхши ёмон истамас.

Алқисса, йигитларнинг ҳамаси шердек, олло деб от қўйдилар, оролашиб бирдин-иккидин отдин ағдариб ташлаб қоқ бўлуб у ёғига ўтуб нечаларини йиқиб така беки Замон яна от қўйиб йигитларига аиди: Бирдин-иккидин санчиб, бирдин-иккидин банда қилмоғон киши бошига қасобаси бўлсун деб бу жавобни аиди:

Қулоқ солиб арзим эшит,  
Ширин жондин кечинг беклар.  
Боз гашт яна бир от қўюб,  
Бирин-бирин санчинг беклар.

Умидим шери яздонда,  
Паноҳимдур ҳар замонда,  
Ғози бўлуб шу майдонда,  
Макка йўлин очинг беклар.

Ислом аҳлини шод этиб,  
Кофирларни барбод этиб.  
Шоҳимардонни ёд этиб,  
Язид қонин ичинг беклар.

Бўялсин қизил қонина,  
Қарғалар қўнсун танина,

Шарбат қилиб сув ўрнина,  
Коғир қонин ичинг беклар.

Така беки Замон шу дам,  
Ҳайбатиндин титрар олам,  
Иш қилибон мисли Рустам,  
Қайта бошдин кўчинг беклар.

Алқисса, така беки Замон йигитларга бош бўлуб бирта-бирта санчиб отдин оғдариб, бало дорифга надик қилиб, етти минг коғирни айириб олиб, банда қилиб от, яроғин олиб олдиға солиб олиб, олти кун деганда Юсуфбекнинг олдиға келтирдилар. Анда Юсуфбекнинг вақти хўш бўлуб, така беки Замоннинг йигитларига инъом-сарпо бериб, етти минг қулни ҳам талаш қилиб юбордилар. Кўб ўзбек чўлошиб қолди кимга қўл, кимга оёқ етиб тилка-тилка қилиб юбордилар. Андин сўнг така беки Замонға баҳс қилиб Сафо ўғли чақон деган бир баҳодир бор эрди. Гўрӯғлини кўриб қолғон, кўб Сипоҳи касор эрди. Ёши юз ўттузға кирган эрди. Гўрӯғлиға 20 йил ҳизмат қилиб эрди. Анда тўққуз минг йигит бирлан келиб талаб қилди. Анда Юсуфбек буларға фотиха бериб юборди. Анда Сафо ўғли чақон тўққуз минг йигиттага бош бўлуб юрий бердилар. Уч кечакундуз деганда кун ўрта бўлғон вақтинда бир баланд қирға чиқдилар. Кўрдукум кўп лашкар келур эрди. Бу келган Гўзалшоҳнинг ўзи эрди. Сафо ўғли чақон лоловлағон коғирларни қўруб бир қози улхожат қилиб, бу муножотни айди;

Ёронларим Карбалода бош берар,  
Қилич чопса ҳимоят бер худойим.  
Дин йўлинда раббано деб жон берар,  
Мушкулларға кушоят бер, худойим.

Манзил қайда, макон қайда бу ҳолда,  
Ислом элин ўзинг сақла панода.  
Фаслинг бирлан сўра маҳшар асада,  
Карам бирла башорат бер, худойим.

Манинг бирлан ҳамроҳ келган ёронлар,  
Дин йўлинда бори бошин берганлар,  
Танглай берсам оға ини сўварлар,  
Ўзинг сақла омонатли, худойим.

Раҳм айла Хизр Илёс хурмати,  
Қил тараҳҳум Ғавсул Ғиёс хурмати,  
Арши Курси Лўхи қалам зийнати,  
Балолардин саломат қил, худойим.

Илоҳий хурмати Султони Аброр,  
Баҳаққи хурмати ул шохи Қамбар,

Ҳар йигитим қилғил менга баробар,  
Бу давлатни каромат қил, худойим.

Омон сақла мўминларнинг жонини,  
Ерга тўккил язидларнинг қонини,  
Киши билмас язидларнинг сонини,  
Бугун бизга каромат қил, худойим.

Қудрат бирлан бу оламни яратдинг,  
Кофиirlарға етти дўзоҳ яратдинг,  
Гулли ошиён қудрат бирлан яротдинг,  
Ғозийларға ҳимоят бер, худойим.

Сафобек дер қодир эгам доносан,  
Ким яхши ким ёмон ўзинг биларсан,  
Зоҳир ботин ҳаммасидин огоҳсан,  
Муродимға кифоят қил, худойим.

Алқисса, Сафо ўғли чақон тўққиз минг лашкар бирлан олло деб, от қўюб, кофиirlарнинг лашкарига оролаб бориб, бирта-биртадин санчиб ағдардилар. Шул ҳолда Ҳазрат Али Шоҳимардоннинг ёшил байроглари кўрунди. Анда кофиirlар қоча бошладилар. Шул вақтда Сафо ўғли чақон вақти хўш бўлиб бир газал ўқиди:

Ғазали Сафо:

Буқун дармондаман тутғил қўлимни, ё расулулло,  
Ҳидоят бирла бошқарғил йўлимни, ё расулулло,  
Мехнат бирла раво қилғил Мұхаммад Мустафо ҳаққи,  
Қиёмат даштинда сўрғил бу ҳолим, ё расулулло,  
Шафқатингдин умидим бор ҳамиша, ё расулулло.

Йигитларга бу майдонда балолардин пано бергил,  
Бошимизға ёзилғон тири боронлардин пано бергил,  
Жазоил милтуқу шамхолу найзалардин пано бергил,  
Ки Ислом элига ёраб бу кофиirdин пано бергил,  
Ҳимоятдин умидим бор ҳамиша, ё расулулло.

Зафарни бизга бергилким, ғанимни беново қилғил,  
Ҳорижий аҳлини ёраб балоға мубтало қилғил,  
Тамоми аҳли қуффорни гирифтори бало қилғил,  
Язиднинг халқига офат, манго давлат ато қилғил,  
Кароматдин умидим бор ҳамиша, ё расулулло.

Худовандо пано бергил буқун чандон надоматдур,  
Язиднинг бошиға тушган ажаб қаттиғ аломатдур,

Мисринг юртиға буқун ки ҳам шому қиёматдур,  
Ғазо майдониға кирсам рухинг манго ҳимоятдур,  
Саломатдин умидим бор ҳамиша, ё расулулло.

Адашғон бандаларни кими суханларга еткүргил.  
Абу Бакр, Умар Усмон ки ул Ҳайдарга еткүргил,  
Ҳасан бирла Ҳусайнинг соқий кавсарга еткүргил,  
Мұхаммад бу Ҳанифа Аъзам Сарварга еткүргил,  
Шифоатдин умидим бер ҳамиша, ё расулулло.

Илохий қудратингдин ҳам замину осмон ҳақи,  
Ки шамшири дүвсар чалғон Али Эржағон ҳақи,  
Кечургайсан гуноҳимни беҳишт Жовидон ҳақи,  
Тилагимни раво қылғил Мұхаммад мустафо ҳақи,  
Шифоатдин умидим бор ҳамиша, ё расулулло.

Худованда санғо ёздим на қылғойман гуноҳ құлман,  
Хув Эрнафас ила доим гирифтори бало құлман,  
Тамом яхшиларнинг хонадонидан жудо құлман,  
Ёмонларнинг ёмона ўғли деҳқон Сафо құлман,  
Кароматдин умидим бор ҳамиша, ё расулулло.

Алқисса, коғирларни арвоҳ уриб, түп-түпхонасин ташлаб шаҳарға қамалдилар. Анда Сафо ўғлининг йигитлари ўлжаға ва бандаға ботиб қолдилар. Анда Гүзашоҳнинг қалъасига бориб қамаб түп-түпхонасини олиб Юсуфбекнинг олдига олиб келтурдилар. Анда ўттуз бир лак ўғлон ҳама Сафо ўғли чақонға қойил қолдилар. Анда Юсуфбек айди: Бобо бу илми сипоҳгарликни кимдин ўргандингиз, ҳама халқларни ўзингизга қойил қилдингиз - деди. Анда Сафо ўғли чақон тамоми устозларини баён қилиб бу жавобни айди:

Устодимни сизга баён айлайин,  
Савашмоқни Гүрӯғлидин кўрганман,  
Қабриға жонимни қурбон айлайин,  
Султон хўжа кўмирчидин кўрганман.

Файридинни хонавайрон этарди,  
Коғирларни ерга яксон этарди,  
Отғон ўқи тўққўз филдин ўтарди,  
Хосиятли Холдорбекдин кўрганман.

Бедов миниб доим тоғда газарди,  
Ғанимларнинг бошин тандин узарди,  
Тўпға чопиб оғир сафар бузарди,  
Ҳасан ўғли темурчидин кўрганман.

Козим султон ўғли эур Бозиргон,  
Қабила бошидур ул йигит паҳлавон,  
Сафобеки Вафобеки хони Қорахон,  
Чодирчи ўғли бек Султондин кўрганман.

Олтин садоқ бирлан отин шайлаган,  
Чорвадори Аскар тоғда айланган,  
Тўққуз манзил йўлдин ғаним кўзлаган,  
Чаманчи ўғли Али бекдин кўрганман.

Бир навжувон эрди ўзи ҳам полвон,  
Хусни зебо эди, қадди ҳиромон,  
Бу жоним қиласардим бўйина қурбон,  
Қоссоб ўғли Авазхондин кўрганман.

Мақсум ҳожи, Қайсар хўжа ўтдилар,  
Валибек, Бобобек - ҳамма кетдилар,  
Қаро ерга бориб макон тутдилар,  
Назар тушган ғўччақлардин кўрганман.

Сафар қилди барчалари жаҳондин,  
Ал чекдилар ҳамма суду зиёндин,  
Ушбу сўзлар Сафо ўғли чаққондин,  
Шеру худо муртазодин кўрганман.

Алқисса Юсуфбек Сафо ўғли Чакондан бу сўзларни эшитиб анга кўп инъомлар берди, кўнглини шод этди.

Лашкарлар аросинда Сафар Авғон деган бир бор эрди. Ул ҳар томоқ еганида етмиш қўй бирла 25 туяни этини еюр эрди. Ул сафо ўғли Чаконнинг бул савашларини кўриб 34 лак афғона бош бўлиб келиб Юсуфбекдан руҳсат сўраб бир сўз аиди:

Бекларим руҳсат берсангиз,  
Борсам қизилбош ёнина.  
Ҳамма томошо кўрсангиз,  
Қулоқ солмам афғонина.

Олсам аргумоқ отларин,  
Ола кўзли арвотларин,  
Чиқарсам кенг давлатларин,  
Таъзирлар берсам хонина.

Тўпдан отсам қалъасина,  
Кўприк қурсам дарёсина,

Кўзламай тўйи-ёсина,  
Ўт солсам ширин жонина.

Борсам юз минг алвон бирла,  
Зийнатли шавкат шон бирла,  
Неча юз минг даврон бирла,  
Борсам қизилбош ёнина.

Очилса тўғри йўлларим,  
Тенг турса соғу-сўлларим,  
Сафар аффон дер қўлларим,  
Бўёлсин қизил қонина.

Алқисса Сафар аффон рухсат олиб ўз лашкари бирла Гўзалшоҳнинг қалъаларини қамол қилиб ётди. Ул ҳар кунда бир қалъани эгаллаб, тўққуз кунда тўққуз қалъани ўз қўлиға олди. Ўн саккиз минг қизил бошли асир олиб, Юсуфбекни олдина келтурди. Ўлжаларини оломонга пойлаб бердилар.

Энди сўзни Гўзалшоҳдан эшигининг:

Гўзалшоҳ беклари билан маслаҳатлашиб: - Юсуф бирлан Аҳмад сонсиз қўшин бирла устимизга келибдур. Буларға урушиб илож этиб бўлмас, шу сабабдин алар бирлан тавалло қилиб, ярашишни сўраб нома ёзиб, элчи юбарсак, деб қирқ ҳачирга зар юклаб, қирқ саркардасини элчи этиб, Юсуфбекнинг олдиға юбарди.

Элчилар ҳачирлар бирла номани Юсуфбекка келтириб бердилар. Юсуфбек номани ўкиб, Гўзалшоҳға ул ҳам бир нома ёзиб элчилар бирла Гузалшоҳға бериб юбарди. Ул номанинг мазмуни бул туур:

Берсин Миср элнинг кулли хирожин,  
Қирқ минг зарбоб, қирқ кимхоб юбарсин.  
Барин қушиб закот бирла ҳам божин,  
Қирқ минг яна тоза сарпо юбарсин.

Қирқ минг бедов берсин тилло эгарли,  
Қирқ минг тую берсин мояли, нарли,  
Қирқ минг гул юбарсин заррин камарли,  
Қирқ минг жувон чашми шаҳло юбарсин.

Қирқ минг қуч юбарсин бари боқилған,  
Қирқ минг този берсин занжир тақилған,  
Қирқ минг тўвус заррин миха қақилған,  
Яна қирқ минг бўз қарчиға юбарсин.

Қирқ минг сўна керак қўлда юришли,  
Қирқ минг тери берсин олтин кумушли,  
Қирқ минг шоир керак булбул товушли,  
Қирқ минг келин қадди зебо юбарсин.

Қирқ минг гул юбарсин қирқ мингта чўри,  
Қирқ минг саман йўрга, қирқ мингги тўри,  
Тўқсон тўққуз нойиб саксан садвари,  
Етмиш орқа ақли доно юбарсин.

Соғ-сўлиға сиё зулфи чекилган,  
Дона-дона ҳол юзина тўкилган,  
Белларига олтин зуннор тақилган,  
Қирқ минг қизи хусни раъно юбарсин.

Қирқ минг қуш юбарсин қанотли, парли,  
Қирқ минг лунги берсин канори зарли,  
Қирқ минг боши зарли қирқ минг камарли,  
Юзта пўта бари аъло юбарсин.

Қирқ минг сўвут берсин, қирқ мингта қалқон,  
Қирқ минг фил юбарсин, монанди кўҳан,  
Қиличимдан қочиб кутулмас ҳеч жон,  
Қирқ минг ойна, хўб дубулғо юбарсин.

Қирқ минг туя бурунч берсин, қирқ минг мош,  
Ҳайбатимдан титрар тоғлар бирла тош,  
Бу сўзимни бориб айтғил қизил бош,  
Айтганимнинг барин тонгла юбарсин.

Юсуфбекдер бўлсин Гўзалшоҳ қойил,  
Қирқ минг милтиқ берсин, қирқ минг жазойил,  
Қирқ минг пешбанд берсин, кирқ минги айил,  
Тўқасининг барин тилло юбарсин.

Эрса номани Гўзалшоҳға келтуриб бердилар. Гўзалшоҳ номани ўқий берсин. Эмди сўзни Бўзўғлондин эшитинг. Бўзўғлон Юсуфбекнинг ҳузуриға етиб келиб, қирғинбарот урушдан воз кечиш лозимлигини фикр қилиб, аҳли оммага қараб бир сўз аиди.

Аҳли мўмин Мухаммаднинг уммати,  
Баримиз худоға қўллик қиласи.  
Ҳар инсонда бордур қадр-қиммати,  
Баримиз худоға қўллик қиласи.

Элу ҳалқни тўғри йўлға гўндариб,  
Лот-манотли бутларини синдириб,  
Ўтлар ёқиб бутхонани куйдириб,

Улли-киччи ҳамма ҳушнуд бўлали.

Аввал билгил ул қудратли раҳмонни,  
Сўнгра билгил пайғамбари худони,  
Ҳеч севмагил вофоси йўқ дунёни,  
Яратғонга мудом қойил бўлали.

Иқрор бўлғил ҳақнинг севган қулиға,  
Абу бакр, Умар, Усмон, Алига,  
Бовар этгил мусулмонлиқ йўлиға,  
Жаннат ичра бирга дохир бўлали.

Бўзўғлондан эшит меҳру шафқатни,  
Мўмчиларга ёғар ҳақнинг раҳмати,  
Иймон келтир, бўлғил Расул уммати,  
Ваъда шулдур ҳамма яқдил бўлали.

Аҳли омма Бўзўғлондин бу сўзни эшитиб, Юсуфбекнинг юзига қараб қолдилар. Юсуфбек ҳам ушбу фикрга яқдил бўлди. Булар бу ерда турсин. Эмди сўзни Гўзалшоҳдин эшиting.

Номани олиб, не қиласини билмай турган пайтда Гўзалшоҳнинг эсига Бобо Қамбар тушди. Уни зиндондин олдириб, маслаҳат сўради. Бобо Қамбар айтдики, аларнинг олдига ҳеч кимсани юбормангиз. Алар ҳеч кимсани тингламас. Магар кайфият бўлур оларни, зиндонгфа солғонда бир қиз бўлур оларға кўб яхшилик қилиб ҳар на ҳолидин хабардар бўлиб эрди. Ул қиз ўзингизнинг қариндошингиз турур. Они келтуруб элчи қилиб юборсанг бир ҳайрият бўлур, бўлмаса ҳайрият бўлмас - деди. Шул вақт Гўзалшоҳ қизнинг одини айтғил - деди. Анда Бобо Қамбар Гўзалшоҳға қараб Қарокўзни баён қилиб бу жавобни айди:

Юртингда бир гўзал қиз бор сарвиноз,  
Бу арзингни ўшал раъно етказур.  
Аларнинг хизматин этган қишин ёз,  
Имо бирлан маҳилиқо етказур.

Элчи қилиб юбор Юсуф султона,  
Ҳукмин қилғон ул Руму, Исфаҳона,  
Туғу байроғ қурон ўшул майдона,  
Ишоратни маҳилиқо етказур.

Етти йил айладинг сан банди зиндон,  
Қаро ер остинда бўлдилар пинҳон,  
Ор этиб келгандур кулли мусулмон,  
Бу юртинг бошинга бало етказур.

Шул гўзалга қўшинг неча канизак,  
Ҳамда соҳибжамол Шоҳсанамдек,  
Бари ўн тўрт ёшар ҳамаси бирдек,  
Ҳизматин, сиҳнатин шул қиз етказур.

Қирқ маофа бетга зарину шоҳон,  
Ўн тўрти нағмадор ўзгаси рўён,  
Лаби хандон инжу тишлари дандон,  
Ширин-ширин суҳан бирлан етказур.

Қамбар дер, Юсуфга етишса доди,  
Айтғон сарвинозим Ҳамзанинг қизи,  
Ҳусн аҳлининг шоҳи Қарокўз оди,  
Арз ихлосингни бажо еткарур.

Алқисса, Бобо Қамбардин бу сўзни Гўзалшоҳ эшлитиб, Қарокўзни қирқ қизға бош қилиб юбордилар. Булар шаҳардин чиқиб Юсуфбекнинг ёнига бордилар. Анда ясовуллар буларнинг олдиға пешвоз чиқиб иззат-икром бирлан Юсуфбекнинг олдиға олиб бордилар. Шул вақтда Юсуфбек буларға қараб бу жавобни айди:

Хуш келибсиз бош устина,  
Кўнглимнинг ороми қизларо.  
Кулли ғанимнинг қасдина,  
Тилимнинг каломи қизлар.

Зулфларига гўҳар тоқғон,  
Қўлларига хино ёқғон,  
Ғамза бирлан қошин қоқғон,  
Йигитларнинг жони қизлар.

Шахри Мисрнинг маҳбуби,  
Жону дилимнинг матлуби,  
Ҳама гўзалларнинг хўби,  
Ҳусн элининг моҳи қизлар.

Ҳуснунга айлабсан банда,  
Сабру қарор қолмас танда,  
Элчи бўлуб келган мунда,  
Кенгашдор, кейвони қизлар.

Кўнгулларини дом этиб,  
Кўнгул қушини ром этиб,  
Юз ишва-ла мақом этиб,  
Жонимнинг дармони қизлар.

Юзингни кўрган қул бўлур,  
Етқунча куюб қул бўлур.  
Юсуфбек айтур қул бўлур,  
Юзингдаги хола қизлар.

Алқисса, Қарокўз юзидаги никобини кўтариб Юсуфбекка таъзим қилиб турди. Шул вақтда Юсуфбек Қарокўздин Бобо Қамбарни сўраб, бори-йўқини билмаклик учун бир ғазал айди:

Бандалиқда сўраб манинг қошима,  
Мастона-мастона келган Қарокўз,  
Хиромондек соя солиб бошима,  
Ҳолимдин хабарлар олғон Қарокўз.

Зулфларига дона гўвҳарлар таққон,  
Ишоратлар бирлан қошини қоққон,  
Етти йил тинмайин бизларни боққан,  
Ҳаммамизга сабаб бўлғон Қарокўз.

Ман қойилман санинг қилғон ишинга,  
Жоним қурбон қилсам қалам қошинга,  
Парвонадек ман айлансан бошинга,  
Элчи бўлуб бизга келган Қарокўз.

Юсуфбек дер, гўзалларнинг хонисан,  
Гўё меҳр-муҳаббатнинг конисан,  
Сўзлашганда гўё одам жонисан,  
Юзидин никобин олғон Қарокўз.

Алқисса, Юсуфбек бу сўзларни айтғондин сўнг яна хам Қарокўз Бобо Қамбарни бори-йўқини баён қилмади. Шул вақтда Юсуфбек эҳтиёт қилиб Бобо Қамбарни бори йўқини билмаклик учун қизларға қараб ва яна бу жавобни айди:

Арзимни эшитинг қизлар султони,  
Не сабабдин келдинг мунда Қарокўз.  
Қайта бошдин ўтлар солдинг жонима,  
Не сабабдин келдинг мунда, Қарокўз.

Мундин бориб Гўзалшоғга айтурсан,  
Бизнинг бирлан ваъда қилиб қайтурсан,  
Паёмим Бобо Қамбарга айтурсан,  
Не сабабдин келдинг мунда, Қарокўз.

Қаро сочинг оқ юзинга ярошур,

Қадди бўюнг жон олурға талашур,  
Қизларға султонлик санго ярошур,  
Не сабабдин келдинг мунда, Қарокўз.

Ҳар ишларда ўрнинг баллидур ўзи,  
Ҳусн раъносина жодудур қўзи,  
Ўлдурдинг сан бизи Ҳамзанинг қизи,  
Не сабабдин келдинг мунда, Қарокўз.

Хоразмдин чиқдим Миср шахрина,  
Талон солай Гўзалшоҳнинг юртина,  
Қўрғашунлар қуидурурман қўзина,  
Не сабабдин келдинг мунда, Қарокўз.

Мундин бориб чиқарайин бобомни,  
Ёд этиб ҳам бир яротғон оллони,  
Кўнглумда сақларман шери язданни,  
Не сабабдин келдинг мунда, Қарокўз.

Қазо етмай ҳеч бандаси ўларму,  
Бобо Қамбар зинданда ҳоли ҳаробму?  
Элчи бўлуб келмак сиза лойиқму?  
Не сабабдин келдинг мунда, Қарокўз.

Соз бирлан сухбатли жодули кўзлар,  
Сўзлаган сўзлари булбулдек сўзлар,  
Деградошинг олиб бир неча қизлар,  
Не сабабдин келдинг мунда, Қарокўз.

Хоразмдин келдим Бобо қасдинда,  
Яраштурмак бўлди санинг дастингда.  
Бобомиз қолубдур ернинг остинда,  
Йўқса они бориб келтур, Қарокўз.

Бек Юсуф дер, манинг ишим зор эрди,  
Ташлаб кетмак они манго ор эрди,  
Ярошимни бош белгуси шул эрди,  
Қайтиб келгин Қамбар бирлан Қарокўз.

Алқисса, Юсуфбекдин бу сўзни эшитгач, Қарокўзнинг рашки келиб қизларни ўзига қўра тортиб Бобо Қамбар ўлгандур деб, ўзининг элчи бўлиб келганига бу жавобни айди;

Эй султоним, эшит манинг арзимни,  
Муруват айлагил мискин гадоға.

Кўзларимга суртай хоки пойингни,  
Бизни қўйма мунча жабру жафоға.

Қирон солма шаҳар Миср юртига,  
Хазонлар урмасун боғим гулина,  
Раҳм этакўр бу қизларнинг жонина,  
Бошимни солмадим чўх-чўх балога.

Раҳм айлангиз эмди келган қизларға,  
Элчи келдик буқун бизлар сизлара,  
Арзу додин айтиб-айтиб бизлара,  
Элчи бўлуб юбордилар ороға.

Бири манам Ойсанам ниҳол бирлан,  
Лаълихон, Мусохон Ойинаю Хол бирлан,  
Гулсанамжон яна Савсангул бирлан,  
Мурувват айлангиз султонлар ойа.

Қарокўзга ғазаб бирлан қараманг,  
Жафо тифи бирлан бағрим тигламанг,  
Ўлуб кетган кишиларни сўзламанг,  
Бобо Қамбар фано бўлди бул чағо.

Алқисса, Аҳмадбек бобосининг ўлганин эшитиб, бобосин йўқлаб бу жавобни аиди:

Эмди найлай Юсуф оға,  
Бобом қани-отам қани?  
Қилмадим жоним садоға,  
Бобом қани-каъбам қани?

Биздайин ул чоҳға кирган,  
Бир йилдин сўнг бизни кўрган,  
Кеча кундуз дуо қилғон,  
Бобом қани-отам қани?

Тиллари зикру саноли,  
Бизларга меҳру вафоли,  
Охир шул бўлди аҳволи,  
Бобом қани-жоним қани?

Ҳасратинда куйди жоним,  
Фалак ёқди устихоним,  
Эссиж манинг қадрдоним,  
Бобом қани-отам қани?

Рахбарим, пушти панохим,  
Сайдпоким, қиблагохим,  
Фариблиқда бош ҳамрохим,  
Бобом қани-отам қани?

Аҳмадбек дер шулдир ишим,  
Етгай худоға нолишим,  
Етти йилик бош йўлдошим,  
Каъбам қани-отам қани?

Алқисса, Аҳмадбек бу сўзни айтғондин сўнг Юсуфбек ҳам қизларға Бобо Қамбар бобосини ёдлаб сиёsat қилиб бул ҳам бу жавобни айди:

Бобом учун келдим Миср юртина,  
Яраш қилмам то гул юзин кўргунча,  
Чидай олмам дилда ёнғон ўтима,  
Яраш қилмам ул бобомни олгунча.

Бориб кўрай бобом ётғон жойини,  
Ўлган бўлса, ўлтуурман шоҳини,  
Агар кўрсам онинг ҳоки пойини,  
Сурма қилай кўзларима тўлғунча.

Ман сизлардин Қамбар бобом сўрайман,  
Насиб бўлса, жамолини кўрарман.  
Ўлган бўлса барисини қиравман,  
От зангуға қони жўйбор бўлғунча.

Бек Юсуф дер, буқун рўзи қиёмат,  
Чангалимдин кутулмаслар саломат,  
Қамбар бобом то қилмасам қиёмат,  
Қирон солай майдон қона тўлғунча.

Алқисса, Юсуфбекни бу сўзларини эшишиб Гўзалшоҳға айдилар: Эй шоҳим Бобо Қамбарни зиндандин чиқариб онинг ёниға бормасанг ярашмоқға майли йўқ турур-деди.

Андин сўнг Гўзалшоҳ одам буюриб Бобо Қамбарни зиндандин чиқариб олдиға келтуруб, кўб-кўб узр ҳолиқ, тилло арабаға солиб Юсуфбекнинг олдиға юбордилар. Анда Бобо Қамбар ҳам шаҳардин чиқиб Юсуфбекнинг ёниға равона бўлдилар. Анда Юсуфбек ҳам Бобо Қамбарни кўруб тамоми беклар бирлан олдиға пешвоз чиқиб отдин ерга тушуб Бобо Қамбарни тилло арабадин тушуруб, кўрушуб, ҳол-аҳвол сўрашуб, андин сўнг Юсуфбек Бобо Қамбарга қараб бу жавобни айди:

Ёлғиз қолиб чекдинг ранжи меҳнатни,  
Маъзур тутиңг ҷоҳдин бирга чиқмадим.  
Банда бўлмоқ бизга азал қисмати,  
Қиблагоҳим ҷоҳдин бирга чиқмадим.

Неча йиллар сизнинг бирлан ёр эрдим,  
Бир кўргали жамолинга зор эрдим,  
Шул ваъдада балли таҳқик бор эрдим,  
Бир армоним ҷоҳдин бирга чиқмадим.

Ўзбекнинг борига черик солибман,  
Одам йифиб улуғ лашкар қилибман,  
Хоразмдин сизнинг учун келибман,  
Қадрдоним ҷоҳдин бирга чиқмадим.

Юсуфбек дер, қолма маҳшар кунина,  
Рахм айлагил кўзларимнинг ёшина,  
Бир номардлик қилдим санинг шаънинга,  
Сизнинг бирла ҷоҳдин ҳамро чиқмадим.

Алқисса, Бобо Қамбар ҳам бир неча ерлардин тимсол келтуруб Юсуфбекка  
қараб бу жавобни аиди:

Азал котиблари ёзган,  
Бу қисматлар азалдантур,  
Эшит беким Юсуф Султон,  
Аломатлар азалдантур.

Чин Мочиндин Миср келдим,  
Гўзалшоҳнинг тушин йўрдим,  
Чоҳ ичинда азоб кўрдим,  
Надоматлар азалдантур.

Қон йигладим кечакундуз,  
Ҳардам чекиб оҳи дилсўз,  
Сиз кетдингиз қолдим ёлғуз,  
Бу меҳнатлар азалдантур.

Ҳар дам чекиб дарду алам,  
Чоҳ ичинда кўрдум ситам,  
Юсуф, Аҳмад жоним болам,  
Хусуматлар азалдантур.

Кечакундуз гиря қилғил,  
Охиратнинг фикрин қилғил,

Қамбар айтур шукур қилғил,  
Бу давлатлар азалдандур.

Алқисса, Бобо Қамбар Юсуфбек Ахмадбек бирлан күрушуб хушвақт бўлдилар. Андинг сўнг Юсуфбек Бобо Қамбарни элчи қилиб қайтариб Гўзалшоҳға юбордилар. Анда Бобо Қамбар қайтиб Гўзалшоҳнинг ёниға борди. Шул вақтда Гўзалшоҳ сўради, айди: Юсуфбекда қанчалик лашкар бирлан келуб турур-деди. Анда Бобо Қамбар: Тўқсон икки Ўзбекистонни таъриф қилиб бирбировини айтиб бу жавобни айди:

Лашкар йифиб Гўзалшоҳим устина,  
Ўттиз бир лак бори Афғон келубдур.  
Чодир тикиб тушди баланд пастинга,  
Хотам султон, Бургут султон келубдур.

Йигитлари бордур сувсар телпакли,  
Уруш майдонида бари юракли,  
Қароғой найзаси зардин пўпакли,  
Ғазаб бирлан Бургут Султон келубдур.

Ойхон, Кунхон бори бирлан кўшулуб,  
Надир султон, Ойхон бирлан душ бўлуб,  
Барчасига Эралихон бош бўлуб,  
Ашурбекдек тифи паррон келубдур.

Эмди сенга ҳаргиз бермаслар омон,  
Шахрингнинг устина келубдур думон,  
Гўрўғлини кўруб қолғон ул Бекмон,  
Сафо ўғли чақон паҳлавон келубдур.

Газаб бирлан бириңг қўймас тутарлар,  
Бурнинг кесиб, қозоқларга сотарлар,  
Жазоир хитобча тўплар отарлар,  
Исфаҳондин Бўзўғлонхон келубдур.

Йигитлари бордур гулдор пичоқли,  
Белинда пўтаси заррин сачоқли.  
Афзали тиллодин, мармар тўпчоқли,  
Така беки Соҳибқирон келубдур.

Майдон ичра таблини урмоға,  
Қириб, ювиб таҳсин ишлар қилмоға,  
Хазинангни улаштириб бермака,  
Мунда марду шоҳижажон келубдур.

Қамбар айтур, ғазаб бирлан тутарлар,  
Тўпхонангни борин вайрон этарлар,  
Арват бирлан қизларингни сотарлар,  
Тўқсон ики Ўзбекистон келубдур.

Алқисса, бу сўздин сўнг худой таоло Гўзалшоҳға инсоф тўлиқ бериб, нури имон кўнглунда шуъла уруб Бобо Қамбарға қараб бу жавобни айди:

Умрим борин зулолатда ўткардим,  
Тўвба қилдим худо бандам дегайму,  
Касофатлар бу жонимга еткурдум,  
Тўвба қилдим, худо бандам дегайму.

Аввалинда паст айлади иқболим,  
Охиринда обод бўлди аҳволим,  
Ғазаб бирлан оқорғондур соқолим,  
Тўвба қилдим, худо бандам дегайму.

Зулм бирлан қоматларим букулмиш,  
Охират ваҳмидим белим букулмиш,  
Кўзимдин нур кетиб, тишим тўқулмиш,  
Тўвба қилдим, худо бандам дегайму.

Очилурми манинг баҳти сиёҳим,  
Қадрдоним манинг пушти паноҳим,  
Кўҳи қофдин кўбдур манинг гуноҳим,  
Тўвба қилдим, худо бандам дегайму.

Гўзалшоҳга қилгил меҳр шафкатни,  
Шояд мани Расул дегай уммати,  
Кетармукан кўнглумдаги зулмати,  
Тўвба қилдим худо бандам дегайму.

Алқисса, Гўзалшоҳ уч юз олтмиш лашкари бирлан мусулмон бўлуб бўйниға қиличин осиб чиқдилар. Келиб Юсуфбекнинг оёқиға йиқилдилар. Алқисса Юсуфбек Миср юртини масхара қилдилар. Андин сўнг шаҳарга кириб, етти кун арз сўрадилар. Андин сўнг Қарокўзни Бобо Қамбарга тўй- тамоша этиб никоҳ қилиб бердилар. Андин сўнг Бобо Қамбарға Юсуфбек айди: Бобо сизни бу юртга подшоҳ қилурмиз - деди. Анда Бобо Қамбар айди: Эй болам мани подшоҳ қилганингиз шул туур ман ўз юртимға омон-соғ бориб қариндош уруғимни кўрсам - деди. Андин сўнг Юсуфбек Гўзалшоҳга Миср шаҳрини қайтуб топширди. Андин сўнг кўб теваларга зар-зевар юклаб ва яна Биби Ниёзни ҳам олиб Миср шаҳридин чиқиб Урганч юртиға равона бўлдилар. Бир неча кун манзил манодил қилиб Урганч юртиға келдилар. Андин сўнг тамом лашкарига

жавоб бериб кўтара билганча тилло, мол бериб юбордилар. Андин сўнг Бобо Қамбар ҳам ўз юртиға кетмакчи бўлуб жавоб тилаб бир муҳаммас ўқуди:

Эй кўзимнинг равшани, сарвинозим жон болам,  
Ҳам рафиқим мунисим, оромижоним жон болам,  
Юсуфим ҳам Аҳмадим, соҳибқироним жон болам,  
Шону шавкат бобинда, шохижагоним жон болам,  
Ман кетарман хўш қол эмди, меҳрибоним жон болам.

Чин Мочин шаҳрида мулкидорим бор эрди,  
Ақрабо хеши қабойил ғамгузорим бор эрди,  
Ҳашти заррин кўшки айвон зарнигорим бор эрди,  
Бирга юрган ёр дўстим жонажоним бор эрди,  
Ман кетарман хўш қол эмди меҳрибоним жон болам.

Арзи ҳолим айтайн ман узр ҳоҳим сан эшит,  
Ҳамсоялар солар подшоҳим сан эшит,  
Дури ноёбим, шакар - қандим арзим сан эшит,  
Нуридийдам, мушфиқим оромижоним сан эшит,  
Ман кетарман хўш қол эмди меҳрибон жон болам.

Шум фалакнинг гардишидин ҳам маконимдин жудо,  
Андалиби бенавоман ҳам гулистонимдин жудо,  
Масканим мулқдорим ошиёнимдин жудо,  
Қамбар айтур бўлдим нетай жону жаҳонимдин жудо,  
Ман кетарман хўш қол эмди, меҳримбоним жон болам.

Алқисса, Юсуфбек Бобо Қамбарга ўз элиға кетишга рухсат бериб юз хачирға зару зевар юклаб, хизмакорлар ила Чини Мочинга узатди.

Бори дарду ғамлардин фориғ бўлуб, хешу акробали, дўсти ёронлари, ғўчкоқ йигитларига қараб бир ғазал айтур бўлди.

Ғазали Юсуфбек:

Манманликдин чекиб азоб,  
Чекдим армоним қолмади,  
Шодон чиқиб бўлдим озод,  
Келдим армоним қолмади.

Бениҳоя лашкар йифиб,  
Ҳар уруғдин навкар олиб,  
Мисрга ғулғула солиб,  
Сурдим армоним қолмади.

Силадим қавму қардошни,

Истадим доим савашни,  
Юрта келган қизилбошни,  
Қирдим армоним қолмади.

Коғир бўлди қулли Эрон,  
Овозамиз кетди Турон,  
Хоразмда давру даврон,  
Сурдим армоним қолмади.

Шовур солиб кундуз-кеча,  
От ёлини қучा-қуча,  
Бу танни ўқа, қилича,  
Тутдим армоним қолмади.

Сардор бўлуб йўллар тўсдим,  
Язидларнинг бошин кесдим,  
Неча шаҳарларни босдим,  
Ҳаргиз армоним қолмади.

Юсуфбек дер, пирлар очоқ,  
Паноҳимдур шери дарих,  
Вафоси йўқ қўхна дунё,  
Санда армоним қолмади.

Тамматул китоб, баавни маликул ваҳҳоб.

## ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Бағдод бирла Басра оросинда олтмиш уйли араб бор эрди. Аларнинг ҳокимиининг фарзанди йўқ эрди. Бир кун анго Худой таоло соҳибжамол қиз бердиким, хуснда андоғ ҳеч баробари йўқ эрди. Зулфлари чин-чин, ҳалқа-ҳалқа андоғ соҳибжамол дунёга келмаган эрди. Яна бир одам толиби фарзанд эрди. Худой таолоға даргоҳи вожиб бўлуб, бир бузрукворға ёстониб ётди. Тушида ул Азиз айди: Агар сан рози бўлсанг Худой таоло бир ўғил берадиким, бу оламнинг назариға хасча кўрунмас. Назари баланд покиза юракли бўлур – деб кўздин ғойиб бўлди. Ул подшоҳ андиша қилиб айтур эрди. Ҳар нав худо ҳоҳласа бўлурким, зиёда бўлмас деб уйига келиб ибодатга машғул бўлди. Аммо бир заифаси бирла ҳамсухбат бўлдилар. Шул кечаси заифасида ҳомила қолди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соатда ҳомиланинг вақти етиб, бир ўғил бўлди. Байт:

Хуршид каби қобилу комил,  
Исо каби тифлликда шомил.

Шод ўлди ўғул юзидин ота-она,  
Шукронага берди чу писари фарзона.

Алқисса доя занлар олиб, оносини эмчагини покизалаб, болани оғзига солдилар, бола эмчакни олмади. Анинг учунким эмчак оғзига тикандек тегди. Алқисса ўғлон бўлғони учун тўй-томушалар қилдилар. Эмчакка қарамади. Ҳол тили бирла бу жавобни айтур эрди.

**Бола айтур эрди:**

Одамдин келдим вужуда,  
Фоний дунёға учрадим.  
Чаҳор арабни бағринда,  
Карвон саройға учрадим.

Билмадим дунё ғами йўқ,  
Ғамин чекмаган ҳариф йўқ,  
Мехнати биза мавқуф йўқ,  
Бир ажаб чоҳға учрадим.

Келибман қайтиб кетманам,  
Дунё исмиға боқманам,  
Ишқдин ғайри кор этманам,  
Бир можароға учрадим.

Ишқ илгидин ичдим шароб,  
Ман айладим бағрим кабоб,  
Кел эй соқий сун боданоб,  
Турлик савдоға учрадим.

Қайснинг ҳаловати имон,  
Аҳмол айлама бир замон,  
Арзи ҳолин айлаб баён,  
Ман бу озорға учрадим.

Алқисса Қайснинг отаси эл-халқиға тўй бериб от чоптуруб уч кеча-кундуз тўй-тамоша қилди. Аммо умаро ва ҳукамоларнинг заифалари муборакбод қилмоқға келиб-кетиб тураг эрдилар, лекин бола тинмай йиғлар эрди. Анинг учунким аларнинг орасинда Лайлини оноси бор эрди. Ул заифанинг боласини оти Лайли эрди. Ул Лайлини ҳусни жамолини кўруб **маҳв** бўлди. На учунким они Тангри таоло халқ этганда иккиси бир-бирини кўруб ошиқ бўлғон эрдилар. Қайсни отоси айди: Эй Жонларим сизларни шарофатингиздин мани ўғлум йиғламай қўйди деди. Қайсни онаси болани юзини ёпди. Яна бола йиғламоқقا бошлади. Яна болани юзин очди, бола йиғламади.

Алқисса бу шарофат кимда эканин билмак учун заифалар бирин-бирин тошқариға чиқдилар. Бола йиғламади. Аммо Лайлини онаси боласи бирлан тошқориға чиқди. Яна бола йиғламоқға бошлади. Андин фаҳм қилдиларким, бу ўғлон Лайлини жамолиға завқ қилур әркан. Анда ўлтурғонлар, заифалар, айдилар: Бу бола, улуғ бўлғонда бир ишқға гирифторм бўлғусидур. Бўлмаса, бу ёш бола хушрўйни, бадрўйни на билур. Ровийлар андоғ айтурларким: Қайс етти ёшға киргунча доя занлар Лайлини Қайсни ёнида қўюб тарбият қилдилар ва анинг бирла унс бўлди. Етти ёшға киргандин сўнг Қайсни суннат тўй қилиб, қирқ кеча-кундуз тўй томоша қилдилар. Андин сўнг навбат мактаб ўқумоқға тушди. Иккиларини ҳам мактабға топширдилар. Гўё ул мактаб беҳиштдек болаларға кўрунди.

### **Они ҳақида байт:**

Бир саф қиз ўлтурди, бир сафда ўғлон,  
Жам ўлди беҳиштда Ҳур ила ғилмон.  
Ўғлонлар, қизлар ўлдилар ёр-ёр,  
Ишқға бўлунур ривожи бозор.  
Мактабда анинг бирла бўлди ҳамдам,  
Бир неча малак мисол қизлар ҳам.

Аммо кўурларким ул қизларнинг орасинда бир париваш қиз бор туур. Жамолиға офтоб рашқ этар, бир турфа маҳваш, зулфлари чин-чин ҳалқа-ҳалқа, қошлари мисли ёйдек кирпиклари ўқдек. Анингдек нозанин дунёға сира келмаган. Анинг отига Лайли дер эрдилар. Қайс бирлан аввалдин улфат бўлғон эрди. Шунинг учун то ўлгунча муҳаббатлари кун-кундин зиёда бўлур эрди. Ҳар кимарса Қайс деса, Лайли жавоб берур эрди. Булар ўзларидин бехабар бир-бирларини бўюнлариға қўл солиб мактабға борур ҳам келур эрдилар. Бир кун буларға таъна-маломат айтиб қўлларидин китобларин олиб, бўлак-бўлак ўлтурғуздилар. Яна бўлак-бўлак мактабға бориб келинг, дедилар. Андин сўнг Лайли бирлан Қайснинг аҳволи машакқатға айланди. Шундай бўлса-да Лайли ўз уйинда, Қайс уйидин чиқиб бирга борур эрди. Алҳол ўқушлари аввалғидек бўлмади. Бир неча кун мактабға гоҳ келур-келмас бўлдилар.

### **Йиғлаб Лайли бир сўз аиди:**

Қўлимдин олдилар масхуб китобим,  
Фалак бизга қўймиш мундай жафолар.  
Мактабда қизлара етур саломим,  
Устимиздин ўтган боди саболар.

Рақиблар бир сўзни мулломизға демиш,  
Отомиз-ономиз бизға қаҳр этмиш,  
Мактабдин айириб бир уйда қўймиш,  
Сўзимизни етур бизни оғолар.

Ёш эдим билмадим дўсту душманни,  
Рақибларни мундоғ бўлурму қасди,  
Ошиқ-маъшуқ пирлар биза сўз айди,  
Бу нечук тухматдур, бизга жафолар.

Ҳар сабо борурдим мактаб йўлина,  
Қаромасдим соғим бирлан сўлима.  
Бир хабар тушмушдур араб элина,  
Ўбамиз-қўнгишмиз қилур тополар.

Рақиблар бир сўзни мушкул демишлар,  
Душман бўлди найлай қўнгши овболар.  
Қайс улуғ ўғлонни булбул демишлар,  
Ғунчалиқда мани бир гул демишлар.

Билмас эрдим дўсту душман ҳалқини,  
Ҳар сабо кўтардим ёrim юзини,  
Гулзор айлар эрдим, мактаб уйини,  
Сароб бўлмиш эмди меҳру вафолар.

Лайли айтур, сўзларини пандона,  
Саргашталик солди фалак чандона,  
Манго ўлмиш бугун уй бир зиндана,  
Бу фалакда йўқдур завқу сафолар.

Алқисса Лайли бу сўзни тамом қилиб, уйига кириб ўлтурди ва сабрни пеша қилиб, ўз-ўзиға тасалли бериб, ўлтуур эрди. Аммо Қайс кундаги одати мактабға келди. Лайлини қўрмади. Ҳар куни келганда Лайлини кўруб қўнгли ором олиб ўлтуур эрди. Бу кунни ўтказди. Иккинчи кунни ҳам ўткарди. Учинчи куни ҳам Лайли келмади. Андин сўнг Қайс кўнглида хавотур бирлан муллани берган сабоқини ҳам билмади. Ҳеч ким бирлан ҳам сўзлашмади. Мулласи ўқуғил, деганда китобни юзига қараб бир сўзни айди:

### Қайс сўзи:

Бисмилло ўқулди, Ҳақнинг каломи,  
На бўлди билмадим келмади Лайли.  
Ман сўра билмадим ёrim хабари,  
На бўлди билмадим келмади Лайли.

Шомда кетиб қоронгуда қолдиму,  
Ҳаво уруб гул юзлари сўлдиму,  
Ё мактабға ҳаргиз келмас бўлдиму,  
На бўлди билмадим келмади Лайли.

Ҳар сабо келурди кулуб ўйнаюб,  
Ола-ёшил кийиб, гулдек ясонуб,  
Кўзимдин ёш оқур, бағрим қон бўлуб,  
На бўлди билмадим келмади Лайли.

Мулламиз, бўлибдур шул кун кунўрта,  
Бир арабнинг қизи келмас уч эрта,  
Ўғлон қўшғиинг айт эл бирла юрта,  
На бўлди билмадим келмади Лайли.

Қайс айтур оқуздим кўзимдин ёши,  
Куръондин юқори кўтардим боши.  
Ростини сўзласа Қайсни қардоши,  
На бўлди билмадим келмади Лайли.

Алқисса Қайс бу сўзни тамом қилғондин сўнг буларни Зайд деган халфаси бор эрди. Ул ҳам Зайнаб деган бир қиз бирлан муҳаббатга кўнгил берган эрди. Зайд Лайлини қариндоши эрди. Бу Лайли бирлан Қайсни ҳолларидин хабардор эрди. Қайсни на учун йиғлоғонин фаҳмлаб, ёниға келиб, Қайснинг бўйниға қўлин солиб сабоқин ўргатган киши бўлуб, бир сўз аиди:

**Сўзи Зайд:**

Сабоқинг ўргатай санга жон Қайсим,  
Келмас бўлди Лайли булдур ахволи.  
Санга сирдош бўлай қулоқ сол сўзим,  
Келмас бўлди Лайли, булдур ахволи.

Жон Қайс қолмасун кўнглингда армон,  
Ман сани дардинга этайин дармон,  
Лайлиға бўлмишдур уйи бир зиндан,  
Келмас бўлди Лайли булдур ахволи.

Рақиблар солмишдур элга бир хабар,  
Элларинг ичинда кўбдур шўрушар,  
Қайс бирла Лайлини ошиқ дермишлар,  
Келмас бўлди Лайли булдур ахволи.

Отоси-оноси эшитмиш сўзи,  
Мактабға йибармас бўлдилар қизи,  
Хижолатдин сўлмиш Лайлини юзи,  
Келмас бўлди Лайли булдур ахволи.

Зайд айтадур эмди Лайли отини,  
Кимга айтай бу фалакнинг додини,  
Тутма Қайсим эмди Лайли отини,  
Келмас бўлди Лайли булдур ахволи.

Алқисса Зайд бу сўзни тамом қилғондин сўнг Қайс зор-зор йиғлаб бир сўз айди. Қайс:

Халфам бизга хабар берди,  
Келмас Лайли, Лайли деюб.  
Бағримиза наштар солди,  
Келмас Лайли, Лайли деюб.

Ёр юзина тушди парда,  
Ўғлон жоним қолди дарда,  
Қарор этмасман бу ерда,  
Келмас Лайли, Лайли деюб

Ҳар замон айларман нидо,  
Азиз жоним бўлсун фидо,  
Мушкул дарда қолдим худо,  
Келмас Лайли, Лайли деюб.

Лайлым чиқарди йўл қараб,  
Бинафша зулфларин тараб,  
Ўғлон жоним бўлди хароб,  
Келмас Лайли, Лайли деюб.

Йўл бошинда келиб турарди,  
Қайс йўлина қараб турарди,  
Қайғудин рангим сорғарди,  
Келмас Лайли, Лайли деюб.

Зор йиғламоқ бўлди ишим,  
Йўқдур мани сўрар кишим,  
Кўкга чиқди бу нолишим,  
Келмас бўлди, Лайли деюб.

Шом кетардинг Лайли била,  
Қучоқлашиб кула-кула,  
Эмди куларсан ким била,  
Келмас бўлди, Лайли деюб.

Лайлини кезган ерлари,  
Мадад сиздин эр пирлари,  
Кечурдим мен бу сўzlари,  
Келмас Лайли, Лайли деюб.

Алқисса Қайс уч кунча йиғлади, сабоқини ҳам билмади ва мактабдин ҳам қолди. Ҳамишадагидек ўғлонлар бирлан үйнамади ва құшулмади. Ош-ноң ҳам емади, субху шом балки **алмұлдавом** йиғлар эрдиким, ўғлонлар айтурлар эй Мажнун нега мунча йиғларсан—дедилар. Кунда-кунда келиб-кетар эрдилар. Данг-душлари халфа бўлуб юрар эрдилар. Бир неча вақтдин сўнг баҳор айёмлари бўлғон вақт эрди. Қайсни данг-душлари келиб айдилар: Биз бирлан сахроға юринг—деб ўз ҳолиға қўймай олиб кетдилар. Бир боға бордилар. Иттифоқо Лайлини ўз ҳолиға қўймай қизлар олиб чиқғон эрканлар. Аларни оросинда Мажнунни назари Лайлиға тушуб ҳушидин кетиб, йиқилиб қолди. Ёнидоғи данг-душлари ҳайрон бўлуб, олиб келганлариға пушаймон бўлдилар. Шул вақтда Лайлини ҳам назари Мажнунға тушуб, ҳушидин кетиб, йиқилди. Қизлар дархол юзиға гулоб сепиб устида турдилар.

Шунда Мажнун боз ҳушиға келуб бир ғазал айди:

Мен бугун Лайли деюб жисм ичра жон истарам,  
Васлида қонлар ютиб дардима дармон истарам,  
Сайр этарга ёр ила бир боғи бўстон истарам,  
Ишқида бўлдим бугун булбули маston истарам.  
Гўҳари, лаъли, зумрад топғоли кон истарам,

Сарви сунбул бўлмаса гул бирла аҳмарни нетай,  
Истагим Лайли эрур қадди раънони нетай,  
Ошиқи зорим ҳақиқат молу дунёни нетай,  
Андин ўзга сунбулу райхону Зебони нетай,  
Гар мұяссар бўлса, ёrim бирла даврон истарам.

Неча йилдур бошима тушмуш мани сўвдои ишқ,  
Дашт аро ҳар дам манго қиймат келур сўвдои ишқ.  
Чун қуюндеқ даҳр аро то бўлмишам расвои ишқ,  
Жоним олди ташналик бирла басе расвои ишқ,  
Чиқмиш оғзимдин тилим **choxi zindon** истарам

Соқио важҳат ажалдин нўш этуб боданоб,  
Чиқғоним сахрои ишқ ичра бўлуб маству ҳароб,  
Мақсадим кўрсам нигорим юзини ман бениқоб,  
Юз-юза тушгач ўқусам ёр васлидин китоб,  
Васлида базмим аро ўқурға достон истарам.

Бор эрур кўнглумда бир сирри-асори ниҳон,  
Ошкор айлар эдим **олдинда** эй шоҳи жаҳон,  
Улки зинда ҳар на қилса ман ғариби нотавон,  
Арзини дер ушбу Мажнун хоҳ яхши, хоҳ ямон,  
Чекмишам ҳижрон жафосин васли жонон истарам.

Алқисса Мажнун бу сўзни тамом қилди. Мажнунни дўст-ёронлари отосиға баён қилдилар. Анда отоси икки кадхудони Лайлини отоси тарафға совчиликға йибардилар. Алар бориб Лайлини отосиға бўлғон воқеани баён қилдилар. Лайлини отоси айди: Биз ҳам эшитамиз, деб аларни аzzат-икром бирлан сўзларини эшитди. Лекин Лайлини берур эрдик, сизлар жамоатдин қизимни садақа қилиб берурман ани яхши билурман, асли биздин зиёда турур, аммо Лайли менинг қизим бўлса, сизларни синглингиз турур. Аммо ўғлингизни жинни-девона деюрлар, анга раҳмингиз келмасму, девона элни, уйни қадрин на билур. Ҳоло ҳам қайтингизлар, ўғлингизға бир илож қилинглар, агар сихатлик, оқилона бўлуб, йигитлар қаторинда юриса, менинг қизим сизларники ва ўғлингизға муборак бўлсун, - деди. Борғон совчилар ҳам бул сўзни Мажнунга ва отосиға айдилар. Анда Мажнунни отоси айди, Эй ўғлум Сан йигитларға қўшулиб юрсанг, Лайлини берурлар, бу девоналиқни қўйғил – деди. Анда Мажнун бу сўзни айди:

Отожон сан ўзинг бир оқили комил,  
Улуғ жавоб эрур манинг жавобим.  
Ишқ этибдур мани ақлимни зоил,  
Улуғ жавоб эрур манинг жавобим.

Ман фароғат кезай, сан ғамдин озод,  
Лайлини ишқидин қилайин фарёд,  
Ишқға илож бўлса, айлагил устод,  
Улуғ жавоб эрур манинг жавобим.

Азалда мулк ўлди қўнглим сўвдоға,  
Воқиф ўлмиш таним, жоним жафоға,  
Бўйла қилма демак бўлмас худоға,  
Улуғ жавоб эрур манинг жавобим.

Алқисса Мажнунни отоси эшитиб, бу абётни ҳар ерда улуғ баргоҳ ва бузруквор бўлса, анго илож қилдирди, ҳеч фойдаси бўлмади. Аммо Мажнун аларға қулумсираб бир сўз айди:

**Мажнун айди:**  
Эй ёронлар, мусулмонлар,  
Бу дардима чора йўқдур.  
Фойда йўқдур бу шайхлардин  
Бу Мажнуна зора йўқдур.

Манго учрамиш ёр ғами,  
Асар этмас дуо, дами,  
Зое этманг манго малҳами  
Манда битар ёра йўқтур.

Розиман табиблар сиздин,  
Кўл кўтаринг эмди мандин,  
Баттар ўлур дуонгиздин,

Сиҳат бу bemora йўқтур.

Дардим билур табиб келмас,  
Бошқа табиб дардим билмас,  
Ёрим бизни кўзга илмас,  
Ман каби оввора йўқтур.

Ичмишам ишқнинг шаробин,  
Ман чекарам бағрим кабобин,  
Ёр чекмиш юза ниқобин,  
Манго бир наззора йўқтур.

Эшигинг манинг зорими,  
Кўздин оқғон хун борими,  
Ишқ олмиш хава-хобими,  
Ўйқу ман бедора йўқтур.

Сан эмишсан тангри уйи,  
Хожиларни жусти жўйи,  
Манинг қасдим Лайли қўйи,  
Лайли кўзга интизори йўқтур.

Мажнунман айларман зори,  
Ман бир ёрни хизматкори,  
Қайс қилур биру бори,  
Ўзга бир жаббори йўқтур.

Алқисса Мажнундин бу абётни эшигиб, барчалари жойли жойлариға қайтдилар. Бир нечалари айдилар: Сизга бизларнинг сўзимиз, Маккада ўн саккиз минг оламни ҳожатини раво қилур, шояд сиз ҳам ўғлунгизни ҳақида Худой таолодин шифолик тиласангиз, шифо бергай- дедилар. Эрса Мажнунни олиб хонаи каъбаға олиб бордилар. Отоси ўғлини қўлин муборак ҳалқаға ёпиштуруб: Эй ўғлум, бу хонаи каъба туурур, на тиласанг раво бўлур – деди. Эрса Мажнунни вақти хуш бўлуб бир сўз аиди:

### **Мажнун аиди:**

Эй каъба қудратли олий,  
Ҳожатим раво айлагил.  
Эй бузруки хонаи худо,  
Ҳожатим раво айлагил.

Сан эмишсан тангри уйи,  
Хожиларни жусти жўйи,  
Мақсадимдур Лайли куйи,  
Мани мосуво айлагил.

Кўзга чекмишсан қаро тош,  
Замзам кўзимдин оқар ёш,  
Бир ошиқдур санго сирдош,  
Ишқ бизни фано айлагил.

Қаро қилмишдур либосин,  
Кўнглимдин чиқар ҳавосин,  
Бу дардимнинг давосин,  
Дарда мубтало айлагил.

Бу оламда наким ғам бор,  
Айлагим мани гирифтор,  
Зор йиғларман Лайли наҳор,  
Ёрим сан вафо айлагил.

Ҳамиша шод эт ёримни,  
Билмасун йўқу боримни,  
Олсун сабру қароримни,  
Бу ғамдин жудо айлагил.

Бир Мажнунман ақлим жудо,  
Айладинг ишқға мубтало,  
Лайли завқин орттур манго,  
Хар дам, ҳар сабо айлагил.

Алқисса Мажнун бу сўзни айтиб, биёбонға юз қўюб кетди. Эрса отоси бу абётни эшитиб, юрагига ўт тушуб, бош очук, оёқ яланг бўлуб, Мажнунни ахтариб кетди. Бир неча тоғ, чўлларни кезиб, ҳеч ердин топмади. Нишона охируламр ўғлин соғиниб зор-зор йиғлаб бу жавобни аиди:

Йўлинга қурбон бўлай, келмишам маржон болам,  
Ҳам ото, ҳам оно дардики дармон болам.

Сандин айрилғон замони, неча юз пора бўлиб,  
Кўзларимдин оқадур сел сўрсанг гар фифон болам.

Арзи ҳол айтушмайин қолди юракда доғлар,  
Бемурод ўтдинг жаҳондин неча минг ағфон болам.

Кошки топсам эрди, қилғай эрдим жоним фидо,  
Бошинга ўргулубон йўлингға жон қурбон болам.

Дўсти ёринг йиғлашурлар, нечалар хуйиш топар,  
Айролик ўтиға тузмай қилдим ағфон болам.

Бўлғоли сандин жудо кўзимда ёш, бағримда қон,  
Доимо мискин онанг ким телмуур ҳар ён болам.

Отонинг зори на қилсун тангрини тақдирина,  
Ҳақ таоло айлагай имонингни ҳамро болам.

Алқисса отоси бу абётни ўқув, худой таолонинг тақдириға бўюн сунуб, уйига келиб, Эр заифа иккилари ибодатға машғул бўлдилар. Аммо ровий айтур: Мажнун отосидин айрилиб, қавм-қариндошларидин жудо бўлуб, доғистонда Лайли-Лайли деб юрур эрди. Ногоҳ Мажнун Лайли деганда доғ ҳам Лайли деб кукраб садо берур эрди. Мажнун гумон қилдиким доғ ҳам манингдек ошиқ эркан деб бир сўз аиди:

**Ғазали Мажнун:**

Қора тоғим, мунча фарёд этарсан,  
Бизга дегил, сирринг сирдош бўлами.  
Бир гулни ишқида сан дод этарсан,  
Бизга дегил, сирринг сирдош бўлали.

Бир қора дастордур бошга чодиринг,  
Бошдин оёқ гулга ботиб қолдуғинг,  
Қайснинг кўнглиға ҳавл солдуғинг,  
Келгил икков бирга йўлдош бўлали.

Тоғларни кезадур ҳамиша ошиқ,  
Мандек ҳамдам борму санго мувофиқ,  
Агар сан ҳам бўлсанг ошиқи содик,  
Кел иккимиз бирга йўлдош бўлали.

Ақлингни кетурибсан маст бўлубсан,  
Ишқинг шаробина сармаст бўлубсан,  
Бир дилбар куйинда ё паст бўлубсан,  
Кел бирга ичали, сархуш бўлали.

Таъзим айла сени ҳақ айламиш ёд,  
Куръонда зикр этмиш алжабил устод,  
Кел бир замон икков этили фарёд,  
Кел иккимиз бирга сирдош бўлали.

Келгил йиғлоғоли бу можороға,  
Бир замон қўшали садо садоға,  
Бир назар айлагил йўқсиз гадоға,  
Ҳар ким ўз ҳолиға сархуш бўлали.

Мажнун кўб йиғлади тоғларға чиқиб,  
Тоғдан чиқмас садо кўб турди боқиб,

Кон йиғлабон ёши күзидин оқиб,  
Кел эмди бу тоғда сирдош бўлали.

Алқисса Мажнун бу абётни айди, асло тоғдин садо чиқмади. Охир ноилож бўлуб, сахроға қараб юзланди. Кўрарким бир пода кийиклар яйлоғда ўтлаб юрган эркан. Мажнун аларни кўруб, булар ҳам манингдек саргашта эрмиш деб, буларға ҳам ҳол-аҳволимни айтай деб эрди. Кийиклар қочиб кетдилар. Аларни чандон излади, топмади. Анда кийикларға бир сўз айди:

Қаро кўзли оқ жайронлар,  
Туринглар бир сўзлашали.  
Сахро гулини еганлар,  
Туринглар хабарлашали.

Кўзинг ўхшар ёр кўзина,  
Тушубсан хўблар изина,  
Мажнун араб шоҳ қизина,  
Туринглар хабарлашали.

Йиғларман сизга зор этиб,  
Қочманглар биздин ор этиб,  
Мажнун ғарифни шод этиб,  
Туринглар хабарлашали.

Кийиклар бўлурсиз хуррам,  
Манда йўқтур зарра ором,  
Базмлар этайлик хуррам,  
Дуринглар сухбатлашали.

Тура туриңг оқ гулим,  
Туринглар хабарлашали,  
Сизларга йўқтур зардим,  
Туринглар бир сўрашали.

Чўлларга етибсиз ногоҳ,  
Ман этарман нолай оҳ.  
Мажнунни айлангиз ҳамроҳ,  
Туринглар хабарлашали.

Алқисса кийиклар Мажнунға қарамади. Мажнун чўл бирлан борур эрди. Бир сайёд дом қурғон эркан. Аларнинг бири гирифтор бўлуб илинди. Кўрарким Мажнун ул кийикни бўйни боғлу, оёки ҳам боғлу, кўзи шаҳло, Мажнун ул сайёдни ёниға борди. Кийикни юзи-кўзини сийполоди ва кийикни ҳолиға Мажнунни раҳми келиб сайёддин кийикни тилади. Сайёд қулоқ қўймади. Охири ноилож Мажнунни қулоқинда икки лаълдин бўлғон **кўшдора** яъни исирға бор

эрди. Ани сайёдга бериб кийикни олди ва кийикни бўшотиб йибарди. Бир вақт қараса, кийик Мажнунни изидин келур, яна йўл била борур эрди, яна сайёд бир кабутарни банди қилмиш, ани ҳам сайёддин тилади. Сайёд бермади. Мажнунни оёқинда тилло суви бирлан зийнатланган бир **хилхоли** бор эрди. Сайёдга бериб кабутарни сотғун олди ва кабутарни ҳам бўшотиб йибарди. Кабутар Мажнундин айрилмади. Кайси ерга борса, кийик ва кабутар учуб гоҳ-гоҳ бошиға Мажнунни қўнар эрди. Алқисса кийик бирлан кабутар Мажнунга унс бўлди. Алҳосил кийиклар ва кабутарлар Мажнунни атрофида айланиб юрур эрдилар. Аммо эмди бир-икки калима сўзни Лайлидин эшитинг. Ровийлар айтур: ул кун Лайли бирлан Мажнун учрошғонда Лайлини қизлар ўз ихтиёрига қўймай уйига олиб бордилар. Эрса, Лайли кундуз бўлса, ҳар бир нимарсага олдониб, кеча бўлса, ото-оноси уйқулоғондин яна бир уйга чироғ ёқиб каштани баҳона қилиб қасдан қўлиға игнани сончиб бу баҳона бирлан йиғлар эрди. Мажнунни ўтини тоза қилур эрди. Ногоҳ қўзи чироғга тушди. Эрса, секинлик бирла ёнғониға қараб, тамоша қилиб бир сўз айди:

На дардинг бор эй шамчироғ,  
Нега ёнорсан зорланиб.  
Ёрингдин тушдингму йироғ,  
Нега ёнарсан зорланиб.

Тинмассан ҳеч бир зорингдин,  
Биза айтғил асрорингдин,  
Айрилдингму нигорингдин,  
Нега ёнарсан зорланиб.

Сўвсан гули мойрилғондек,  
Будоқлари қайрилғондек,  
Севдигидин айрилғондек,  
Бирга ёнойин зорланиб

Кўзим тикарман юзингга,  
Ҳеч уйқу келмас кўзимга,  
Туша билмасман сўзингга,  
Нега ёнарсан зорланиб.

Ё бир макон тутмоғондек,  
Мақсадиға етмағондек.  
Боғда гули битмағондек,  
Нега ёнарсан зорланиб.

Умринг ғофил ўткардингму,  
Паймонангни тўлдирдингму,  
Шунқорингни учурдингму,  
Нега ёнарсан зорланиб.

Алқисса Лайли бу сүзни тамом қилғондин сүнг чироғдин ҳеч садо чикмади. Анда Лайлида хафалик яна рўй бериб бу кечани ўткарди. Эртанги кеча яна беором бўлуб чироғга қараб, бир сўз аиди:

Ёнғонинг бизга баён эт,  
Бирга ёноли зорланиб.  
Ҳар на сиррингни аён эт,  
Бирга ёноли зорланиб.

Оғзинг тўла нор олмишсан,  
Сан бизнингдек зор эмишсан,  
Сан ҳам мандек ёр эмишсан,  
Бирга ёноли зорланиб.

Сел каби қайнаб дошдингму,  
Сонсиз дардга улошдингму,  
Мандек қафаса тушдингму,  
Бирга ёноли зорланиб.

Жонингдин жон айрилдиму,  
Ёринг ёбонда қолдиму,  
Мандек ҳижронга солдиму,  
Бирга ёноли зорланиб.

Отом-оном ғаним бўлмиш,  
Мажнунимни ойро солмиш,

Севдугим ёбонда қолмиш,  
Бирга ёноли зорланиб.

Ичим ёниб, зор йиғладим,  
Юрагимда қон боғладим,  
Ишқ бирла бағрим доғладим,  
Бирга ёноли зорланиб.

Тонг отғунча зор йиғлагил,  
Дардингни изҳор айлагил.  
Лайли қизни ёр айлагил,  
Бирга ёноли зорланиб.

Алқисса Лайли йиғлаб бу сўзни тамом қилиб ўлтуруб эрди, ногоҳ парвона келиб ўзин ўтга яъни шамға уруб, куюб кул бўлди. Лайли муни кўруб, парвонаға аиди: Эй парвона сан номард эркансан. Шамни бир мартаға кўруб ўзингни шамға уруб куйдирдинг. Агар ҳақиқат мард бўлсанг, ишқ ўтиға сабр тахмил килур эрдинг. Куйғандин парвойинг бўлса, дард-холинг айтар эрдинг, деб бир сўз аиди:

Хақиқат чин ошиқ парвона бўлсанг,  
Ёнмоғил бир йўла, мардона бўлғил.  
Ёрингни қуйинда девона бўлсанг,  
Ёнмоғил бир йўла мардона бўлғил.

Ошиқ маъшуқимға бўюн букмагил,  
Кўзларидин қонли ёшин тўкмагил,  
Ошиқ бўлмас анинг жабрин чекмайин,  
Ёнмоғил бир йўла мардона бўлғил.

Ошиқ бўлғон киши сабр этиб кезар,  
Умидлик боғини гулидин узар,

Хоҳ яхши, хоҳ ёмон жабрина дўзар,  
Ёнмоғил бир йўла мардона бўлғил.

Ҳар ким ошиқ бўлса, кечар умриндин,  
Айтиб ўтар сўзлар бўлса тилиндин,  
Буюрса гулларин терар боғиндин,  
Ёнмоғил бир йўла мардона бўлғил.

Хуснингни бир кўруб ўтга уарсан,  
Тоқат этмай ўзинг ишқа сотарсан,  
Бир йўла кул бўлиб дардин овларсан,  
Ёнмоғил бир йўла мардона бўлғил.

Алқисса Лайли бу сўзни тамом қилиб, жабрни пеша қилди. Алғараз бир неча кунлар бу равишда вақт кечурди. Бир куни баҳор фасли бўлди. Лайлини дугоналари жам бўлуб, Лайлини ёниға келдилар. Дугоналари айдилар: Эй Лайлижон на бўлди, тўй-томушоларға ҳам бормойсан. Анда бориб дўстдушманлардин ибрат олмассан. Аммо сахрода ҳеч кимса Мажнундек эрмас. Чўл сахроларни кезиб юрубдур. Агар сан ҳам сахроларни кессанг, шояд кўнглинг хуш бўлуб очилғай дедилар. Алғараз Лайли ихтиёр қилди. Лайлини сахроға олиб чиқдилар. Ажаб нозанин гуллар очилғон, сунбул, райхонларни барги сочилғон. Хушбўй ислари Лайлини думогига кириб, Лайли ишқи зиёда бўлди. Мажнунни ишқида гирён бўлуб йиғламоқға баҳона қилиб қизларға айди: Эй қизлар, ҳар ким ҳар тарафға кетиб, чаман боғласунлар, деб Лайлини ўзи бир тарафға кетди. Бир гўшаға бориб бир вақтлар бир ўзи танҳо уй ичинда бекарор, беором эрди. Ул гўшада ўлтуруб бир сўз айди:

### Ғазали Лайли:

Чиқдим гуллар сайрина,  
Дузмайин бекарор ўлдим.  
Мажнуним олиб ёдима,  
Тоғдин тоғға қарор ўлдим.

Тоғ бирла тошни кўз юмуб,

Чиқдим, ёримни излаюб,  
Юрак бағримни дузлаюб,  
Сел каби саргардон ўлдим.

Чиқдим гуллар ҳавас этиб,  
Қызлар бирла мажлис этиб,  
Тоғ бирла тошни дўст билиб,  
Элдин, кундин сўрар бўлдим.

Тоғга чиқдим гулзор этиб,  
Доим йиғларман дод этиб,  
Кеча кундуз фарёд этиб,  
Гул эрдим, охир хор ўлдим.

Ё ўзга ёрни тутдингму,  
Ёри вафодор топдингму,  
Лайли қизни унудингму,  
Кўб фикра ман дучор ўлдим.

Аммо Лайли бу ғазални ўқуб ўлтуруб эрди. Тоғ тарафдин бир одамни овози келди. Ул одам Лайли бирла Мажнунни ёд этиб бир ғазар ўқуди:

Бири кўз бири қош ўлон, иккилари ошиқ ўлон,  
Лайли бирлан Мажнун ошиқи интизор эрмиш.

Мажнун ошиқи зиёда, кезар чўлларда пиёда,  
Лайли жоним деб дунёда, машхури эътибор эрмиш.

Илкина санчибон сўзан, Лайли йиғлармиш кун узун,  
Иstab Мажнуни изин, ҳар кимсадин сўрар эрмиш.

Кўрди бир ошиқ навбатин, чекди жаҳонни кулфатин,  
Беҳол чекар ошиқ меҳнатин юраги дилафгар эрмиш.

Алқисса Лайли бу сўзни эшитиб, вақти хўш бўлуб, кўнглиға тасалли бериб бир сўз айди:

Ўлтурмишам ғофил йиғлаб,  
Бирор хушхабар айлади.  
Ётур эрдим бағрим тиғлаб,  
Бирор хушхабар айлади.

Эшитиб кўнглим хўш бўлди,  
Юраким қайнаб жўш урди,  
Мехрим меҳрина душ бўлди,  
Жон таним обод айлади.

Йиғлаб юрарман зор-зор,  
Билмадим дунёда на сўз бор,  
Шул дам бирор берди хабар,  
Кўнглим юз мурод айлади.

Эшитдим айғон ёдини,  
Бизнинг учун фарёдини,  
Мажнун жонимни отини,  
Бир мўмин паём айлади.

Мажнуним мани изламиш,  
Жигар бағрини дузламиш,  
Севдугим Лайли қиз демиш,  
Кўнглимни обод айлади.

Алқисса Лайли бу сўзни ўқуб ўлтуруб хушвақт бўлғон ҳолда қизлар ҳар тарафдин турлик – турлик гулларни чаман боғлаб, Лайлини олдиға қўйдилар. Лайлини вакти хўш бўлуб, шод-хуррамлик бирлан қизлар бирлан гоҳ олдин, гоҳ кейин қайтиб келур эрдилар. Ровий айтур: Ибн Салом отлиғ бир бекзода бор эрди. Шикорға чиқиб борур эрди. Ногоҳ ул қизларға дучор бўлди. Аммо аларни орасида Лайлиға гирифтор бўлди. Борушини кўруб ақли хушидин бегона бўлди. Алҳосил яна бир қиздин сўради: Эй қиз, ул ерда бородурғон кимни қизи? – деди. Анда қиз айди: фалон кишини қизи, оти Лайли-деди. Алқисса Ибн Салом ошиқ бўлуб, дарҳол шикордин қайтиб келди. Ҳеч ким бирлан сўзлашмади ва кишини сўзи ёқмади. Фарёд қила бошлади. Алғараз Ибн Саломдин дўст-ёронлари сўради: Бу нолишингға на сабаб турур – дедилар. Анда Ибн Салом баён воқеаларни айди: Эрса, отоси уй бирлан кенгаш қилиб, Лайлини отосини ёниға икки кадхудони йибардилар. Кадхудолар совчи бўлуб Лайлини отосини ёниға бориб, баён қилдилар. Шундай бўлса қабул қилсангиз, тўй-томушалар бўлса, - дедилар. Анда Лайлини отоси буларға бермоқчи бўлуб бениҳоят қолинг солиб, яхши иззат қилиб қайтарди. Эрса бу воқеа Лайлини қулоқига етушиб отосидин, ҳам фалакдин кина қилиб, бир сўз айди:

Найламишам оралик санга,  
Бемуносиб ёр айладинг.  
Мажнунимни излаганда,  
Ғамимға дучор айладинг.

Ёримдин олдим хушхабар,  
Билмам дунёда на сўз бор,  
Мажнун кезар, Лайли кезар,  
Сан на ихтиёр айладинг.

Кудрат ёзғучи ёзмади,  
Гул рафтор сунбул кезмади,  
Мажнунни бизга ёзмади,  
Нима мани зор айлади.

Очилмоғон гулим йиртиб,  
Новча будоғим қойириб,  
Бизни Мажнундин ойириб,  
Кеча мани зор айлади.

Мажнуним мани изламиш,  
Жигар- бағрини дузламиш,  
Күзламиш йўлин кўзламиш,  
На учун бекарор айлади.

Гулдин манго туту билмай,  
Рақиблардин ўто билмай,  
Дод этарман ето билмай,  
Мажнунимға зор айлади.

Санинг фикрингни билмадим,  
Жаҳона икки келмадим,  
Ғайриға ёздуқунг билмадим,  
Юраким афгор айлади.

Билмадим надин, на ёнгилдим,  
Зору гирён йиглаб қолдим,  
Лайли дер: рангимдин сўлдим,  
Кенг жаҳонни тор айлади.

Алқисса Ибн Салом тўй анжомин тутуб, етмиш теваға мол юклаб ва етмиш бедов отға дур, лаъл, жавоҳир юклаб Лайлини отосини уйиға келдилар. Тамоми келганлар тўйни қилиб икки киши Лайлидин жавоб олмоқға маққид қилдилар. Лайли жавоб бермади. Эрса, қариндош уруғлари ҳарчанд насиҳат қилдилар, Лайли қабул қилмади. Лайли бу жавобни айди:

Дод сани илкингдин ёлғончи фалак,  
Бу давронни манго аён айладинг.  
Ҳазар этмадингму тийра охимдин,  
Дўна-дўна мани гирён айладинг.

Оҳ деганда куйдирурман чироғинг,  
Билмам қайда эрур санинг дўзоҳинг,  
Чекарман синамда дарду фироқинг,  
Сода фалак на деб гумон айладинг.

Эътиборинг санинг йўқтур дунёда,  
Кетгил фалак, дурма бизнинг ородা,  
Биз иккимиз ошиқ муносибзода,

Бир кўрсатиб они ниҳон айладинг.

Уйғотмишсан ғофил ғанимлар элин,  
Хаёлингдур кўрмак бοғинг булбулин,  
Очилиб қўйдирмай муродим гулин,  
Аввал баҳоримни хазон айладинг.

Биз ваъда қилғонда сан эдинг ғофил,  
Муносиб биз бирлан лойиқи комил,  
Эмди биза қилмоғил сан дохил,  
Кўб ошиқни кўнгли вайрон айладинг.

Лайли дер, учрадим бугун оғёра,  
Сигиндим яротғон улуғ жоббора,  
Мани ҳақ ёзмишдур Мажнуни зора,  
Сода фалак на деб гумон айладинг.

Алқисса Лайли бу жавобни тамом қилғондин кейин, фалон икки киши вакил деб ёлғондин никоҳ қилдилар. Омин, вассалом деб қизни ўз аҳволиға қўймай Ибн Саломни уйифа олиб келдилар. Ибн Салом тўйни торқотиб бўлғондин кейин қизни ёнига борди. Ибн Салом Лайлини қўруб, баданиға ларза тушди. Доялар кетдилар. Ибн Салом Лайлини ёнига бориб, Лайлини бўйниға қўл узотура бўлди. Анда Лайли аиди: Ибн Салом, санго манинг раҳмим келди. Агарда сан ҳам, ман ҳам иккимиз бирга ўлармиз – деди. Анинг учун ким ман ёш эканда бир паризоднинг подшоҳи манго ҳамроҳ бўлуб эрди. Алҳол устимизда турур ва айтурдурким, аввал сан қўл урсанг, сани зое қилур ва агар аввал ман урсам, мани зое қилур – деди. Ибн Салом анга қарамай қўл узатур бўлди. Лайли дарҳол бир оҳ чекди. Оғзидин кўпик, ўт чиқа бошлади. Жиннилардек бўлуб, оғзиға ҳар на сўз келса, айтмоқға бошлади. Ибн Салом бир калима сўзламай ва тоқати бетоқат бўлуб, Лайлини ёнидин қочиб кетди. Эмди булар мунда турсун бир-икки калима сўзни Мажнундин эшитинг. Лайлини кишиға бергандин сўнг Мажнунни ёниға Зайд бориб аиди: Эй Мажнун Лайлидин умид узгил. Они бир кишиға бердилар. Зайд инонтурмоқ учун қасамёд қилди. Мажнун бу хабарни эшитиб, хуши бошидин учди. Яна ҳушиға келиб бир сўз аиди:

Саломимни етур бевафо ёра,  
Манинг билан қани аҳду паймонинг.  
Ҳеч раҳминг келмади Мажнуни зора,  
Бизнинг била қани аҳду паймонинг.

Умидим шулдурму севдигум сандин,  
Севарман ман сани жон бирла тандин,  
Жудо қилмадингму тийри оҳимдин,  
Бизнинг била қани аҳду паймонинг.

Боғ ила боғчани барибсан зоға,  
Муддао пандимни олдингму қулоға,  
Хажрингда күзларим дүнди балоға,  
Бизнинг била қани ахду паймонинг.

Манинг ёрим дебон кездим ҳар сори,  
Ишқ ичра йитурдим номуси ори,  
Ювсам дуза қотмиш ўзга гавҳори,  
Бизнинг била қани ахду паймонинг.

Бир тоза ўт солдинг Мажнун жонига,  
Охир қолдинг бу ғарифни қонина,  
Арз айларам тонгла маҳшар хонина,  
Бизнинг била қани ахду паймонинг.

Бу на ишдур Мажнун тирик юрганда,  
Шарм этмассан сирдошларинг кўрганда,  
Ўт чиқар оғзидин ҳар оҳ урғонда,  
Бизнинг била қани ахду паймонинг.

Мажнун деб Оллоға айладим зори,  
Сан билурсан ҳолим ё биру бори,  
Ёрим унутмишдур қасам жоббори,  
Бизнинг била қани ахду паймонинг.

Алқисса Ибн Саломнинг отоси Лайлини ўқутмоқға тараддуд этди. Қайси ерда азойимхон ва шайх бўлса, келтуринг деб буюрди. Ногоҳ алар Зайд халфаға йўлукти, қарасалар Зайд аларни кўзлариға яхши мунис мулло кўринди. Зайддин сўрадилар. Бизларға яхши олимлар керак – дедилар. Анда Зайд аиди: Халфай замонман – деди. Эрса Зайдни Лайли ёниға олиб келдилар. Эрса, Зайд ўлтурууб дуо қилди. Лайли омин ва бошқалар ҳам омин дедилар. Андин сўнг маъвизтумор деб Мажнунни саломномасини Лайлини қўлиға берди. Лайли олиб таъзим этиб қўруб юзига, кўзига суруб, йиғлаб Лайли ҳам арзи ҳолин айтиб Мажнунға бир хат ёзиб ва бу муножотни аиди, Хатни Зайдни қўлиға берди:

Мажнун биза қўймиш жабру жафони,  
Манинг ҳолим сан билмасанг ким билур.  
Жафо айлаб биза қўймиш топани,  
Манинг ҳолим сан билмасанг ким билур.

Мажнун учун сарф айладим умримни,  
Биздин сўрсанг ғами хижрон дардимни,  
Ушотмишдур манинг синик кўнглимни,  
Манинг ҳолим сан билмасанг ким билур.

Мажнун муштоқиман, ёронлар, ёндим,  
Ишқнинг шаробидин ичдимда қондим,  
Элим куним, отом, ономдин тиндим,  
Манинг ҳолим сан билмасанг ким билур.

Бир сандин ўзгани гулин бермадим,  
Ибн Саломға ман кўнгил бермадим,  
Бир лаҳза ҳам сансиз кунни кўрмадим  
Манинг ҳолим сан билмасанг ким билур.

Оввора нодонлар бу на гумондур,  
Сан ёрсиз манинг кўнглим думондур,  
Хавф этма Мажнуним ёринг омондур,  
Ман ҳолим сан билмасанг ким билур.

Шому Сабо Мажнун сўзин сўзлайин,  
Қиёматда ул Мажнуним кўзлайин,  
Лайли дер истагим Мажнун излайин,  
Манинг ҳолим сан билмасанг ким билур.

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким Рум шахрида сипоҳисолар бор эрди. Унга Навфал дер эрдилар. Лекин баҳодирлиқда машхур эрди. Ёнидин қирқ йигитни айрмас эрди. Буларни бирга олиб юрур эрди. Ҳар кечада айш-ишрат, завқу сафо бирла умр ўткарур эрди. Ва ёронлари бошидин ўтган саргузаштларидин айтур эрдилар. Аларни оросинда бириси айди: Боғдод бирла Басра оросинда бир йигитни кўрдим. Ул йигитни аввал оти Қайс эркан. Алҳол Мажнун от қўймишлар. Лайли деган бир қизға ошиқ бўлуб, ани ҳасратинда оҳ деса, оғзидин ўт сочар эрмиш-деди. Ёнида кийиклар, бошида қушлар қўнуб яна учуб кетармиш, гоҳ тоғға чиқиб юрар, гоҳ чўлларда юрар. Боши очук, оёки яланг, нон - ош бирлан иши йўқ - деди. Мудом оғзида Ху ё ман ҳу Лайло илло ху зикру сано айтар-деди. Ёз-қишини билмас ажаб бир йигит - деди. Шул вақтда Навфал май ичишиб, сархуш бўлғон эрди. Ногоҳ шижаат асари жўш уруб Мажнунни кўрмакға орзу қилди. Дарҳол ёнидағи йигитлар бирла юруш қилди. Бир неча йўллар юруб, Мажнунни ёниға етушдилар. Навфал отдин тушиб қараса бир йигит қирқ кунлик ўлукдек бўлуб ётибдур. Навфал бу ҳолни кўруб бир фасл қараб турди. Андин сўнг Навфал айди: Эй шери мард, отинг ким турур – деди. Ул айди: отим Мажнун – деди. Навфал сўрадиким, на учун Мажнун бўлдинг – деди. Анда Мажнун Лайлиниң отини айтмоқға тоқати бўлмай қўли бирлан ерга ёзиб кўргазди. Андин сўнг ул ёзилғон сўзини кўзига суртди. Андин сўнг булар бу ҳолни кўруб жойли-жойиға қайтдилар. Яна Мажнун ўлукларни оросинда қолиб, зор-зор йиглаб бир сўз айди:

Ёр йўлинда кўблар жафони чекдим,  
Ул сабабдин бағрим дилим ярадур.  
Ҳар кимни дўст дедим, ҳолимни айдим,  
Дўстға душман бўлдим, манго даводур.

Күнглимин зангларин ҳеч ким очмади,  
Боғлангон баҳтимни ҳеч ким ечмади,  
Лайлижонга зарра ихтиёр кечмади,  
Очилимоғон дардлар манго даводур.

Фарогат бўлмади, оху фарёдим,  
Ҳеч кимса бермади, адл ила додим,  
Мажнун от қўйдилар, Қайс экан отим,  
Умрим кечди билмам на можородур.

Ото бирла оно айлади тадбир,  
Бу дардима дармон қилмади ҳеч бир.  
Ҳеч фойда бермади айламак акбир,  
Хар ерда ғарибман баҳтим қародур.

Мажнун айтур: дунё фоний бевафо,  
Шум фалак ишлари жабр ила жафо,  
Бу дунё аҳлинда йўқдур бир вафо,  
Синам узра турлик-турлик яродур.

Алқисса Мажнун бу ғазални тамом қилиб, яна ўлукларни оросинда юрур эрди. Бир куни кўрдиким, бир қарға бир ўлукни кўзини ўйиб – ўйиб ебдур. Мажнун бу ҳолни кўрубвой манинг кўзим бир мартаба Лайлини кўрса, Андин сўнг на бўлса, рози бўлур эрдим, деб ҳасрат чекиб, фифон қилмоқға бошлади. Кошки андин сўнг кўзимни қарға егани беҳроқ эди – деб, ўлукларни оросинда ётиб эрди. Эмди икки калима сўзни Зайд халфадин эшигинг. Зайд Мажнунни кўрайин деб ўлукларни оросин кезиб келур эрди. Қараса, Мажнун бу ерда ётур эрди. Зайд халфа аиди: Эй Мажнун. Соғмусан ва ё жароҳатлимусан – деди. Анда Мажнун аиди: - Соғман, жароҳатли эрмасман – деб, бўлғон воқеаларни Зайд халфаға бир – бир баён қилди. Анда Зайд халфа аиди: Эй Мажнун мундоғ қилмағил, агар худой таоло Лайлини мұяссар қилса, кўзинг бўлмаса, анинг жамолини нечук кўрарсан – деди. Яна Зайд халфа бир неча панд – насиҳатларни қилди ва Мажнунни юзи кўзини супуруб кеча бир ерда ётиб, тонгда Зайд халфа қайтар бўлди. Мажнун аиди: Эй Зайд халфа Лайлини ман сабабли кўб одамлар зое қилибдур ва моллари талон бўлубдур. Ман бориб анга арз ҳолимни айтиб муборак жамолини кўруб, келай деб азм қилдилар. Мажнун аиди: Эй халфажон сизни дўсту душман кўруб маломат қилмасун. Эмди ман ўзим борурман, деб кўзини боғлаб ху ё ман Ло илоҳо Илло ху деб эшикка бориб мисли гадолар каби туруб уйба-уй ғазалхонлиқ қилиб Лайлини эшигига бир сўз аиди:

### Ғазали Мажнун:

Келдим одамдин бу жаҳона яна гузар этдим,  
Кўз очдиму ҳақ қудратига бир назар этдим.

Кўрдим парини ва анга бир боқиб ногоҳ,  
Кўрмай юзини ўзима сарвар этдим.

Бир йўлиға борсам била адл душман бу кас,  
Ло ҳулани бас фурқатиға дардисар этдим,

Шамшод қадам қўйдим қадам боғи жаҳона,  
Ҳоки қадамин кўзима суриб сарбасар этдим.

Аҳвол кўнгил айғони бир ёр топмадим,  
Зулмини қариндош, ғамини ман падар этдим.

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ била дарвиш,  
Бас жандами кийдим ўзимни дарбадар этдим.

Худо назар қилмаса маст хаста бу Мажнун,  
Юз маънони бир нуқта бирлан муҳтасар этдим.

Алқисса Мажнун бу ғазални тамом қилғондин кейин Лайли бир уйни ичинда ўлтуруб эрди. Ногоҳ қулоқиға бир хушвоз етушди. Дарҳол югуруб қапуға чиқди. Қараса, Мажнунни кўзи боғлу, ғазал ўқубдурур. Лайли кўрган замон хушидин кетиб яна бир оз вақтдин сўнг ҳушиға келиб, Мажнунни бўйниға кўл солиб аиди: Эй Мажнуним соғмусан? Кўзларингни боғлу кўрарман деб, савол сўрди. Мажнун жавоб берди.

**Саволи Лайли:**

Қулоқимға келур ёрнинг овози,  
Хуш келдинг Мажнуним, сабо келибсан.  
Йўлларингға азиз жоним фидоси,  
Хуш келдинг Мажнуним, сабо келибсан.

**Жавоби Мажнун:**

Эмди на сўз дейин санго Лайлижон,  
Қилмишима пушмон этдимда келдим.  
Курбон бўлсам санинг қадди бўйингга,  
Хайрон бўлуб ғамға ботдимда келдим.

**Саволи Лайли:**

Кезган жойинг саҳромудур, тоғмудур,  
Қора бағрим ёр ҳажринда доғмидур.  
Соғмудур кўзларинг нечук боғлиқдур,  
Хуш келдинг Мажнуним, сабо келибсан.

**Жавоби Мажнун:**

Ёнғон жоним кўблар уруб борони,  
Соғдур кўзим, кўрмамишдур ярони.  
Боғлаб келдим санго юзи қарони,  
Уётимни бугун айтмоқға келдим.

**Саволи Лайли:**

Кезган жойинг гулзор ўлсун, боғ ўлсун,

Сани кўрган душманларинг доғ ўлсун,  
Ҳамиша кўзларинг санинг соғ ўлсун,  
Хуш келдинг Мажнуним, сабо келибсан.

**Жавоби Мажнун:**

Билмасликдин олдим рақиблар пандин,  
Вайрон этдим ёрнинг оводон кўнглин.  
Сўрмоқга лабларинг асалу қандин,  
Рақибларинг захрин тотмоқа келдим.

**Саволи Лайли:**

Билурман алдомиш сани шум рақиб,  
Доимо дурмишам йўлингга боқиб,  
Кирмиз лабларингдин болларинг оқиб,  
Хуш келдинг Мажнуним, сабо келибсан.

**Жавоби Мажнун:**

Кеча-кундуз йиғлаб кўзларим гирён,  
Манинг учун бўлди бу шахринг вайрон,  
Юзи қоро бўлуб келдим, Лайлижон,  
Гуноҳимни бугун айтмоқа келдим.

**Саволи Лайли:**

Сан манго ошиқсан, ман санго гувоҳ,  
Муродимиз берсин эгам раббано,  
Лайли дер билурман ишқимдур гувоҳ,  
Хуш келдинг Мажнуним, сабо келибсан.

**Жавоби Мажнун:**

Мажнунинг ошиқдур хақдур гувоҳим,  
Хақдин ўзга йўқдур пушти паноҳим,  
Қилмишим бехаддур, кўптур гуноҳим,  
Қилмиш - гуноҳима ботдимда келдим.

Алқисса Лайли бирла Мажнун иккилари бу жавобларни айтушиб дурғонда  
Лайлини отоси этиб келди. Мажнунни таниб, Мажнунға бир қилич солди. Ул  
қилич Мажнунға кор этмади. Ўзини қўли шаҳал бўлди. Шул вақтда Зайд ҳозир  
бўлуб Мажнунни қўлидин тутиб чиқариб йибарди. Отоси Лайлиға кўб  
ҳақоратларни берди. Лайли бечора ул кеча тонг отғунча Мажнуним нечук бўлғон  
эракан деб кўзиға уйқу келмади. Йилондек икки тарафға ўзини тошлиб тонг субҳ  
бўлғонда Лайли бир сўз аиди:

Зор этиб фироқ алингдин,  
Ул анда йиғлар, ман мунда.  
Айрилиб ёр жамолидин,  
Ул йиғлар анда, ман мунда.

Кеча-кундуз фифон айлаб,  
Кўку ерни осмон айлаб.  
Сиррин элдин пинҳон айлаб,  
Ул анда йиғлар, ман мунда.

Айрилиқдин очуқ боши,  
Күздин оқиб қонли ёши,  
Бағрина урубам тоши,  
Ул анда йиғлар, ман мунда.

Хасратимдин ўти чиқиб,  
Фироким ўтина ёниб,  
Йилондек қадди букулиб,  
Ул анда йиғлар, ман мунда.

Лайлидур ғарибни жони,  
Мажнун ғарибдур сўзони,  
Кўзини очиб кўрони,  
Ул анда йиғлар, ман мунда.

Алқисса Лайли бу сўзни тамом қилиб Олло таоло ҳоҳлоғонига шукур қилиб бир неча вақтларни ўткарди. Андин сўнг тавба астиғфорға машғул бўлди. Агар тирик бўлсам шояд олло таоло Мажнунни мусассар қилса дийдорини кўрганим – деди. Эмди бир-икки калима сўзни Мажнунни отосидин эшитинг. Бир неча қунлардин сўнг Мажнун ўғлидин отоси умидин узуб юрар эрди. Умри охир бўлуб уламо ва амирларни ва барча эл-халқини йиғиб аларға айди: Манинг охири умрим бўлди. Сизлар манинг вафотимни ўзларингиз қилинглар. Бу мол-мулк сизларнинг ихтиёргизда – деди. Анда савол қилдилар: Эй бой, кўнглингизда қайси иш бўлса, бизларға айтинг – дедилар. Бизлар ҳам жону дил билан хизмат қилоло – дедилар. Анда бой айди: Эй ёронлар, фарзандсиз одамни на бори бор, фарзандсиз одамни на очи на тўқи бор. Бу сўзим ҳаммангизға маълумдур. Аммо манинг кўнглим бир орзу қилур, Қайс ўғлум келса, ўз қўлум бирла мол-мулқ, хазиналарни топшурсам – деди. Ва лекин манго ўғлум Қайс соғ, эл-халойиқға жинни, девонадур – деди. Ўзиға соғдур ва манго бегонадур дегач, дарҳол косид топиб отосини тилидин хат-нома ёзиб ва салом айтиб қосидни йўлладилар. Аммо ул қосид бир неча тоғларни кезиб охири бир ердин Мажнунни топди. Мажнунни қараса соchlари ўсуб ва тирноқлари ҳам ўсуб, юзи-кўзини ғубор босиб қолғон ҳолда кўрди. Қосид дарҳол отосини салом номасини Мажнунни қўлиға берди. Мажнун бу номани таъзим бирлан қўлиға олиб ўқуб, зор-зор йиғлаб Мажнун ҳам бу жавобни ёзди.

#### **Мажнунни жавоб хати:**

Азал кунда эй падари меҳрибон,  
Латофат бобида бир моҳитобон,  
Салом эй интихоби насли одам,  
Салом эй гўҳари хўбони олам.

Салом эй нури чашмаи подшоҳим,  
Салом эй падарим нури оллоҳим,  
Салом эй сарвари хуршиди талъат,

Салом эй гүҳари дарёи ифрат.

Салом эй нури чашмим подшоҳим,  
Салом эй таҳти сарвим подшоҳим.  
Салом эй отаи муниш хазинам,  
Салом эй дилновозим, тоҷу таҳтим.

Салом эй боғу умримни баҳори,  
Салом эй тоза боғимни ниҳоли,  
Салом эй падари бузрукворим.,  
Жисмимни эгаси, танда мадорим.

Агар келмасанг гар оромижоним,  
Агар ўлсам эрур бўюнингға қоним,  
Ижобат боғин истаб зор ғамгин,  
Дилу жон бирла айтур зикри омин.

Алқисса Мажнун саломномани ўқуб, ёзиб қосид бирлан қўшулуб йўлға равона бўлди. Бир неча муддат йўл юруб вилоятға етушиб, уйифа бориб отоси бирлан оносини оёқиға бош қўюб, узр хоҳлик қилди. Эрса оноси бирлан отосини кўнгли жам бўлуб, қўзлариға нури оллоҳи бирлан мунаvvар бўлди. Эрса Мажнун келган қавму қариндошлари бирлан бир-бирини келиб, жам бўлуб, ҳол-аҳвол сўрошдилар. Мажнуннинг ҳам отоси оларни олдида мол-мулкларини Мажнунға топшурди. Ва аиди: Эй ўғлум бизлар сандин рози туурмиз. Сан ҳам бизлардин рози бўлғил – дедилар. Аммо Лайлини ҳарчанд қўшиш қилдиқ тақдирни оллоҳи санго мұяссар бўлмади. Эмди аниңг васлин худой таолодин тилагил деб насиҳат қилдилар. Андин сўнг отоси аиди алҳамдулилло раббулоламин мол ашёларимизни жойли-жойиға топшурдуқ. Эмди бизларни кўнглимиз тинч бўлди. Тилинг худой таолонинг зикридин айрмағил. Бизларни дуодин қўймогил деб, бизларни тилагимиз имонимизни саломат сақлағай деб, дорулғанодин дорулбақоға риҳлат қилиб, кўз юмдилар. Алғараз Қайс отосини жанозасини ўқуб, тобутға солиб гўристонға элтиб ўз қўли бирла дағн қилди. Андин сўнг тиловат ва хатми қуръон қилдириб оби-ош ва садақалар бериб, андин сўнг қилғон молу маъволарни синглисиға топширди. Эртаси отосининг қабриға бориб, йиғлаб, бир марсияни аиди:

Қабринг бошиға келган,  
Тобут қўтарган зорингман.  
Равзаниға юзин суртган,  
Пурчашми хуморингман.

Ҳижрон ила чекдим жон,  
Бўлди жигарим юз қон,  
Дард ила чеккан афғон,  
Пурчашми фигорингман.

Бердинг кўб насиҳат ҳам,  
Ёдимға солиб ҳар дам,  
Босди қоро қайғу,  
Бир бистари хорингман.

Қолмади қарор манда,  
Титратма эрур танда.  
Эмди манго сан қанда,  
Найлай бир нисоринг ман.

Бу Қайсинг эрур мискин,  
Мажнуниңг эрур ғамгин.  
Қабрингда келиб охин,  
Кўйингда нашоринг ман.

Алқисса Мажнун бу абиётни ўқуб, ўз кўнглиға айди. Бу дунё ҳазрати одам отомизға вафо қилмади. Ўзгаларға нечук вафо қилур деб, ўз вилоятидин этагин силкиб, яна биёбонға қараб, йўл олиб кетди. Эмди бир-икки калима сўзни Лайлидин эшитинг. Бир онча ойдин сўнг Лайлини отоси бошлиқ бўлуб барча тоғлару тузлару сарчашмалар бўйига кўчуб чиқди ва бола-чоғани теваға юклаб маъофа бирлан борур эрдилар. Сахар вақти Лайли тевани устидин Лайлини уйқу фалаба қилиб ширин уйқуда ётур эрди. Ногоҳ уйқусинда бир қарчиғай қуш келиб тизига қўнди. Лайли қўл узотмасдин бурун учуб кетди. Шул ҳолда Лайли уйқудин уйғонди. Эрса туши эркан. Ўзи таъбир қилиб айди: Мажнунни дийдорин кўрарман, лекин мақсадим ҳосил бўлмас деб ўлтурди. Саҳрова жойға етиб Гулшан каниз маъофадин чиқарди. Эрса кўрдиким бир кенг майдон, тевани майдонға йибардилар. Ровий айтур: теванинг маҳори узилған эрди. Андин карвонни ҳабари йўқ эрди. Лайлини юраги ҳавл этиб тевадин тушди. Боши саросима бўлуб борур эрди. Яқинда бир қаро кўрунди. Лайли ул қороға яқин борди. Эрса бир пода қушлар бошинда, бир неча кийиклар ёнида бир кимарса маству беихтиёр ётур. Лайли бир неча йиллар бўлди Мажнунни кўрмаган эрди, танимай кўрарким офтоб хобдан ошуб замон малоҳати даврон анинг юзини кўрса ўртаниб куяр эрди. Анинг учунким тажалло Оллоҳи юзинди барқ урар эрди. Лайли бу ҳолни кўриб ақли ҳушидин кетди. Лайли сўради. Эй одам, сан одам на жонсан сани ким дерлар – деди. Анда Мажнун айди: Манго Мажнун дерлар. Эрса Лайли бу сўзни эшитиб яна Лайли ҳушидин кетиб йиқилди. Дарҳол Хизр алайҳассалом етушиб Лайлини юзиға бир неча дориларни юзиға сепиб, ҳушиға келтурди. Андин сўнг Лайли ҳушиға келгандин сўнг сан Мажнун бўлсанг, Ман Лайлижонман деди. Бошингни қутургил – деди. Бир-икки калима сўз сўзлаш – деди. Ва розудил айтушали – деди. Эй Мажнунни нозидур деб бир сўз айди:

### Лайли сўз айди:

Уйқу эрмасдур магар, ширин забоним нозидур.  
Кўзлари жон олғучи, қоши камоним нозидур.

Раҳм қилмас бу ғариб, бечораларнинг ҳолиға.

Юраги тошдин баттар, ул меҳрибоним нозидур.

Неча йилдир айрилиқ солди фалак дилдордин,  
Бу аламлар барчаси, ул дилрабони нозидур.

Бу юзинг васфин этиб, ҳеч бир туганмас субхи шом,  
Ҳам яна Наргис кўзи, қоши камоним нозидур.

Оҳ ким ором йўқтур, сансиз бир дам манга,  
Ҳар сахарлар йигларам, мўрча миёним нозидур.

Захм қилди бу таним, урёнми новакларинг.  
Захмини сиз билмагайсиз, сарви гулистоним нозидур.

Охири қолдим бу олам, ишқ атворинг қўруб.  
Ошиқ ахли билмагайлар, жонажоним нозидур.

Неча йиллардин бери, бўлғонда дийдоринг насиб.  
Чун насиб ўлғай ман, пистадаҳоним нозидур.

Жон берур лаълинг санинг, ул қадди рафторинг қўруб.  
Чун шаҳид этдинг мани, нозик мажозим нозидур.

Алқисса Лайлини бу сўзин эшитиб Мажнун еридин туруб Лайли бирлан қучоқлашиб, бир-бирин лабидин сўруб, бир неча хол-аҳвол сўрашдилар. Гоҳо йиглашиб ва гоҳо кулушиб ўлтурдилар. Алғараз Лайлининг сўнгғи жавоби ул бўлдиким, эй оромижоним, эй писта даҳоним, неча вақтлар, неча муддатлардин бери манинг учун расвои жаҳон бўлуб юрубсан. Ман ўз оёқим бирла хизматингға келибман. Ҳар на мақсадинг бўлса ҳосил қил деб ўзини арз қилди. Эрса Мажнун айди: Эй ёри меҳрибоним, ман сани ўз муродим учун беобруй қилмасман. Эмди сан сайд қил бу дунёда жафо, жабру ситам охират азобиға гирифтор бўлмоғонимиз, ҳола ҳам бўлса вақт ўтмасдин бурун жойингға элтайин, токим таъна-маломатдин қутулғойсан. Мунда келганингни ҳеч ким билмасун—деб Лайлини зўрдин-зўрға солиб ихтиёрига қўймай тевасиға миндириб ўзи бош бўлуб, даралар оросидин ўтказуб, карвонни қаросини кўрсатиб, зор-зор йиглаб хўшлашиб йибарди. Мажнун орқасиға қорий-қорий қайтди. Аммо Мажнун бир ерларға келиб ўз-ўзиғо айди: На шум толелиғ банда эркансан, висол ғаниматин билмай ўз оёқи бирла манинг олдимға келиб, мундин кўнгил узайму энди яхши сирлашо билмадим.

Ани ўз ихтиёрига қўймай ман они қувлаб йибардим, бир кеча сақлаб, олдинда зиёфат қилиб йибарамадим деб сад ҳазор пушмон қилиб ўзин тоғдин-тоғфа уруб, бир сўз айди:

Сафар айлаб келмиш ёрим сахарлиғ,  
Чўлларда, доғларда сайрон айлади.  
Келди Лайли биза паризод янглиғ,

Ақл-хушим олиб ҳайрон айлади.

Ётурдим ҳижронда күб фарёд этиб,  
Лайлым келди Мажнунни ёд этиб.  
Ё паридур ўзин одамизод этиб,  
Кимсан деюб, манго афғон айлади.

Учуб келди Лайлым лочин қуш каби,  
Кўрунди кўзима гўё туш каби,  
Ақлим кетди кўргач, бир беҳуш каби,  
Кўнглима хаёлим султон айлади.

Баҳор бўлуб эллар гулга бурканмиш,  
Тоғлар гул исинда уйлар тикканмиш,  
Лайли ўзин биза пасткаш чекканмиш,  
Дардима раҳм этиб дармон айлади.

Ишқдин мани кунда ҳолим танг эрди,  
Кўзимда ёш, бағрим узра санг эрди,  
Лайли йўли менга минг фарсанг эрди,  
Бўйла мушкулимни осон айлади.

Лайлым келиб кетди ел каби учуб,  
Бағримни тузлаюб, минг пора қилуб,  
Арз эта билмадим бу ғафлат босуб,  
Яна кўнглим юз минг армон айлади.

Келди бизни эшишиб қошлари ҳилол,  
Кўрган замон бўлмиш тилим гунгу лол,  
Мажнун жонимға тушди кўб малол,  
Эгам қисмат рўзи ломакон айлади.

Алқисса Мажнун бу абётни тамом қилиб икки ракат намоз ўқуб тавба истиғфор этиб, машғули дуо бўлуб ўлтурди. Аммо Лайли омон-эсон карвонни изидин этиб уйига борди. Андин сўнг ишқ ўти аввалғидин ҳам зиёда сад чандон бўлди. Кеча бўлса аҳволи кундуз бўлса Мажнун ёдидин чиқмас эрди. Бир кечада туш кўрди. Тушинда Мажнунни ўлган кўрди. Лайли сесканиб еридин оҳ уруб турди, юраги қўрқуб ҳасрат чекди. Бедор бўлуб қораса, туш эркан. Шундан тонг отғунча йиғлаб чиқди. Вақтики тонг отди. Мавозин озон айтди. Эрса Лайли бороҳат бўлуб ва беором бўлуб, ўлтура билмай тушни таъбириға киши топмай саргардон бўлуб юрар эрди. Ногоҳ олдиға Зайд ҳалфаси чиқди. Кўрса Лайлини кўзи ёш, бағри бирён бўлуб келур эрди. Аммо Зайд ҳам ул кун Мажнунни ёниға бориб, бир кечада анинг бирла ҳамроҳ бўлуб келмиш эрди. Лайлини кўруб айди: Эй Лайлижон, бу нолишингға нима сабаб бўлди – деди. Анда Лайли кўрган тушини бир-бир баён қилғони:

**Саволи Лайли:**

Халифам, бу кеча бир аҳвол кўрдим,  
Мажнунни ҳолини ёмон кўрмишам.  
Тушумда оҳ уруб уйғониб турдим,  
Яхши қуним бўйла ёмон кўрмишам.

**Жавоби Зайд:**

Бориб эрдим Мажнунимни кўрмака,  
Йиғлама, Лайлижон, Мажнун омондур,  
Кеча бўлдим ҳол-аҳволин сўрмока,  
Йиғлама, Лайлижон, Мажнун омондур.

**Саволи Лайли:**

Халифам йўлуқди манго бир можаро,  
Баҳтимни юлдузиға чекмишам қаро,  
Йиғлаюб югурдим тоғдину тоға,  
Ростин дегин бу туш аён кўрмишам.

**Жавоби Зайд:**

Мажнун кеча-қундуз айлаюр зори,  
Сандин ўзга йўқтур анинг гулзори.  
Инонмасанг қасам ичай жоббори,  
Йиғлама, Лайлижон, Мажнун омондур.

**Саволи Лайли:**

Халифам юраким қайнади, тошди,  
Йиғлоғон жонима тоза ўт тушди.  
Билманам кўрганим бу нечук тушди,  
Дунёни бир охир замон кўрмишам.

**Жавоби Зайд:**

Бу кўрган тушларинг эрур шайтони,  
Кўнглинга келтурма бу бадгумони,  
Ёлғончини дерлар йўқтур поёни,  
Йиғлама, Лайлижон, Мажнун омондур.

**Саволи Лайли:**

Йиғламай найлайин бағрим тош дегил,  
Кўзимдин ёш оқар тинмайин кўргил,  
Бу кўрдугум мани холи туш дегил,  
Мажнунни бесарисомон кўрмишам.

**Жавоби Зайд:**

Хаёлингдур тушинг мани билдигум,  
Сизда на қайғудур мани севдугум,  
Мажнунингни кўруб тўғри келдугим,

Йиғлама, Лайлиジョン, Мажнун омондур.

**Саволи Лайли:**

Бандаман Мажнунни күрган күзингга,  
Тавоф этай санинг оёқ изингга,  
Лайли дер инондим эмди сўзингга,  
Билманам аҳволин ёмон кўрмишам.

**Жавоби Зайд:**

Эй Лайли, йиғлама ёнди бу жоним,  
Сизларни фикрингиз бу азиз бошим,  
Зайд аиди Мажнунжон айтур саломин,  
Йиғлама, Лайлиジョン, Мажнун омондур.

Алқисса Лайлиジョン Зайддин бу сўзни эшишиб хушвақт бўлуб Зайд бирлан видолашиб, шодмон бўлуб уйига келди. Аммо ул кеча яна туш кўрди. Тушинда қўрқонидин юрагида бир аломат пайдо бўлди. Ул аломат кун-кундин дарди зиёда бўлди. Охирул алёр бу дардин bemор бўлуб йиқилди. Ҳар замон оҳ уруб, ўзидин кетар эрди. Ҳар нафас дам олғон дамидин Мажнун деган сўз маълум бўлур ва яна ўзига келганда маълум бўлмас эрди. Ото-оносидин қўрқонидин айтмас эрди. Отоси ҳар ерда табиб, жарроҳ бўлса ани келтуруб илож қилдирдилар. Ҳеч фойдаси бўлмади. Алқисса Худой таолонинг буйруқиға бўюн сунуб ўлум тўшакиға суюниб зор-зор йиғлаб бу сўзни аиди:

Каҳбо фалак етмас мани додима,  
Келмасмусан севар ёрим, кел эмди.  
Андин ўзга хеч ким тушмас ёдима,  
Келмасмусан севар ёрим, кел эмди.

Очилибдур қизил гулум беран йўқ,  
Ёр ёнина бориб қайтиб келғон йўқ.  
Ишқилибдур кўнглим уйин олон йўқ,  
Келмасмусан севар ёрим, кел эмди.

Кеча кўрдим Мажнунжоним ётибдур,  
Қаро кўзи қаро қонға ботибдур.  
Ғам-ғуссаси эмди мани йикибдур,  
Келмасмусан севар ёрим, кел эмди.

Алифдек қомати долдек букулур,  
Боғу боқчаларнинг нори тўкулур,  
Лаҳад отлиғ жоя таним чекулур,  
Келмасмусан севар ёрим, кел эмди.

Вайрон ўлсун рақибларни қалъаси,  
Аршға чиқди Лайли қизни ноласи,  
Қаро кўзим, сиёҳ зулфим шонаси,

Ол яноғим, навбаҳорим, кел эмди.

Алқисса Лайлижон йиғлаб оносига айди: Эй онажон, манинг дардим ишқ дарди турур, ўзга ҳеч ким билмас. Бир кеча туш кўрдим. Тушимда Мажнун ўлибдур. Кўрқиб жойимдин турдим. Шул қундин бери юракимда бир иллат пайдо бўлди. Ох чекканим жоним учун, Мажнун учундур – деди. Эмди мани рози бўлсун десангиз анго бир пинҳоний киши йиборинг, келсун, шояд анинг дийдорин кўруб жон очигин унутгойман дегач, оноси ҳам Зайдни чоқириб айди: Мажнунни ўзингга ҳамроҳ қилиб, қўймай олиб келгил деб йибарди. Мажнун ҳам бир бузук туш кўруб нечук Лайлини жабрини олғойман деб зор-зор йиғлаб ўлтурғон эрди. Ногоҳ Зайд етушуб бориб ҳар на бўлғон воқеаларни баён қилғоч, Мажнун севинганидан кўзини ёшини оқизиб йўлиға равона бўлди. Лайлини ўбосига яқин етгач, Зайд хабар берди. Лайлини оноси айди: Кеч бўлғондин сўнг ҳалқ кўзидин пинҳон келтургил, йўқ эрса қабоҳат бўлур – деди. Алғараз эл оёқи тинғондин кейин Мажнунни Зайд олиб борди. Мажнун кўрса Лайлини қомати долдек бўлуб ётур эрди. Лайлини кўзи Мажнунни юзига тушгач, хушидин кетиб яна тез фурсатда ўзига келди. Лайли кўз ёшини селдек оқизиб ҳоли ўзгача бўлди. Алғараз Мажнун Лайлининг бошини тизига олиб юзи кўзини рўмоли бирлан супуруб юракиға қўлини қўюб бир сўз айди:

Фалак малоҳат шоҳисан  
Ё саттор, давронинг санинг.  
Абадул абад боқийсан,  
Халойик эҳсонинг санинг.

Хуснинг чаман, чашминг зилол,  
Жоду кўзинг, қошинг ҳилол,  
Ишқ аҳли зиёда гўзал,  
Эрурсан армоним манинг.

Майдон куйингда махфилим,  
Кесди кокили сунбулим,  
Соқии даврондур гулум,  
Мастона-мастона санинг.

Дерлар бу Қайсни вали,  
Ишқнинг йўлиға киргали,  
Мажнун ғарифни кўргали,  
Достон достонинг санинг.

Алқисса Лайли Мажнуннинг бу сўзини эшитиб, Лайлини юраги қувватланиб Худой таолога кўб шукурлар, расули Худоға кўб саловатлар айтиб бўлғондин сўнг Лайли айди: Эмди армоним йўқ деб бир неча сўз ўз ҳолидин баён қилди. Айдиким, эй Мажнуним ман бу дарддин қутилмасман анинг учунким, икки воқеа яъни икки туш кўрдим, бир ёмон туш кўрдим. Кўрқдим, юракимда бир аломат пайдо бўлди. Ман ҳар нечук бўлса ҳам бир уйға кириб

йиғлаб ўлтурдим ва лекин қаттиғ йиғлай олмадим. Шунинг учун шул аломат зиёда бўлур эрди. Кун-кундин дард аломат қувватланиб мани бугун йиқди. Сиз эй, Мажнуним кийиклар ва қушлар атрофингизда бўлғон, қаттиғ йиғлаб оҳ ҳасрат чекканингизда сизда дард қолмади. Эмди Сиз фаҳм қилинг тонгла қийматда Худой таоло қози ул ҳожат ва Расули Худо шифоат тахтиға мингандан мани хотири шарифингиздин чиқармангиз. Бад аzon номоздин сўнг дуодин қўймоғил деб панд-насиҳат қилди ва яна айди, эй бори меҳрибоним ўз қўлинг бирлан бир коса сув бергил. Ман ул сувни ичайин – деди. Дархол Мажнун ўз қўли бирлан бир коса сувни Лайлини оғзиға тутди. Лайли сувни ичиб, алҳамдулло раббили оламин – деди. Эмди яхши бўлдим. Сан ўз жойингға қайтғил – деди. Мажнунға қараб, агар ўлсам, мандин рози бўлғил. Эмди дийдор кўрмак қиёматда бўлур деб Мажнунғо рухсат берди ва бу сўзни айди:

Шукур алҳамдулло тедим кулли рисола,  
Лаълинг суви шифодур бизни шикаста ҳола,  
Ёр боғида очилмиш юз рангу минг-минг лола,  
Ул бўстонни ичинда ўхшар кўзи зилола.  
Ўз қўлинг бирлан бергил бу дам манго пиёла.

Завқинг жамолинг бирла сарсабз ўлур ҳуснлар,  
Булбул асири шайдо ҳам зоғ ила зағонлар,  
Тушгунча юз юзимға бағрим чокдур ёронлар,  
Бўлдим гадо кўйинда шайдои сийм танлар.  
Ўз қўлинг бирлан бергил бу дам манго пиёла.

Бу ҳастага вафо қил теганда ушбу мавсум,  
Кўнглим уйин зиё қил теганда минг бу ғам.  
Бандангни кўзига эл теганда ушбу мавлим,  
Васлинг ғамидин бил теганда ушбу мавсум,  
На бўлгай ўз қўлингда берсанг манго пиёла.

Хўблар ичинда бир хуш доносан олло ҳай, ҳай,  
Ёзу-қиши очилғон раъносан олло ҳай, ҳай.  
Бошдин оёғи зебо раъносан олло ҳай, ҳай,  
Бир Юсуфи замона мирзосан олло, ҳай, ҳай.  
На бўлгай ўз қўлингда берсанг манго пиёла.

Лайли дер эмди эй шоҳ пойингға бош уроли,  
Ичда қолмасун армон бу дам тўё кўрали.  
Чун хоҳласа Худойим завқу-сафо сурали,  
Етса қазо бانогоҳ уқбо сари бороли,  
Раҳм айлаб ўз қўлингдин берсанг манго пиёла.

Алқисса Мажнун Лайлидин бу сўзни эшитиб зор-зор йиғлаб бир коса шаробни Мажнун ўз қўли бирлан Лайлининг оғзиға тутди. Лайли қониб ичди. Худой таолоға шукуру сано айтиб, айди: Эй, Мажнун соғ бўлдим. Эмди мандин

қүркмангизлар – теди. Мажнунни күнгли учун эмди ман сансиз нечук тоқат қиласман деб зор-зор йиғлади. Анда Мажнун ҳам Лайлини бағриға босиб күзидин ёшини оқузуб бир сўз айди:

**Мажнун айди:**

Рўзи фурқат бу дам оромижоним алвидо,  
Айрилиқ вақти эрур шириң забоним, алвидо.

Ҳажр ўлумдин талх эрур кунда ўларман оҳқим,  
Кўзларимдин қон оқар эй меҳрибоним, алвидо.

Сандин айру бу жаҳонда умр не хожад манга,  
Кимга айтай эмди бу зору ниҳоним, алвидо.

Бўлди Мажнун бу кеча дийдоринга ҳам сұхбати,  
Хуш қол эмди пурничашмим достоним, алвидо.

Алқисса Лайли бирла Мажнун иккилари бир-бири бирлан видолашиб, Мажнун бирла Зайд сахро тарафға юз қўйдилар. Лайлини канизаклари Мажнун бирла Зайдни уйифа олиб келдилар. Анда бир-икки кун бўлдилар. Эрса булар кетгандин сўнг Лайлини ҳоли ўзга бўлди. Лайли оносига айди: Ҳар нечук бўлса ҳам дийдор қиёматға қолмади. Мажнуни қўрдим ва яна охиратда ҳам дийдор кўришмакни насиб рўзи қилғой деди. Эмди ғофил бўлуб дард мани ўзидин фориғ этмас номаҳрамнинг қўлиға бериб мани хор-зор қилиб қўймағил. Лекин бизларни сирримизға Зайд халфам бирла Зайнаб огоҳдур. Жонозамни Зайд халфам имом бўлуб ўқусун ва лаҳадға халфам кириб қўйсун. Ото-онам ва қавм-қариндошларим барчаси мандин рози бўлсун деб, ёнидағи дугоналари бирла розилашиб кўнглини тиндириб айди: Эй оно, Мажнунимни кўргил. Мандин рози бўлсун ва мани саломимни етургил деб охир дамда ё олло, ё олло деб Мажнунни ҳам уч мартаба айтиб жон баҳақки таслим қилди.

**Байт:**

Кишига ҳар наким тақдирдур андин қочиб бўлмас,  
Қазо кўзин очиб келса, анго туфроқ сочиб бўлмас.

Алқисса Лайли ҳар на васият қилиб эрди, барчасин баржой келтурдилар ва қўятурғон манзилиға элтиб андоғи қавм-қариндошлариға қўшуб келдилар. Андин сўнг Лайлини оноси бетоқат, беором бўлуб зор-зор йиғлаб Мажнунни ёниға бориб қўрдиким, Мажнунни боши балчиқға ботғон. Лайлини оноси айди: Эй одам на одамсан, анда ул одам айди: Ман Мажнунман – деди. Эрса Лайлини оноси Мажнунни оҳин эшитиб кўзидин хун алвидо ёш тўкуб зор-зор йиғлаб. Ман Лайлини оноси булурман, деб бир сўз айди:

Мажнунимсан бўлсанг эшит зоримни,  
Лайли бу жаҳондин кўчди, найлайнин.  
Энди ҳисоб этарман йўқу боримни,  
Уйда шамчироқим ўчди, найлайнин.

Кечакундуз йиғлаб кўзда ёш эрди,

Ҳар не тириклиқда күнглум хўш эрди,  
Олдимда асрағон тўти қуш эрди,  
Ул қущим қўлимдин учди, найлайин.

Эмди кўрмас бўлдим Лайлім бўйини,  
Лаҳад от қўйдилар Лайлім уйини,  
Истаб чиқдим ошиқ Мажнун куйини,  
Эсим кетиб ақлім чошли, найлайин.

Лайлім бир туш кўруб сесканиб турди,  
Мажнуним ўлди деб кўб охлар урди,  
Мажнун ёримға салом деб жон берди,  
Жоним ичра ўтлар солди, найлайин.

На ёмон хабардур сўзимиз бизнинг,  
Мажнунға ўхшатдим шаклингиз сизнинг,  
Ғариб оносиман шул Лайли қизнинг,  
Ғариблиқим ҳаддин ошли, найлайин.

Алқисса Лайлини Оносидин бу хабарни эшитиб Мажнун ҳушидин бегона бўлди. Яна ҳушига келди. Лайлини оноси бирлан бирга ўлтуруб зор-зор ўйглашдилар. Андин сўнг Мажнун бирла Лайлини оноси бирга қўшулуб Лайлини дағн қилинғон мозористонға бордилар. Анда бир оз болалар ўйнаб юрган эканлар. Мажнун болалардин сўради. Лайлини мозори қаерда, деди. Анда болалар айдилар: Лайлини мозорини сўраб на қилурсан – дедилар. Анда Мажнун айди: Ман Мажнунман–деди. Анда болалар айди: Агар рост Мажнун бўлсанг ўзинг топар эрдинг–дедилар. Мажнунға бу сўз таъсир этиб, Лайли-Лайли деб борур эрди. Ногоҳ бир мозордин Мажнун деган овоз чиқди. Эрса Мажнун ул мозорнинг ёниға бориб тиловати қуръон қилиб, савобини тамоми анбиёларға ва тамоми авлиёларға ҳадя қилиб, сўнгра Лайлини рухига баҳш қилди ва зиёрат қилиб қабрни, бир сўз айди:

Вой ким, юзвой ким, жонондин айрилмишам,  
Қомати шамшоддек райхондин айрилмишам.  
Чехраси ҳамроҳ гули хандондин айрилмишам,  
Ул эрамнинг боғида бўстондин айрилмишам.  
Ҳам Бадахшон лаъли гўҳар кондин айрилмишам,

Шум фалак ҳей қўймади жабрини афзун қилмайин.  
Бу қаро баҳтим манинг уйқусидин уйғонайин,  
Солди юз савдо биза ҳижрон яроси битмайин.  
Жабр-зулмидин ўшал ҳар дам мурода етмайин,  
Ғариб ичраман гадо султондин айрилмишам.

Юз тугин солди юракға доғ қўймасдин бурун,

Бўлди кул бул устихоним чашми куймасдин бурун.  
Бир кўруб гул юзларин дийдора тўймасдин бурун,  
Мунису жону жаҳоним ул ёрдин айрилмишам.

Воҳ дариға бўлмади кам лаҳза ушбу ғамим,  
Ул сабаб мандин жудо бўлди асир ул ҳамдамим.  
Ойша ҳам Фотма шери худо ул маҳрамим  
Анда ман нозанин хўбондин айрилмишам.

Сарвинозим эрди лола бирла ҳамроҳдин фузун,  
Ҳам бинафша сунбулу раъно зеболардин фузун.  
Кайс дер фурқат аро Мажнун воладин фузун,  
Рух масиҳалиқда эрди ул дурахшондин фузун.  
Хуснаро чун Юсуфи Канъондин айрилмишам.

Алқисса Мажнун бу мухаммасни ўқифондин кейин Лайлини онаси қизи қабрини қучоқлаб бетоқат, беором бўлуб бир сўз аиди:

Ёлғончи дунёдин боқий дунёға,  
Лайлум кўчса ман кўчмайин найлайнин.  
Мажнунға маъшуқдур сирри пинҳондин,  
Лайлум кўчса, ман кўчмайин найлайнин.

Билмайдур ошиқни рўйи зарридин,  
Эмди ман ўларман қизим дардидин.  
Қўнар, кўчар қаҳбо фалак жабридин,  
Гулум кўчса, ман кўчмайин найлайнин.

Кезиб Басра бирлан Боғдод шахрини,  
Лайли Мажнун узра солмиш меҳрини.  
Кулли ашё ичар ўлдим заҳрини,  
Лайлум ичса, ман ичмайин найлайнин.

Кўзимдин айирди ғафлат хобини,  
Рамуз ила ул билдири тобини,  
Қўлина олибон сар китобини,  
Лайлум очса, ман очмайин найлайнин.

Қулоқ қўйдим Мажнунимни сўзина,  
Лайлум ниқобини чекмиш юзина,  
Ажал куйлагини бичмиш ўзина,  
Лайлум бичса, ман бичмайин найлайнин.

Алқисса Лайлини онаси бу сўзни тамом қилғондин кейин Мажнун муножот қилди. Эй ёри Худоё мани Лайлидин айириб қўймагил. Эмди қолғон умримни курбон қилдим—деди. Эрса Мажнунни дуоси дарҳол мустажоб бўлди. Шул замон

Олло таолонинг амри бирла Азройил Алайхиссалом ҳозир бўлуб Мажнунни жонин қабз қилди. Дарҳол Лайлини мозоридин бир эшик очилди. Олло таолони амри бирла ўлук Мажнун қабрни ичиға кириб, иккилари бир қабрда ётдилар.

### **Хамсадин бир байт:**

Бир наъшға солдилар иковни,  
Жонсиз келину, ўлук куёвни.  
Валлоҳу аълам биссавоб.

Шул вақтда Зайд халфа етиб келди. Эй Мажнун деб бир неча фарёд-фиғонлар қилди. Ҳеч садо чиқмади. Охири Зайд йиғлай-йиғлай шул ерда ётиб қолди. Сахар чоғида Зайд туш кўрди. Тушинда иккилари бир-бирини қўлларин тутуб бир боғда юрарлар. Зайд булардин сўради. Сизларни мунда бир-бирингизға интизор қилди. Олло таоло бу дунёда на муомала қилди – деди. Анда олар айди: Эй Халфам, алҳол биз иккимизни бир ишратли жойда қўйди. Боқийси қиёмат куни бўлғонда етти қат ерни кўтариб турғон ҳўкузни сўйиб бизларни тўйимиизда зиёфат қилур. Тамоми бандаларни гуноҳини ўтуб манфаат қилур Олло таоло–деди. Зайд бу воқеани кўруб эл-халқға хабар берди. Эшитганлар рост айтурсан, ани мунда қўшмай, охиратда қўшмоқи ажаб эрмас–дедилар. Андин сўнг Зайд буларни кашф-кароматларини шухрат бериб, ўзи буларни устига яхши иморатлар бино қилиб, масжид, мадраса ва ошхона солиб, ўзига ҳам бир ер тутуб бинои масжиддин сўнг ҳар ерда ҳар турлик касалмандлар бўлса, зиёрат қилсалар нажот топар эрдилар. Ҳар йили баҳор, кузда Басра бирла Боғдод оросинда ҳар неча доғистонларда Лайли, Лайли, Лайли деган садо чиқар эрмиш. Зайд ҳам бир неча ибодатхона қилиб, аларға мужовир бўлуб шаҳрашомға кетди. Тамматул китоб баавнии маликул ваҳҳоб.

## **ГУЛ ВА САНОБАР**

Аммо ровиёни ахбор ва нокилиони осор ва муҳаддисони достони бўйстон, аммо ровийлар андоғ ривоят қилибдурларким, Чин шахринда Хуршид шоҳ отлиғ подшо бор эрди. Онинг Санобар отли бир ўғли бор эрди. Бағоят соҳибжамол ва зийрак эрди. Алқисса ул ўғлон етти ёшга кирди. Мактабга борди. То ўн ёшига киргунча илм талаб қилди. Отаси айдиким, «Эй ўғлум, мунчалик мулло бўлдинг, балки сипоҳликни ҳам ўргангил»-деб ўғлига маҳрамроз қирқ йигит қўшиб «Чихор боғ»га юборди. Алқисса бу йигитлар бирлан сайд-томуша қилиб туриб, баногоҳ уйқу ғалаба қилди. Бир истироҳат қилмоқға рағбат қилиб тилло тўшакда ётди, ҳамон уйқу ғалаба қилиб туш кўрдики, гулзорни ичида бир паризодға кўзи тушди . Моҳи офтоб талъят ва муштари саҳоват, мундоғ ҳуснлатофатда кўргач, ишқи Санобар сийнасинда жой бўлди. Ул паризодға сўз ташласа, Санобар савол сўрайдур, паризод жавоб айтадур.

Санобар:  
Бир лочин боқишлиғ жабройил парим,

Тоза навжувоним, қайдин бўлурсан ?  
Шамсиқамар юзлик моҳи анбарим,  
Кўзлари маstonим, қайдин бўлурсан ?

Паризод:

Мани сўрсанг паризоднинг шоҳиман.  
Асли шаҳри Шабистондин бўлурман.  
Фаҳм айласанг ҳусн аҳлининг моҳиман.  
Ҳазони йўқ гулистондин бўлурман.

Санобар:

Бошинга кийибсан Мурассаъ тожи  
Кўрган одам бўлур юзинг муҳтожи,  
Кўзимнинг равшани, бошимнинг тожи  
Ғамзаси ғилмоним, қайдин бўлурсан ?

Паризод:

Ошиқнинг маскани маломат тоши,  
Ёмғирдек оқизма кўзингда ёши,  
Масканим гулшандур чашмалар боши,  
Мани сўрсанг бир макондин бўлурман.

Санобар:

Хиноли қўлларни бўябсан қона,  
Заъфарон зулфинга солибсан шона,  
Юсуф каби солар мани зиндана,  
Зулфи паришоним, кайдин бўлурсан ?

Паризод:

Ёқуб каби келдим сани сўроқлаб,  
Ҳасратингда беҳад сийнамни доғлаб,  
Кирдим ман йўлингда белимни боғлаб,  
Бир тўтиман шакаркондин бўлурман.

Санобар:

Ҳанжар чекиб бағрим қона тўлдирма,  
Қизил юзим заъфарондек сўлдирма,  
Нозик дилбар ғамзанг билан ўлдирма,  
Карамлик сultonим қайдин бўлурсан.

Паризод:

Азалдан ҳамдамим дарёда моҳи,  
Оlamни ёндириди Вомиқни оҳи,

Аслимни сўрсангиз парилар шоҳи,  
Ёкутли, гавҳарли кондин бўлурман.

Санобар:

Кўзларинг нарғисдур, қоматинг туби,  
Нозанин дилбарим, жаҳон маҳбуби  
Неча йиллик манзил йўлингнинг хўби,  
Сўзла навжувоним, қайдин бўлурсан ?

Паризод:

Аслим паризоддур, йўқдур нишоним,  
Ошкор айласам сирри ниҳоним,  
Уч юз йиллик йўлдур манинг маконим,  
Билсанг шахри Шабистондин бўлурман.

Санобар:

Шоҳ Хуршидни ўғли, отим Санобар,  
Ҳасратингда хаста кўнглим мукаррап.  
Малойик сувратли, гул юзли дилбар,  
Ростин дегин ёрим, қайдин бўлурсан ?

Паризод:

Фарруҳ шоҳни қизи, отимиз Гулдур,  
Ғаминг бирла шайдо бўлғон булбулдур.  
То ўлгунча қолай иқорим шулдур,  
Фаҳм айласанг ул макондун бўлурман.

Алқисса бу сўзларни дегандин кейин паризод Санобарга бир гул тутиб исқатди. Бўй олмоққа ҳамона уйғониб қолди. Уйғониб қараса туши эркан. Ичига бир ғам тушибдур, андоғ ишқнинг шиддати тугён қилди. Аммо бечора Санобар ҳайрон, саргардон бўлиб ўлтуруб зор-зор йифлаб, ул паризодни ёд қилиб бир байт ўқиб йифлаб туур:

Ғамзаси жон олиб кетган паризод,  
Гулгун кийиб ёна-ёна кел эмди.  
Шамсиқамар юзли, қомати шамшод,  
Ҳанжар чекиб бу қурбона, кел эмди.

Билқиснинг ҳажринда куйди Сулаймон.  
Ёкуб ўғли учун дийдаси гирён,  
Бечора ошиқман йўлингда ҳайрон,

Рахм айлаюб нотавона, кел эмди.

Ширин учун жафо кўп чекди Фарход,  
Бу дунёдин кечди у зори ношод,  
Мастона кўз, ойим қомати шамшод,  
Қулоқ солиб бу афгона, кел эмди.

Мажнун ошиқ бўлиб кезади ҳайрон,  
Лайлини ишқида йиғлади ҳазон,  
Рахм айла ҳолимга эй шохи хўбон,  
Фарқо айлаб дона-дона, кел эмди.

Сайфулмулук юрди неча йил йиғлаб,  
Ёрини ёдини бағрида доғлаб,  
Мурассаъ белиға шодалар боғлаб,  
Қўлларингни бўяб қона, кел эмди.

Мушки тотор қадди бани ниҳоним,  
Ғамзаси жон олур, кўзлари золим,  
Санобара ҳамдам вафоли ёrim,  
Рахм айлагин бу гирёна, кел эмди,

деб бу сўзларни айтиб зор-зор йиғлаб, Санобар хужрасига кириб ётди. Вазирни ўғли Зеваршоҳ кириб кўрса, Санобар бадхол ётиб турур. Аҳволини Зевар сўруб бу байтни ўқиди:

Зевар:

Сулаймон давлатлик, иззатлик шоҳим,  
Сўзла ҳоли паришонинг не бўлди,  
Кўзимни равшани, иззатли шоҳим,  
Равшан қилғил бу афғонинг не бўлди ?

Наргисдек кўзингдин ёшинг тўкилмиш,  
Қизил юзинг заъфарондек сарғаймиш,  
Алифдек қоматинг ёйдек букилмиш,  
Ростин айтғил бу афғонинг не бўлди ?

Юсуфнинг отаси Ҳазрати Ёқуб,  
Йиғламади сенча эй тоза маҳбуб,  
Фирокингда йиғлаб хўб ҳамда ноҳуб,  
Сўзла кўздин оқған қонинг не бўлди ?

Кўзларингни қонли ёша тўлдирма,  
Гул юзингни қаҳрободек сўлдирма.

Дўстларинг куйдирма, душман кулдирма,  
Тугамас ҳайратлик ҳолинг не бўлди ?

Гулшанинг тўлибдур ҳазон бошига,  
Бир сўзим бор англа кўнгил шодига,  
Қулоқ солғин Зевар қулни додига,  
Сўзла чоки гирибонинг не бўлди.

Андин сўнг Санобар тушда кўрганини ота-онасига ва бекларга баён қилиб бериб, бир байт ўқигони:

Бир сўзим бор оғаларим, бекларим,  
Тушумда кўринди бир сиймин зарлик.  
Алифдек қоматли, гул юзли дилбар,  
Они ишқинда ман бўлдим асирилик.

Бузулғон кўнглимни қилди иморат,  
Дилбар бизга боқиб, қилди ишорат.  
Кўзлари жон олур, ғамзаси офат,  
Зулфи зарафшонлик, мушку анбарлик.

Бир гул бериб дилбар қилди мастина,  
Ул ширин суханли дури ягона.  
Уч юз йиллик йўл деб берди нишона,  
Бир ғунча дахонлик, шаҳду шакарлик.

Олдимда ўлтуруб ниқобин очиб,  
Санобар деб келди сийнасин очиб,  
Тўти янглиғ сўздин шакарлар сочиб,  
Бир хумоюн боқишли, куни зеварлик.

Алқисса Санобар отасидин рухсат олиб айтадурки, «Эй ота, ўзимда ихтиёр йўқдур ҳар на бўлса ҳақ таолони иродасича бўлур» деб турди. Отаси дедики, «Эй ўғлим Санобар, сабр қилинг, ўз жонингизга ўзингиз ситам қилманг. Мани жонимни доғламанг, сиздин айрилиб кўрган куним нима бўлур. Ул париларни жойи, туур үёли йироқ бўлса уч юз йиллик йўл туур, йироқдур санинг умринг етмаса ноҳақ йўлда ўлиб қолсанг ҳеч киши сандин хабар эткузмаса мани шарманда қилмасмусан», деб зор-зор йифлди. Санобар отасини йигисига қулоқ солмай, ўз ҳолларини айтиб бир байт ўқигонлари:

Бир маслаҳат берсангadolat шоҳи,  
Қайтадин шод ўлсун минг бора кўнглум.  
Жони дил қувонсун саҳоват шоҳи,  
Сўзингдин бўлмасун оввора кўнглум.

Кўзимдин кетмасдур ул замон дилбар,  
Жонимни офати ғамзалик кофар,  
Бу кўнглим ҳар замон ёрга талпинар,  
Талпиниб жўш ураг бечора кўнглим.

Мани ман этманглар эмди бу йўлдин,  
Юзим қайтармасман ул қиблагоҳдин,  
Тиларман висолин қодир худодин,  
Доимо қон ютар бу ғариб кўнглум.

Ёрсиз зиндан эрур тахти жаҳоним,  
Ҳасратингда куяр бу хаста жоним,  
Айласа тарраҳум гул юзли ёрим,  
Санобар майл айтар ул пора кўнглум.

Аммо отаси ўғлини бу сўзини эшишиб ўғлиға беш юз зебо йигитларни  
қўшиб, Зевар шоҳни юбормакка майл бўлди. Эрса фарзандини узатиб  
жудолиқдин бетоқат ва беором бўлиб, фироқинда зор-зор йиғлаб бир байт  
ўқифони:

Ман нечук тоқат қиласай ҳажрингда эй, жоним ўғул,  
Йиглабон қилсан муножатимни ҳақ қилғай қабул,  
Доимо бўлсин илоҳимким мададкоринг Расул,  
Борғил, эй жоним болам, Оллоға топширдим сани.

Сан кетарсан бош олиб, айлаб мани маству хароб,  
Ҳажрингда бўлурким қон, бўлур бағрим кабоб,  
Фурқатингдин эмди йигларман ки йўқдур манда тоб,  
Борғил, эй жоним болам, Оллоға топширдим сани.

Ман отанг Хуршид ажаб йўқ охи афғон айласам,  
Ҳар замон ёдингдаман чоки гирибон айласам,  
Во болам деб ҳар тарафга зори гирён айласам,  
Борғил, эй жоним болам, Оллоға топширдим сани.

Аммо Санобар дўст-ёрлари, ота онаси бирла хўшлишиб алвидо қилиб бир  
байт ўқиди:

Ман кетарман ёрим излаб,  
Аё дўстлар хўш қол эмди.  
Бу жароҳат бағрим тузлаб,  
Келган жонлар хўш қол эмди.

Мажлисда қўлинда сози,

Ноласи булбул овози.  
Майдонда отлиғ овози,  
Навжувонлар хўш қол эмди.

Бизнинг бирла ҳамдам бўлғон,  
Дийдалари ҳар нам бўлғон,  
Юртимизға ҳамдам бўлғон,  
Нуқтадонлар хўш қол эмди.

Отамиз фалакни моҳи,  
Онамиз парилар шоҳи,  
Элу юртнинг қиблагоҳи,  
Беклар, хонлар хўш қол эмди.

Ҳақиқат шаробин ичган,  
Мажлисларда дурлар сочган,  
Маърифат бозорин қучғон,  
Яхши дўстлар хўш қол эмди.

Санобар дер, вафодорим,  
Эшитинглар оҳу, зорим.  
Барча келган ёру дўстим,  
Мехрибоним хўш қол эмди.

Алқисса Санобар алвидо қилиб йўлга равона бўлди. Неча кунлар йўл юриб, бир дарё учради, аммо қараса ул дарёни ҳадди бўлғайму кўринмайдур. Санобар беш юз йигит бирлан таваккали худой таоло қилиб, кемага кирди аммо кема тўхтаб қолди. Санобар кўзини кўкка қаратиб дуоға қўйл кўтариб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлашиб ҳаммалари омин, дедилар. Қазойи оҳи буларға юзланиб эрди. Эрса бир бод муҳолиф келиб кемага тегди. Кема пора-пора бўлиб, беш юз йигит дарёға ғарқ бўлиб кетдилар. Санобар фалакнинг суфойифидин Олло таолоға қараб бир муножот ўқиди:

Ман кимга айтайин арзи ҳолимни,  
Букун манго охир замон бўлибдур.  
Яратган бирубор эшиг додимни,  
Бугун манго охир замон бўлубдур.

Ёқомни чок этуб йиғларман фарёд,  
Йиқилсун, бузулсун бу чарҳи ношод,  
Ҳайф навжувонлар, қомати шамшод,  
Букун манго охир замон бўлибдур.

Жонима қасд этмуш аё бу оғат,  
Мундин қутилмоққа йўқдур саломат,

Бугун манго келди ваҳми қабоҳат,  
Бугун манго охир замон бўлибдур.

Санобар ҳамдами қудратли раҳмон,  
Мани бу ғамларда қўйма саргардон.  
Аввал дамда охир дамда ҳам имон,  
Буқун манго охир замон бўлубдур.

Аммо Санобар бу муножотни ўқуб, йиғлағондин сўнг Худой таоло күшойиш боғи берди. Бу иккилари дарёни ёқосига чиқдилар. Уч кеча анда қўндилар. Аммо Зевар шоҳни аҳволини Санобар сўраб, Зеваршоҳ жавоб бергани бу туур.

Санобар:

Севгули ҳамдамим, вафодор ёrim,  
Мани кўп йиғлатма ҳолинг нечукдур ?  
Рафиқим, мунисим, ишқим мадорим,  
Нури дийдам, жоним ҳолинг нечукдир ?

Зевар шоҳ:

Арзимни эшитгил азизим шоҳим,  
Ман сўзлайн қулоқ солиб бил эмди.  
Бу дарда тушибман йўқдир давоси,  
Ман ўларман сан бу йўлда қол эмди.

Санобар:

Санго фидо бўлсин бу ширин жоним,  
Тасаддуқ жонинга руҳи равоним,  
Сансан тириклигим шоду шодумоним,  
Ёру меҳрибоним ҳолинг не бўлди?

Зевар шоҳ:

Мани ҳолим бўлди баттардин баттар,  
Ажал бир аждардур охири ютар,  
Ажалнинг наштари жонимдин ўтар,  
Ғаниматдур бу давронлар бил эмди.

Санобар:

Санобар дер эмди бағрим эзилди,  
Санго ҳақдин мундоғ қисмат ёзилди,

Сенинг учун жон жасаддин узилди,  
Юсуфим канъоним ҳолинг не бўлди?

Зевар шоҳ:  
Зевар дер жонима ўтлар тутошли,  
Келиб кўргил кўнглим қона бўяши.  
Жоним чиқиб ўлар вақтим етиши,  
Йиглаб кетай сен ҳам йиглаб қол эмди.

Алқисса, Санобар бирла Зеваршоҳ айтишуб, зор-зор йиглаб бир ох урди.  
Жон баҳақки таслим қилди. Аммо Санобар Зеварни бошини тизига олиб  
ўлтуруб, зор-зор чун абри навбаҳор йиглаб ғариблиқдин бир байт ўқиди:

Ғариблар йўлида ғариблар каби,  
Менинг учун ғариб ўлган Зеварим.  
Гулдек юзинг заъфарондек сарғайиб,  
Менинг учун ғариб ўлган Зеварим.

Ишрат билан ёқа бандинг очилмай,  
Бу дунёнинг шаробидин ичолмай,  
Мехнат чекиб муродига етолмай,  
Менинг учун ғариб ўлган Зеварим.

Ширин сўзлар бирлан кўнгулни олиб,  
Ўртанган ўтлара жонимни солиб,  
Санобар жон бирла дуолар қилиб,  
Менинг учун ғариб ўлган Зеварим.

Ондин кейин Санобар Зеваршоҳни намозини ўқиб омонат деб масжидга  
дағн қилди. Аммо Санобар белиға ғариб камарини боғлаб худаой таолага тугал  
қилиб, танҳо йўлга равона бўлди.

Алқисса неча кун йўл юриб бир боги бўстон кўрунди. Андоғ мурғ зори боғи  
бехиштга ўхшар, булбуллар, тўтилар шукурфишонлар қиласур. Мева беҳад  
пишибдур. Аммо Санобар бу мурғизорни кўриб ишқ-муҳаббати ғалаба қилиб,  
ўзини ёлғузлигини, Гул паризодни ёд қилиб, бу байтни ўқиб йиғлоғони:

Гулистонда юрган тўти,  
Хабар беринг ёрум борму.  
Чамандаги булбул қушлар,  
Хабар беринг ёrim борму.

Асли онинг паризоди,  
Асли эрур Хуршид доди.  
Кечакундуз мунда ёри,  
Хабар беринг ёrim борму.

Санобар қолди хайронда,  
Доим кўнгли ёр нишонда,  
Жоним борму бу бўстонда,  
Хабар беринг ёrim борму.

Алқисса Санобар ул кеча анда қўнди. Тун ёrim маҳалда қўзи уйқуға бориб эрди, эрса боғни ўртасида бир чинор кўринди. Аммо ул боғ ниҳоятда қоронғу эрди. Боғни ўртасида бир дарё кўринди бир вақти бор эдиким, ул дарёдин бир ўкуз оғзиға бир гўҳар тишлаб олиб чиқди. Шосуфада қўйиб ўт ўтламоқға юраберди. Аммо гўҳарни равшанлиги ўн тўрт кечалик тўлган ойдек боғни ичини равшан қилди. Аммо Санобар қўрқиб чинорни учига чиқиб худойи табораки таоло санамиға омонат қилиб гўҳарни шодлиғидин бир байт айтиб турур:

Ғаввосдек жондин кечиб дўстларим,  
Шукур сад лаъли кониға етишдум.  
Соқийнинг қўлидин бодалар ичиб,  
Қайта бошдин чиқғон жонға етушдим.

Бир жой учун бу жойларда ёлбориб,  
Мехнат чекиб заъфарондек сарғайиб,  
Сарроф бўлдим бурон ғалтон ахтариб,  
Шаккар сад бадхушонға етушдим.

Бахтимни юлдузи булдам кўринди,  
Умидим ғунчаси эмди очилди,  
Муҳаббат шароби эмди ичилиди,  
Эрам отлик гулистонға етушдим.

Санобар ўткарма сан ушбу даврон,  
Қўлингдин бермагил бу ганжи пинҳон.  
Ҳақ мұяссар этди бу дурри ғалтон,  
Ёқутли гўҳарли конға этушдум.

Ондин кейин Санобар ул дарахтни ёпроғини узиб ташлаб ул гўҳарни нўшида қилди. Замондин сўнг ул ўкуз ғорга қараб дарёга кириб кетди Санобар худой таоллоға шукри сано келтириб дарахтдин ерга тушиб ул гўҳарни шаънига бу байтни айтди:

Кўрдим бир ўқиз оғзида бир гўҳар ғалтон,  
Ким ҳайбатидин титраб оқар дарёйи уммон.  
Ўт ўтламоққа келди ўшал ваҳший ҳайвон,  
Ким қўйди ер узра чиқариб дурри ғалтон.  
Ул кез қоронғи кечани айлади хуршиди тобон.

Бир турфа хўкузнинг ул сифати жаббор,

Чун күхтани боши они гумбази девор.  
Ким шохи чор ва тили маврудики ғор,  
Бир дамда қилодур ернинг юзини шудгор.  
Азм етди чироқ этмакка бир шами шабистон.

Бу сўзимни дегайман машъал Санобар,  
Ул ваҳший сифатин этайин олама яксар,  
Хуршид фалак чиқди жаҳон бўлди мунаввар,  
Келган йўлини тутди ўшал ваҳший ҳайдар,  
Уммон ичига солди ўзин айлади пинҳон.

Алқисса, Санобар ўз-ўзига дедиким «бу хатарлик жой эркан, бу ерда турғали бўлмас, маъшуқ жонимни истайин» деб паризодни ёд қилиб йўлға равона бўлиб, бир неча кун йўл юриб, бир биёбонға етди. Бир неча сўналар учиб борур эрди маъшуқимға салом дегайсан деб зор-зор йиғлаб бу байтни айтди:

Қора тоғдин учиб ўтган сўналар,  
Арзи ҳолим севар ёрға дегайсан.  
Шабистон шахриға кирсанг сўналар,  
Саломимни севар ёрға дегайсан.

Айланай ёrimни қаро кўз бандин,  
Писта даҳониннан ширин сўзиндин,  
Ҳайрондурман кўриб қадди бўйиндин,  
Албатта ёrimға салом дегайсан.

Санобар дер, қолди ёрдин айрилиб,  
Қанотларим сандин яна қайрилиб.  
Қолдибурман бу чўлларда термулиб,  
Ўшал ёрға бориб салом дегайсан.

Яна хар сахарда Санобар боди сабони орқасидин йиғлаб маъшуқасига салом деб бир ғазал ўқиди:

Эй боди сабо еткур ул ёрға саломимни,  
Хуршиди қамар юзлик дилбарға саломимни.  
Ул хаста сиё зулфи шамшодға саломимни,  
Мастона қаро кўзлиқ хунхорға саломимни,  
Мастона бориб айтғил, ул ёрға саломимни.

Ул сарви хиромоним ул шўхи шамойилдур,  
Кирпиклари қасдимға бир наштари қотилдур.  
Раҳм айласа ҳолимға ул дилбар не мушкулдур,  
Бошимға бало бир дам ҳижронида нозилдур,  
Ҳар лахза бориб айтғил, ул ёрға саломимни.

Шайдойи гирифтори ул қоши қаро бўлдим,  
Ҳижрон ўтида куйдим ўртандум адо бўлдим,  
Ғам даштида Мажнундек ишқинда гадо бўлдим,  
Бир тоза ниҳол эрдим ғам бирла адо бўлдим,  
Албатда бориб айтғил ул ёрға саломимни.

Ҳажринда Самандардек ўтларга туташибман,  
Бир зарра вафо кўрмай ғам бирла улашибман,  
Мажнуни балокашдек чўлларда адашибман,  
Кўксум тилибон ҳар дам қонимға буёшибман,  
Бу наво бориб айтғил, ул ёрға салдомимни.

Жонимға жафо қилғон ул ғамзай коғирдур.  
Мастона сиё чашми ул ғамзай зебардур.  
Бошимға мани гўё юз шеваи маҳшардур,  
Арзини баён этган бечора Санобардур,  
Минг дафъа бориб айтғил, ул ёрға саломимни.

Алқисса, Санобар яна неча кун йўл юриб бир чаҳор боғға доҳил бўлди. Анинг қиёфаси зальфарондек эрди. Санобар ҳаёл қилдики маъшуқамни истайн. Эрса бул жой жодугаларни макони эрди. Санобар билмай хуш ҳолифдин худой талоға шукуру санолар келтуриб, қадам уриб ул боғға кирди. Ўртасинда бир олтун тахт қурилғон турибдур жойки ҳеч жинс одам киргани йўқ эрди. Санобар сайри тамоша қилиб юрур эрди. Ушбу аснода осмон тарафдин бир овоз эшиитдики, «Эй одам ўзинга хабардор бўл» деган. Санобар юқори боқди ҳамона жодугар Санобарга бир овуч тупроқни бошиға сочди. Кийик суратлик бўлиб қолди. Аммо Санобар зор-зор йиғлаб худойи таолонинг иродасиға бир байт айтди:

Қодир Олло, сансан манинг паноҳим,  
Манингдек ҳеч кимни ҳайрон айлама.  
Бир осий қулингман кўпдир гуноҳим,  
Раҳм айлаб қўлум тут, гирён айлама.

Кун бакун аламим бўлди зиёда,  
Ғариблик куйинда бўдим пиёда.  
Ҳеч кимни манингдек фоний дунёда,  
Ёр кўйинда зору ҳайрон айлама.

Ман келурман мунда насибам тортиб,  
Айрилиқ ҳанжари бағримни йиртиб.  
Ҳеч кимни манингдек саргардон этиб,  
Гунчадек рангини хазон айлама.

Ман қаён борайин энди бош олиб,

Кимга дард айтайин кўксимни ёриб.  
Ҳеч кимнинг бошига мундек кун солиб,  
Санобардек ҳолин ёмон айлама.

Алқисса Санобар зор-зор йиғлаб ҳаргоҳ иморатга етиб келиб эшиқдин кирди. Кўрдики, тахт узра бир қиз ўлтурубдур. Санобар ул қизни кўриб бу байтни ўқиди:

Қамар юзлик, ширин сўзлик паризод,  
Чоки гирибонман ғариб ерларда.  
Кийганинг қирмизи, қоматинг шамшод,  
Ҳоли паришонман ғариб ерларда.

Ҳеч ким мендек ёрдин жудо бўлмасун,  
Ёр қўйинда йиғлаб адо бўлмасун,  
Бу ерларда мандин гадо бўлмасун,  
Чоки гирибонман ғариб ерларда.

Ҳар куним бўлубдур хатардин баттар,  
Кеча-кундуз йиғлаб овқатим ўтар,  
Айрилиғ ханжари жонимдин ўтар,  
Бир бағри бирёнман ғариб ерларда.

Қаҳбо фалак солди хатарлик соя,  
Мани топшурдилар сонсиз балоға.  
Муножот айладим қодир худоға,  
Адашғон карвонман ғариб ерларда.

Хуршид шоҳ ўғлиман отим Санобар,  
Бир ёр учун кўп аламдур сийналар.  
Ҳар жоду қўлиға тушган хандалар,  
Саргашта қолғанман ғариб ерларда.

Аммо ул парданинг ичиндаги жодули қизни оти Мехриангиз эрди. Санобар ул қизни олдида юзини ҳоки мазаллатга суртиб йиғлаб турди. Ул қизнинг ичи куюб бир овуч туфрокға қасамёд ўқиб Санобарни бошиға сочди. Дарҳол Санобар аслига келди. Ул қиз сўрадики «Бу диёрға не ердин келдинг» деди, аммо Санобар бошидин ўтган воқеаларни баён қилиб, зор-зор йиғлаб туурур. Аммо Санобарга иштиёқи тушдикни ҳеч тоби-тоқат қолмади. Мехриангиз Санобарни меҳмондорлик учун мажлис ораста қилди. Аммо Санобар хаёл қилдикни, бу давлат-иззат ҳеч кимга вафо этмас, кўнгулни боғламагил, деб ўзиға панд-насиҳат қилиб бир байт ўқифони:

Қувонма кўнглим қувонма,  
Бу дунё ҳеч кимга вафо этмади.

Биревга кийдуриб тожи Хисрави,  
Биревни эл ичра гадо айлади.

Ҳаргиз қувонмагин дунё молиға,  
Эътимод этмағил моҳи солиға,  
Биревни еткуриб ёр висолига,  
Биревга минг турлиқ жафо айлади.

Бу дунёда ҳар ким манманлик этди,  
Фалак охир они бошиға етди,  
Бир неча ошиқлар муродға етди,  
Ҳар нечани ёрдин жуда айлади.

Бу дунёдин ўтди неча давронлар,  
Хазондин қутилмас боғу бўстонлар.  
Ажалнинг илкида беку султонлар,  
Охири ишратдин хароб айлади.

Ошиқлар найласун ёрсиз бу жонни,  
Зиндондур кўзига тахти жаҳони.  
Санобардер ёрни доғи ҳижрони,  
Алифдек қоматим фидо айлади.

Алқисса. Санобар Мехрангизга маҳфий сирини ошкора қилиб зор-зор йиглаб рухсат тилади. Аммо Мехрангиз айтдики, мани ташлаб кетиб ҳайрону саргардон қилуб кўнглингни ўзага хуш қилма, мани унтиб қолмағил, деб ул қиз зор-зор йиглаб юз-кўзини Санобарнинг оёқиға суртуб бир неча далилларни айтиб йиглади. Аммо Мехрангизга тасалли бермак учун Санобар бир байт ўқиди:

Сунбул каби тоза сочин чармаган,  
Оху кўзлик шабистоним хўш эмди.  
Жудоликда бағрларин доғлаган,  
Ширин сўзлик севар ёrim хўш эмди.

Мани кетди дебон бўлма паришон,  
Кўзингдин тўқмагил хуни паришон,  
Бўлсун хаста жоним йўлингда қурбон,  
Қамар юзлик лолазорим хўш эмди.

Не сабабдин қаро кўзинг сузулди,  
Қизил юзинг заъфарондек эзилди,  
Йиглама дилбарим, бағрим эзилди,  
Хўш қилиқлик вафодорим хўш эмди.

Санобардек сансан вафодор ёрим,  
Фидо бўлсун санго руҳи равоним,  
Кўзимнинг равшани вафодор ёрим,  
Ўрта бўйлиқ ғунча даҳон хўш эмди.

Алқисса бу сўзларни айтиб видолашиб йўлга равона бўлди. Ондин чиқиб ўттуз саккиз кунда бир тоғ қўрунди. Ул тоғни орасига чиқиб худойи табораки таолонинг сафиға томоша қилиб ўлтуриб кўрдики, бир тарафида кунбаз кўринди. Санобар кунбазга кириб бир фасл истироҳат қилмоғга борди. Аммо Санобарнинг кўзи уйқуга борди. Тушида чилтанларни кўрди. Назари илтифот қилиб майи ваҳдати оллодин ичирдилар. Масти лоақал бўлиб, кўзига арши курси лавҳи қалам кўрунди. Ўзи мастликдин кўрган аломатларини айтиб бир байт ўқуди:

Арзимни эшитинг, азиз эшонлар,  
Аввало чилтанлар борини кўрдум.  
Қўлида пиёла, ёнида шарбат,  
Анда қирқ қаландар қорини кўрдим.

Бир коса май бериб қилди мастона,  
Олиб ичиб бўлдим дали девона,  
Наззора айладим, боқиб алмона,  
Етти қат осмонни борини кўрдум.

Уларни ичинда тўла фаришта,  
Ботин кўз одамлар кўрдум ҳар ишда,  
Тубидур хатини кўрдум беҳиштда,  
Онда булбулларни созини кўрдум.

Расулни ҳам кўрдум уммат ғамида,  
Саҳоба ёнида кавсар лабинда,  
Ҳар қайси бир ёнда коса қўлинда,  
Расулни тўрт севар ёрини кўрдум.

Тўртинчи оламда ҳазрати Исо,  
Тўртинчи фалакда масжиди қазо,  
Бу мақомға етган жами анбиё,  
Жаброил мақомин ул жойда кўрдим,

Бу дунёни кўрдим йўқдур вафоси,  
Ғаниматдур они йўқдур давоси,  
Ҳазрати Мусони қўлда асоси,  
Муножот айлаган тоғини кўрдим.

Май ичидин жоним тўлди дигархун,  
Кеча-кундуз тинмай чиқарди тутун,

Иброҳим Ҳалилни кўндумрак учун,  
Номардни ёндириған норини кўрдим.

Насимиини терисини сўйдилар,  
Сомон тиқиб дарвозада қўйдилар,  
Бошини тухматлар билан кесдилар,  
Мансурни осилған дорини кўрдим.

Санобар дер, тинмай фифон айлагил,  
Ҳақ таолодин ҳар дам фано тилагил,  
Оғзинг очиб дурри сано айлагил,  
Худонинг қулларин барини кўрдим.

Алқисса, Санобар мастиқдин ҳушёр бўлди. Ондин сўнг йўлға равона бўлди. Ондин туриб олтмиш кун деганда бир боғ кўрунди. Ул баланд боғнинг ичига кириб гул-гулзорда тамоша қилиб юрадур эрди. Аммо ул боғ Зангиларнинг жойи эрди. Баногоҳ зангилар Санобарни кўриб тутиб боғлаб, улуғининг олдиға олиб бордилар. Санобар ўзини банди занжирда кўриб зор-зор йиғлаб туриб бир байт ўқуғони:

Ишқ ўтида ёна-ёна гул юзим сўлди найлайнин,  
Ўртаниб дарду хижона паймонам тўлди найлайнин.

Қўлимдин кетди дармоним ҳазон бўлди гулистоним,  
Йиғлашиб ёру-ёроним рақиблар кулди найлайнин.

Нелар кездим тоғу тузни топа олмадим ёр йўлинин,  
Бу шум фалакни кунини бошимға солдим найлайнин,

Ўлдим айрилиқ қўйинда қолдим ғариблиқ йўлинда,  
Икки қўзим ёр йўлинда термулиб қолди найлайнин.

Тушумда кўрдим бир пари, бўйнима солди қўллари,  
Тешибон ишқни ҳанжари ёrim тилади найлайнин,

Санобар дер, бу фурсатда билмадим кетди не фурсат,  
Бизга бузилғон бу қисмат Оллодин келди найлайнин.

деб бу сўзларни айтиб йиғлаб туриб эрди. Ул зангининг қизи кириб келди. Санобарни кўриб андоғ иштиёқи тушдикি отасиға киши юборди. Бу ажойиб сайридурғон экан, деб отаси бир олтун қафас қилдурууб берди. Санобарни қафасга солиб, маҳкам беркитиб кечакундуз ўзи бирлан тутди. Ул қиз кўрса Санобар қафас ичинда бадҳол ўлтуратур. Қиз айттики «бу не ҳолдур. Олтун қафасда хафа бўлиб ўлтурмок, бир сайраб берсанг, ё менинг шону шавкатимга бир байт ўқуғил теди. » Санобар қизни таъриф этуб бир байт айтди:

Тарифинг айтайин жумлаи маston,  
Қозондек қародур кўзларинг сенинг.  
Жону дилим бирла айтай бир достон,  
Мараздур, яродур кўзларинг сенинг.

Сочинг аргамчидур, қаддинг минора,  
Қулоқинг ўхшайдур шохи чинора,  
Манго боқиб кўп сўзлама беоро,  
Захарлик аччуғдур сўзларинг сани.

Қаддинга кийибсан қаро либосни,  
Мусулмонлар учун бўлдинг саноси,  
Қўлингни узатма, кўпдур изоси,  
Девларга ўхшайдур нозларинг сани.

Санобарни уят ўлдурди доғинг,  
Ажаб бадномадир бошдин-оёғинг,  
Қаронғу гўра ўхшар гўрсам оғзинг,  
Зимиштона ўхшар ёзларинг сани.

Алқисса зангилар бу сўзни эшишиб, эшикни маҳкам банд айладилар.  
Санобар ўзини бу аҳвол бирла банди-занжирда кўриб йиғлаб, бир байт ўқиди:

Ман найлайин нозик қўлим боғланди,  
Ёр юзингни кўрмас бўлдим найлайин.  
Бу зангилар ўлтурмакка қасд қилди,  
Ёр жамолин кўрмас бўлдим найлайин.

Қаҳбо фалак оғу қўшди оshima,  
Тугамас савдолар тушди бошима,  
Ҳеч ким раҳм айламас қонли ёshima,  
Ёр жамолин кўрмас бўлдим найлайин.

Жудолиқдин мани бағрим эзилди,  
Пешонамға шум қисматлар ёзилди.  
Эмди билмам жон жасатдин узилди,  
Ёр жамолин кўрмас бўлдим найлайин.

Санобарни пири ё Шоҳимардон,  
Зангилар қўлида қолдим мен ҳайрон,  
Раҳм айла, қўлим тут, қўйма саргардон,  
Ёр жамолин кўрмас бўлдим найлайин.

Алқисса, Санобар бу муножотни айтиб, йиғлогандин сүнг ғойибин бир күл пайдо бўлди. Қафас бирлан кўтариб бир биёбонға ташлади. Эрса худойи таолоғо тугал қилиб йўлиға равона бўлди. Уч кеча кундуз йўл юриб бир чанглга кирди. Ул ваҳшийларнинг жойи эрди. Рўдопой келиб Санобарни устиға минди, рўдопосини чирмади, зиёда дард қилди. Баногоҳ ул аҳвол, бирла борғон ҳамон ўзини ўтға ташлади. Рўдопой куйиб ҳалок бўлди. Санобар яна ўзини ўтдин саломат чиқариб худой таолога шукури сано бисёр келтуриб, фалакни бевафолигидин шикоят қилиб, бир байт айтди:

Бир балодин қочдиму юзминг балоға учрадим,  
Ҳар замон юзминг жафо бирлан балоға учрадим.  
Қон ютуб ҳар лаҳзада дарди бедавоға учрадим,  
Найлайн эй дўстлар, ман рўдопоға учрадим.

Шум фалакни гардиши ҳаргиз мани шод этмади,  
Ҳаста кўнглумни бало ғамидин озод этмади,  
Ойру тушдим ёру-ёроним мани шод этмади,  
Ман каби ҳеч кимсани бу чархи ношод этмади,  
Ман ғарип ёлғузлиқимда рўдопога учрадим.

Бу манинг ҳолимни кўрса барча жон йиғлар манго,  
Дод этай бегона ва ҳам ошнолиғлар манго,  
Оҳу ноламни кўруб шоҳи гадо йиғлар манго,  
Раҳм этиб ҳолимға ҳар бенаво йиғлар манго,  
Бу бало етмасмиди ман рўдопоға учрадим.

Эй худойим, айлагил ғамдин Санобарни раҳо,  
Ҳеч мусулмон бўлмасун ғамга манингдек мубтало,  
Бўлмишам тири фано ичра гирифтори бало,  
Лутф этуб ё ҳазрат пайғамбар қарам айла манго,  
Найлайн эй дўстлар ман рўдопоға учрадим.

Андин кейин қўлиға тиф олиб қолған рўдополарни қувлаб бир сўз айди:

Йиғлаша кўр рўдополар бўлди охир замон санго,  
Кўп ёлборсанг савдо айламас эмди охир замон санго,  
Бошинг кесарман бу соат жонингга солиб қиёмат,  
Фикр қилмоғим не ҳожат эмди охир замон санго.

Сани бошингни кесарман, ширин жонингни олурман,  
Танларингни қилиб пора, кўргузурман нишон санго.

Санобар дўстлар ўлмасун, рақиблар ҳаргиз қолмасун,  
Ҳақ таоло рўзи қилсун жаҳаннамни макон санго.

Ондин сўнг Санобар чангалда рўдополарни ўлдириб тамом қилди, бир нечаларини оёғидин боғлаб дарахтга осиб қуиди. Андин кейин фикр қилдики «бу ерлардан кетмасам бўлмас», деди. Худой таолога тугал қилиб, яна йўлиға равона бўлди. Етти-кеча кундуз юриб, бир тоғ кўрунди. Тоғни узасиға борса бир тоғ эркан. Ул ғора кириб ётди. Аммо бир кун тушлик маҳалда Семурғ ул ғора қўниб бир фасл истироҳат қилиб кетар эрди. Туш вақти бўлди. Санобар орқасидин бориб қушни бармоғини бориб тутди. Қуш учиб парвоз қилди. Санобарни самога еткурди. Санобар қўрқиб минг жонимдин бири қолмас деб худой таолога сифиниб, нола қилиб бир байтни ўқиди:

Санамингдин оламни ёратғон жаббор,  
Ҳеч бандангни баҳтин ёмон айлама.  
Қудратингдин мани қилдинг паришон,  
Раҳм айла, ма қўлум тут гирён айлама.

Йиғламоқдин кўз ёшларим қон бўлди,  
Бағри қоним сув бўлибон сизулди,  
Яъқуб пайғамбардек Юсуфим қолди,  
Мандек дийдасини гирён айлама.

Бу йўлдин ўтдилар Юсуфи Кањон,  
Зулайҳо ҳажридан йиғлади ҳамон.  
Оламни яротғон қудратли раҳмон,  
Мандек ҳеч ошиқни ҳайрон айлама.

Лайлию Мажнунлар ошиқу жавлон,  
Бу фоний дунёдин ўтдилар гирён,  
Ҳеч одам ўғлини қудратли раҳмон,  
Санобар ошиқдек гирён айлама.

Деб бу сўзларни айтиб эрди. Баногоҳ ул қуш ғорға қўнди. Санобар Семурғга қараб паризодни шаънини айтиб зор-зор йиғлоғони:

Тахт устида ётиб эрдим бир кеча,  
Тушимда бир турфа нолон кўринди.  
Таърифин айтайнин они бир неча,  
Хусн нури моҳитобон кўринди.

Қошлари ҳилолдур, кўзлари мастон,  
Кўрган одам бўлур хуснига ҳайрон,  
Ул солди бошима тугалмас хижрон,  
Манга бир давлатли Султон кўрунди.

Паридур кийгани экан қирмизи,  
Оти Лолагулдур шоҳ Фарруҳ қизи,

Шакардин шириндур ҳар айтғон сўзи,  
Манга ғунча даҳан жонон кўрунди.

Бир ажаб кўрунди суврати Дилбар,  
Қўли тархиноли ҳусни мунаввар,  
Сўзи ширин тиллари эрур шаккар,  
Шундоқ карашмали жонон кўрунди.

Санобар дер будир ҳоли аҳволим,  
Кеча-кундуз фикрим будур ҳаёлим,  
Назаримдин кетмас кўзлари золим,  
Шундоғ бир фитнайи даврон кўрунди.

Алқисса, Санобар бу аҳвол бирлан зор-зор йиглади ва яна Семурғга ёлбориб  
бир байт ўқуди:

Сулаймон семурғим эй шохи хўбон,  
Ҳамиша давлатинг барқарор ўлсун.  
Сенга бир неча йил бўлсун бу даврон,  
Оламда паноҳинг биру бор ўлсун.

Манзилгоҳинг бўлсун Масжиди ақсо,  
Тўртинчи фалакда ҳазрати Исо,  
Ошиқлар сарвари Юсуф, Зулайҳо,  
Алар келиб санго мададкор ўлсун.

Хизир бирлан Илёс Ғовсул пайғамбар,  
Ҳизматингда бўлсин алар муқаррап.  
Абу Бакр, Умар, Усмон ҳам Ҳайдар,  
Мададкоринг сани чаҳор ёр ўлсун.

Аё мени қўлим тутғил ё Жаббор,  
Мададкорим бўлғил ўзинг биру бор,  
Тангрини Ҳабиби, Аҳмади Мухтор,  
Душманларинг келиб санго ёр ўлсун.

Отим Санобардур ман бир фақирман,  
Неча йилдур ғам кўйида асираман,  
Бошингдин ўргулай ман санго дерман,  
Санго бу сўзларим эътибор ўлсун.

Аммо Семурғ бу сўзларни эшитуб, англаб раҳми келиб айдики, андоғ бўлса  
маъқул шикор қилғил деди. Санобар шикор қилиб, неча кийикларни тулумча  
қилиб сўйиб тулумларға сув олиб, тулумларни гўшт бирлан шакар танг қилиб,  
бир тарафга гўштни қўйди, бир тарфга сувни қуиди, ўзи ўртаға минди. Ул қуш

парвоз уриб йўлга равона бўлди. Бир неча ўтлиғ, музли тоғлардин ўтди. Санобар ҳаёл қилдики Семурғ учрамаса етмаким маҳол эркан деб, фикри ҳаёл бирла юрди. Ўнг тарафга қараса сув берди, чап тарафга қараса гўшт берди. Эрса қирқ қунда Шахри Шабистонни қароси қўрунди. Шаҳарга яқин ерда тушиб қўюб дедики «Эй Санобар, мани бу шаҳарга кирмакима йўл йўқ ». Ўзи ёлғиз шаҳарга кирди. Кирса тамоми девлар уйқуда ётибдур. Бу девларни орасидан ўтиб паризодни ўрдасига кирди. Кўрса маъшуқа тахтнинг тепасинда ётубдир эркан. Машуъкини кўриб таниға ларза тушиб жамолига назар қилиб бир байт ўқиди:

Мажнун бўлиб гулистонда гашт айлаб,  
Шукр олло бу савдоға етибман .  
Бир лайлини ҳасратида қон йиғлаб,  
Ғунчали бўстонли жоя етибман.

Зимистон фаслида бўлибдур ёза,  
Баҳорим гулшани бўлубдур тоза,  
Барчаси қўйибдур юзин намоза,  
Бир қизиқлик тамошаға етибман.

Ақлимни лол этиб орзу хаёли,  
Шакардин шириндур лаълини боли,  
Бир паридир ҳусни хури машъали,  
Оҳу кўзли севар ёра етибман.

Бирисидур малак, бириси ризвон,  
Гўё жаннатдадур ҳур ила ғилмон,  
Эшиги айвонлик, ғунчалик бўстон,  
Турфа боғли мусаффога етибман.

Тахт устида ётмиш бир ажаб дилбар,  
Зулфига боғлаб юрмиш баҳосиз гўхар.  
Шоҳ Хуршиднинг ўғли отим Санобар,  
Бир ажойиб Шабистонға етишдим.

Аммо соатдин кейин парилар уйғониб, ҳозир бўлиб дедиларки, «Бу қунда кимнинг бошиға ажал этиб эркан, қиличларимиз бурродур» деб ҳозир бўлишиб турди. Санобар бир панага ётиб буқиб бу байтни айтди:

Ғамдин қутилмоғон меҳнатли бошим,  
Кунда юз ҳижронга тўлди найлайнин.  
Вафоси йўқ чун фалакни гардишин,  
Туганмас савдолар солди найлайнин.

Боғбон бўлиб гулларини термадим,  
Булбул бўлиб гул шоҳига қўнмадим,

Ёрға етиб шаккар лабин ўпмадим,  
Кўнглумда армоним қолди найлайин.

Яхшилик изладим юрдим ҳар ёна,  
Ки на суд айладим бўлди зиёна,  
Ҳар қиё боқиши дурри ягона,  
Ақлимни лол этиб олди найлайин.

Зулфига боғлабдур баҳосиз гўхар,  
Бошима ҳар замон етар савдолар,  
Кўзларимдин оқар қонли ёш дерлар,  
Ғарқ айлаб жаҳонни олди найлайин.

Санобардур, дерлар менинг одимни,  
Шум фалак бермади қўнгил шодимни,  
Ҳеч англамас кимга қилсан додимни,  
Яхши куним ёмон бўлди найлайин.

Алқисса, Гул паризод Санобарни олдириб келиб, Санобарни кўриб, таниб зор-зор йиглабдур:

Хуш келибсиз севар ёrim,  
Қутлуғ бўлсин макон сизга.  
Тушимда кўрган дилбарим,  
Садқа бўлсун бу жон сизга.

Ҳажрингда тинмай йиғладим,  
Келиб бағри қона тушдим,  
Юриб нишонинг изладим,  
Тополмадим нишон сизга.

Тарқ айла дунё молини,  
Ўпгин лабимнинг болини,  
Очғил сийнамнинг бандини,  
Булдур тахти равон сизга.

Бир гулум санинг дастингда,  
Бўлмасун рақиб қасдингда,  
Токи ўлгунча васфингда,  
Ман бўлубман қурбон сизга.

Алқисса Малика бу сўзларни англаш ўрдасини ойна бандлик қилдуруб бу икки дилбар бир-бирига мавосил бўлди. «Ҳар киши ишқ йўлиға бел боғласа муродига етар » дебдурлар. Аммо Санобар мундоғ айш-ишратда ўлтуриб бир оҳ тортиб йиғлади. Маликани кўнгли бузилиб дедики «Яна мандин бошқа

маъшуқинг борму», деб ўқсиб ул ҳам йиғлади. Аммо Санобар паризодға аслини билдурмак учун бир байт ўқуди:

Ногохондин дедим маству мастона,  
Чашми жодугарим ёдума тушди.  
Ҳусна камолиға бўлиб парвона,  
Зарафшон кокилинг ёдима тушди.

Ногохондин кўриб гулни қошинда,  
Сарви хиромоним кўрдум чаманда,  
Қўл солибон келдинг гулнинг ичинда,  
Қадди баркамолинг ёдима тушди.

Мен сенга ошиқлиқ лофини урдим,  
Неча йиллар йиғлаб ҳажрингда юрдим,  
Ойдек жамолингни шаъмини кўрдум,  
Лабларинг холлари ёдима тушди.

Хуршидшоҳни ўғли отим Санобар,  
Сан ёр учун ҳаста жоним мукаддар.  
Хотиримдин чиқмас яхши ҳамдамлар,  
Мусоҳиб бекларим ёдима тушди.

Алқисса бу сўзларни англаб паризодни кўнглитаскин бўлиб, бир-бириға алёр бўлдики, олтундин тахт ораста қилиб бу икки дилбар тахт устида ўлтурибдилар. Девлар осмон баробари кўтариб Чин шаҳрига равона бўлди. Мехрангизни жойига етиб келганида Санобар маликага ҳолини айтиб бир-бир баён қилиб бир сўз айди:

Нозик дилбар арзи ҳолим айтайнин,  
Чархни кўргил, манго жафо айлади.  
Бировга кийдуриб тожи Ҳусравни,  
Бировни эл ичра гадо айлади.

Бировга еткуриб беҳад кулфатни,  
Бировга дуч этиб нокас улфатни,  
Бировга баҳш айлаб тожи давлатни,  
Бировни баҳтини қаро айлади.

Инисин айирди яхши оғадин,  
Ҳасрат бирлан ўтди фоний дунёдин,  
Қизларин айриб мушфиқ онадин,  
Отани ўғулдин жудо айлади.

Бир қисм туфроқдин инсон яратди,

Юз йигирма тўрт минг пайғамбар ўтди,  
Расул бирлан Сиддиқ оламдин ўтди,  
Ўрнига Умарни эшон айлади.

Бирорга ичирди лолагун шароб,  
Бирорин бағрини бир ён ҳам кабоб.  
Бирорни кўнглини айлади сероб,  
Ёр учун ҳолини ҳароб айлади.

Вомиқ Азро бирла Шируну Фарҳод,  
Бу фоний дунёдин ўтдилар ношод,  
Фалакни илгидин дод ила фарёд,  
Ҳар кимга бир турлик жафо айдади.

Лайли бирла Мажнун ошиқи шайдо,  
Буларнинг бошиға тушди минг ғавғо,  
Бу дунё қилмади ҳеч кимга вафо,  
Охир жумласини фано айлади.

Ҳазрати Довутни ўғли Сулаймон,  
Билқисни ҳажрида йиғлади чандон,  
Ёқуб ўғли учун дийдаси гирён,  
Юсуфни Канъондин жудо айлади.

Ҳазрати Расулни ўғли Иброҳим,  
Жамолиға муштоғ этдилар доим,  
Амр айлаб жонини олди Худойим,  
Севиклик фарзанддин жудо айлади.

Бирорни айлади восили давлат,  
Ҳар кишига берди дард ила меҳнат,  
Ҳар неча қилурлар айш ила ишрат,  
Ҳар неча ёридин жудо айлади.

Сани ишқинг мани қилди девона,  
Ғамингдин бош олиб кетдим ҳар ёна.  
Чидолмай йўлингда юрдим ҳар ёна,  
Беш юз йигит манго ҳамро айлади.

Сансан Санобарни вафолиғ ёри,  
Фидо бўлсин санго руҳи равони,  
Мухтасар айладим ушбу сўзларни,  
Фоний дунё кимга вафо айлади.

Алқисса паризод Санобарни бу сўзини англаб яна маълуллик етиб ҳаёл қилдики, эҳтимол бу ерда бир нимарса бордир, йиғлаб ўлтурди. Аммо Санобар паризодни маълуллигини билиб бир байт ўқиди:

Қамар юзлик, шакар сўзлик дилбарим,  
Сандин ўзга севар ёrim йўқ мани.  
Тоза гулистонда мохи анварим,  
Ҳасратингда ҳеч қарорим йўқ мани.

Мани кўнглум сани кўрса бўлар шод,  
Жамолинг ғайбидин ким бўлур озод,  
Юзингдин нур олай боқиб бот-бот,  
Сани кўрсам ихтиёrim йўқ мани.

Санго фидо бўлсун бу ширин жоним,  
Бир замон кўрмасам йўқдур қарорим,  
Сансан тожи сарим руҳи равоним,  
Сандин ўзга лолазорим йўқ мани.

Неча йиллар кездим бўлиб дарбадар,  
Сен эрурсан бу озордин бехабар,  
Ишқингда бўлибман мисли Самандар,  
Сандин ўзга гулузорим йўқ мани.

Аммо Санобардин бу сўзларни англаб, паризодни кўнгли таскин топди. Санобар Мехрангизни қилғон вафолигини бир-бир таъриф қилиб, андин кейин паризод ул қизни олдуриб келиб, бу икки дилбар тахт устида ўлтурди. Аммо Санобар бу икки дилдорни шаънига бир байт ўқиди:

Икки дилбар тахт устида ўлтурмиш,  
Хусни онинг бир давлатли ҳамсоя.  
Икки ойни ҳақ мұяссар айламиш,  
Бири кун, бири мангзар тўлон оё.

Бирини бошида мурассасъ тожи,  
Бирин хусни олур кўрган хирожи.  
Ман бўлубман иккинчисин мухтожи,  
Ситам айлаб мани солди хатоя.

Неча йил сени деб чекдим мен озор,  
Шукр санго етурди ул биру бор,  
Санобарни Гулпаризод ёри бор,  
Ўхшатурман бирин булбул шайдоя.

Алқисса андин сўнг бирла йўлға равона бўлди. Неча кун йўл юриб, дўст-ёронлари ғарқ бўлғон дарёға етдилар. Ул дарёдин олдинда чодир боргоҳни тикдилар, бир неча кун ул ерда айш-ишратға мойил бўлдилар. Аммо Санобар хаёл қилдики, бир чибинни буюрдик «бориб отамға хабарни еткургайсан» деб, юборди. Ул чибин ҳабар берди. Подшоҳ ўғлини хабарин эшитиб тожи гўвҳарларин сўйинчига бериб, худойи таолоға шукури сано келтуриб, зор-зор йиғлаб, муродига етканига бир байт ўқиди:

Шукр олло даргоҳингда мақсадимиз ҳосил бўлди,  
Биздин кетган давлат қуши қайта бошдин нозил бўлди.

Кўтарилди ҳижрон шаби, топилди кўнгил матлаби,  
Чиқди кўнглимни кавкаби ёнди пири комил бўлди.

Эшигинлар оҳу зорим хуш бўлинглар дўсту ёрим,  
Руйи сиёҳ рақибларим ҳасрат чекиб залил бўлди.

Келди барчани дилхуши қувнаб қавми-қариндоши,  
Булбул бўлур кўнгил хуши бу гулшанга мойил бўлди.

Йўлингдаман интизорим ҳажридаман бекарорим,  
Хуршид айтар будур зорим гул юзлигим зоҳир бўлди.

Алқисса, Хуршидшоҳлар лашкари бирлан беш кунлик йўлға ўғлини йўлиға чиқдилар. Ўғли бирлан сихату саломат кўрушдилар. Аммо Санобар шаҳар ичиндаги ёронларини, қариндош-уруғини тинч-омонлигини сўраб истаб, онаси бирла хўб йиғлашди. Йўлларда жабру-жафо тортғонларини айди. Алқисса бу сўзларни дегандин сўнг подшоҳ ўғлини шаҳарга таклиф қилди. Аммо Санобар ҳижолатдин юзини отаси оёғига суртиб кўп йиғлади. Айдики «Эй ота ман шаҳарга нечук кираман. Менинг бирлан чиқғон ёронларим бу дарёда ғарқ бўлуб ҳалок бўлди» деб отасига зор-зор йиғлаб турди. Отаси айдики «ўғлум кўп зори қилма худой таолодан тиласанг берур», деди. Алқисса Санобар бу сўзни ҳозиқи музаллатға суртиб, муножот қилдики илоҳо поко парвардигоро аҳадо, самадо, маъбудо масжудо, агар мани бандаларинг қаторида кўрсанг дарёға ғарқ бўлғон ёронларимни сихату-саломат қайтариб бергил, деб муножот қилиб жами пайғамбарларни ёд этиб шафия келтуриб мани бу зорлиғда қўймоғойсан деб шул муножатни ўқиди:

Қодир Олло, сансан мани паноҳим,  
Мушқулум осон эт қўйма бу зора.  
Бир осий қулингман кўпдур гуноҳим,  
Мушқулум осон эт қўйма бу зора.

Барчанинг отаси одами Сафи,  
Одам пайдо бўлди сонсиз минг Вали.

Иброҳим, Исмоил ё Нуҳи Наби,  
Мушкулум осон эт, қўйма бу зора.

Каъбани стуни Ҳаннону Маннон,  
Нолишимдин титрар, бу етти осмон,  
Баҳақки Иброҳим Ҳалилу Раҳмон,  
Мушкулум осон эт, қўйма бу зора.

Умматларға беҳишт паноҳи бўлғон,  
Умматим, умматим дебон йиглоғон,  
Баҳақки хурмати шул фахри жаҳон,  
Мушкулум осон эт, қўйма бу зора.

Ҳасан бирла Ҳусайн шаҳиди олам,  
Сани даргоҳингда бўлди мукаррам,  
Санобарга раҳм этиб баҳақки хотам,  
Мушкулум осон эт, қўйма бу зора.

Алқисса Санобарни бу қилғон муножоти ҳақ субҳона ва тангри таолонинг даргоҳида қабул бўлди. Амри шарифи бирлан Ҳазрат Ҳизр Алайҳиссалом дарёга ғарқ бўлғон ҳалойиқларни кемаси бирлан сиҳату саломат чиқариб бердилар. Аммо Санобар булар бирлан кўрушиб муборакбод қилиб, яна хаёл қилди, Зафар дўстим қаёнда қолди экан деб. Шул фикрда туруб эрди. Бир тарафдин ул пешларини қистуриб чиқиб келди. Айди: «Эй жоним биродарим, сан ҳақ таолодин жами ёронларингни тиладинг. Мани не учун ёд қилмайсан.», деди. Бир-бирлари бирлан кўрушуб, зор-зор йиглашдилар. Ҳамма ғуссалар кўтарилиди. Андин кейин Санобар паризодларни ўз шахрига таклиф қилди. Уч юз йиллик йўлни парилар қирқ кунда олиб Чин шахрига еткурди. Булар ҳаммалари сиҳатусаломат ўз шахрига кирдилар. Ота-онаси бирлан кўришиб қирқ кеча-кундуз тўй, ҳангомалар қилиб, Санобар ўнг қўлиға Гулпаризодни, чап қўлиға Мехрангизни иқдиникоҳ боғлади. Андин кейин бу икки дилбарни таҳт боланишинида ўлтурғиздилар. Ул қуни хушвақтлик бўлиб, ошиқлар муродига етдилар. Илоҳо бизингдек ғарибларни ҳам мурод-мақсадига еткургайсан, омин. Ёраб бил оламин тамматул китоб баавни маликул ваҳҳоб.

## ҲУРИЛИҚО ВА ҲАМРО

Қадимги айёминда, ўтганки давринда йигитларга достон, қарриларга боғи бўстон Миср деган катта бир вилоят бор эди. Ана шунинг Хисров отли бир подшоси бор эди. Хисров шоҳнинг-да, Қосим деган вазирининг-да фарзанддан-зурёдан оти-зоти йўқ эди.

Боракалло Хисровшоҳ Қосим вазирга маслаҳат қилди, эй ваъзири аъзам, қани экавимиз дунёдан фарзандсиз, зурёдсиз ўтаверамизми? Тақсир, худонинг фармонина бўйин сунмак лозимдур, деди вазир. Ана вондий бўлса, маслаҳатинг

бўлса айтабер. Қосим вазир айтди эй шоҳи олам, энди не-да бўлса баҳтимиздин кўрамиз. Авлиё, анбиё тунаб кўрармиз.

Шул ороликда Қосим вазирнинг кампири олтмиш саккиз ёшинда ҳомиладор бўлди. Орадан ой ўтди, кун ўтди, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа-да бир ўғли бўлди, отини Ғуломжон қўйди.

Уч кечакундуз тўй-томуша берди. Ана Миср вилоятининг қози-калон, вазири аъзам, ёшулли-ёшкиччи, оқ соққол, қора соққол, оқ телпак, қора телпак ҳаммасини чақирди. Ана булар кела берди, боракалло, ана Қосим вазир тўйга келганларни кутиб ола берди. Ана бунинг хабарини эшишиб, фуқаро, халқ қаторинда Хисров шоҳ ҳам ўзининг вазири аъзамлари билан кўчага сифмасдан салдов тортиб бўлак келаберди. Алғараз Қосим вазирнинг маракасининг ичинда тандирнинг бошиндоғи, ўчоқнинг бошиндоғи, ошпазлардан, пешвозлардан, ўтинчилардан ҳаммаси ўтириб, боракалло, ана тўй-маракада шоху-гадо бир турур, фарзандсиз, зурёдсиз одамни тўй-маракага келмаки қодоғон турур деб тўрт соний жолотой, сирғиё қал йигит бор эди. Ана бириси келиб, Хисровшоҳнинг отини жиловлади, бириси келиб бир жанггалди отининг қўйруғига маҳкам сириб танғиди. Ана бириси келди бир кади сувди келтириб Хисровшоҳнинг отининг бу ёғина, бу ёғина сепа берди. Асовда турғон бедов от, ана сувдинг чойпилувина чидолмасдан қулоғини қимиб, оғзини қонордай очиб, юқориға сакраб кўтарилди, ана қўйруғин қисғон сайин жанглал кўтина санчила берди. Ана жонивор Хисровшоҳни олиб қочиб ўта кетди. Ёлпилдап шу боришина майхонасини етти айлантириб, гуркираб, кишнаб рос ташлади, Хисров шоҳ ер бағирлаб ёта берди. Хисров отдай оҳ урди, итдай овнади, водариғо, деб ёта берди. Ана вазири аъзам шоҳни келганиннан хабардор эди, қаерда ўтиргониннан, қайси ҳужрада ўтиргониннан бехабар эди. Ана шоҳдан хабар тутайин деб борса ҳеч ерда шоҳ йўқ. Ҳай, халойик, шоҳни келганиннан хабаримиз бор, қаерда ўтирганиннан хабаримиз йўқ, қани шоҳдан хабарингиз борми, деб хизматкорлардан сўради. Шоҳ бўлса ўз кўргилигини кўриб уйида оҳ тортиб ётғон эди. Вазир буни эшишиб, тўйни тарқатиб, кавушини ўнгли-терсли кийиб, қатти таёғини белина қистириб, ана кўчанинг юзи билан, шоҳнинг кетган изи билан борчасина қараб жўнай берди. Қосим вазир боргоҳа борди, борса, шоҳ отдан ағдарилиб, отдай оҳ уриб, итдай овнаб ётиби. Вазир айтди, эй шоҳи султоним, каллангизни кўтаринг, мунчалик ношукур бўлманг ёки манинг тўй берганимга сизнинг қаршичилигингиз борми? Ана шоҳ калласини кўтартмади, беҳуш ҳолда ёта берди. Вазир ёнида туриб, эй шоҳи олам, биздан олдинги ўтган шоҳу гадолар, пайғамбарлар, вазири аъзамлар, ёшулли-ёш киччиларнинг бириси-да газзик-газзикинда, ўз баҳтиннан кўриб, зурёдсиз, фарзандсиз, ўғилсиз-қизсиз ўтган, ношукур бўлманг, шукур қилсангиз олло-таолонинг хазинасинда фарзанд кўп, деб подшоҳга кўнгил бериб, алина созини олиб, қоптолинди ўтириб бир неча ерлардан тимсол келтириб, беш калима ғазал айтди, ғазали Қосим вазир, эшитувчилар, Хисров шоҳ, ёниндаги, даварак-дешиндаги одамлар:

Эй султоним, бу дунёдан,  
Кимлар ўтмади ўғилсиз.  
Бир Худонинг севар қули,

Расул ҳам ўтди ўғилсиз.

Одамзод турар бош билан,  
Юзин ювди кўз ёш билан,  
Қобилни урди тош билан,  
Ҳобил ҳам ўтди ўғилсиз.

Муножот тоғина чиққан,  
Умматнинг чироғин ёққан.  
Пайғамбар жандасин кийган,  
Ваис ҳам ўтди ўғилсиз.

Ўғилсизлар чекар заҳмат,  
Қизли уйга ёғар раҳмат.  
Худонинг дўсти Муҳаммад,  
Пайғамбар ўтди ўғилсиз.

Қосим дер ҳаққа бандасан,  
Гуноҳинг бўлса зиндасан.  
Улар ўтган дининдасан,  
Шукр айла ўтдинг ўғилсиз.

Бу сўзни эшитиб, Хисров шоҳ қалласини кўтариб, боракалло вазири аъзам, ёқти куним йўлдошим, дардли куним дардкашим, ақллим, ховондорим, муҳрдорим, қани маслаҳатинг бўлса бер манго, деди. Маслаҳатим, подшоҳим шулдир, Энди олдингизда авлиё, қабристонлик бўлса бир тунаб кўрсақ, ҳеч кимга билдирамасдан, элу ҳалққа билдирамасдан, қаландар либосларини кийиниб, кади-падини осиниб олиб, бадар кетсақ, деди. Ана мунинг айтгани подшоға маъқул бўлди. Эй вазири аъзам, Қосимжон дўстим, бу айтганингни этамиз, деди. Қаландар либосларини кийиниб, сахарни файзли вақтинда, саҳобаларни юрган вақтинда, баҳт эшикларини очилиб ёпилиб турган вақтинда ҳу, ҳақ, деб подшоҳ чўли биёбонга равона бўлиб ўта кетди. Ана шу боришина уро-ур, суро-сур, ничча манзил йўл юрди, саккиз кун ўтиб, тўққизланчи кун деганда, намозгарнинг вақти эди. Ана катта йўлнинг усти эди, йўлнинг бўйи, чангальзор, тўғай эди. Тўғайнинг ичиндан оралаб, етти оқ қўйни ҳайдаб, узун бўйли, сариқ соққол, қўй кўз бобо, сариқ тилла таёғи қўлинда аста кела берди. Қосим вазир ҳей, бобо ассаломуалайкум, деди. Бобо тўхтади, югуриб бориб қўл олишдилар. Қарасалар Хизр алайҳиссалом бобо экан, унинг бўйнидан қучоқлаб, подшоҳ йиғлаб юборди. Эй бобо, деди подшо, биз фарзанд йўлида тарки Ватан қилиб, ҳу-ҳақ деб чиққанларданмиз, бизлар учун бир дуои фотиҳа қилсангиз. Шул вақтда Хизр бобонинг раҳми келиб, кўзи нам тортид, қўл қўтариб дуо-фотиҳа қилди. Шу вақтда подшонинг йиғлаб туриб айтғон сўзи: Ана ғазали Хисров шоҳу Қосим вазир, тингловчи Хизр алайҳиссалом:

Ёвуз кунлар солдинг менинг бошима,

Оллоға бир назар сол деб йиғларман.  
Сан етмасанг фарёдима, додима,  
Берган омонатинг ол, еб йиғларман.

Энди менинг тириклигим гумона,  
Не манда фарзанд бор, ному нишона.  
Бозиргондай бошим солдим майдона,  
Манго очилғай бир йўл, деб йиғларман.

Фироқинг алиннан ҳар кун ёнарман,  
Чархи фалак билан ҳар кун сўнарман.  
Айрилик дардиннан бир кун ўларман,  
Манго очилғай бир йўл, деб йиғларман.

Қаҳбо фалак ёқди юрак ёғимни,  
Мен кимга сўйлайин дўстлар доғимни.  
Булбул эдим хазон урди боғимни,  
Манго очилған бир гул деб йиғларман.

Ғариб Хисров куним оҳ билан кечар,  
Бу дунё болини заҳар деб ичар.  
Бир кун ажал келиб бўйнимдан қучар,  
Манго ўғил отли қул деб йиғларман.

деб Хисров шоҳ ёқасини йиртиб йиғлай берди. Шунда Хизр алайҳиссалом айтди, эй Хисров шоҳим, мунгли бечора фуқаром, қайғу ҳасратда бўлма, Олло таоло тилагингни қабул қилди. Муродингни ҳосил қилди, дуо фотиҳа қабул бўлди. Олдингда авлиё, анбиё бўлса тунагайсан, муродинг ҳосил бўлар, тилагинг қабул қилас, оллоҳу акбар, деб қўлини қўтарди, шундан сўнг кўздан ғойиб бўлди. Хисров кўзини очиб-юмгунча етти оқ қўй қайдা, бобо қайдা, зум-ғойиб, осмонға учдими, ерга кирдими ҳеч билмади. Ҳайрон бўлиб айтди, Эй Қосимжон дўстим, авлиёдан каромат, Худодан ҳиммат бўлғанға ўхшайди, олдимизда авлиё, анбиё бўлса бир тунаб кўрали, балким, тилагимиз қабул бўлган ўхшайди. Ана экави йўлға равона бўлди. Ана шу ороликда хуфтон бўлди. Тоғни этагина борди, қараса катта бир қабристон кўринди. Қабристоннинг уёқ-буёғини айланиб юрса катта бир гумбаз кўринди. Гумбазнинг қописиннан кирди. Гавгум вақти булар кирганин кейин гумбазнинг ичи равshan бўлиб кетди. Караса гумбаз Ҳазрат Али Шоҳимардоннинг гумбази экан. Бу гумбазни уч кун тунадилар. Уч кеча-кундуз каромату ҳиммат кўринмади. Тўртланчи куни сахарнинг файзили вақтинда, тилак қописиннинг очилиб-ёпилиб турған вақтинда Хисров шоҳ Қосим вазирни уйғотмасдан, ўзининг уйқуси келмасдан Ҳазрат Алидан мадад тилаб бир муножот ўқиди, Ҳазрат Али пиrim, кароматингни кўрсат деб зор йиғлади:

Умматнинг севгани Аҳмаду Мухтор  
Сан анинг ноиби бўлған Алисан.

Хийла билан олдинг шахри ҳайбарни  
Душманларни дина солған Алисан.

Мўминни угротдинг ислом ганжина  
Душман қолди қиёматнинг ранжина.  
Пайғамбарни қўйиб сахар буржина,  
Бисмилло деб қўлинг солған Алисан.

Дин учун бошингни солдинг савдоға,  
Душман иши билан қолдинг ғавғоға.  
Қабр бординг ул гумбаз,и Хизроға,  
Кирқларнинг сардори бўлғон Алисан.

Ғариб Хисров ўқир васфингни дилда,  
Сандай марду майдон топилмас элда.  
Хузурингда мени ўзинг бир қўлда,  
Ҳар кимни ҳар ёна солған Алисан.

Ана энди Хисров шоҳ бу сўзларни айтиб йиғлаб турған вақтинда Алининг гумбазидан гумбирлаб бир сас чиқди. Ҳей, фуқаро Хисров шоҳ тилагинг қабул бўлди, муродинг ҳосил бўлди. Санго уч ўғил, бир қиз ато қиласиз, аммо кўбам қувониб кета берма, ношукур бўлма, ана тўрт фарзандни ато қилдик, фарзандларингнинг умри қисқа бўлар, ўн тўрт ёшларинда қайтиб олармиз, деди. Ана шу вақтда Хисров шоҳ водариғо деб ҳушидин кетди. Хисров шоҳ бир соатдан сўнг ҳушига келиб, Қосим вазирни турткилаб уйғотди. Қосим вазир ўрнидан туриб, эй шоҳи олам, туш кўрдингизми, ё босинниқдингизми, бу не менинг ўйқумни бермадингиз, деди. Эй, Қосим вазир, Худонинг фарзанд берганиннан бермагани яхшироқ эди, фарзандларимнинг 14 ёшинда жонини оладиган бўлди, деб бир сўз айтар бўлди. Фазали Хисров шоҳ, тингловчи Қосим вазир:

Гулраънодан ҳеч гул бўлмас,  
Қувонма кўнглим, қувонма.  
Бефарзанддан фарзанд бўлмас,  
Қувонма кўнглим, қувонма.

Келар-кетар давлат учун,  
Жонимға ўт солмоқ учун.  
Поёни йўқ фарзанд учун,  
Қувонма кўнглим, қувонма.

Бугун манга кўп меҳнатдур,  
Ғам-андух келиб улфатдур.  
Охир биза кўп кулфатдур,  
Қувонма кўнглим, қувонма.

Илгим тутиб фарзанд доғи,  
Күринадур хазон боғи.  
Нола қилдим саҳар чоғи,  
Қувонма кўнглим, қувонма.

Хисров деяр ман банда  
Девона бўлдим фарзанда.  
Охири бўлдим шарманда,  
Қувонма кўнглим, қувонма.

деб Хисров шоҳ Қосим вазира қараб айтди: Шу ерда намозни ўқиб, гумбаздан чиқали, боракалло биза олло таоло тўрт фарзанд ато қилмоқчи бўлди. Аммо, лекин ўн тўрт ёшинда жонини олар бўлди, ничикда бўлса баҳтимиздан кўрармиз, қирқ битта хотиннинг бирикканин бўлмаса бирикканин бўлар, недан бўлса-да, улли ҳаёлим билан киччи ҳаёлимнан таъмам бор. Уйга бориб, булар билан хўшлашиб-хайрлашиб, Маккага бошимни олиб кетарман. Сен эл-юргита ҳам ота, ҳам бобо бўлурсан, эл-юргни санго, сани Худоға топширарман, деб маслаҳатлашиб, кун чиққандан кейин Дарбандга қараб йўлга чиқдилар, оз юрди, кўп юрди, қамчи урди, отни сурди, бир вақт Дарбандга келиб турди, вазир билан отдан тушиб, қўш қурди. Шу вақтда буларнинг келишини эшишиб, қирқта бир хотинчувиллашиб, шоҳнинг олдина чиғиши. Хисров шоҳ ночорларини чақириб, айтди: Эй ночорларим, эй бош-қошларим, эй йўлдошларим, эй ҳамдамларим, келинг ёнимда ўтиринглар. Мен бу дунёда у дунё одами бўлсам керак, шу юртимдан бошимни Маккай Мадинага олиб кетсан керак. Энди эл-юрг сизларга мубо бўлсин, элга Қосимжон дўстим ота бўлсин, фарзанд учун олған ночорларим, сиздинг бошингиз очиқ, улли хотин билан киччи хотин, сизлар ҳам кетсангиз йўлингиз бўлсин, қолсангиз ино боргоҳ. Подшоҳдан бу хабарни эшишиб, ҳаммаси йиғлашиб, бўйнидан қучоқлашиб, биз сиздан ажралишмаймиз деб туриб олдилар, йиғлашдилар, бўзлашдилар. Шунда Хисров шоҳ хотинларига қараб бир сўз айтар бўлди:

Мен кетар бўлдим Маккага,  
Сизлар менга ёр бўлмангиз.  
Мани ёнған бул ўтима,  
Сизлар ҳам дучор бўлмангиз.

Аввал Хисров шоҳ бой бўлиб,  
Сўнгра мунда гадой бўлиб.  
Охири қадди ёй бўлиб,  
Сизлар ҳам хор-зор бўлмангиз.

Кета беринг мендан кечиб,  
Бошқа бир юртларға кўчиб.  
Фарзандлик чироғи ўчиб,

Сиз ҳам дарбадар бўлмангиз.

Сизга мендин бўлсин жавоб,  
Ман этай Маккани тавоб.  
Ҳам сизга, ҳам бизга савоб,  
Сиз мандек ночор бўлмангиз.

Хисров деяр дунё молим,  
Сизлар манинг шакар-болим.  
Энди қандай кечар ҳолим,  
Сиз ҳам шармисор бўлмангиз.

Ана қирқта бир хотин бу сўзни эшитиб, ҳайрон-саросимада бўлдилар. Йиғлашиб-бўзлашиб, ўз эли юртларига кетмакчи бўлдилар. Бояги кўчадан тутиб олинғон хотинлар айниқса қўп йиғлащилар. Ана Хисровшохнинг бир улли, бир киччи эки ҳаёли бор эди. Улар айтдилар, бу хотинлар кетса кетсин, биз кетмаймиз, агар сиз Маккага кетсангиз охир бир кун келарсиз. **От айланиб қозигин топар**, ҳавли ҳарамимиз, ганжи хазинамиз, мол-мулкимиз сиз, дея улли ҳаёли билан киччи ҳаёл боргоҳга қайтиб кетабердилар. Ана боргоҳина бориб, ҳалққа сирни билдириласдан, шул шоҳнинг бор вақтидағидай маст-мастона юра бердилар. Ана булар ватанида бўла берсин, ана Қосим вазир шоҳнинг ўрнига шоҳ бўлсин, энди хабарни қимдан эшитинг, Хисров шоҳдан эшитинг. Хисров шоҳ шу кетишина босҳо бос, сурҳо сур, йўлни юриб, отни суриб, ўзи билан ўзи, эки йўлда қўзи, гоҳ ўқиниб, гоҳ сўқиниб, бир неча йўл юрди, оз эмас мўл юрди, қирдан, сахродан ошди, Маккаи Мадинага етиб борди. Ана Макканинг подшосининг боргоҳининг олдинда уч кун қори бўлиб ўтириди. Ҳеч ким муннан қаерга бораётисан, қаердан келаётисан, деб сўрамади. Шоҳнинг бир айғоқчиси бор эди. У айтдики, уч кун бўлди бу ерда бир фуқаро ўтирибди, ундан йўл бўлсин сўралмади, буни подшоҳга айтайлик, деб подшоҳга хабар берди. Подшо: боринг, келтиринглар, деди. Ана Хисров шоҳ отини сиртда боғлаб, подшоҳнинг боргоҳина келди. Шоҳ буни кўрса, бир назари калон йигит. Макканинг подшоси айтди: Эй йигит, шоҳмисан, гадомисан, қаердан бориб, қаердан келасан, хизматинг не туур, деди. Хисров шоҳ айтди, Эй подшоҳим мен ҳам Миср вилоятининг шоҳи эдим, фарзандсизлик дардидан бош олиб, ватанини тарки зиндан этиб, Маккаи Мадинага келдим, деди. Унда сен оқ-қорани таниган экансан, менинг ўнг ён вазирим бўлиб ўтира бер, деди. Ана мунинг қўлина фатво берди. Хисров шоҳ ўнг ён вазир бўлиб, балқиб-чалқиб ўтира берди.

Орадан кун ўтди, ой ўтди, энди сўзни кимдан эшит улкан аёл билан кичкина аёлдан. Миср вилоятинда қолған ватандошлардан эшит. Ана улли ҳаёл билан киччи ҳаёл ҳомиладор бўлиб қолғон эди. Ойдан ой ўтди, кундан кун ўтди, ана тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз минут ўтиб, улкан аёлдан эки ул дунёга келди. Ана шу куни пешин вақти киччи ҳаёлдан-да бир ул бир, қиз пайдо бўлди. Тўрт фарзанд дунёнинг ёхтисина келди. Ана буларни энака момолар ювдилар, яхши кийинтириб, ана қўндоклаб, ҳангилчакка солдилар. Уч кечакундуздан сўнг мунго от қўймоқчи бўлиб, Қосим вазир шоҳ ўрнига шоҳ, ота

ўрнига ота бўлиб, халойиқларнинг ёшуллиларини чақирди. Қози-калонларни чақириб, уч кеча-кундуз тўй берди. Хисров шоҳнинг йўқлигини билдирамади. Ана буларга от қўймоқчи бўлғонда униси уни айтди, буниси буни айтди.

Тўқсон саккиз ёшина кирган энака момо буларга от қўймоқчи бўлди. Улли ҳаёлдан бўлган болаларнинг бирига Хуршид, бирига Зевар деб от қўйдилар. Киччи ҳаёлдан бўлган ўғилга Ҳамроҷон, қизига Гулжамила деб от қўйдилар. Ана буларни энака момолар тарбиялай бердилар, болалар етти ёшига чиқди. Уларни мактабга топширдилар. Орадан ой ҳам ўта берди, кун ҳам ўта берди. Болалар 12-13 ёшга кириб, савод очдилар. Савод очган Ҳамроҷон болаларнинг ҳаммасидан ақлли, ҳушли, доно, донишманд сифатли бўлди. Ана Хуршид билан Зевар сўққа бошроқ, думбуладурсванд, мурнининг сувини тортиб ололмидовинроқ бўлди. Ана Гулжамила ақлли, ҳушли, доно қиз бўлди. Бу болалар ўн уч ёшга кирганда. Қосим вазир айтди, боракалло. Энди Маккан Мадинадан хабар олайик. Хисров шоҳфа хабар берайин, соғ бўлса суюнчилаб, суюнчи олайнин, фарзандларина эгачилик этсин, вақти хуш бўлсин, муродина этсин, агар ўлган бўлса дуо-фотиха қилиб қайтайин деб, отини Зартанг забартанг, маҳкам, мустаҳкам, овмасдай, толмасдай қилиб эярлаб, шохона либосларини кийиб, отга миниб босди қамчини, қаердасан Маккан Мадина деб.

Ана бир ничча манзиллар ошди, тоғдан, қирдан, чўлдан ошди, сувсиз сахролардан ошди, охири Маккан Мадинага етди, подшонинг боргоҳина бориб бул ҳам уч кеча-кундуз тунади. Ана подшога бу хабар етди, подшо амр қилди, кирсинлар. Қараса Қосим вазир кириб келаберди. Хисровнинг мунга кўзи тушиб, кўрмагандай бўлиб ўтираберди. Ана шоҳдан рухсат сўраб Хисров шоҳ билан сўйлашди. Қосим вазир айтдики, эй подшойим, тўрт фарзандинг дунё ёхтисини кўрди, ўн уч ёшина қадам қўйди, от қўйдик, мактабда саводини очдик, ақлли, ҳушли бўлдилар. Энди фарзандингни кўрсанг, муродингга етсанг, юртға тўйтмоша берсанг, қайтиб элга борсанг, деб ҳузурингизга келдим. Қосим вазирнинг бу гапини эшитиб, Макка Мадинанинг подшоси Хисров шоҳфа рухсат берди. Ўни қанча амалдорлар, муҳрдорлар йўлға йўлладилар. Бир неча мазгил йўл ошиб, амалдор, муҳрдорларни йўлдан қайтариб, ана Хисров шоҳ билан Қосим вазир иккиси Миср вилоятиниң қайта берди. Ана булар Миср вилоятининг қалъасиға кириб келдилар, қарасалар кўчанинг юзинда Хуршид, Зевар, Ҳамроҷон, Гулжамила – тўрт фарзанди йўлда чиқиб турған эканлар. Буларни Қосим вазир таниди, лекин Хисров шоҳ танимади. Хуршид ўғли мурнининг сувини тортиб, бир енги узун, бир енги қисқа, сўппайиб кела берди. Ҳамроҷон ақлли-ҳушли эмасми, ота меҳри жўш урған эмасми, доно-донишманд эмасми, келиб Хисров шоҳнинг оёғина бош уриб, чакмонининг пешина манглайнини суйкиберди. Эй, дада хизматингизга тайёр бўла билмадик, дийдорингизға тўё билмадик, гуноҳимиз бўлса кечиргайсан, деб уни тавоб қила берди, ана Гулжамила қиз ҳам йилий берди.

Шоҳ отдан сакраб тушди, шу ерда фарзандлари эканини билиб Ҳамроҷонди, Гулжамилани қўчоқлаб бир ҳоллар бўлди, ана Зевар, Хуршид арва шифирдинг ҳар ёғинда бири думбуладурсин чиғиб тура берди. Бир вақтлари буларда келиб кўришди. Тўрт фарзанди, Хисров шоҳ, Қосим вазир, ана олтовори йўлға равона бўлиб, бир-бирини етаклаб, кальяға, боргоҳа кириб кела бердилар.

Ана Хисров шоҳ жар қичиртириди, ҳей халойиқ, очни тўйдиарман, яланғочни кийинтиарман, етти кеча-кундуз тўй-томуша бор, накра-сурнай тортдиарман, олтин қабоқ отдиарман, кураш тутдиарман, от чопдиарман, қўчкор уриштиарман, ана чилимкаш, пояки, масхаравоз, бахши бўлсанг жам бўлавер, деб жар қичираверди. Боракалло, халойиқ қопингизни етти кеча, етти кундуз ел очиб, ел ёпсин, тархон бўлсин, деб жар қичираберди. Халойиқ жийналди, тўйдинг ўртасинда Хисров шоҳ ўзи бахши, ўзи яхши бўлиб, олтин каровотдинг устинда ўлтириб беш-олти ғазал сўзларини айтди:

Шукур хаққа қолғон дамим,  
Барқ уриб, баҳора дўнди.  
Қайғули, ҳасратли дамим,  
Шугунлар гулзора дўнди.

Очинг хазина эшигин,  
Тархонлиқ бўлсин ушбу кун.  
Кўрдим фарзандларнинг юзин,  
Душман юзи қора дўнди.

Бошима қўнди булбулим,  
Ҳал бўлди бари мушкулим.  
Очилди бир ғунча гулим,  
Бахт уйим баҳора дўнди.

Қур айланиб, чекин табоқ,  
Отдиинглар олтин қабоқ.  
Новот тортинг қадоқ-қадоқ,  
Бахт уйим баҳора дўнди.

Хисров деяр йўқ армоним,  
Сарф этинглар дунё молим.  
Бошлий беринг катта тўйим,  
Уй ичим хуррама дўнди.

Ана Хисровшоҳ болаларға етти кеча-кундуз тўй-томуша берди, қанчаларға сарпо берди. Хисров шоҳ бир вақт бир семиз кампирди чақирди. Ҳей кампир, берроқ кел. Кани белбовдан тўшак, кўкрак овзидан кўрпаларди келтириб тўша, бир дами-тинчимди олайин, деди. Шу ётишина беш кун ётди, олтиланчи қуни сахардинг файзли вақтинда ўрниннан сичраб туриб, ана тўشاқдан бурай кетмасдан, кўкрагини изғор ерга бериб қаптоллаб ётаберди. Бир кун ётди, эки кун ётди, учинчи кун вазири аъзам айтди, бу шоҳдан бир хабар тутайин, не бўлди, деб келса, подшоҳ оҳ уриб ётибди. Эй подшоҳим, фарзандингиз йўқ эди фарзандли бўлдингиз, муродингизга етдингиз, тўй бердингиз, бу не ётиш деди. Шаҳарда тала-тўп кўпайди, ўғри-ўтирик-да кўбайиб бораётир, таҳтга боринг, арз сўранг. Подшо айтди, Эй вазири аъзам, боёғи гумбаздаги фармон ёдимға тушди,

болалар ўн тўрт ёшға кириш учун бир йилдан оз вақт қолди, кўзимни олдинда азроил биғирдатиб, боғаларди жонини ола берса, қалай сабр-тоқат қиласман, деб подшоҳ йиғлай берди. Боракалло каллангизни қўтармай ётғонингизди сабаби шул эканда, деди вазир. Энди не қиласиз, эй вазири аъзам, деди подшо. Вазир айтди бир маслаҳатлашиб кўрамиз, деди. Шундан кейин қози калонларди, амалдорларди, муҳрдорларди, вазири аъзамларди, полчиларди, қурранддўзладни яқинина от, узогина хат йўллаб жийнийберди. Булардан маслаҳат сўради. Шунда бири туриб айтди: Эй подшоҳим, сизга маслаҳатимиз шул турур ана бу тўрт фарзандингизни учавини олиб, Қосим вазирни йўлбошли қиласиз, Чин Мочин юртиға қидиришмоға юборасиз. Ночор фарзандингиз баҳтиндагини кўрар, боргоҳингизда олиб қоларсиз, улларингизға етганча олтин-кумуш берарсиз, гавҳардан, жавҳардан, қизилдан, тилладан, ғалладан, ғулладан, кийимдан, кечакдан юклisisiz. Агар булар ўлса бу моллар уларнинг оби-оши бўлади. Омонсов қайтсалар қидиришма, саёҳат пули бўлади.

Ана бу сўзлар подшоға маъқул бўлиб, Қосим вазирни чақириб, Эй дўстим, бу боғаларди олиб Чин Мочин шахрина кетарсан, деди. Бу ера Ҳамроҷонни чақиринглар, деди подшо, чақириб келдилар. Ҳей, ўғлим, қора кўзим, сўзлар сўзим, бу ерга келиб ўтириб, деди подшо. Сени Чини Мочинға қидиришмоға юбараётиман, узоқ юртни, узоқ йўлни кўрмаган йигит, аччи-чучукни тотмаған, яхши-ёмонни кўрмаган йигит ҳеч нарсанинг қадрина етмас, болам, деди. Ўғлининг манглайиннан ўпиб, кўзлариннан потирлаб ёш кета берди. Ҳамроҷон ақлли бола эмасми, бу ишларни тушуниб, отасига кўнгил берди, омон-сов қайтиб келармиз деб кўзидан ғилт-ғилт ёш оқаберди. Подшо Ҳамроҷонди, бошқа улларини хайрлашинглар, деб ташқариға чиқариб Қосим вазирга қараб беш калима ғазал айтар бўлди:

Қосим, кетсанг Чин Мочиннинг шарина,  
Олғир шунқорларим санго топширдим.  
Олло солди айрилиқни жабрина,  
Кўзи-қўчқорларим санго топширдим.

Ниҳол экиб, соёсинда ётмадим,  
Мева экиб мевасиннан тотмадим.  
Тўй-томуша қилиб мурод этмадим,  
Умри калта болларни санго топширдим.

Бепоён фарзандни худо бермасин,  
Олиб кетгил кўз олдимда ўлмасин.  
Ўлганини ҳаргиз кўзим кўрмасин,  
Олғир шунқорларим санго топширдим.

Аввал бошда кўрмагайдим бу ишни,  
Энди бугун чекар бўлдим койишни.  
Бугун мен йитирдим ақлни-ҳушни,  
Бемурод болларни санго топширдим.

Қосим энди тахтим санго берайин,  
Бу дунёда нечук тоқат қилайин.  
То ўлгунча дийдоринго тўёйин,  
Олғир шунқорларим санго топширдим.

деб Хисров шоҳ Қосим вазирнинг мўйниннан қучоқлаб йилай берди. Шунда Ҳамројон Хисров шоҳнинг ёниға югуриб келди. Отаси унга шоҳона либосларини кийинтириди. Зар чакман, наҳалли этикларни кийинтириб, чўгиրмаларни бошина қўндириб, белларина ханжарларни осдириди. Ҳамројоннинг келбати, хусни жамолини, арслондек гавдасини кўриб, ундан ажралиши ёдина тушиб, Хисров шоҳ йиғлаб ҳушидан кетиб йиғилди. Бир вақт ҳушина келиб айтди. Эй Қосимжон дўстим, ўн мингдан пул ол, олтиндан-кумушдан юклагайсан, хазинамнинг барини сарф қилгайсан, омон-сов боғаларди қидиртиб келгайсан. Қосим вазир бу вазифаларни бажариб уч йигитни ёниға олиб йўлға тушар бўлди. Ана оҳ фотихани бериб Хисров шоҳ йиғлаб қолаберди.

Ана Қосим вазир уч болани олиб, отини йўлга солиб, боғолардан гоҳ ўтиб, гоҳ қолиб, қирдан ўтиб, чўлдан ўтиб, товдан ўтиб, кўлдан ўтиб, бир юртнинг карвон саройина етиб келди. Карвон саройга келса булбуллар сайраб, гуллар очилиб, пахтаклар дам чакиб, қумрилар ҳамду сано ўқиб турган бир манзил экан. Муни кўриб, Ҳамројон айтди: Эй Қосимжон дада, сиздан бир илтимосимиз бор, ана туялар-да жуда чарчади. Бу ерда дим курортни ер экан, беш-олти қун дами-тинчимизди олиб, туяларни ўтга юбориб, тўйинтириб, ундан кейин йўлга чиқсак қалай бўлар экан деди. Қосим вазир Ҳамројоннинг гапини маъқул топиб, туялардан юкни тушириб, ўтга юбордилар. Ўзлари чодир-чаманларди тикдилар. Ана шу ётишда бир ой дами-тинчини олдилар. Туялар-да, одамлар-да даёвланди, ана қайтаядан юкларни туяларга юкладилар. Ана энди қайдасан Чин Мочин шахри деб йўлга равона бўлдилар. Қирдан, чўлдан, товдан, кўлдан ўтиб Чинмочин юртнинг бир чеккасина етиб келдилар. Боракалло, Чин Мочин шахрининг у ёқ-бу ёқини айланиб қарасалар ўлиб ётган ўликнинг сон-саноғи йўқ. Бир тўбанинг каноринда бир йигит, мурути ёқалаб қулоғина етган, қоши-қабоғи ўсиб кетган, бўйлари минордай, қалласи гумбаздай кўрсанг ботир сиёқли, арслон сифатли йигит. Ҳамројон бу йигита ҳайрон бўлиб қараб тураберди. Оғзидан кирган чибин мурниннан чиғиб турғон бу йигитни кўриб, Ҳамројон айтди: Эй йигит, ботирзодамисан, пайғамбарзодамисан ё бошқа юртдан келиб хор-зор бўлдингму, деди. Шу вақт бир бобонинг қамбоқлидай қочиб, қанотлидай учиб баланд тортиб келаётганини кўрдилар. Ҳамројон айтди: Эй бобо, тўхтанг, Ассалому алайкум. – Ваалайкум, ўғлим, деди бобо. – Нега қочиб келаётирсан, деди Ҳамројон. Эй болам, деди бобо, ман бир катта бой эдим, етти йил бўлди, Чин Мочин юртнда талончилик-тўполончилик, ҳамма бойлиқимди бечора, фуқароларга бердим, энди нарсам қолмади, ўзимдинг-да жоним халқумимға келди, ўлсам ўликларди оросинда ўлайин, деб бу ерга келаётирман, деди.

Ундей бўлса бобо сизга бир сўз бор деди Ҳамројон, шу баландга чиқиб, эй халойик, оч-афтода, яланғоч бўлса биздинг теварагимизга жийналинг деб чакиринг, деди. Очға нон, ялангочга тўн, пиёдаға тужа берармиз, деди. Агар истасангизлар ўзимизнинг Миср вилоятига олиб кетамиз, деди. Ана бобо бу

сўзларди айтиб жар чақирди. Бари одам шу ерга жийилди. Қарасалар бир юз йигирма тўрт минг халойиқ. Ҳамроҳон буларди ияртиб Хуршид билан Зевардинг чаманига келтирди. Ана буларди келтириб айтди, эй, оғалар, буларди мен жамладим, энди буларға мени харжи харажатим етмай қолди, сизлар ҳам ўттиз минг кийим-кечакдан ўн мингини берсангизлар буларга етар эди. Буларди очлик-яланғочликдан кутқариб, савобина қолайиқ, оғалар, деди.

Шунда Хуршид билан Зевар айтди, Ҳей занғар, сирғиё, ялангоёқ, биз мол топамиз, дунё топамиз деб келсақ, сен нердаги яланғоч, афтодаларни жийнаб, олтин-кумушимизни шуларга едириб бўлмоқчимисан деб Ҳамроҳонди сўгиб, ҳайдадилар. Ҳамроҳон юзини тўман солиб, энди ништаман, булар ўлса қонина мен қоламан-ку деб, келиб, нон олиш учун хўржинди қараған эди. Қўлиға ёш боланинг калласиндай гавҳари шамчироқ илиб чиқди. Буни унинг синглиси акамга бир вақт иш берар деб солиб қўйган эди. Ҳамроҳон севиниб, бу гавҳари шамчироқди олиб акалари ёна борди. Бу нарсани олиб, ғалла-ғулла, кийим-кечак беришни акаларидан сўраганда акалари севиниб кетдилар. Шундай иссик хабарди аввалрак топсонг бўлмими, деб гавҳари шамчироқни сотиб олдилар. **Қизилни кўрса Ҳизр йўлдан чиқади** дегандай акаларининг кўзлари ўйнаб қолди. Таразининг бир ёғина гавҳари шамчироқни, бир ёғина кийим-кечак, ғалла-ғуллани қўйдилар. Акаларининг бари нарсасини қўйғанда гавҳари шамчироқни оғирлигина зўрдан етди. Буларди олиб Ҳамроҳон очди тўйдирди, яланғочди кийинтириди. Энди буларди олиб Миср вилоятига йўлга равона бўлди. Йўл юриб, мўл юриб, чўл юриб, кўл юриб, ўнг юриб, сўл юриб, Чўли Муғон деган жойга етиб келдилар. Ҳор ёғи олти ойлик, бер ёғи олти ойлик бу чўлда одам юрса оёғи, от юрса туёғи куяр эди. Туялар юрмасдан ерни кавлаб бўкиришиб ёта берди, мешиклар тангирдаб, кўвиб қолған, қанграма сахро майдонлиқда қолдилар. Ҳамроҳон ништарини билмасдан эйнина бир мешикни олиб, оёқ яланг, бош яланг, енгиз чакман орқасинда данғирдаған мешикни олиб сув қидириб кетди. Тўбама тўба, баландма баланд юриб, қирма қир ошиб бора берса узокдан бир гужум кўринди. Яқинлашиб қараса тийинда шосупа, шосупанинг устинда узун бўйли бир сори соққол одам, олдинда бир даста китоб тасбей қайтариб ўтирибди. Ёнбошинда бир чашма булкиллаб қайнаб турибди.

Ассалому алайкум бобо, деди Ҳамроҳон. Ваалайкум ассалом Ҳамроҳон деди бобо. Бободан отини эшитиб Ҳамроҳон ҳайрон бўлди. Манинг отимни қайдин биласиз деди Ҳамроҳон. Эй болам, санинг онадан туғилганингдан бери биламан, ҳисоб- китобинг манинг қўлимда, деди бобо. Ундей бўлса манинг ҳалқимға бир мешик сув топиб бер, деди Ҳамроҳон. Унда бобо айтдики, эй ўғлим Ҳамроҳон, қазоға рози, тақдирга тан туриш керак, азоил деб эшитган бўлсанг, шу ман бўламан. Ҳозир Худодан фармон бўлди, жонингни олишим керак, деди бобо. Ҳамроҳон водариғо деб саросимаға тушди, бир соат рухсат сўради. Ҳалойиқимға бир мешик сув олиб борайин, сўнг жонимни олсанг розиман, деди Ҳамроҳон. Азоил рухсат қилди. Ҳамроҳон сувди олиб, одамлари ёққа кетди. Бориб, бари одамларға сув билан нон берди. Сўнг ҳалойиқға қараб айтдики, эй ҳалойиқ мендан рози бўлинглар. Ман фоний дунёдан бокий дунёға бораётиман, шу қопталимдағи бобо Азоил турур деди. Ҳалойиқ ўрнидан туриб, Азоилга айтди, эй Азоил бобо шу Ҳамроҳонди

жонини ўзина бағишла, 124 минг одам, эру ночор, ёшу қарри жонимизди олсанг розимиз, дедилар. Бу талаб ўринланди, Худонинг фармони билан Ҳамрожонға умр бахш этилди. Халойиқни хурмати, талаби бўйинча Ҳамрожонға 120 ёш берилди. Азроил дарров аввалги ҳолина қайтиб соққолли бобо бўлиб, Ҳамрожондинг ёшини муборакбод этиб, бир сўз айтар бўлди.

Қутлуг бўлсин Ҳамрожоним,  
Болам ёш муборак бўлсин.  
Олло санго раҳмат солди,  
Болам ёш муборак бўлсин.

Кўзинг бирла қошингизға,  
Тенги бирла тушингизға.  
Юз йигирма ёшингизға,  
Кўзим ёш муборак бўлсин.

Кўз берилди, қош берилди,  
Юз йигирма ёш берилди.  
Халқди жийнаб ош берилди,  
Ҳамро ёш муборак бўлсин.

Элни боқдинг, халқни боқдинг,  
Халойик деб бағринг ёқдинг.  
Энди келди сенинг баҳтинг,  
Болам ёш муборак бўлсин.

Бу жаҳон кўнглима тордир,  
Санго энди олло ёрдир.  
Азроили хизматкордир,  
Болам ёш муборак бўлсин.

деб бобо кўз очиб-юмгунча зим-тойиб бўлди. Халойиқ қараса на бахши, на яхши бор, на бобо, на қўшиқ бор, осмона учдими, ерга кирдими ҳеч ким билмайди. Бир вақт қарасалар ориқ туялар семириб кетган, қаррилар ёшариб, ёшлар ҳур, паридай бўлиб кетган. Шунда Ҳамрожон айтди, эй, Қосим дада, сенга бир хабар айтайин, ана менинг отамға борсангиз, бу ишдан хабар берсангиз, деди. Вўнда Қосим вазир айтди. Йўқ, улай эмас, мен бормай қўйин, халойикдинг ичидан бирор борсин, анави бечоралардан бири бориб, суюнчилаб эшаги ўрнига от олиб минсин, ахир, деди. Ана бир фуқарони чақирди, айтдики, эй жўра, сен менинг келаётганимди, отамга айтиб борсанг, сенга мен бир отдинг пулини берсам, деди. Ана фуқаро қора эшагини зартанг, забартанг эярлаб, сакраб миниб, йўрғалаб, йўртиб, қизариб бўртиб, хилалаб туртиб, уч кеча-кундизда қалъанинг бир четина етиб борди. Подшо боргоҳининг олдина бориб қичқира берди: Эй подшо, орзу армонинг, қаторли карвонинг келди, чиқ-чиқабер, деб суранг солаберди. Етти йилдан бери ўғиллари ишқида йиғлаб, кўзи кўр бўлиб қолишина

сал қолғон Хисров шоҳ бу сўзларни эшишиб, ишонмади, жаллодларни чақирди, алдаб турган бу каззобни жазосини беринг, деди. Жаллодлар югуриб бориб, бу бечорани эшакни устидан олиб, қўзини ўйиб олдилар, қулоқ-бурнини кесиб, қизил қонина бўяб, эшагини танғиб, ура-ура ҳайдаб юбордилар. Эшак уч-кеча кундузда 124 минг халойиқнинг маконига бориб етди. Буни Ҳамроҷон қўриб, водариғо деб пешонасина бир урди. Эй Қосим дада, бир бечора фуқарони отам бу аҳвола солибди, бу одамнинг ноҳақ қонина қолдик, энди буни поклаб, жойлаб, оби ошини берайик, деди. Сўнг айтдики, энди ўзингиз бориб келмасангиз бўлмас, деди. Қосим вазир тилла камарини белина боғлаб, олтин жиғасини бошина қистириб, отина минди. Ҳамроҷон шунда Қосим вазирни йўла узатиб, алина қазма дуторини олиб бир сўз айтди:

Қосим кетсанг бизнинг эла,  
Улуғ элларима салом.  
Олло назар солди биза,  
Улли-киччилара салом.

Қиймириб қалам қошларни  
Тақиниб тилла, тошларни.  
Тўка бериб қўз ёшларни  
Юрган синглимиза салом.

Мен кетганда йиғлаб қолғон,  
Қора кийиб қон йиғлаған.  
Ўғлим дейиб фарёд қилғон,  
Мехрибон энама салом.

Қайрилма қалам қошлари,  
Писта даҳандур тишлари,  
Ўн саккиз ўрим соchlари,  
Қизу жувонлара салом.

Тўққиз ой, тўққиз кун кўтариб  
Боқиб, камолға етириб.  
Саҳар туриб оқ сут бериб,  
Боққан меҳрибона салом.

Бошига жиғасин таққан,  
Мудомо йўлимға боққан.  
Кўзидан қонли ёш оққан,  
Хисров отамиза салом.

Бир ёстиққа бош қўйишган,  
Бир эмчакди бир эмишган.  
Кўлинда сарполар бичган,

Гулжамила синглима салом.

Хизматкору фуқароға,  
Бағирлари садпораға.  
Дала дашту қира, тоға,  
Бари-барисина салом.

Ҳамро айтар йўқ армоним,  
Харж этайин дунё молим.  
Омон қолубдур бу жоним,  
Миср элатима салом.

Ана бу сўзди эшитиб, отни миниб Ҳамрожондан саломди олиб, Қосим вазир Миср вилоятина қараб йўлға тушди. Босди отға қамчини, уч кунлик йўлни бир кунда босиб, Миср қалъасина кирди. Подшо боргохининг олдина келди. Ўлима кетган боғаларди опкелган бўлиб, юзи қизил, тили узун бўлиб, чўгирмани юқори кўтариб, оёғини зангига тираб, отнинг ипини ўн қайтариб ўраб, баланддан қантариб, дуторни алина олиб, отни устинда Хисров шоҳга қараб айтиб турган беш калима ғазали:

Кутлуг бўлсин Хисров шоҳим  
Орзуо армонинг келди  
Олло санго раҳмат солди  
Қаторли карвонинг келди.

Кўзи бирла, қоши бирла,  
Тенги бирла, туши бирла,  
Юз йигирма ёши бирла,  
Ҳамро отли жонинг келди.

Ўрдагию ғози билан  
Күш учирив този билан  
Фасли баҳор ёзи билан  
Қаторли карвонинг келди.

Элу юрта ош берилди,  
Юз йигирма ёш берилди  
Кўзи бирла қош берилди  
Кетган фарзандларинг келди.

Қосим деяр йўқ армоним,  
Етишди давру давроним,  
Омон қайтди Ҳамрожоним,  
Боғ ила бўстонинг келди.

Бу сўзди эшитиб Хисров шоҳ айтди, Ҳей мулозимлар, чиқинг, бу сўз Қосим вазирнинг сўзина ўхшайди, деди. Ўзи-да югуриб чикди, Қосим вазирни кўриб уни форпа кучоқлади. Экави кўришди, йиғлашди, бўзлашди. Қосим вазир подшони боргоҳга киргизмай болалардинг олдина олиб кетаберди. Вазири аъзамлар, қози калонлар, ёш улли-ёш киччилар, қолғон-қутқан бари халойиқ подшоҳнинг орқасидан кела бердилар. Хисров шоҳ келаётирғон карвонни қўриб, Ҳамроҷонди таниб ола билмади. Ҳамроҷон яланг оёқ, ялангбош, бир йиртиқ чакман кийган, бир мешик йўвирнинда одамларға нон-сув бериб келаётирғон эди. Қосим вазир уни подшоға кўрсатди. Подшо уни кўриб ҳайрон бўлди. Шунда Қосим вазир айтди: Эй подшоҳим, сиз ҳайрон бўлманг. Юз йигирма ёшға сизнинг отангиз, отангиздинг отаси ҳам етмаган, сиз-да етмассиз, бу ёшға кимда ким ўз халқини сийласа, ғариб-фуқароға ёрдам берса, ранжитмаса етади, деди. Подшо югуриб бориб, ўғлини қучоқлади, улар билан бирга боргоҳа келди. Улар олиб келган халойиқни Миср вилоятининг қубла кунчиқарина жойлаштириди. Чодир чаманларни қурдириб ташлади. Қирқ кеча-кундуз тўй бериб, бари элни тархон этди. Ўзи олтин каровотда ўтириб, ўғли Ҳамроҷонни ёнина чақирди, санго тахти тожимни инъом қилдим, ўғлим, деди. Йўқ деди Ҳамроҷон олтин тахт бизга керак эмас, бизга халойиқнинг хизмати мұяссардир, биз халқ билан бўламиз, деди. Ана энди Ҳамроҷон халқ билан бўла берди.

Ана тўйда тамом бўлди. Хисров шоҳ айтди. Энди мен муродимға етдим, бир уйга кириб уйхлайн, деди. Шу даврларда подшоҳлар бир уйқуға кирса бир ҳафта мулк этмай ухлар эди. Тиздан тўшак, белдан ёстиқ тўшатиб ётған подшоҳ олти кечакундуз уйхлаб, еттиланчи куни сахардинг файзли вақтинда бир туш кўрди, тушинда бир иш кўрди. Қараса бир ҳовуздинг бўйинда ётғон эмиш, шосупанинг тўрт ёни гулзор эмиш. Кун ўрта, пешин вақти осмондан қирқ бартавул учеб кела берди. Улар ҳовуздинг бўйина келиб, бир силкиниб қирқ канизга айландилар. Ичинда бириси баланд бўй, оппоқ сутга чайқалгандай хушрўй паризод, канизакларни чақирди, ҳей канизлар қафаснинг оғзини очинглар, булбуллар сайрасин, буларға қўшилиб, паҳтаклар дам чексин, қумрилар ҳамду сано ўқисин. Булоқлар булкилдаб оқсин, сизлар ҳам нағма қилинглар, базмда бўлинглар, ҳазмда бўлинглар, деди. Канизлар қафасни очдилар, ичиннан чиқариб бир қушни қўйдилар. Шу қуш бир сайради осмону замин бир бўлди. Бир вақт фасли баҳор бўлиб, булбуллар сайрай бошлади.

Шул вақтинда Хисров шоҳ туриб айтди, ҳей канизлар, сизларни кимлар дерлар? Эй, одамзод бизни Ҳурилиқо паризод дерлар, бу қизлар канизакларим турур, бу қушни эса булбулигўё дерлар. Бу қушни изласа қаерларда бўлади, деб сўради Хисров шоҳ, унда Ҳурилиқо айтди, бу қуш бизнинг юртда бўлади, Ҳуризаъфарон опамнинг қуши бўлади, ул эса Эрам боғинда туради. Бу юртға қалай борса бўлади, деди подшоҳ. Ул ерда паризодлар туради, сизлар эса одамзодсизлар, деди паризод. Шу пайт, водариғо деб, Хисров шоҳ уйғониб кетди. Қараса сахардинг файзли вақтинда уйқудина туриб ётибди. Ана бу тушди кўрган сўнг Хисров шоҳ яна зимриқдай қотиб, итдай овнаб, отдай оҳ уриб, ёта берди. Подшоҳнинг кела бермаганидан хавотир олған Қосим вазир саккизланчи куни, шошиб, югуриб подшоҳнинг ётғон жойига келди. Қараса подшоҳ яна ер бағиртлаб ётибди. Эй шоҳи олам, шаҳарда ахвол ёмон, ўрнингиздан туринг, эл-

юртдан бир хабар олинг, деди вазир. Тўй-томуша бердингиз, муродингизға етдингиз, яна не бу ётиш деди. Подшо айтди, Эй вазири аъзам, охшом бир туш кўрдим, тушимда бир иш кўрдим, дардли кунда дардошимсан, сирли кунда сирдошимсан мен айтай, сен эшилт, деб бир сўз айтиб турғон жойи:

Охшом кеча кўрдим бирда тушимни,  
Тушимда бир булбул фарёд айлади.  
Кетирдим бошимдин ақли хушимни,  
Ақлимни бошимдин барбод айлади.

Жам бўлиб келдилар бир бўлак қизлар,  
Ҳар бири тўтининг сўзини сўзлар.  
Эшилинг арзимни соҳиб тамизлар,  
Ногоҳон қўнглимни ношод айлади.

Дўстлар кўрмагайдим мен бундай тушни,  
Орттирмағай эдим бошимға ишни.  
Йитирмагай эдим ақлни-хушни,  
Ногоҳон қўнглимни бедод айлади.

Хисров шоҳ айтади, қайға борайин,  
Бу қушнинг ишқинда зор-зор йиглайнин.  
Кушга етушгунча бағрим тифлайнин,  
Ақлимни бошимдин барбод айлади.

Бу сўзни эшитиб, Қосим вазир айтди, боракалло, подшойим, қуррадўзлар мунажжимларни чақирайлик, амалдорларни, муҳрдорларни чақирайлик, бир маслаҳат қиласайлик, деди. Бу маслаҳат подшоҳга маъқул тушди, бари кишиларни хузурига чакирди. Бари чақирилғонлар жамул жам бўлди. Подшо буларға тушини айтиб, таъбирини сўради. Мунажжимлар айтдики, бу кўринган жой парилар маконидур, ул күш эса булбулигўёдир. Ул күш борса келмас деган жойда бўлиб, келтириш мушкул туур, дедилар. Уни тутиб келтириш одамзодқа мұяссар эмасдур, бехуда ҳалак бўлманг, дедилар. Подшо шунда дарғазаб бўлиб, ана буларни банди зиндон қилди, бир қисмини калласини кесди. Шундан кейин Хисров шоҳ, не қиласини билмай бошини тўман қилиб ўтира берди. Бирдан болалари эсга тушиб чақирди. Эй фарзандларим, Хуршид, Зевар бу ерга келинглар. Икки ўғли-да югуриб келди. Подшо айтди, эй болаларим, борса келмас деган жойға бориб, боғи Эрамдан Ҳуризаъфарон парининг булбулигўё қушини олиб келасизлар, деди. Менинг ягона мақсадим шул туур, деди. Хўп, дада, ҳозир йўлға чиқамиз, деди Хуршид билан Зевар. Подшо Қосим вазирга бугуннинг ўзида от-анжомларни тузатиш, харж-харажатларни тайёрлашни буюрди. Қосим вазир дарҳол айтғонини бажо келтирди. Хуршид билан Зевар кийинадиганини кийиниб, осинадиганини осиниб, тегалак чўгирма, зар пўта, зар чакманларни кийиниб, ботир сиёқли бўлиб, отга миндилар. Хисров муни кўриб, шод бўлиб, оқ фотиҳа берди. Икки ўғил йўл юриб, мўл юриб, сахро билан чўл

юриб, жилға билан күл тортиб, бир товдинг бағрина етишдилар. Товнинг баландина чиқиб қарадилар. Қарасалар уч бўлак йўл. Бириси борса келар, бириси борса гумон, бириси борса келмас. Боракалло, Хуршид айтди, эй Зевар иним, бу уч йўл-да хатарли йўл. Экавимиз бир-биrimizdan ажралсак бўлмас. Бундеги бошимизга бало сотиб олиб не қиласиз. Ундетинча товдинг бағринда ётиб, дам-тинчимизни олиб, сўнг қидирик, топиб билмадик деб борсак, дадамиз бизни дорга осармиди, деди. Хўп бўлғай, биз рози деди Зевар. Шундан сўнг отларина боғлаб, булар шу ерда дам-тинчини олиб ёта берди. Булар ёта берсин, сўзни Ҳамродан эшитинг. Ҳамро кечқурун келса, икки акаси-да, йўқ. Эй ота, бу оғаларим қайға кетди, деб сўради. Эй ўғлим, деди подшоҳ, оғаларинг менга булбулигўёни топиб келтиришга кетдилар, деди. Қаерга кетди? Борса келмасга кетди. Боракалло, шу икки болангиз бўлса улар, борса келардан ҳам омон қайта олмайдилар, шунинг учун ҳар вақт ишнинг қийинини ёш киччи бажаради деганлар, деди Ҳамроҳон. Яхшиси бу ишга ўзим кетаман, деди. Эй қўзим, ширин сўзим, кўрар қўзим, мен сени юбармайман, деди Хисров шоҳ. Йўқ, жавоб берсангиз ҳам бермасангиз ҳам кетаман деди, Ҳамро. Энди бўлмади, болам, бу ерга кел бир хайрлашайин, деб Хисров шоҳ оқ йўл тилаб бир сўз айтди.

Оғаларинг сенинг учун юбардим,  
Сен ҳам ўтлар солма жона ҳамроҳим,  
Булбулдан зиёда бўлди бу дардим,  
Мани қўйма ёлғиз қуна Ҳамроҳим.

Аввал ёндим болаларим ўлди деб,  
Ёшлигинда гулдай юзи сўлди деб,  
Қувонгандим сизни ўлмай қоли деб,  
Яна айро тушармисан Ҳамроҳим.

Бепоён фарзандни худо бермасин,  
Мусулмон бандаси мендай бўлмасин,  
Сизлар учун гулдай юзим сўлмасин,  
Яна айро тушармисан ҳамроҳим.

Хисров деяр умрим йиглаб ўтарман,  
Сен бўлмасанг тожи тахтни нетарман.  
Бойлигимни кимга инъом этарман,  
Мени ташлаб кетма ўта Ҳамроҳим.

Ана подшо кўп ёлворди, йиглади бўлмади. Ҳамроҳон кетар бўлди. Шоҳсувор отни Зартанг-забартанг эярлади, осадиганини осди, киядиганини кийди. Отға миниб отасининг алдина келди. Подшо энди ўғлининг ҳақиқат кетажагини билди. Ноилож оқ фотиҳасини берди. Ҳамроҳон отасидан фотиҳани олиб, отга бир қамчи босиб, кўздан ғойиб бўлди. Шу кетишина бир кеча-кундуз йўл юрди. Ана шу вақтда Хуршид билан Зевар туш кўриб, тушларида Ҳамроҳоннинг келиши кўринди. Зевар ўрниннан сакраб турди. Эй Хуршид оға, бу Ҳамро саллоҳнинг кучугидай ҳеч изимиздан қолмади-да, мен унинг

келишини тушимда кўрдим, деди. Хуршид айтди, бу занғар келса келар. Агар ништиб ётибсизлар, деса, беш-олти кун бўлди тиришма касалимиз қўзиб ётибмиз, деб айтамиз, деди. Яхши ҳам сен келиб қолдинг деб йиглайберамиз, деди. Ана шу маслаҳат қилиб турган пайтда кун тиғ берди, қараса кун билан чағилишиб бир ёлқин кўринди. Бу Ҳамроҳоннинг олтин эгарининг қошлари, бошиндаги олтин қубба, олтин жигаларнинг ёлқини эди. Буни қўриб Хуршид айтди, Эй Зевар иним тушинг тўғри келди. Шу занғар Ҳамро келаётирғанга ўхшайди. Олтин эгарланинг, қалқон совутларнинг ёлқинина бир қара бу шуники бўлиши керак. Хуршид билан Зевар товдинг тепасина чиқиб қараса хақиқатда Ҳамро экан. Дарров товдинг кавагина кириб, булар инқилдини бошли бердилар. Ҳамроҳон келиб Хуршид билан Зевардинг отларини таниб, ўзининг отини-да улардинг қоптолина боғлаб, уёқ-буёқни қараб, товдинг кавагина қўзи тушди. Қараса оғалари отдинг бостириқларини тийина устина босиб инқилдаб ётирлар. Ҳў оғалар не бўлди сизлара? Боракалло, иним, омон-сов келганингни айтабер. Бизни тиришма касалимиз қўзиб қолди, бизга бир ёрдам бермасанг бўлмас, деди оғалари. Боракалло, оғалар деб Ҳамро уларга сув пурккан бўлди ўт элас этган бўлди, оғалари яхши бўлган бўлиб ўрнидан турди. Энди қайтадан кийиндилар. Отларини эгарладилар, учави бир бўлиб товдинг орёфина ўтдилар. Хуршид айтди Ҳамроҳон иним, мана уч йўл, бириси борса келар, бириси борса гумон, бириси борса келмас, қани айтинглар қайсимиз қайсисина кетамиз, деди. Унда Ҳамроҳон айтди, эй Хуршид оға, ана энди ҳаммангиздан кичигингиз мен, гапимди оғир олмасангизлар бир сўз айтаман, ана ҳаммамиздинг улканимиз Хуршид оға борса келарга сиз кетинг. Ногумон йўлға Зевар оға сиз кетинг. Ишдинг ҳамиша овури, жабри ёш киччиники бўлади, борса келмасга мен ўзим кетайин, деди. Паҳай, боракалло иним, сен оғаларингни сийласанг, сени худо сийласин деди Хуршид билан Зевар. Санго борса келмас йўл, бизларга, борса келар билан ногумон йўл мубо бўлсин, деб хайрлашиб учиси уч йўлға жўнаб кетабердилар. Улар Ҳамроҳонди қораси кўринмай кеткунча секин юрдилар, сўнг экави-да борса келар йўлға қараб от қўйдилар. Ана булар кета бердилар боса бос, сурҳо сур кета берсин, сўзни Ҳамроҳондан эшигининг Ҳамроҳон йўл юрди, мўл юрди, қир ошди, тов ошди, кўл ошди, етти кеча-кундуз йўл юрди. Ана хуфтон бўлди, намозшом бўлди. Кеча тушганда не ерга қадам босарини билмай қолди. Ҳавонинг юзи туман бўлди, ёвин ёвди, кор ёвди, шундай бўлса-да шахсувор от йўл суриб бора берди. Шу борища отнинг боши бир дарвозанинг зулфина тийгандай бўлди. Ҳамроҳон кўли билан сармалаб қараса, бир қопининг зулфина отнинг калласи тийган экан. Ҳамроҳон ҳайрон бўлди, бундай чўли биёбонда, қоронғи зимистонда қопининг зулфи ништиб юрибди? Отдан сакраб тушиб қараса қатта бир гумбаз, гумбазнинг ичкарисина аста кирди, Ҳамроҳон киргандан кейин гумбазнинг ичи равшан бўлиб кетди, ҳатто ийна тушса кўрингундай бўлди. Чарчаб келаётган Ҳамроҳон, шу ерда қийшайиб, дам оламан деб, уйқуга кетди. Ана бу уйхлаб ётганда, сахар пайтида ёнида қирқ чилтанлар ҳозир бўлди, бари саҳобалар йифилди, Ҳазрати Шоҳимардоннинг ўзи хизматда турди. Шунда Султон Вайсул пир Али Шоҳимардонға айтди? Бу ётған одамзод ким, деди. Унда Али Шоҳимардан пир айтди, боракалло, бу йигит йўловчи, деди, тўғрисини айтавер, деди Султон Вайсул пир. Тўғрисини айтсан, менинг

нафасимнан бўлған, нафас ўғлим Ҳамрожондур, деди. Ундан бўлса, бу ўғлингнинг жуфти борми, йўқми? Одамзод қабиласининг ичида мунго лойик жуфт йўқ деди Али Шоҳимардон. Унда бу дунёдан тоқ ўтаверадими? Ўтмайди, лекин бунинг бир қийин ери бор, Богои Эрамда Шоҳруҳ шоҳнинг кичик қизи Ҳурилиқо паризод ўн етти ёшга тўлиб ўтирибди, шуннан бошқа бу йигитга муносиб қиз йўқдур, деди Али Шоҳимардон, бу жойнинг манзили узоқ. Не узоқлиги бор, буни биз бажарамиз, деди Султон Ваёсилик. Шунда ҳаммаси дуо фотиха қилдилар, қирқ чилтанлар кўз очиб-юмгунча Богои Эрамга бориб, Шоҳруҳ шоҳнинг қизи Ҳурилиқо паризоднинг боғинда тайёр бўлдилар. Ана Ҳурилиқо паризод олтин каравотда, зар тўшак, пар ёстиқка ўзини ташлаб ётған эди, қирқ чилтанлар уни кўтариб, осмонга учдилар, кўз очиб-юмгунча гумбаза келтирдилар. Юзина сув сепдилар, кўзини очди. Ҳурилиқо қараса қирқ чилтанларнинг орасинда ўтирибди. Бу одамзод кимдур, деди, бу одамзод сенинг жуфтинг тууре дедилар. Ҳамрожонни уйғотдилар. Қаердан бўласиз, сўради Ҳурилиқо. Миср вилоятиннанмиз. Отангиз ким? Хисров шоҳ тууре. Не иш билан юрибсиз? Бахт излаб чиққанмиз. Эй Ҳурилиқо, Сизнинг отингиз ким? Ҳурилиқо паризод, дерлар. Отангиз ким бўлади? Шоҳруҳ шоҳ бўлади. Юртингиз қаер? Эрам богои. Сизни излаб йўлга чиқсан нечча ойда етамиш? Олти ойда етиб борасиз. Ундан бўлса бир савол-жавоб айтишайлик, деб қўлларина тилло дуторларини олдилар.

### **Ҳамро:**

Саринга дўнайин гул юзли жонон,  
Қайда бўлар парим, маконинг сенинг?  
Жонимни айлайнин мен санго қурбон,  
Қайда бўлар парим, маконинг сенинг?

### **Ҳурилиқо:**

Мени сўрсанг Шоҳруҳ шоҳнинг қизиман,  
Эрамнинг боғинда маконим менинг.  
Аслим сўрсанг паризоднинг ўзиман,  
Хар ерда тайиндор маконим менинг.  
Ошиқ бўлсанг куйиб-ёниб ўтарсан,  
Сабр айлассанг ёр алиннан тутарсан.  
Кела олсанг беш юз йилда етарсан,  
Минг йиллик йўл тууре маконим менинг.

### **Ҳамро:**

Ажал етиб шум паймонам тўлмади,  
Очилмасдан гулдай юзим сўлмади.  
Энди парим сени қўрмак бўлмади,  
Минг йиллик йўл бўлса маконинг сенинг.

### **Ҳурилиқо:**

Бизнинг элда купдир олтин-кумушлар,  
Сизни ошиқ, бизни маъшуқ демишлар.

Биз паримиз, бизда макон не ишлар,  
Хар ерда тайиндур маконим менинг.

### **Ҳамро:**

Отим Ҳамро, Хисров шоҳнинг ўғлиман,  
То ўлгунча бир ваъдага боғлиман.  
Сенинг учун сийналари доғлиман,  
Қайда бўлар парим, маконинг сенинг?

### **Ҳурилиқо:**

Ҳамрожоним сарғайтирма гул юзни,  
Ҳурилиқо пари дейдилар бизни.  
Сен топмасанг, ўзим топарман сизни,  
Хар ерда ҳозирдир маконим менинг.

Ҳурилиқо билан савол-жавобдан кейин Ҳамрожон айтди, эй паризод беш юз йиллик йўлга мен қалай бораман, деди. Унда Ҳурилиқо айтди, ҳозир мен қочаман, сен қувасан, агар дарров тута олсанг мақсадингга етганинг, йўқ тутолмасанг менга ранжу машаққатлар билан етарсан, деди. Шундай қилиб, гумбазнинг ичинда Ҳурилиқо қарсилдаб қочаберди. Ҳамрожон қува берди. Ана ушладим деганда, паҳай ушлаб бўлибсиз деб этагини қоқиб ташлаб қочаберди. Қочганда қошини қоқиб, Ҳамрожонинг ичини ёқиб, Ҳамро бу ишдан ўтдай тутокиб, шу орада Ҳурилиқо гумбаздан чиқиб қопини қарсилдатиб ёпиб ўта кетди. Шунда Ҳамрожон қопидан чиқаман деб манглайнини қопига қарсилдатиб уриб, кўзини ёлпа очди, қараса туш экан. Водариғо, деди Ҳамрожон, манго бундай ишларни дуч қилғондан, бошқа бир кулфатларни бошға солса бўлмасми? Бу паризодни энди қандай топаман, бу маконнинг йўли қайда билмасам, изи қайда билмасам? Ана Ҳамрожон ўрнидан турди, ана қирқ чилтанлар-да учиб кетди. Ҳамрожон ташқариға чиқиб қантариг отини ечиб, устига миниб, дуторини белига қистириб, ишқ-муҳаббат ёмон, ота хизмати уннан ёмон, деб не қиларини билмай, қибла томонга қараб отини суриб кета берди, тахминлаб чўл-биёбонга чиқаберди. Тонг-саҳарда шу боришда чўли биёбонда бир тўп тўргайларга дуч келди. Отнинг жиловини тортиб, ҳей жониворлар, сизлар ҳам менингдай ошиғи шайдулло ўхшайсизлар, деб тўргайларга қараб, орқасиннан дуторни олиб бир сўз айтиб турғони:

Худо мени яратди мунча армон ичинда,  
Нечук этиб кезарман бу чўлистоң ичинда.  
Ёримни кўрмай ўлсам қолдим армон ичинда.  
Токайгача нолонман бу доғистон ичинда,  
Мен ёримни ахтариб қолдим ҳайрон ичинда.

Осмондаги бўз тўргай, сайрай қолсанг не бўлғай,  
Мени нолон кўнглимни қийнамасанг не бўлғай.  
Сўйламака тилинг йўқ хабар берсанг не бўлғай,

Мен йўлимнан адашдим, бирга юрсанг не бўлгай.  
Мен ёrimни изладим, қолдим армон ичинда.

Бир нечалар кезарлар сафо бирла суҳбатда,  
Бир нечалар кезарлар қайғу бирла ҳасратда.  
Бир нечалар кезарлар мاشаққатли меҳнатда,  
Бир нечалар кезарлар адо бўлмас давлатда,  
Мен бир бечора мискин қолдим армон ичинда.

Ҳамро айтар оллодан охир бир кун тилагим,  
Қариндошим изламас, йўқдур менинг керагим.  
Кўрсам ёрни бўнига нечук солмай билагим,  
Ишқ ўтина туташдим, куйди менинг юрагим,  
Мен ёrimни изларман қолдим армон ичинда.

деб Ҳамроҷон бир бўлак тўрғайларға ғазал ўқиб тураберди. Бу сахрода юрган тўрғайлар соз-суҳбатни эшишиб кўрибми, бу шовқинни эшишиб, уркиб учиб ўта кетди. Водариғо, деди Ҳамроҷон, ажаб ҳам дардимизга тушунадиган дарддошни топган эканмиз-а, ҳей жониворим Шоҳсувор отим, ҳей тилла дастали дуторим, сиздан бошқа ҳамдамим йўқ эрур, деб дуторни орқасига қистирди, отнинг жиловини ёздириди, қайтадан чўли биёбонға қараб отни сура берди. Боракалло, бос-ҳо бос, сур-ҳо сур юра берди. Кун чошгоҳ бўлди, пешин бўлди, от товдинг устина чиқди, товда селов деган ўт бўлар эди, отни шу ўтдан тўйдириб олди. Ярим оқшом бўлди, шу ерда Ҳамроҷон дам-тинчини олиб, эрта сахарда яна йўлга равона бўлди. Бир вақт улкан тов кўринди, товнинг икки ёнинда икки ёлқин кўринди. Бу не ёлқин экан жоним, бу не шуъла экан, бу не оғочлик экан деб аста-секин бора берди. Яқинлашиб қараса қирқ таноблик бир чорбоғ, қирқдан пахса қўйилган, ҳар пахсаси зумраддан, лаълдан, олтиннан, кумушдан, ёкутдан, гавҳардан, қимматли тошлардан солинган. Янгоғи шу пахсанинг шуъласи экан. Пахса ёқалаб бориб, отни бир жойдан боғлаб, боғдинг сув ўткармасидан ичкари кирди. Кирса бир сарҳовуз, суви канорма-канор булкилдаб тўлиб турибди. Чарчаб-сувсаб келдим, оч ҳам бўлдим, бир сув ичиб чанқовимди босайин, деб отдан тушиб, қўлтиғидан чини косани олиб сувга чўзса сув паствга тушиб кета берди, бу узата берди, сув тўман чўка берди. Қараса ердинг тайина сув ҳам кетиб бораётир, Ҳамроҷон ҳам кетиб бораётир. Бир вақт юқори қараса, кун зўрдан кўринади. Ана тирмаша-тирмаша юқори чиқди, қараса яна сув канорма канор булкилдаб тураберди. Водариғо деди Ҳамроҷон, бу сув ҳам бизга мұяссар бўлмади-ғў. Боғнинг бу томонига қараса бир туп олма, олманинг уч шоҳаси уч ёққа айрилиб кетган. Олманинг туби жувоздинг тубиндей, меваси уч яшар боланинг калласиндай, бир ёғи оқ, бир ёғи сариқ, бир ёғи қизил бўлиб пишиб турибди. Ҳамроҷон бир мевани олиб еяжак бўлиб қўлини узатди, қараса мевалар ҳам юқори кўтарилаверди, қўлини тортса илгина, елкасинача келиб тийиб тура берди. Ҳамроҷон водариғо, деб ҳайрону саросимада бўлди. Бир шамол бўлса, олмалар тўкилса, есам деб, шамолнинг пири Мири Ҳайдар бобоға ёлбориб, қўлина созини олиб бир сўз айтар бўлди:

Елдинг пири Мири Ҳайдар,  
Иялтириш шохасин-шохасин.  
Ҳар шохаси моҳи анвар,  
Иялтириш шохасин-шохасин.

Кимсани кўр, айшдадур,  
Кимсани кўр, нолишдадур.  
Туби оғоч беҳиштдадур,  
Иялтириш шохасин-шохасин.

Учрадим ман ёвуз дарда,  
Ўлар бўлдим чўл ерларда.  
Умидим Мири Ҳайдарда,  
Иялтириш бутогин-бутогин.

Олма тийинда ўлар бўлдим,  
Очилемасдан сўлар бўлдим.

Не болоға дучор бўлдим,  
Иялтириш шохасин-шохасин.

Ҳамро деяр умидим бор,  
Шоҳимардон бўл мададкор.  
Келган бари сахобалар,  
Иялтириш шохасин-шохасин.

Ҳамроҳон иялтириш шохасин-шохасин, деб зор йиғлайверди. Ана шу вақтинда шамолнинг пири Мири Ҳайдар бобо тайёр бўлди. Бобо гоҳ ҳавони очиб, гоҳ ёпиб, бир сиқириб юбарди, еру осмон ларзона келди. Доғ-доға, сув-сува чоғилишди. Ана жувоздинг тубиндай келадиган олманинг туби учга ажралиб кетди, ўртада бир тик шоха шамолнинг кучи билан эгилиб кела берди, Ҳамроҳон уни маҳкам, зимриқдай бўлиб ушлаб олди. Ҳамроҳонни шамол сепиб ўта кетди. У шоҳадан у шоҳага, бу шоҳадан бу шоҳага тийиб, Ҳамроҳоннинг юзлари тирмаланди, усти-боши дол-дол бўлди. Шу орада бир олмани узиб олиб ғажирдатиб кемираверди. Қирқ газ тик шоҳани устинда турған Ҳамроҳон ана Худонинг қудрати билан, парининг ҳиммати билан қўли ёздирилиб ўта кетди, қирқ газ баландликдан боши тўман атоноқланиб кела берди. Олманинг тийи тош, симутдай қатти эди, Ҳамроҳон шу келишина тушиб, бир соат ҳушина келмай ётди. Бир вақт ҳушина келиб қараса кун пешинга айланган экан, эмгаклай-эмгаклай қалин гулларни ичина ўзини панараб ёта берди. Гулларнинг орасинда ётса, осмоннинг юзи равшан бўлди, яхши ҳидлар келди. Боракалло. Шу вақт қирқ каптар юқорида давр уриб айлана берди. Ўртасинда катта бир тўти қуш юз минг ноз-ишва билан қақирдаб сайраб келаётганини кўрди. Улар шосупанинг устинда келиб тушдилар, бир силкиниб, юмаланиб ўрниннан турдилар, қирқ қизга

айландилар. Ана ўртадағи қүш-да бир силкиниб, ўрнидан турди, бир паризодға айланди. Ҳамрожон қараса, шу гумбаздинг ичиннан чиқиб қочиб кетган қыз. Ҳамрожон айтди, боракалло, ердан тилаганим күқдан, күқдан тилаганим ердан келди, шу паризодға қовушмасмиканман, ё яна мени алдаб кетармакан, деб ёта берди. Ана Ҳамрожоннинг бундай юришининг бари Ҳурилиқо паризодға аён эди. У канизакларға чағирди, ҳей канизаклар бу ерга келинглар, канизаклар югуришиб, теварагинда тайёр бўлди, боринглар нози неъматни келтиринглар, ҳазм-базмда бўламиз, чой дамланг, ароқ-шароб қуйинглар, бангдан-хангдан, тиргакдан-миргакдан, чойдан-мойдан қуйинглар. Қатламадан, чўракдан, кишишидан, бўракдан, ҳар турли қавла-шавладан келтиринглар. Ана базм бошланиб кетди, чой ичгани чой, мой ичгани мой ичаётирлар, созу сухбат-да бўлиботир. Ана буларга қараб ётиб Ҳамрожон белиндаги дуторни олиб, узилган совоқларини тонгиштириди, торладики таранглади, гулдан сал бошини кўтариб, гулларнинг орасинда ўтироғон еринда Ҳурилиқоға қараб бир сўз айтишга шайланди. Қани не деган экан.

Ёрим қаддингни кўрайин,  
Берроқ кел энди, кел энди.  
Санго жонимни берайин,  
Соллан, кел энди, кел энди.

Ошиқман ола кўзинга,  
Шакар эзилмиш сўзинга.  
Чўлонур зулфинг юзинга,  
Халқقا нур энди, нур энди.

Солғил қўлингни бўйними,  
Товланиб келгил ёними,  
Солдинг ўтладин жоними,  
Соллан, кел энди кел энди.

Сўрғил ёрингни ҳолини,  
Эмдир лабингни болини.  
Берай дунёнинг молини,  
Берроқ кел энди кел энди.  
Ман санго банда-одамзод,  
Рахм қилғил эй паризод.  
Дарду ғамдан бўлай озод,  
Ҳолим сўр энди-сўр энди.

Ҳамро айтур тилагини,  
Сол бўйними билагингни.  
Ёқма менинг юрагимни,  
Берроқ кел энди-кел энди,  
Ёрим кел энди-кел энди.

Ана бу сўзни эшитган Ҳурилиқо паризод қўлинда ичаётган чойни шартта тушириб юбарди, коса кул парча бўлди, ўзи онг-тонг бўлди. Ҳамроҳоннинг овозини эшитиб ақлу ҳушдан бегона бўлди. Пари эсдан кетмас, ўлмас, етмас халқ эди. Шундай бўлса-да, калла айланиб, кўз тинди. Ҳей канизлар берроқ келинглар, жувонмарглар, тезроқ келинглар деб сурангни сола берди. Канизлар мунинг қичқирганина зараси ёрилиб, дарров теварагинда тайёр турдилар. Ҳурилиқо айтди, боринг, гулларни орасини қидиинглар, чорбоғни ораланглар, агар бир одамзод бўлса инжилтирмасдан, ранжитмасдан, қаттиқроқ қисмасдан, аста қўлтиқлаб олиб келинглар мени ёним, деди. Канизлар боғни оралаб кетдилар, у ёғини айландилар, бу ёғини айландилар, бир қарич ерини ҳам қўймасдан айландилар, лекин Ҳамроҳоннинг устиннан дуч келмадилар. Ҳамроҳон гулнинг тийина тифилиб ёта берди. Ҳурилиқо канизаклари тополмағаннан кейин бир нақараси бор эди, шуни урдирди, нақаранинг сасина Ҳашти рух деган бир дев бор эди. Шу дев уйғониб кетди. Бу дев паризоднинг хизматкори эди. Дев ўрниннан туриб, на хизмат бибим, деб келди. Ҳурилиқо айтди, гулларни орасини қара, на одамзод, на маҳлукот, хуллас ёт нарса бўлса олиб кел, лекин қисмасдан, астароқ ушлаб кел, деди. Ана дев боғни у томонини, бу томонини ахтарди, Ҳамроҳонни устиннан етти марта ўтиб қайтди, лекин топмади. Сўнг туриб бир юмаланди, ўрнидан туриб бир бургут қушга айланди. Ана энди гулларни орасина тумшуғини тиқиб, искамак билан бўла берди. Одамзодни иси маълум эди, бирдан Ҳамроҳоннинг устидан дурса тушди. Ҳамроҳон бу девнинг ҳайбатиннан қўрқиб, ништсан экан деб гулнинг тийина кира берди. Дев бирдан юмаланиб, ўз аслина келди. Бўйлари минордай, каллалари гумбаздай, оғизлари ўчоқдай, мурунлари тарновдай, ёвунлари ош тахтадай, тирноқлари дандондай, оёқлари кундадай бир қоп-қора маҳлук бўлди. Ана муннан қўрқиб Ҳамроҳоннинг ҳуши учиб кетди. Ҳей одамизод, қўрқма, зангар, сени Ҳурилиқо паризодингга олиб борурман, деб қўлтиқлаб Ҳурилиқонинг олдина олиб бориб, шу одаминг учун мени уйқудан турғуздингми, ол керагинг шу бўлса деб Ҳамроҳонни Ҳурилиқонинг алдина дурс этдириб отиб урди. Ҳурилиқо қараса, Ҳамроҳон ёрининг ранглари ўчган, қони қочган. Дарров ипак рўмоли билан кўзини сириб, бошини тиззасина олиб, синик дуторини қоптолина қуиди, юзларина гулоб сепди, мурунларина дари искатди. Ҳамроҳон бир вақт кўзини очди, қараса Ҳурилиқо паризоднинг этагинда ётиби. Боракалло тўрам, бу юртларда ништиб юрибсиз? Мен сизни излаб чиқканман, деди Ҳамроҳон. Йў-ўқ, деди Ҳурилиқо, меннан бошқа ничча жононларинг бордир, деди. Сиздан бошқа суйганим йўқдир, деди Ҳамроҳон. Сизни деб не машаққатларни чекдим, зўрга висолинга етганда манго бу гапларни айтмасанг бўлар эди, деди. Шунда Ҳурилиқо алина созини олиб савол сўради. Ҳамроҳон жавоб берди:

### Ҳурилиқо:

Одамзод аҳлининг азиз подшоҳи,  
Асиринг бўлайин, қайдин келурсан?  
Паризод халқининг кўнгил ҳушҳоҳи,

Асиринг бўлайин қайдин бўлурсан?

**Ҳамро:**

Мани сўрсанг Миср элдан бўлурман,  
Сенинг учун гойибона келурман.  
Қирқ кун бўлди чўлиstonда ахтариб,  
Сенинг учун ёна-ёна келурман.

**Хурилиқо:**

Киши мунча кеч келарми дўстина,  
Не йигитсан жон олмоқни қасдина.  
Қўйғон қадамларинг дийдам устинага,  
Курбонинг бўлайин қайдин келурсан?

**Ҳамро:**

Кўп қийналдим чўлиstonни ахтариб,  
Умр ўтди ҳасратингда сарғариб.  
Сенинг учун куйиб-ёндим ман-гариб,  
Сенинг учун ёна-ёна келурман.

**Хурилиқо:**

Отим Хурилиқо Шоҳруҳ шоҳ қизи,  
Кеча-кундуз ёрим, изларман сизи.  
Тўрам сиза худо қўшмишdir бизи,  
Рост сўзликўр тўрам қайдин келурсан?

**Ҳамро:**

Отим Ҳамро Хисров шоҳнинг ўғлиманинг  
Сенинг учун сийналари доғлиманинг  
Қаерда бўлсам-да санго боғлиманинг  
Ёрим сени излай-излай келарман.

Ана бу савол жавобдан сўнг, Хурилиқо канизларига буюрди, ҳей канизлар, ҳазм-базмни бошланглар, ёхти жаҳонда не бўлса келтиринглар. Боракалло канизлар югуришиб-елишиб ноз-неъматларни келтирдилар, Ҳамрожонни ювинтириб, кийинтириб, зар тўшакларнинг устинага чиқариб, маишатга машғул бўла бердилар. Ана шунда Ҳамрожон айтди, мен сизни излаб чўлни кездим, ўлар ҳолатга етишдим, сизлар эса ҳазм-базмдасизлар, деди. Шунда Хурилиқо ҳам ўзининг дардларини баён этиб, Ҳамрожонга қараб бир сўз айтиб турғани:

Ҳижронингда ёна-ёна,  
Куяр бўлдим ёр дардингдан.  
Ишқинда бўлдим девона  
Ёнар бўлдим ёр дардингдан.

Кечаларда фароғат йўқ,

Кундузларда ҳаловат йўқ.  
Мундин ортиқ ривоят йўқ,  
Куяр бўлдим ёр дардингдан.

Қора қонлар ютар бўлдим,  
Бемор бўлиб ётар бўлдим.  
Бошим олиб кетар бўлдим,  
Куяр бўлдим ёр дардингдан.

Отим Ҳурилиқодур,  
Чекканим жабру жафодур.  
Фоний дунё бебақодур,  
Ёнар бўлдим ёр дардингдан.

Бу сўзни эшитиб, Ҳамројоннинг ё қўнгли ғаш бўлиб, ё қўзи ёш бўлиб.  
Ҳурилиқо паризодга ўз қалбини билдиrmак учун алина созини олиб бир сўз  
айтар бўлди:

Жонингдан айланай гул юзли жонон,  
Кел, иккимиз завқу сафо сурали.  
Жонимни айлайнин мен санго қурбон,  
Кел, иккимиз завқу сафо сурали.

Миср элдан келдим санго ғойибона  
Ҳасратингда бўлдим дали девона.  
Висолингдан қилма мени бегона,  
Кел, иккимиз завқу сафо сурали.

Тилинг ширин, юзинг меҳри гиёдур  
Ишқ ўти қўнглимда нури зиёдур.  
Қошинг камон, икки зулфинг зиёдур,  
Кел, иккимиз завқу сафо сурали.

Парилар қуршабди соғу сўлларинг,  
Боғингда очилган қизил гулларинг.  
Банд айламиш тархиноли қўлларинг,  
Кел, иккимиз завқу сафо сурали.

Курбон бўлай юзларингнинг холина,  
Меҳрим қондир, лабларингнинг болина,  
Раҳм айлагил манинг ушбу ҳолима,  
Кел, севдигим завқу сафо сурали.

Хисров шоҳ ўғлиман, отим Ҳамродур,  
Уч ойдур кезганим чўлу сахродур.  
Ёр ишқинда юрак-бағрим порадур,

Кел, севдигим завқу сафо суралы.

Бу сўзни эшитиб, Ҳурилиқо паризоднинг аъзои андоминнан ўт чиқди, юраги эзилди, кўзининг ёши тизилди. Эй тўрам, кўнглинга овур олдингми менинг айтған сўзларимни, эр йигитни етти марта синааб қўрадилар, мен сенинг келаётирганингни билиб, алдинга чиқдим, агар чиқмасам, мени минг йил ахтарсанг ҳам тополмассан, деди. Ишқимнинг ҳақиқатлиги учун алдингда ҳозир бўлдим, бўлмаса манинг висолим санго йўқтур. Шунинг учун сен бу ишларни кўнглинга овур олма, сенинг учун бари нарса тайёр, кел экавимиз бир ўйнабкулиб боғди айланайлик, деб қўлларини Ҳамро жоннинг бўйинларига солди, юзлариннан бўсалар олди. Дол чибиқдай дўланишдилар, ўйнашдилар, кулишдилар, эки ошиқ боғи чорбоқни айланиб ўта кетдилар. Боғларни айланиб, завқу сафо сурдилар. Ҳурилиқо паризод Ҳамро жоннинг келгани учун етти кечакундуз тўй-томуша берди. Шунда канизлар: улмас-йитмас паризод бўлиб, умри қисқа одамга бошингни қўшдинг, эй манглайи қора, занғар қиз, деб тўнгқилдашдилар. Паризод тўй қилиб халойикقا наҳор берди, сарпо қўйди, қозикалонларни, мунахжимларни – бари кишиларни чақирди. Аммо паризоднинг отаси келмади.

Ҳамро шунда айтдики, эй Ҳурилиқо паризод, экавимизди гумбаз ичинда қирқ чилтанлар бирга қўшиб, никоҳ қийганларини бу халойик билмайди, кел, ҳозир иккимиз бир савол-жавоб айтишиб, халққа бу ишни аён қилайлик, деди. Шунда ҳар қайсиси алина дуторини олиб, халқ алдинда савол-жавоб айтар бўлдилар.

**Ҳурилиқо:**

Саҳар вақти ётғонингда,  
Тур, деганлар кимлар эди?  
Тутиб дасти туморингни,  
Юр деганлар кимлар эди?

**Ҳамро:**

Саҳар вақти ётғонимда,  
Али бобом тур, дедилар.  
Тутиб дасти туморимдан,  
Ўғлим бирга юр, дедилар.

**Ҳурилиқо:**

Қаерга бордилар олиб,  
Кимлар ўлтирди йиғнолиб.  
Тахтни устинда ўлтириб,  
Шароб берган кимлар эди?

**Ҳамро:**

Гумбазга бордилар олиб,  
Чилтанлар келди йиғнолиб.  
Тахтни устинда ўлтириб,

Али бобом ич, дедилар.

**Хурилиқо:**

Күлинда шам тутиб турган,  
Юзиннан нур оқиб турган.  
Бизга қараб боқиб турган,  
Вакил бўлган кимлар эди?

**Ҳамро:**

Кўлинда шам тутиб турган,  
Юзиннан нур оқиб турган.  
Биза қараб боқиб турган,  
Султон Ваис пирлар эди.

**Хурилиқо:**

Сен ҳам кўрдингми бу тушни,  
Баён этгил, бўлғон ишни.  
Узун бўйли қора киши,  
Никоҳ қийған кимлар эди?

**Ҳамро:**

Мен ҳам қўрибман бу тушни,  
Баён этсам бўлған ишни.  
Узун бўйли қора киши,  
Вайсул Қирон пирлар эди.

**Хурилиқо:**

Хурилиқо дер зор айласам,  
Сирим халқа бор айласам.  
Шул йигитни ёр айласам,  
Айтгил ёринг кимлар эди?

**Ҳамро:**

Ҳамро деяр баён этсам,  
Халқа сирим аён этсам.  
Ёримнинг отини айтсам,  
Хурилиқо пари эди.

Халойиқ бу сўзларни эшишиб, ҳайрону саросимага тушдилар, канизлар ҳам тим-тифт бўлди. Булар не учун тўй бошлади, деса буларга Султон Ваис пир иштирокинда, қирқ чилтанлар билан Баҳовиддин пир никоҳ қилған экан-ку, дуб ҳайрон бўлдилар. Шундай бўлса-да буни тушунгани тушунди, тушунмагани, тушунгани йўқ. Шу бояғи дурсулдашма билан бўла берди. Шунда Ҳурилиқо айтди: Ҳей халойиқ, бизлар Худонинг даргоҳинда муннан бир ой бурун никоҳланганмиз, буни ақллингиз тушунарсизлар, аҳмоқингиз юраберарсизлар,

деди. Шундай этиб, икки ошиқ-маъшуқ бир-бирина етишиб, долчибиқдай дўланишди, айш-ишрат билан машғул бўла бердилар.

## II.

Ана булар айш-ишрат билан машғул бўла бердилар. Орадан кунлар-ойлар ўтиб кетди. Ана бир куни Ҳамроҳон туриб айтди, боракалло, аввалом ман отамнинг хизмати учун, булбулигўё қуш учун чиқсан, ҳақиқат унинг қаерда эканини билмасам, бу паризоднинг ишқина мубтало бўлиб ёта берсам ота ҳурмати оёқ ости бўлиб қола берса бу қалай бўлар экан? Орадан беш-олти ой ўтди, бир куни сахарнинг файзли вақтинда Ҳамроҳон калласини кўтариб бир ох тортди, оғзиннан қора куйик чиқа берди. Шўл вақтинда Ҳурилиқо паризод ҳам ухламай ётғон эди. Ҳамроҳондинг ох тортғанини эшишиб, ўйлади, тўхта, бу тўрамнинг бошқа бир ерларда яна бир паризоди бўлмасин, бошқа бир ватани, ёри бўлиб, манго дуч бўлғанина пушаймон этиб юрган бўлмасин. Ман муннан ҳақиқат бир анигини, эшитайин, деб Ҳамроҳонга айтди: Эй тўрам, ман бир парилар шоҳи бўлсан, Эрам боғи манинг ихтиёrimda бўлса, тамоми парипайкарлар хизматимда бўлса, сен не учун ох чекасан, афғон этарсан, ваҳм чекарсан, ё бўлмаса емага-ичмага зормисан, киймага зормисан, давру давронни, ишқ-муҳаббатни санго бағишлисан, не ох тортасан ё бошқа ерларда ҳам севгилинг борми, деди. Вўнда Ҳамроҳон туриб айтди: - Эй паризодим, менинг бошқа севганим йўқ, ҳеч ерда паризодим ҳам йўқ, сеннан бошқа қора қўзим, ширин сўзим йўқ. Энди меннан гапди сўрасанг яхшиси савол-жавоб айтишсак ўнгай бўлар эди, деди. Ҳурилиқо паризод қозикдан қазма дуторини олди. Иккиси саволу жавоб бошладилар:

### **Ҳурилиқо:**

Саринга дўнайин гул юзли жонон,  
Сен не учун оҳу афғон айларсан.  
Жонимни айлайин мен санго қурбон,  
Сен не учун оҳу афғон айларсан?

### **Ҳамро:**

Мундин чиқдим борса келмас йўл билан,  
Шунинг учун оҳу афғон айларман.  
Бирга тувған эки қардошим билан  
Шунинг учун оҳу афғон айларман.

### **Ҳурилиқо:**

Бир неча кун юриб, доғи сарсонлиғ,  
Бир неча кун суриб, давру давронлиғ.  
Сенинг учун келдим боғи Эрамдин,  
Сўйла ёрим нечун афғон айларсан.

### **Ҳамро:**

Булбулигүё дейиб чиқдим шаҳримнан,  
Ичим куяр номус билан оримнан.  
Ҳеч ким хабар олмас манинг зоримнан,  
Шунинг учун оху афғон айларман.

Отам унда қолди бошимни тожи,  
Қандай этиб сеннан олармиз божи.  
Булбулигүё эрур кўнгил мўътожи,  
Шунинг учун оху афғон айларман.

### **Ҳурилиқо:**

Булбулигүё эрса кўнгил мўътожи,  
Биз паримиз тез топамиз иложи.  
Ҳурилиқо дер, сенсан бошимни тожи,  
Сен не учун охи афғон этарсан.

Не йиғларсан, не аламинг зоринг бор,  
Боғбондурсан олма бирла норинг бор.

Ёки мандин ўзга гўзал ёринг бор,  
Сен не учун охи афғон айларсан?

### **Ҳамро:**

Ошиқ Ҳамро дерлар манинг отима,  
Бир ох урсам олам ёнар ўтима.  
Қавму қариндошим тушар ёдима,  
Шунинг учун оху афғон айларман.

Ана Ҳурилиқо паризод «Биз паримиз тез топамиз иложи» деганнан сўнг, Ҳамроҳон айтди, эй паризодим, ана энди иложини топовўлсанг топадўвин вақта келди, менинг эки тувғоним билан «борса келмас» йўлда ажрашиб кетганимга қанча вақтлар бўлди, ўлардинг ўли-тирисини билмасам, отамнинг айтғони булбулигүё қушди топиб кела билмасам, шуннан бошқа оғир дард йўқ менда, деди. Эй тўрам, қайғурма, мунинг иложи онгсот, деди Ҳурилиқо. Ана бизнинг билан бугун давру давронда, айшу ишратда бўласан, ана эртанг намоз вақти боғдан чиқармиз, ана хизматкорларни топармиз, хизматни буюармиз, хизматингда тайёр туарлар, булбулигүё қушға етишарсиз, деди. Ана бугун тонгнинг файзли вақтинда зарли тўшакда, муҳаббат ишқи йўлларина киришдилар, ўйнашдилар, кулишдилар. Эрта туриб, ювиниб-тараниб майдонға чиқдилар. Шул вақтинда Ҳурилиқо паризод бир наъра тортди, шу наъра тортғонда Ҳаштируҳ дев деган деви югуриб келди. Ҳей Ҳаштируҳ дев, қани берроқ кел, санго бир гап бор, ана мнов менинг тўрам, севгили ёримдур, одамзод ахлиннандур, ман ўз қавмима кўшғанман, ана сен буни боғи Сийминга олиб борорсан, Ҳури Завфарон опамдинг боғинда, бир қафас бордур. Шу қафасни

оғзини очмасдан дарров қўзни очиб-юмгунча опкелгайсан, деди. Дев Ҳурилиқонинг хизматинда тайёр бўлди. Эй тўрам, деди паризод, шу девнинг устига минарсан, исми аъзам дуосини ўқирсан, кўзингди юмарсан, дев қўзингни оч, дер, кўзингди очарсан. Яна Сиймин боғина борарсан, минг йиллик йўлдир ораси. Ана дарвозанинг олдинда шосупа бордир. Шосупанинг устинда нарвоннинг тийинда дами тинчингни оларсан. Сен деви Ҳаштируҳ катта саройға киравсан, дахлиздан ўтарсан, бир томонда ҳар турли мاشаққатли нарсалар кўринар, муннанда ўтарсан, лекин ўзингди исми аъзам дуонгди ёздирма тўрга томға кирган вақтингда сори чархипалак айланиб турғанда, ғажир-ғужур синдириғайсан. Ҳарифи ёғинда бир қафас бордир. Қафасни майдонга олиб чиқғайсан, лекин қафаснинг овзини очиб кўра кўрма, деди. Агарда овзини очсанг, ичинда бир қуш бордир, сайраб юбарар осмону замин бир бўлар. Ана бу сас опам Ҳуризаъфароннинг қулоғина етар, шу вақтда дев, париларни юбарар, тош қилиб ташлар. Сен манго йўқ, ман санго йўқ. Опам мендан ҳам етти ҳисса дуохондир, деди. Бу сўзни эшишиб Ҳамроҷон, маҳкам қулоғина сирға этиб тақиб олди. Ана деви Ҳаштируҳ уни елкасина миндирди. Ҳамроҷонни олиб деви Ҳаштируҳ осмонга кўтарилди. Кўзни очиб-юмгунча боғи Сийминга олиб борди, гужумнинг алдина тушди. Кўзингни оч, деди, Ҳамроҷон. Кўзини очиб, ажойиб бир, гўзал боғни кўрди. Олдинда олтин дарвоза, кирса катта кетган дахлиз, ўн эки олтин стунли, ҳар турли ажойиботлар чайқалиб турибди, бир ёққа қараса эки аждарҳо бир-бирина овзини очиб турибди. Муннан-да ўта берди. Саройға кирди, кирса чархипалак айланиб турибди. Калласи ғувлаб айланиб, у ёқ-бу ёққа қаради. Ана чархипалакни ғажир-ғужур синдириб ичкарига кирди, қараса бир қафас, қафасни олиб ташқари чиқди. Ана шосупага деви Ҳаштируҳни алдина келди. Боракалло, бу қафасни бир очиб кўрайин, шу қуш отамни айтғон қушмикан, деб, ана қафасни очиб кўрди, шу вақтда қуш ёхти жаҳонни кўриб, бир сайраб юбарди етти қат осмону замин ларзага келди. Бу овоз Ҳуризаъфароннинг қулоғина қарс-қарс этиб, чўккишдай бўлиб тия берди. Шул вақтда Ҳуризаъфарон бир наъра тортди, наърасина қирқ каниз эниб келди. Ана булар дуохон канизлар эди. Ҳей, қирилғурлар, дарров келинглар, менинг қопталимда тайёр бўлинглар. Боғи Сийминга боринглар. Ана менинг булбулигўё қушимға бир ўғри келганга ўхшайди. Одамзодми, инсми-жинсми, парими-пайкарми, не жонзод бўлса сув деса тошга ур, тош деса сувга ур, тилка-порасини чиқаринглар, агар шундай этмасангизлар, сизларни банди зиндан этарман, қиёмат охиргача ёздирмасман, деди. Ана канизлар порлаб ҳавоға кўтарилиб, дуд-палак бўлиб, булут кўчгандай кўча бердилар. Бориб боғи Сийминга қўндилар. Қарасалар бир ажойиб йигит, қафасни синдириб, ичиндаги қушни олиб сайратиб ўтирибди. Боракалло, ана менинг бибимнинг қушина келган ўғри шул экан-ғў, бор қучи билан канизлар дамди солаверди. Ана Ҳамроҷон дамни қучи билан зимриқдай қотаберди. Ана булар қотиб ёта берсин, яна сўзни Ҳури Заъфарандан эшиting. Ҳуризаъфарон бир наъра тортди, наърасига Қақнус дев деган бир хизматкор деви бор эди, баҳодир полвон эди, ана дўниб ёниға келди. Ҳей Қақнус дев, дарҳол сен боғи Сийминга бор. Ана дуохон қизларди юбордим. Боғима ўғри келганга ўхшайди, булбулигўё қушимни олиб чиқғанға ўхшайди. Қушни сайраши қулоғимнан кетмай турибди. Ана канизлар дам уриб қотириб ташлаған

бўлсалар сан панжанга олиб, тикка ҳавога кўтар, сув деса тошға ур, тош деса сувға ур, тилка порасини чикариб ёніма келтиргайсан. Агар шу хизматни ажизлик қилиб келтира олмасанг, қиёмат охиргача банди зиндан қиларман. Қақнус дев хўп, ажаб бўлғай деб ҳавоға кўтарили. Кўзди очиб юмгунча келди, қараса деви Ҳаштируҳ уйқуда ётғон, бир ажойиб йигит зимриқдай қотиб ётғон. Ана канизлар Қақнус девни келганини кўриб, чорбоға қайта берди. Қақнус дев Ҳамрони қўлиға кўтариб, тикка ҳавоға кўтарилиб ўта кетди. Ана деви Ҳаштируҳ буннан бехабар шосупанинг устида уйхлаб ёта берди. Аммо чала уйқуда эди. Ана Қақнус дев ҳавода кўтариб бораётир. Ҳамроҳон девни қўлинда терлади, кўпчиди, кўкарди, эсиннан кетди, бир вакт ҳушина келиб қараса девни панжасида кетиб бораётир, боракалло, ана ботирға хушомад, ўғриға сиёсат деганлар, бу девга бир хушомад уриб кўрай деб ўйлади Ҳамроҳон. Ҳей дўстим, Қақнус дев, мени кўтариб ҳеч ёққа олиб бормассан, агар менинг паризодим билиб қолса сени ҳам етти иқлиминг билан руҳи замин қилар, вўнанча экавимиз ярашиқ, деб ёлвориб, қўқда девнинг панжасида зор йиғлаб, Ҳурилиқ ёдина тушиб бир сўз айтар бўлди:

Раҳм айликўр эй келган дев  
Мени пора-пора қилма.  
Баҳор фаслима етказмай  
Сийнамни сен яро қилма.

Сенсан мени чин йўлдошим,  
Қиёматлик қариндошим.  
Оқизма кўзимдин ёшим,  
Гўзал ёрдин айро солма.

Дев қўлингда ўлар бўлдим,  
Очилмасдан сўлар бўлдим.  
Не савдоға дучор бўлдим,  
Сийнамни сен яро қилма.

Боғ ичинда кутар ёрим,  
Оллоға етишсин зорим.  
Ўзинг сақла биру борим,  
Оқ юзимни қаро қилма.

Ҳамро деяр чиқар жоним,  
Адо бўлди устихоним.  
Қани менинг меҳрибоним,  
Мени пора-пора қилма.

Ҳамроҳон бу сўзларни айтиб ёлбора берди. Шунда дев айтди, эй ақлсиз одамзод, сени Ҳурилиқонгдан менинг бикам Ҳуризъфарон кам бўлдими, у паризод паризод, бу паризод паризод эмасми, ё оғочнинг ҳўккисими ў, сени олиб

борсам паризодимдан совға оламан деб губурдиклаб уча берди. Шунда Ҳамрожон девнинг қўлиннан чиқиб кетавўлмажагини билди. Водариғо не бўлсам, бўлдим энди деб бора берди. Қақнус дев билан Ҳамрожоннинг осмондаги бу сўзлари пастда шосупада уйхлаб ётғон Ҳаштируҳ девнинг қулогина тийди. Ана деви Ҳаштируҳ билай қараса осмонда Қақнус дев Ҳамрожонни панжасина қисиб учиб бораётир. Водариғо, Ҳамрожон Қақнус девни қўлинда бўлса, мен ўннан айрилиб. Ҳурилиқо паризодим олдина борсам мени ўлдирап, ўндай бўлғаннан Қақнус девнинг алинда менинг-да ўлганим афзал. Ҳозир уришиб, кучим келса қўлиннан олайин деб ҳорлаб осмонға уча берди. Ана Ҳаштируҳ дев Қақнус девнинг устидан газ ярим кўтарилиб, ё вурнига дурс этдириб бир тепиб, саломалайкум жўра, деди. Қақнус дев ёлп этдириб кўзини очиб қараса Ҳаштируҳ дев устида газ ярим юқори учиб бораётир экан. Ҳей Қақнус дев, қўлингдағи ўлжангди бизга бериб кетасан деди Ҳаштируҳ дев. Ҳав, нега бериб кетади? Бу одамзод менинг ҳақиқат, подшоҳим, паризодим Ҳурилиқо паризоднинг суйган ёридур, деди Ҳаштируҳ дев. Йўқ деди Қақнус дев, бу одамзод менинг бибим Ҳуризаъфароннинг боғидаги булбулнинг ўғрисидур, деди. Бу ўғри эмас, шу қушнинг ошиғидир, шуни олиб кемага келган деди Ҳаштируҳ дев. Кучинг етса оларсан, бўлмаса қоларсан, деб, Қақнус дев ҳовой уриб уча берди. Ана Ҳаштируҳ дев ҳам кучимиз етса олармиз, бўлмаса қўлингда ҳалок бўлармиз деб кириб кетди тўбалашга. Ана эки девдинг тўбалаши таппачининг дукониндай дурсда дурс бўла берди. Ана буларнинг тепкилари эки тов қоғилишқондай бўла берди. Чангал солиша берди, чақин чақилишғандай гажир-ғужур бўла берди. Ана шу пайтда деви Ҳаштируҳ Қақнус девнинг чап ёқиннан бориб кўзина бир панжа урди, кўзи оғиб туша берди. Ана Қақнус дев бир кўздан айрилди. Энди сени боплиман, кўзинг йўқ томондан бориб тепа бераман, деди Ҳаштируҳ дев. Ана Ҳаштируҳ дев ўзи урди, ўзи қўйди, ори урди, бери урди, дам олиб урди, қайиб келиб урди, учиб урди, чинғиб урди, ураберди, ана бир ёғдайина келди. Энди Қақнус дев чарчади, хориди, хўрланди, зўрланди, рангининг сориси тўрт бармоқ бўлди. Ҳей занғар Қақнус жўра, берасанми, йўқми қўлингдағи ўлжани деди, Ҳаштируҳ. Ўзим ўлмай ўлжа бермасман, дўстим, деди Қақнус дев. Кўярмиз бермаганингни деб Ҳаштируҳ дев кириб кетди тўбалашга. Шу оролиқда Қақнус девнинг бир қўли очилиб кетди. Ҳамро шунда отолоқланиб оёғи йўқори, боши тўман ерга қараб суниб кета берди. Шу вақтда Ҳурилиқо паризод, ёримнинг кетганина кўп бўлди, нега айланди деб тирноғина қараса Ҳамро осмонда суниб келаётир. Водариғо, Ҳамрожон шу келишина ерга тушса нимта-нимта бўлар, буни ерга туширмасдан этагима олайнин деб, Исми аъзам дуосини ўқиди, бир силкиниб каптар бўлди, ўрниннан туриб учиб ўта кетди. Ана бориб Ҳамрожоннинг келишини кўриб этагини тутди. Ана Ҳурилиқонинг этаги ҳақиқат тўрт газ кела тўғин эди. Ҳамро паризоднинг этагина пўлт этиб тушди, Ҳурилиқо ўраб-чирмаб олиб қайта берди. Ўзининг саройина келди, ана келиб Ҳамрожонди ўнг тиззасининг устига ётқизиб, юзининг тўзонларини йипак рўмоллари билан сириб, супириб қараса, Ҳамрожонда жон асари йўқ. Дарров китобхонларни, мунахжимларни чақирди, узоқина хат, яқинина от йўллади. Бари эниб келди. Ҳей халойиқлар, келдингизларми? – келдик. Қани китобхонлар китобингизға қаранг полтомонлар

полингизни очинг, қуррадўзлар қурра ташланглар. Менинг ёрим Ҳамроғонға бир шифо топинглар деб, қўлина созини олиб, Ҳамроғон этагинда бир сўз айтди:

Китобхонлар китобинга боқинглар,  
Ҳамроғонға шифо беринг, жонларим.  
Менинг юрак-бағрим бирла қоқинглар,  
Ҳамроғонға дуо айланг жонларим.

Манинг ёрим армон билан ўлмасин,  
Очилмасдан гулдай юзи сўлмасин.  
Манинг учун бағри бирён бўлмасин,  
Ҳамроғонға шифо беринг, жонларим.

Манинг ёрим Эрам боғин гулидир,  
Чаманда сайраган бир булбулидур.  
Онасининг жисми жони дилидур,  
Севар ёрга шифо айланг, жонларим.

Ёр йўлинда жоним барбод айлайин,  
Ёқа йиртиб доди фарёд айлайин.  
Минг қулимнинг барин озод айлайин,  
Севар ёрга шифо беринг жонларим.

Хурилиқо айтур баҳтим қародур,  
Айролик дардидин жисмим яродур.  
Дўстлар менинг жоним чиқиб борадур,  
Севар ёрга шифо айланг жонларим.

Хурилиқо паризод Ҳамроғонға шифо тилаб халойикға ёлбора берди. Халойик ҳайрон бўлди, буларнинг чин ошиқ эканини билди. Китобхонлар китоб очиб, полтомонлар пол қараб, қуррадўзлар қурра ташлаб, айтдилар, Ҳей Хурилиқо паризод, бу тўрангнинг яхши этжак бўлсанг бир сори геччини келтирасан, ана сўясан, терисина ўраб, шўни ўпка-юраги билан қоғамиз, ана сарпойни нўмайини бизга берасан, дедилар. Хурилиқоға геччи қайғими, бир амас еттисини келтириб сўйди. Ана Ҳамроғонди терига ўрадилар, қоқдилар, сўқдилар, геччини шўрва этиб едилар. Етти мунахжим-да сарпо олди. Ана энди ёринга даво бўлди, дедилар. Шул вақтда Ҳамроғон кўзини очиб эсина келди. Ўзи-да хушина келишина яқинлашиб туриб эди. Эй тўрам, деди Хурилиқо бунча жабр кўрдинг, азоб чекдинг, энди бу азоб-уқубатингни охири хайрли бўлади. Кел энди завқу сафо сурали деб олтин-кумуш саройларина кириб, давру даврон, завқу сафода бўла берди. Осмонда Қакнус дев билан Ҳаштируҳ дев ҳали тўбалашиб юриб эдилар. Қарсда-қарс, дурсда-дурс, чангл солишма. Ана уруша-уруша экавида эсанкираб ерга тушди. Деви Ҳаштируҳ бир вақт қараса, Ҳамро

йўқ. Шу замони боғи Эрамга қараб йўлга тушди. Келса Ҳурилиқо билан Ҳамро даврон суриб ётибди. Қақнус дев эса манглайина бешни, ерга тўртни уриб, зори гирён йиглаб, кўзидан қонли ёш оқиб, майиб бўлиб, қақрдаб-шакрдаб Ҳуризаъфароннинг саройина борди. Ҳуризаъфарон Қақнус девни қўриб, водариго, бу дев синглимнинг деви билан тўбалашган ўҳшайди. Қани ҳей, Қақнус дев, санго не бўлди? Илоё Ҳуризаъфарон бўлмай гўр бўлғай эдинг бикам, синглингни боғина келган бир жолотой одамзод учун ман шу кунга тушдим. Оёғим синди, белим синди, кўзим ўйилди деб, Қақнус дев суранг солаберди. Қани ҳақиқатни айт, деди Ҳуризаъфарон. Рости шўл, деди дев, боғинга кирган, булбулигўё қушни уврлаған синглингнинг боғина келган одамзоддур. Мен уни опкелаётирғонда деви Ҳаштирух қўлимнан тушириб юбарди, деди. Ўлдими, қолдими билмиман. Ҳуризаъфарон не қиларини билмай-жаллод, деб қичкирди. Шу замони олти жаллод, тўрт мирғазаб тайёр бўлди. Ханжар, қиличларингизни қайранглар, деди Ҳуризаъфарон, ана ясовулларди чақиринглар, мамлакатдаги бари баҳодирларди йиғинглар. Мен бу Ҳурилиқо билан бир чанимни қўраман. Ё ўларман, ё қоларман.

Сал ўтмай бари ясовуллар йиғилди, лак-лак аскар бўлди. Чўпда, чорда сон бор, лашкарда сон йўқ. Уч кундан кейин Ҳурилиқонинг боғина юриш бўладиган бўлди. Бу хабар Ҳамрожоннинг қулоқина етди. Ана бир куни озонғи чойда ёнгоқма-ёнгоқ, дўдоқма-дўдоқ, сийнама-сийна, тиззама-тизза, эки ошиқ ҳазм-базмда ўтиргон вактда Ҳамро айтди, паризодим сизга бир сўзим бор, айтмасам ҳам бўлмай турибди, айтсан ҳам бўлмай турибди. Айтинг тўрам, деди Ҳурилиқо. Ана айтсан, опанг Ҳуризаъфарон санго уч ойлик уруш тайёрлаб, шугун эрта устинга келади. Келаберсин, опамдан босим босман, деди Ҳурилиқо. Ана биз ҳам тайёрланиб турамиз. Бул ҳам уч кеча-кундуз лашкар йиғнади. Ана Эрам боғида лиқ лашкарга тўлди. Ана Ҳуризаъфарон солдов тортиб кела берди. Бу лашкарнинг бир чети боғи Эрамда бўлса, бир чети боғи Сийминда эди. Эки ўртада уч кеча-кундуз уруш бўлди. Ана сув ўрнина қон оқди, тош ўрнина калла юмаланди. Одам оралаб юрмага йўл топмади. Боркалалло, осмону замин бир бўлди. Шундай бир қирғин бўлди, жаҳонда биринчи бўлди. Ана тўртланчи куни Ҳуризаъфароннинг лашкари босилиб, қиличини овзина тишлаб, таслим бўлиб, Ҳурилиқо паризоднинг алдина келди. Ҳей синглим, ёлғиз одамзод деб, бир умри қалта одамзод деб, шаҳаримни қирғинга бердингфў. Эмчакдошинг опангнида юзина қарамадингфў. Сирғиё, жолотой бўлиб юртдан чиқдингфў, деб Ҳуризаъфарон синглисина сўзлай берди. Вўндо Ҳурилиқо айтди, Эй опа инсоф бўлса сенда менинг устима қўшин тортиб келмас эдинг, бул ёлғиз-одамзод эмас, менинг ошиғим Ҳамрожон турур. Агар менинг Ҳамрожонимни кўрганингда, етти иқлимини қирғинга беришга ҳам рози бўлар эдинг. Менинг тўрамди бир кўр. Кўрганда не, бир одамзод-да, деди Ҳуризаъфарон. Қани деб ўта бериб Ҳуризаъфароннинг кўзи Ҳамрожонға тушди. Ҳуризаъфарон зўрға тентириб, йиқилғудай ҳолға келиб, бехуш бўлишга сал қолди. Қайтадан Ҳурилиқонинг ёниға келиб, эй, Ҳурилиқожон, синглим, боракалло, айтганингдан етти ҳисса зўр экан. Шул ёрингни манго биргина оқшом берсанг бўлмими? Эй опа инсофга кел, опа-сингилга никоҳ тушмайди, деди Ҳурилиқо. Никоҳ-пикоҳингди билмиман,

шашаримди олсанг ол, тожи тахтимди олсанг ол, шул ёрингди бир оқшом бер.  
Ана Ҳуризъфарон алина созини олиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ кулиб, бир сўз айтди:

Бошингдан айланай Ҳурилиқожон,  
Гўзал ёринг бир кун берсанг не бўлди.  
Жонимни айлайнин мен санго қурбон,  
Ҳамрожонни бир кун берсанг не бўлди?

Бир одам келтирдинг менинг қастима,  
Чопғил мани қилич уриб дастима.  
Чиқарай Ҳамронгни сийнам устина,  
Бир оқшом Ҳамрони берсанг не бўлди?

Ўзимнинг боғимнинг барин берайин,  
Отамнинг боғининг ярмин берайин.  
Истасанг номусим-орим берайин,  
Бир кеча ёрингни берсанг не бўлди?

Қўлина олибдур олтин асосин,  
Шаробға тўлдириб зарли косасин.  
Бир кеча тортайин мен ҳам мазосин,  
Ҳамрожонни бир кун берсанг не бўлди?

Ҳуризъфарон де, кўнглим яродур,  
Синглим энди бағрим пора-порадур.  
Не сабабдин менинг баҳтим қародур,  
Бир оқшом ёрингни берсанг не бўлди?

Бу сўзни Ҳурилиқо айтди, эй жоним опам, мунча ҳаддингдан ошма, агар шариат қўшса, бир оқшом эмас ўн оқшом ҳам ёrimни берайин. Аммо бир тўғри сўз китобхон топ, бу ишни қўриб берсин, ўзи йитти мулло бўлсин, деди. Боракалло, Ҳуризъфароннинг овулинда шундай бир мулло бор эди. Жаҳонда не китоб бўлса шунда эди. Бир ола чунгкар байтали бор эди. Ана эки халтани китобдан тўлдириб, овзини бовлаб, қаерда китоб қаратадиган бор экан деб элма-эл қидириб юрган эди. Ҳориб-чарчаб чатмоға байталини боғлаб, чотмада чой ичайин деб ўтиргонда Ҳуризъфарон мийиғин тортиб, қопидан кириб кела берди. Ассаломмалайкум, қози эшон. Ваалайкум ассалом, қизим, келинг-келинг, сизлар келсангиз менинг чотномда баракат бўлади. Қарри саксон ёшда эди. Боракалло мулла бува, бир китоб қараб берақолсанг, ана энди опали-сингилга бир никоҳ тушадиган ери борми, йўқми, шундай ерни топиб берсанг, деди Ҳуризъфарон. Қози эшон дарҳол китобларни очиб-ёпиб излаб бошлайверди. У китобни олди – бу китобни олди, уни қаради, буни қаради, бир қалинроқ китобни очиб вараклаб, ўртасиннан бир қоғозни очиб, қараб айтди, боракалло. Шу китобда бор экан, Опали-сингилга никоҳ тушади деб ўртасина ёзиб қўйған экан, чебинаммас, ино кора. Боракалло қози эшон, никоҳ тушади деябер, деб алина созини олиб, Ҳуризъфарон бир сўз айттар бўлди:

Бир сўзим бор агар айтсам мен сиза,  
Қозим, манго никоҳ тушар деякўр.  
Бир ривоят топиб берсангиз биза,  
Қозим, манго никоҳ тушар деякўр.

Одамзод элидин бирор келибдур,  
Менинг ақлим, хаёлимни олибдур.  
Жоним олиб ёнар ўтган солибдур,  
Қозим, манго никоҳ тушар деякўр.

Мен санго от билан чопон берайин,  
Сўрасанг боғ ила бўстон берайин.  
Ҳар чаккамдан ўттиз бўса берайин,  
Жоним қозим, никоҳ тушар деякўр.

То ўлгунча сенинг билан бўлайин,  
Хизматингда ҳар дам тайёр турайин.  
Истаганча олтин-кумуш берайин,  
Аммо қозим, никоҳ тушар деякўр.

Ҳуризаъфарон дер санго йигларман,  
Айриликдан жигаримни доғларман.  
Шугун ёр йўлинда белим боғларман,  
Жоним қозим, никоҳ тушар деякўр.

Ана шўл вақтда Ҳуризаъфарон, қози эшонди мойил қилиб, қози эшон бунга қойил бўлиб, Ҳуризаъфарон юз минг жилва, ўттиз икки ноз-ишва билан, ана қошин кериб, мийигин тортиб, қоқирдоб кулиб, бўйниннан қўлини солиб, саксан икки яшар қози эшонди қучоқлаб, ана қози эшон-да талтайиб туриб, ана Ҳуризаъфароннинг ҳар чеккасиннан ўттиздан бўса ола берди. Ана қарздан қутилдим, қози эшон, яна олажақ нарсаларинг бўлса айтабер то умрим ўтганча бера бераман. Қозининг курак тишлари Ҳуризаъфароннинг юзларини дандана юритгандай йириб-йириб кетган эди. Қози эшон айтди, энди ҳақиқий синглинга бориб айтабер, опа-сингилга никоҳ тушади экан деябер, деди. Ҳуризаъфарон бу сўзни эшитиб, олчанглаб-булчанглаб, оёғи ерга тиймасдан Ҳурилиқонинг олдина келди. Ҳурилиқонинг қўзи опасининг чаккасиндаги тишнинг изларина тушди. Боракалло опам қозини поралаган экан-ов, деди. Кейин опасидан сўради: бордингизми?, Бордим, кўрдингизми? Кўрдим. Қани қози эшон қандай ривоят қилди? Боракалло қози эшон бир эмас, ўн саккиз ериннан никоҳ тушади деб айтди: Боракалло бу пораланған қози эшонни бир кўрайик қани, Ҳамројон айтди боринг, кўринглар. Опали сингил экави дусурлашиб қози эшондинг чотмасиға қараб жўнадилар. Қози эшондинг ёнина келдилар, Ҳурилиқо паризоднинг ранги ўчиб, қони қочиб келганини кўриб, чўгирмаси дилдираб сакраб ўрнидан турди. Ҳурилиқо қалтираб қўрқиб турган қозига қараб бир сўз

айтди. Айтувчи Ҳурилиқо паризод, эшитувчи Ҳуризаяфарон билан қози эшон, күрайик, қани не деган экан:

Хуш тушибсиз қозим бизнинг орага,  
Жоним қози, тўғри жавоб беракўр.  
Қози бўлсанг қизма сира пораға,  
Жоним қози, тўғри жавоб беракўр.

Ёлғон сўзлаб дилим этма ғамхона,  
Пора олиб тиржаясан пинҳона.  
Рост сўйласанг, чорлаб келдим меҳмона,  
Қозим, манго рост жавобин беракўр.

Эр кишининг ақли сира чошарми,  
Ақли чошиб, ўзи ҳаддан ошарми.  
Пораларни олиб феъли чоташарми,  
Қозим, манго рост жавобни беракўр.

Қийнамагил мени ширинжонимни,  
Оқизарман тандан қизил қонингни.  
Йўқ қилурман санинг хону монингни,  
Аммо қозим, тўғри жавоб беракўр.

Ҳурилиқо айтур бағрим порадур,  
Бу ишқнинг ўтидан қалбим яродур.  
Тўғри сўйламасанг бахтим кародур,  
Аммо қозим, рост жавобин беракўр.

Қози эшон муни эшитиб, ана қалтираб қолди, шунда Ҳурилиқо ханжарини қўлига олиб, қани китобни кўрсат, мен бир қўрайин, қани қаеринда ривоят бор опали-сингилга никоҳ тушади деган, деб қозининг устига бора берди. Қози эшон ўйланди, китобни қўлина беришга кўркди. Боракалло, қизим, элаштирма, саксоннан ошган қаррида ҳақиқат онг бўлами, ана никоҳ тушмиди деган ерини тушади деб юбарган эканман. Ҳеч қачон опали-сингилга никоҳ тушмайди деб қози дўниб тура берди. Шўл вақтда Ҳуризаяфароннинг аъзои-андомина ўт тушди. Илондай заҳри, аждардай қаҳри келди. Боракалло қози эшонга қараб, ҳей қози, сен не ваъда бериб ваъдангда турмайсан, деб қизишиб бир сўз айтар бўлди:

Аввал не ваъдалар этдинг,  
Кел ваъдангда турғил, қози.  
Шу билан мени не этдинг,  
Маслаҳатинг бергил, қози.

Юзингга чекарман қаро,  
Сени айларман садпоро.

Сени осурман миноро,  
Билганингни қилғил, қози.

Билмай қилибсан ишингни,  
Топибсан алдар кишишнини.  
Кесурман сени бошингни,  
Имонингни ўқи, қози.

Гапдан қайтма қўрқоқ қози,  
Бўлайин мен сеннан рози.  
Кўнглима эндиригил ёзи,  
Бир яхшилик қилғил, қози.

Хуризъфарон не қилсин,  
Томинг устинга йиқилсин.  
Кизинг мендай ошиқ бўлсин,  
Шунда билгил қадрим, қози.

Хуризъфарон қози эшонға қахраланиб-заҳарланиб, анчама сўзларни айта берди. Қози эшон ҳайрон бўлиб, чўгирмаси сакраб, сони қалтираб, ана ер ёрилса кирағойсам, сангсам бўлса ботагойсам деб, анов муйша, мнов муйша босаберди. Эй қози эшон, сени қиличдан ўтказган билан дунё ўликка тўлмас, менинг юрагим совимас, сени шаҳардан бадар қилиб эл-юртдан чиқариб дарбадарликка юбарурман. Чўли жазирада ўлинг қолсин сенинг. Халқни айнитадиган, алдийдиган қозисан сен. Шунда Ҳурилиқо айтди: Эй опа, сен бори эки дунё шармандаси бўлдинг, юзи қора бўлдинг, қози эшонға ўттиздан пўса бердинг. Ана энди пўсаларингди қайтадан сўраб турибсан. Юзи қора бўлдинг, йўқ бўл. Ҳурилиқо паризод қози эшонди-да, опасини-да уриб-сўкиб ҳайдаб юбарди. Ана Ҳурилиқо энди ҳаммасидан қутилиб, боракалло, қўшинларни-да тарқатиб, ўзининг майхонасиға келиб, айшу ишратда, нози неъматда Ҳамроҷон билан бўлиб ёта берди. Ана Ҳуризъфарон бўлса бор қўшиндан айрилиб, юзи қора, элга шарманда бўлиб, ана бу ватанни тарқ этиб, юртдан чиқиб кетди. Қози эшонда юртдан чиғиб кетди. Ана Ҳурилиқо билан Ҳамроҷон Эрам боғида ана давру давронда, завқу сафода ёта берди, ой-кунлар ўта берди. Бир куни Ҳамроҷон туриб, сахарнинг файзли вақтинда Ҳурилиқоға айтди: Эй паризодим биз экавимиз давру давронда завқу сафодамиз, аммо менинг эки оғам «борса келар», «ногумонға» кетдилар, ўлардинг ўли-тирисин билмадим. Энди мен шў эки оғамди излаб қайтсан, манго рухсат берсанг, ничик бўлар экан? Ҳамроҷон Ҳурилиқодан рухсат олиб, эки оғасини излаб йўлға равона бўлди. Боса-бос, сура сур, шосувор отини миниб, ана бир неча мазгиллар юрди, тоғдан, қирдан, чўлдан ошди.

Ана йўл айриладиган дарбандга келди. Дарбандга бориб, ўйланди: булардинг экави-да мен билган акалар бўлса «борса келар»га кетади деб, «борса келар»га тушиб кета берди. Бироз мазгил йўл юриб, шахри Дехқор деган шаҳарга борди. Ана бу шаҳарда қиз подшо деган бир подшо бор эди. Бу қиз сатранж ўйнаб, одамларди утиб, ана мол-дунёсини олиб, дарбадарликда қўяр

эди. Боракалло Ҳамрожон ана буларди излаб борса, эки оғаси Хуршид, Зевар шаҳри Дехқор шаҳрининг бозорида бирави каллапазда ичак-қорин артиб, кунда бир қарич ичак апкелиб, шуни қайнатиб еб қун кечириб юрар эди. Яна бириси саллоҳлардинг хизматинда бўлиб юриб эди. Тирноқлари, соч-соқоллари ўсиб кетган, усти боши дарам-дарам бўлиб кетган, афтода ҳол бўлиб қолған эди. Ҳамрожон буларни таниди, аммо эки оғаси буни танимади. Ҳамрожон каллапазга бориб, оғасини инъомини тўлаб, саллоҳдан экинчи оғасини инъомини тўлаб, озод қилди. Уларди олиб келиб, кийим берди, ҳаммомға туширди, соч-соқолларини, тирноқларини олдириб, олдинги ҳолина келтирди. Сўнг сўради: оғалар мени танирмисизлар? Улар айтди: танимадик, лекин кўзимизга иссик босилиб турибсан. Қани ўнда бўлса берроқ келинглар деб, куйлагини кўтарди. Ҳамрожоннинг ёвурнидоғи жуфт хол кўринди. Водариғо, иним Ҳамрожон деб эки оғаси-да йиглаб, бир ҳоллар бўлди. Ана Ҳамрожон эки оғасини олиб, саройға олиб бориб уч қун чойхонада бўлдилар. Шунда Ҳамрожон сўради: қани оғалар, бу шаҳарнинг не сирлари бор. Унда оғалари айтди, боракалло бу шаҳардинг сирлари шуки, бу шаҳардинг подшосини қиз подшо дерлар, келган одам билан сатранж ўйнар. Ана биз ўйнаб, олтин-кумушимизни утиздиқ. Ҳамрожон айтди шу қиз подшоға мени-да олиб боринг, мен сизлардинг ҳорномусингизди олиб берайин. Ана булар қиз подшонинг сатранжхонасинага бордилар. Хуфтон, намозгар вақти эди. Қиз подшо улкан қандилди ёқатўвин эди, улкан бир сирли пишиғи бор эди. Қиз подшонинг утиш сири шу пишиқда эди. Ҳамрожон айтди: бу пишиқди йўлини биз топамиз деди. Шу ерларда бир хирмонжойи борми? Топилар, деди оғалари. Шаҳардинг сиртина чиқдилар. Ана хирмонжойидаги кудининг тийиннан эки сичқон югуруб ўта берди. Ҳамрожон биравини тутиб, оёғина йип тоғиб, қўлтиғина қистириб қўяберди. Қун ботди, хуфтонда қиз подшонинг ёнина борди. Ана сатранж ўйнашға талавонман, деди, ўйнадилар. Биринчисида Ҳамрожон уттириди, экинчисида-да уттириди. Ана учинчи марта охирги шартга келишдилар. Ана қандилди ёқди. Пишиқди апкелди, сатранжни ташли берди. Шу вақтда Ҳамрожон қўлтиғидага сичқонди ёздириб юбарди. Ўзингизга маълум, **сичқонди қўрса пишиқди жони йўқ-ғу.** Ана сичқонға қараб ўзини отди, қандилди синдириб ўта кетди. Қоп-қоронғи бўлди. Шунда Ҳамрожон эса қиз подшони бигирдатиб боса берди. Шунда қиз подшо айтди: Тўхта, мен утилдим, ана менинг амалимни топдингизлар, энди биз сиза танимизди баҳш этармиз, не тиласангиз берармиз, деди. Шунда Ҳамрожон айтди: Сиз биза керак эмассиз. Менинг эки оғам бор, шулардан холаганингизга тиясиз, деди. Қиз айтди, вўнда мен Хуршид оғангизға тиярман. Ана Хуршидға қиз подшони олиб бердилар. Қирқ қун тўй-томуша бўлди. Ҳамрожон от чопдирди, нақра сурнай тортдирди, олтин қобоқ отдирди. Шўл вақтда Ҳамрожон хурсанд бўлиб от чопдирлиб юриб эди. Эки оғаси ўтириб, айтдилар: бу зангар экавимизни каллапаз билан саллоҳдан кўтарди. Бизни кулликчиликдан кўтарған зангар қиз подшони утиб, бизларга апперган зангар, аввалам отамиз муни яхши кўрар эди. Энди тилимиз қисик бўлди, бу бизларни сўйлатмас, деди. Муни эртаракдан амалини қилайиқ, деб эки оғаси шивирлаша берди. Боракалло, экиси шайтон феълига кета берди. Ана Ҳамрожон булардан бехабар от ўйнатиб юра берди, кечда тўй тамом бўлди. Шунда Ҳамрожон айтди: Хуршид, Зевар оға,

сизлар шу ерда қоласиз, мен отамди хизматина кетаман. Ҳово, шу булбулигүё қушди, Дарбандда қўйиб қайтдим. Ана шуни олиб кетмасам бўлмиди. Сизлар неда бўлса шу ерда қола берасиз. Боракалло вўндан бўлса, бу тўғри келмас, энди неда бўлса, иним, сен билан биз-да кетамиз, бизарга қиз ҳам керагамас, туз ҳам керагамас. Вўндан бўлса, қиз подшодан рухсатди олинглар, қиз подшо рухсат берса, харжи харажатни нўмай олиб, йўлға равон бўлармиз. Ана булбулигүё қушни олиб, отамизни хизматина борамиз, деди Ҳамроҳон. Боракалло энди булар йўлға тушиб, жўний берди. Харжи харажатни олдилар, яроғ-анжомни осдилар, қиз подшо рози бўлиб, қоптолларина навкарларди қўшиб, Дарбандга келинча 40 отли йигит олиб келди. Дарбандда қирқ отли йигитга жавоб бердилар. Уч оға-ини товдинг кавагинда ўтириб, чой ичдилар, чилим чекдилар, дам-тинчини олдилар. Ҳамроҳон айтди: анов тошди тийинда булбулигүё қуш бор, Зевар оға, апкил, деди. Зевар оғаси қушди олиб келди. Боракалло иним, хайрли ишди энди қилдинг, ота хизматини янго битирдинг, қарздан қутлибсан, иним, дедилар оғалари. Ҳамроҳон айтди, оғалар сизлар уйхланг, дами тинчингизди олинглар, мен сизларга қоровул бўлин, эртанг тонг билан йўлға тушамиз. Ман дами тинчимни олғанман, деб ўзи товдинг тепасина чиқиб, ханжарини тошға қайраб, тонг оттириди. Эки оғаси эса уйхламай, Ҳамроҳон ҳорроқ кетса шивирди билан бўла бердилар. Аммо булардинг хаёли Ҳамроҳонди шу чўлда ўлдириб кетмак эди. Боракалло Ҳамроҳон булардан бехабар, нишатарини билмади, тонг отди, қани оғалар йўлға тушамиз, деди. Булбулигүё қушди Ҳамроҳон иярдинг қошина маҳкам тонғиди. Ана Ҳамроҳондинг қалқон совутлари, зар чакман, чўгирамлари, тилла наҳалли этиклари, кун билан чоғилишиб бораберди. Боракалло бир ничча мазгил йўл юрдилар, тоғдан, қирдан, чўлдан ошдилар. Бир жойға келганда Ҳамроҳонға оғалари айтди: Энди сен уйхлаб дамингни ол, бизлар қоровуллик этамиз, дедилар. Улкан оғаси қоровулликда турди, Ҳамроҳон билан Зевар уйқуға кетдию Ҳамро яхши уйқуға кетиб эди, яrim тонгдан ошиб эди, тонг намози вақтда яқинлашиб эди. Шунда Хуршид Зеварни турткилаб уйғота берди. Кани иним, шугуннан яхши кун йўқ, даррўв Ҳамроҳондинг ишини питирали. Ҳамроҳонди даррав товди кавагина олиб кирдилар. Ана Ҳамроҳонди ётғон еринда туйдирмасдан, билдирмасдан, эки оёғини ерга тийдирмай йипди бўйнина солиб суйраб ўта кетдилар. Ана Ҳамроҳон гоҳ эсина келиб, гоҳ эсини йўқотиб бора берди. Товди кавагина опориб, ўлдирмакчи бўлиб, ханжарди томоғина солмоқчи бўлғанда ердан овоз чиқди: Эй, Золим оғалар, эй золим эмчакдошлар, Ҳамроҳонди бу ерда жонини қабс қилсангизлар, сизларнинг жонингизни етти қат ер тийина қабс қилармиз. Ана оғалари бу ердан олиб, уни бошқа ерга суйраб кетдилар. Яна чалқанча ётириб ханжар солажоқ вақтинда Ҳамроҳон бир қушина келиб, қўзини очиб, оғаларина қаради, уларга айтдики, эй оғалар, мени ўлтирган билан дунё ўликка тўлмас, Отам Ҳамро қани, деганда не деб жавоб берасизлар, деб бир сўз айтар бўлди:

Оғалар, оғалар золим оғалар,  
Ўлдириб қолманглар менинг қонима.  
Учимиз-да бир отанинг боласи,

Ўлдириб қолманглар менинг қонима.

Сизлар кетсангизлар мунда қоларман,  
Очилмайин гулдай бўлиб сўларман,  
Якка ўзим зори-гирён бўларман,  
Ўлдириб қолманглар менинг қонима.

Кишининг оғаси шундай бўларми,  
Укасининг паймонаси тўларми,  
Киёматнинг ёқасинда қоларми,  
Ўлдириб қолманглар менинг қонима.

Бир сўз айтмай ўлар бўлдим энама,  
Ажал яросини чекиб сийнама,  
Золим оға мени мунча қийнама,  
Ўлдириб қолманглар менинг қонима.

Ҳамро айтар армон билан кетарман,  
Айрилиқ дардиннан йиғлаб ўтарман,  
Энди ҳаргиз ажал илгин тутарман,  
Ўлдириб қолманглар менинг қонима.

Бу сўзларни айтиб, Ҳамрожон йиғлий берди. Шунда Хуршид айтди, эй Ҳамрожоним, тақдиринг бизларни қўлимизда. Минг йиғлаганинг билан фойдаси йўқ. Тақдирига тан, қазоға рози туурсан. Шўл вақтда ердан яна овоз чиқди: Ҳей зангарлар, раҳм қилинглар, бегуноҳ, ноҳақ қонни нечун тўкасизлар, раҳм қилинглар, ота дийдорига етсин. Раҳм қилмасангизлар сизларни етти қат тов тийина қабс қиласиз. Оғалари муннин қўрқиб Ҳамрожонди яна янтоқма-янтоқ, чангала-чангала, ўйма-ўй, тўбама-тўба суйраб кетаберди. Юзи кўзларини тошлар тирналий берди, хўрланди-зўрланди, рангининг сориси тўрт бармок бўлди. Шунда бир тумпак кўринди, шу томона суйраб опорамиз деб туриб, ўйландилар, биз Ҳамрони нера опорсоқ овоз чиғади, энди нишатамиз. Бир қуи бўлса энди шуғо ташлаб кетаберсак, ҳорроқ борийик, бир карвончиларнинг қуиси йўқмикан, деб Ҳамрони мослиқ суйрагандай суйраб кетдилар. Қарасалар алдларидан бир кўна қуи чиғиб қолди. Ана Ҳамрожонди шу қуифа ташлаб, ана бунинг қуилакларини олиб, йўлдан бир йиртқич ҳайвонди отиболиб, қонина булғаб, Ҳамрожонди бўри еб кетди, деб борамиз деб маслаҳат этдилар. Бир вақтларинда Ҳамрожон хушина келди у ёқ-бу ёқина қараса чуқолоқда ётибди. Боракалло армаланиб қараса эки кўзи-да йўқ, кўзини ўйиб ташла-ған эканлар. Ана кўзим қайда деб зор йиғлаб, чоҳнинг ичинда ётиб оғаларимни чақирайин деб, бир сўз айтар бўлди:

Муннан кетар бўлсанг золим оғалар,  
Ҳарна кўрганингни баён дегайсан.  
Ёлғиз ўғлинг қолди чоҳнинг ичинда,

Ўлгани йўқ омон-эсон дегайсан.

Қора ери кўзларима тўлдирдинг,  
Мани чоҳ ичинда бугун қолдирдинг.  
Гул умримни хазон этиб сўлдирдинг,  
Ҳамроҳонинг чоҳ ичинда дегайсан.

Ёмон савдоларға йўлиқди бошим,  
Кўзим ўйиб, чоҳа солди қардошим.  
Захардир еганим, заққумдир ошим,  
Йўлдошим илону чаён дегайсан.

Беллариға ҳиммат нурин боғлаган,  
Фироқ ўти билан юрак доғлаган.  
Кимдир ул деб йўлға қараб йиғлаган,  
Шоҳ Хисров отама салом дегайсан.

Тўққиз ой, тўққиз кун мени кўтарган,  
Парво айлаб камолатга етирган.  
Саҳарларда манго оқ сутин берган,  
Мехрибон онама салом дегайсан.

Юрагимдан ҳаргиз кетмас бу доғим,  
Вақтига етмайин сўнди чирофим.  
Гулзор эди хазон бўлди бу боғим,  
Гулжамил синглима салом дегайсан.

Ҳамро деяр, баҳтим қаро бўлибдур,  
Ажал этиб шум паймонам тўлибдур.  
Лошим бугун чоҳ ичинда қолибдур,  
Юрак-бағри тўла армон дегайсан.

Боракалло Ҳамроҳон кўзи йўқ, чоҳнинг ичинда тахти равонда ўтиргандай бордош қуриб, зор йиғлаб ўтира берди. Унинг овозини эшишиб оғалари айтди, буни ўлди десак ҳали тирик эканғў. Буни дами-думи чиқмасдай эттиқ. Бу шундай зор этиб ётса йўлдан ўтган йўловчи, бозорчи, буни сингсиб ётғон товушини эшишиб, қутқариб олар, бу хабар отамизға этса, дарғазаб бўлар, деб шу ердаги катта тошларни келтириб қуйиға ташлиберди, ҳар тош тушганда Ҳамроҳон устига чиқиб ўтира берди. Шунда Ҳамроҳон ўйлади, энди дамимни чиқарсам, қуйини бутунлай кўмиб ташлар булар, шунинг учун индамайин, булар йўқолиб кетсин. Бир савдогар ё йўловчи мени чиғариб олар деб дамини чиқармай ёта берди. Шунда оғалари муни ўлди деб, фотиха ўқиб, дераверсин айтиб, булбулигўёни Хуршид отининг ияри қошина маҳкам тонғиб, Ҳамроҳоннинг отини етаклаб, йулға равона бўлдилар. Боса-бос, сура-сур бир

неча мазгил йўл юрдилар, қирдан, чўлдан ошдилар. Йўлдан бир кийикни отиб, қонина Ҳамроҳонди куйлагини ботирдилар. Шундеги, улар Миср вилоятина кириб келдилар. Буларнинг олдина оғасининг дардинда зор йиғлаб ўтирган Гулжамила чиқди. - Қани оғам қани? Оғанг йўқ, оғанг келади, ина отини апкилётимиз, ина куйлаги деб ўтабердилар. Гулжамила турли хиёлларға кетиб, оғасини соғиниб, зор йиғлаб бир сўз айтди:

Ҳасратингда хаста жонни ўтга ёқарман қардошим,  
Сени дейиб ҳар тарафлар мен боқарман қардошим.  
Кунда сени ёд этиб уйдан чиқарман қардошим,  
Изласам энди сени қайдин топарман қардошим.

Бу дунёning завқ-сафосин қўрмадинг сен оғажон,  
Бирга ўйнаб, бирга кулиб юрмадинг сен оғажон.  
Келиб менинг аҳволимни сўрмадинг сен оғажон,  
Изласам энди сени қайдин топарман қардошим.

Беркитиб биздан сиринг айтмай ўтди водариф,  
Синди шохи гуллари очилмай ўтди водариф.  
Фоний дунё мазасини билмай ўтди водариф,  
Икки оғаси қўлидин кулмай ўтди водариф  
Изласам энди сени қайдин топарман қардошим.

Бермади жабри фалак оғамни ишига ривож,  
Нечук айлаб ётдинг эй чоҳ ичра сен нозикмижоз  
Найлайн ман бандай бечорадурман ноилож.  
Наилож ҳеч қўймади баҳт сира бошинга тож  
Изласам энди сени қайдин топарман қардошим.

Гулшани боғи Эрамда бир гули раъно эди,  
Бир латофатлик ниҳол, бир гули танҳо эди.  
Икки дунё ичра бўлғон гавҳари дона эди,  
Ой юзли, ширин сўзли бир аслзода эди,  
Изласам энди сени қайдин топарман қардошим.

Гулжамила, энди қолдим зори саргардон бўлиб,  
Ёш тўкиб, йиғлаб отам, икки кўзи гирён бўлиб,  
Ёри дўстинг йиғлашур васлингда бағри қон бўлиб,  
Бу сабабдин ман шикаста хотирим вайрон бўлиб,  
Изласам энди сени қайдин топарман, қардошим.

Ана Гулжамила бу сўзларни айтиб йиғлий берди. Боракалло Хуршид билан Зевар отасининг олдида тайёр бўлди. Отаси қучоғини очиб чиқди. Ҳамроҳоннинг отини кўрди, куйлагини кўрди, аммо ўзини кўрмади. Ҳей Хуршид, Зевар кўзимнинг, қораси жигаргўшам қани, деб сўради. Ота, биз

Ҳамрожоннинг оти билан қуйлагини топдик, ўзини йўлиқтирмадик. Ҳамро бизлардан айрилиб кетган эди, деб жавоб бердилар. Ина булбулигўё қушни апкилдик, дедилар. Ана Хисровшоҳ боласининг дардинда эзилиб бир сўз айтар бўлди:

Баланд тоғлар ҳам паст бўлди,  
Болам сенنان айрилғали.  
Кўрар кўзим кўрмас бўлди,  
Болам сенنان айрилғали.

Не савдо тушди бошима,  
Оғу қўшилди оshima.  
Ғам ёғди дегра дошима,  
Болам сенنان айрилғали.

Эзилди, бағрим эзилди,  
Умид риштаси узилди.  
Кўзимнинг нури тўсилди,  
Болам сенنان айрилғали.

Танимдан чиқадур жоним,  
Йўқдир менинг меҳрибоним.  
Вайрон бўлди хону моним,  
Болам сенنان айрилғали.

Хисров шоҳдур менинг отим,  
Юрагимда ёнар ўтим.  
Етмасми Оллоға додим,  
Болам сенنان айрилғали.

Ана бу сўздан кейин Ҳамрожоннинг энаси ҳам Хисров шоҳнинг фарёдина чидомасдан зор-зор йиғлай берди. Шул вақтда булбулигўё қуш ёнинда туриб эди. Хисров шоҳ эй занғар қуш, нодон қуш Ҳамрожон боламнинг бошина етган қуш, ана энди сенинг жазонгди берайин, қонингни мен тўкайин, деб ханжарни суғириб қушға қараб интилди. Қуш ўрниннан сакраб туриб сайраб юбораберди. Тўхтанг, подшоҳим, нодонлик қилманг, доно бўлинг, сизнинг Ҳамрожонди эки Хуршид, Зевар ўғилларингиз, чоҳға ташладилар. Вўнинг кўзини қанотимди оросинда қўйибман, деб қанотини ёйиб юборди, потраб ерга тушди. Ана кўзларни олиб, кўзларига суртиб, Хисров шоҳ зор йиғлиберди. Эки ўғлини дарғазаб бўлиб дорға осмоқчи бўлди. Шу вақтинда ана булбулигўё қуш яна сайради. Эй подшоҳим, буларни дорға чекманг, булар бориб чоҳни топиб берсин, мен қопталинда юраман. Ана шунда булбулигўё қуш Хисров шоҳға қараб бир сўз деди:

Булбулигўё қушдир, қушнинг эркаси,

Эрка кўзинг Ҳамроҳондан айрилдинг.  
Ҳамро эди одамзоднинг саркаси,  
Ёлғиз ўғлинг Ҳамроҳондан айрилдинг.

Сийман деган боғдан мени келтирган,  
Парвоз этиб бу жойларга етирган.  
Оғаларин қул меҳнатдан қутарган,  
Юрт оғаси жавланингдан айрилдинг.

Чархи фалак айрилиқни солибдур,  
Ҳамроҳонинг чоҳ ичинда қолибдур.  
Оғалари кўзин ўйиб олибдур,  
Олғир қушинг шунқорингдан айрилдинг.

Булбулигўё айтур сўзинг ростини,  
Излаб келдик тоғдинг баланд-пастини.  
Сўнгра олғил Ҳамроҳоннинг қасдини,  
Кўтар кўзинг гавҳарингдан айрилдинг.

Деб сўзини тамом қилди. Эй подшоҳим, сен мунча йиғлий берма, деди. Подшо Хуршид, Зеварни олдина солиб, халойиқ билан бирга боса-бос, сура-сур, Ҳамроҳонди излаб кета берди. Эки боласини қўлини боғлаб, булбулигўё қуш олдинда йўргалаб бораберди. Бир қанча мазгил йўл юрдилар, кирдан, чўлдан ошдилар. Ана Гулжамила синглиси, Мехрибон ойим энаси, отаси, эл-улуси билан, бора бериб, бир куни чоҳнинг бошина етдилар. Чоҳнинг бошина бориб булбулигўё қуш сайраб тураберди. Булбулигўё қушнинг сасини эшитиб, Ҳамроҳон яна оғаларидан қўрқиб, индамай ёта берди. Шунда Гулжамила кўз ёшини тўкиб, бўзлаб бир сўз айтар бўлди:

Бахти қаро синглинг келди кўргали,  
Чоҳ ичинда ёлғиз оғам бормисан.  
Сенинг учун ширин жоним бергали,  
Чоҳ ичинда Ҳамро оғам бормисан?

Ҳасратингда кўздан ёшим сел бўлди,  
Куя-куя танди жоним кул бўлди.  
Қора кўзинг ўйилибдур, кўр бўлди,  
Ҳамро акам меҳрибоним бормисан?

Сансиз ўтган қуним оху ҳижронда,  
Акам тириклиги бўлди гумона,  
Нечук кечди ҳолинг якка зиндонда,  
Нотавоним, меҳрибоним бормисан?

Мақсад муродимни олло бермаган,

Бу дунёда беш кун даврон сурмаган.  
Жафо чекиб, роҳатини кўрмаган,  
Мехрибоним, жоним акам бормисан?

Гулжамила айтур жоним, қардошим,  
Фироғингда оқар бўлди кўз ёшим.  
Ёлғизликда ҳолинг недур сирдошим,  
Ҳамро акам нотавоним бормисан?

Ана Ҳамроҷон синглисинг овозини таниб чоҳ ичинда туриб бир сўз айтди:

Миср юртдан чиқиб мани излаган,  
Оромин йўқотиб йиғлаб бўзлаган.  
Акам дейиб яхши сўзлар сўзлаган,  
Гулжамила синглим, жоним сенмисан?

Не кунларни фалак солди бошима,  
Ҳеч ким боқмас манинг қонли ёshima.  
Чўлу Сахро кечиб келган қошима,  
Гулжамила синглим, жоним сенмисан?

Ҳамро айтур, тангри берсин имоним,  
Қоронги чоҳ ичи бўлди маконим.  
Ҳеч кимса билмасин яхши ёмоним,  
Гулжамила синглим, жоним сенмисан?

Ҳамроҷон бу сўзлардан кейин кўнгли бузилиб, айтдики, эй синглим манинг ҳеч ким билан ишим йўқ, манго тейма, ман бир ўлган одамман, мани кўзгама деб йиғлиберди. Синглисида чоҳ сиртинда қичқириб йиғлиберди. Шул вақтинда Ҳамроҷоннинг энаси зор йиғлаб, чоҳга ўзини ташлаб, қурсоини бериб, ёшини тўтиб бир сўз айтди:

Бормисан чоҳ ичинда зор йиғлаган жон болам,  
Элу юрт, ота-онангдан айрилиқ тушган болам.  
Ота-энанг зор йиғлашиб келди сенинг қошинга,  
Бормисан чоҳ ичинда мубтало бўлған болам.

Бу дунёнинг можарасин чекиб ўтдинг водариф,  
Бир кун яхши давру даврон сурмай ўтдинг водариф.  
Айшу ишрат, завқу сафо кўрмай ўтдинг водариф,  
Бормисан чоҳ ичинда зор йиғлаган Ҳамроҷон.

Ота-онанг зор йиғлашиб келди сенинг ёнинга,  
Икки номард юзи қора қолди ноҳақ қонинга,  
Қасд этибон ханжар урди сени ширин жонинга,

Бормисан чоҳ ичинда бандивон бўлған болам.

Ана меҳрибон ойим, жон болам, деб зор йиғлий берди. Боракалло шўл вақтда зиндандан овоз чиқди. Эй қариндошларим, отам-энам, Гулжамила синглим, сизлара бир сўзим бор. Бир илож қилиб мени чиқаринглар, деди. Гулжамиланинг **кирқ қулоч** сочи бор эди. Сочди чоҳфа ташлий берди. Гулжамила айтди, сочимди маҳкам белинга боғла деди. Ҳамроҷон боғлади. Оғасини ё олло деб торта берди. Уч-тўрт силкинганда чиқариб олди. Кўришдилар, йиғлашдилар, бўзлашдилар. Ҳамроҷон айтди, эй синглим бошим устида бир тор соч бор, сори соч, шуни тутат, деди. Ана шуни тутатсангиз иси менинг севгилим Ҳурилиқ паризоднинг мурнига тияди, деди. Қанча халқи билан, балким солдов тортиб келар. Агар келмаса яна бир торини тутатинг. Боракалло Гулжамила сочди олиб шотирдотиб тутатди. Минг йиллик йўлда ётғон Ҳурилиқонинг мурнинг сахардинг файзли вақтинда бир ис келиб тийди, тушкуриб ўрниннан ўрра турди, менга небало бўлди, менинг севгили ёrim Ҳамроҷонга бир бало бўлди ўхшайдов деб ўйлади. Исми аъзам дуосини ўқиб, бир силкиниб юмаланди, капитарга айланди, тирноғина дам солиб қараса, Ҳамроҷон чоҳ ичиннан чиқиб турибди. Лекин эки кўзи йўқ. Коқ устихон, рангининг сориси тўрт бармоқ бўлған. Буни кўриб, Ҳурилиқ паризод бир наъра тортди, барча канизлари, хизматкорлари, ополоқ дев, шополоқ дев, ана ҳаммаси тайёр бўлди. Боринглар, занғарлар, Эрам боғини, бари юртди кўчиринг, ҳавоға кўтаринглар, ана сизлар билан Эрам боғини ҳавоға кўтариб, Миср юртиға жўнаймиз. Ҳамроҷонга биравлар душманлиқ қилған ўхшайдилар.

Ана бари, Ҳурилиқонинг полвонлари, мерганлари, канизлари, девлари, Эрам боғини ҳавоға кўтардилар. Кун чиғиш қибла томондан булат қувғандай кела бердилар. Боракалло шунда Ҳамроҷон айтди, эй халойик сал ҳайпиқиб туринглар. Кун чиғиш қибладан бир аломат келади, деди. Шунда Гулжамила айтди, оға шу кун чиғишдан бир булат келаётир, деди. Қара, Ҳурилиқ енгганг бўлмасин, деди Ҳамроҷон. Унда Гулжамила айтди, бир шаҳар кўчиб келаётирғанға ўхшайди, деди. Ана бир тўпор девлар, парилар, халойик шахари билан бирга келиб бир чеккага тушдилар. Ана Ҳурилиқ паризод каниз-кавали билан тўвинлашиб келди. Кела солиб Ҳамроҷонди қучоқлаб, йиғлашиб, бўзлашиб, санго не бўлди тўрам, кўзларинга не бўлди, тўрам, боракалло, кел залали йўқ, муни иложини топармиз, деб дарров эки кўзди олди доғин ана шу ерда бир девина буюрди, каниз қизина буюрди. Бир оқ гул, бир қизил гулни олиб қайтасизлар, обизамзамдинг сувиннан бир коса сув олиб қайтасизлар, ана кийин мунинг кўзини жойина қўямиз, деди. Бу экави жўвинлашиб учиб кетдилар. Бориб Эрам боғининг боғиннан шу гулларни, сувни келтирдилар. Ҳарилық Ҳамроҷонди кўзини шу сув билан ювди, кўзни ўрнини тозалаб, ўрниға қўйди. Оқ гул билан ўнг кўзини, қизил гул билан чап кўзини сийпалади. Кўзи қадимгидай равшан бўлди. Ана қучоқлашдилар, йиғлашдилар, бўзлашдилар. Ана энди Ҳамроҷон айтди, Эй халойик, азоб чекдик, хўрлик кўрдик, зарари йўқ, бари кечирилсин, ота Хуршид, Зеварни ўлдирган билан жаҳон ўликка тўлмас. Юртға олиб кетамиз, ўлдирманг, ота. Бу аклсизликдан, нодонлиқдан, ўқимағанликдан бўлған. Буларға уйратиш керак, ўқитиш керак, ақл ўргатиш керак. Ўлдирмасдан

бошқа бир юртға сургун қилиш керак. Отаси бунга қулок осди. Ана халойиқларина қараб, берроқ келинг бир қайтадан кўришайлик деб, қўлина созини олди. Ғазали Ҳамрожон:

Эй ёронлар, жонажонлар,  
Келинг дўстлар кўришали.  
Жафо чекди ширин жонлар,  
Келинг дўстлар кўришали.

Оқизди кўзимдан ёшим,  
Не кунларни кўрди бошим.  
Захар бўлди еган ошим,  
Келинг энди кўришали.

Қора кийиб, қон йиглаған,  
Айрилиқ бағрин доғлаған.  
Ҳасрат юрагин тиғлаған  
Онажоним кўришали.

Йиғлаб кўзи ночор бўлған,  
Ранглари сарғайиб сўлған.  
Кўнгли ғам-ғуссаға тўлған,  
Хисров отам кўришали.

Бизни тутиб чоҳа солған,  
Эки кўзим ўйиб олған.  
Қиёмат тухмата қолған,  
Золим оғалар кўришали.

Қиёматлик, чин йўлдошим,  
Сенсан менинг ҳам сирдошим.  
Эки дунёда қўлдошим,  
Хурилиқом кўришали.

Ҳамро деяр йўқ армоним,  
Сарф этинглар хону моним,  
Бошлаб беринг катта тўйим,  
Халойиқлар кўришали.

Ана халойиқлар қучоқлашдилар, ана ўпишдилар, кўзи очилди. Ана муроду мақсадларина етди. Миср вилоятина қайтди. Қирқ кеча-кундуз тўй-томуша бериб, ана ота-онасина ўғли қўшилди. Ўғли ота-онасининг хизматинда бўлди. Хуршид билан Зеварни бошқа бир юртға сургун қилиб юбарди. Хисров шоҳ қайғусиз аламсиз бўлиб, муроду мақсадина етди. Ҳамма етсин муродқа, душман қолсин уятқа.